



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2012

УДК: 821.512.133

ББК 84(4Ингл)

М 73

- Ислам Ахмедов.

Таржимон ва нашрга тайёрловчи

Иzzat АХМЕДОВ

Монте Кристонинг сирли хазинаси / Таржимон ва
М 73 нашрга тайёрловчи И. Ахмедов; –Тошкент: O'zbekiston,
2012. –216 б.

Бу олам ғаройиботларга тўла. Мазкур тўпламда дунё ажойи-
ботлари, инсон аклини шоширадиган ғаройиб ходисалар, сирли
хазиналар, Миср эҳромларининг сиру синоатлари, одамлар кўз
ўнгидаги содир бўлган мўъжизалар, буюк қашфиётлар тўғрисида
хикоя килинади.

Шунингдек, тўпламдан инсон ҳаёти ва фаолияти давомида за-
турп бўладиган ранглар, дуру жавоҳирлар, гуллар билан боғлик си-
ноатлар ва уларнинг инсон саломатлигига ўёки бу даражадаги таъ-
сири, умрбокий урф-одатлар, мусиканинг инсон рухиятидаги ўрни
хакида ва боника бир-биридан кизикарли маълумотлар ўрин олган.

Ер куррасининг ғаройиб хилкатлари хакидаги турфа маълумотларнинг ушбу жамланмасида мархум мухандис-журналист Собитхон Эшонхоновнинг кизикарли таржималаридан ҳам фой-
даланилди.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК: 821.512.133

ББК 84(4Ингл)

N1 31721
N1 291

ISBN 978-9943-01-868-6

2013/33

22/4

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012



СИРЛИ ХИЛҚАТЛАР



СЕМИРАМИДАНИНГ САМОВИЙ БОҒЛАРИ

Дунёнинг бу мўъжизаси Дажла ва Фрот дарёлари ўртасидаги Месопотамия деб аталмиш худудда жойлашган ва икки дарё оралиғидаги мамлакат маъносини англатади. Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида ушбу дарёларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Дарёлар серхосил ерларни, ям-яшил воҳаларни сув билан таъминлабгина колмай, балки Месопотамия Урарту, Эрон, Кичик Осиё, Сурия ва бошқа кўшни давлатлар билан боғлаб турган сув транспорти магистрали сифатида ҳам хизмат килган. Месопотамиянинг Бобил шаҳри – Дажла ва Фрот дарёлари бир-бирига яқинлапган ерда, мамлакатнинг кок марказида жойлашган. Қарийб икки минг йил давомида Бобил Осиёнинг йирик сиёсий-маданий ва савдо маркази бўлиб келган.

Милоддан аввалги V асрда Геродог Бобилга келган ва бу ниҳоятда чиройли шаҳар унда катта таассурот колдирган. Унга шаҳарнинг акл-фаросат ва дид билан тўғри режалаштирилгани маъкул бўлган экан. Шаҳар жуда кўп марта суронли воеалар, жангу жадалларни бошидан кечирган бўлишига қарамай, йилдан-йилга ғўзаллапиб бораверган. Айниқса, ассирияликлар Бобилга муттасил ҳужум қилиб, шаҳарни бир неча бор вайрон қилишган. Шаҳар ахолиси ўз шаҳрини мардонавор химоя қилиб, дунманга каршилик кўрсатган. Факат Ассирия подшоси Санхерибгина Вавилонни забт эта олган. Шаҳарни босиб олган ассирияликлар шаҳарга ўт кўйиб, талон-торож килдилар.

Милоддан аввалги еттинчи асрда Санхериб ўз юртини тапки душмандан мардона химоя кила олган Бобил

ахолисидан ўч олиш учун шаҳарни ер юзидан йўқотишга карор қилган. Каср ва саройлар, мақбара ва эхромлар вайрон килинди. Машхур Бобил деворлари хамда каср бинолари яксон қилинган. Бу ҳам етмагандек, Санхерибининг буйруғи билан Дажла ва Фрот дарёларидағи тўғонлар бузиб ташланган, натижада шаҳарни сув босган.

Бирок кирк йил кирғинбарот қилинса-да, бутун бир халқни қириб юбориб бўлмас экан. Босқинчи Санхерибининг ўзи эса милоддан аввалги 681 йилда сарой фитначилари томонидан катл этилади. Шуниси ажабланарлики, бешафқат подшо Санхерибининг ўғли Ассаргардон шаҳарни кайтадан тиклаган. Донгдор уста меъморлар курилиш ишларига жалб килиниб, сарой ва касрлар, жамоат бинолари кайтадан тиклана бошланади. Отаси Санхерибининг жабру зулмидан кочиб шаҳарни ташлаб кетган кишилар кайтиб келдилар. Шундай килиб, Бобил аста-секин жонланиб, яна ўзининг илгариги қиёфасига қайтди. Бора-бора шаҳар янада улуғвор ва гўзал кўринишига келган. Милоддан аввалги VI асрга келиб подшо Навуходоносор хукмронлиги даврида гуллабяшнаган, тараккӣ этган шаҳарлардан бирига айланган.

Бобилда олий маъбул ҳисобланган Мардук-Эсагил шарафига курилган мукаддас ибодатхона бўлган. Навуходоносор ибодатхона марказида 90 метрлик минора қурдиради. У етти қаватли куббалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири турли рангларга бўялган. Геродотнинг ёзишича, у миноранинг ранг-баранг қаватлари опиа энг юкори қаватига чиққан ва у ерда туриб маъбул Мардук сиймосини кўрган эмили.

Ҳозирда Бобилга ташриф буюрган минглаб саёҳатчилар бутун дунёга донғи кетган Месопотамия мўъжизаларини кўришга ошиқадилар. Улар ичida энг машҳури Самовий боғларидир. Подшо Навуходоносор замонида бунёд этилган ушбу боғ дунёдаги ҳеч бир мамлакатда йўқ эди. Шу боис ҳам боғ дунёнинг етти мўъжизаларидан бири сифатида тилга олина бошланган. Ҳозирги замон саёҳатчилари бир пайтлар Геродот тасвирлаган гўзал боғларни кўра олмайдилар. Чунки ўша боғлар ўрнида минора ва айвонларнинг вайроналари колган, холос.

Бобилдаги Самовий боғлар ҳакидаги бир афсона халқ орасида кенг таркалган. Унга кўра, Навуходоносор Каспий деңгизининг жанубий қирғоғида жойлашган Мидия мамлакати маликасига ошику бекарор бўлади. У маликанинг розилигини олгач, катта тўй килиб, ёш хотини билан Бобилга қайтган. Аммо малика Бобилнинг об-ҳавоси ва иссиклигидан кийналиб, касал бўлиб колибди. Шунда Навуходоносор Мидиянинг ям-яшил далаларини ва гўзал боғларини эслатиб турадиган боғи эрам бунёд этишга карор килади. Унинг буйруғи билан дунёдаги энг машҳур бинокор усталар, мохир меъморлар тўпланиб, ишга киришадилар. Натижада фоят катта минора бунёд этилади.

Минора тўрт каватдан иборат бўлиб, хар бир кават айланга – кубба шаклда ишланган. Айвоннинг усти камиси билан ёпилиб, устидан кора қопланган. Унинг устидан ғишт терилиб, айвонларга сув ўтиб кетмаслиги учун кўргошин пластиналар ётқизилган. Сўнг юкорига унумдор тупрок чикарилиб, бутун том бўйлаб солинган. Тупроқ шунчалик калин солинганки, унда ҳатто, кўп йиллик дараҳтларни хам ўстириш мумкин эди.

Барча ноёб гуллар ва манзарали дараҳтлар маликанинг ватанидан келтирилганди. Боғ Фрот дарёси суви билан суғорилган. Сувни тепага кўтариб берадиган чарм қовғалар ўрнатилган чархпалакни юзлаб куллар кечаю-кундуз айлантириб туришган. Ишоотнинг у қаватидан бу қаватига пушти ва ок мармар ётқизилган кенг зиналардан кўтарилишган.

Ўшандан бери орадан неча-неча асрлар, замонлар ўтди. Кўхна шаҳарлар катори Бобил хам вакт ўтиши билан вайрон бўлиб борди. Даҳшатли тошқин Навуходоносорнинг кариб вайронага айланган саройини сув остида колдиради. Бу балои-оғат Самовий боққа хам етиб борган ва калин тупрок ётқизилган томлар босиб тушган.

Афсонанинг ҳақиқатта қанчалик якинлиги, узоклигидан катъи назар, халқ кучи, истеъдоди билан бунёд этилган бу афсонавий Симирамида самовий боғлари шунча асрлар ўтса ҳамки, дунёнинг етти мўъжизаларидан бири сифатида тилга олиб келинмоқда.

БОБИЛ ҲАҚИДА АФСОНАЛАР

Ушбу мавзу қадим-қадимдан олиму тадкикотчиларни ўзига жалб этиб келган. Немис археологи Роберт Кольдевей Бобил шаҳрини кашиф этганинга қадар бу шаҳар факат афсоналарда бор деб юритиларди. Кольдевей 1899 йилда Бағдоддан 100 км жанубда тадкиқот олиб бораётганида казилма ишларининг илк куниданоқ омади келди. Мутахассислар дастлаб, эни 7, баландлиги 12 метр бўлган хом гишитли деворга дуч келдилар. Кейин эса биринчи девордан 12 метр масофада бўйи 8 ва эни 3 метрли яна бир пишик гиштдан курилган девор топилади. Шунингдек, ички деворнинг ҳар 50 метрида сокчи-миноралар бўлиб, Кольдевей улардан 360 тасини аниклашта муваффак бўлган. Шаҳар деворларининг узунлиги 18 км ни ташкил этади. Бундай мувафакиятни олим узок вактлар кутганди ва ниҳоят, 15 йил деганда орзусига эришибди.

Казилма ишлари бир неча йил давом этиб ҳар сафар олимларни ҳайратга солаверарди. Чунки уларни қадимда ҳалқ қандай қилиб бу каби меъморий обидалар мажмуини яратса олган, деган савол ўйлантиради. Масалан, парижлик заргарлар топилган тилла буюм ва безакларга маҳлиё бўлибгина колмай, балки қадимги аждодлар маҳоратига тан беришган. Изланишлар давом этиб, икки метрлик чукурликда лой катлами борлиги аникланди. Мутахассисларнинг фикрича, ўша даврда даҳшатли сув томкини соидир бўлган ва бу табиий оғатдан омон қолган ҳалқ Бобил шаҳрини қайтадан олдингидек кўркам қилишга ҳаракат килган.

Олимнинг айтишича, бундан тўрт минг йил муқаддам инсон томонидан барпо этилган ушбу шаҳар юксак тараққиётга эришган ва ўша даврлар энг йирик шаҳар хисобланган. Археологик топилмалар натижасида Кольдевей икки афсонага, яъни Семирамида Самовий боғлари ва Бобил минорасига тааллукли далилларни ҳам топди. Кольдевей Самовий боғлар ҳакида шундай дейди: Бобилнинг ишимоли-шаркий қисмида ғаройиб ертўла бўлиб, у ерда уч

шахтали кудук сакланган. Шахталар ўз даврида бинони тўхтовсиз сув билан таъминлаган. Энг қизиги, мазкур бино тошдан ясалган ва малика Семирамида Самовий богининг хамиша ям-яшил, гўзал манзарага эга бўлишида айнан шу курилма сабаб бўлган. Афсуски, бу беназир мўъжизанинг бизгача факат ертўла қисмигина етиб келган, холос. Халк афсонасида айтилишича, малика Семирамида таҳтни ўғлига топширганидан сўнг, севимли Самовий боғларидан ўзини ерга ташлаган ва қайтиб уни ҳеч ким кўрмаган.

Кольдевейнинг яна бир топилмаси афсонавий Бобил миораси бўлиб, у бутун Гарб дунёсини ҳайратга солди. Бобилликлар уни «Этеменанки» деб аташган. Пойдевори квадрат шаклли, узунилиги 90 метрни ташкил этган миорана тақдири хакида казилма чоғида топилган, сополдан ясалган таҳтачалардаги ёзувлар маълумот беради. Юон тарихчиларининг таъкидлашича, миоранинг биринчи қавати 38 метр, иккинчиси 18 метр ва кейингиси 6 метрдан, охириги қаватининг баландлиги эса 15 метрдан иборат бўлган. У ерда бобилликлар худоси Мардукка Эсагилга атаб ибодатхона курилган. Ибодатхона мовий рангли ғиштдан кўтарилиган ва олтин билан безак берилган. Узоқдан қуёш нурлари остида жилоланиб турарди. Бугунти кунга келиб миоранинг факат пойдеворигина сакланиб қолган, холос.

Миоранинг качон қурилгани номаълум бўлса-да, бирок подшохлар уни бир неча бор қайта тиклашгани маълум. Бобил подшохи Наполасар ўзининг беш йиллик ҳукмронлиги даврида миорани бир неча бор таъмирлатган, лекин уни охиригача битказиши подшохнинг ўғли Навуходоносорга насиб этган. Геродотнинг ёзишича, миоранинг энг юкори хонасида олтин стол ва заррин шолча, иккинчи хонасида эса ўз маъбудасига бағишлиб 24 тонна келадиган ҳайкал ўрнатилган экан.

Иzlанишлари чоғи Колдеъвей плита ётқизилган ажойиб йўлга хам дуч келган. Мутахассисларнинг тасдиқлашича, у чиройли, пухта қурилган ва бугунги замонавий йўлларнинг ҳеч қайсиси унга тенг келолмас экан. Қадимги қурувчилар бир метр квадратлик плиталарни худди ғишт каби териб,

ораларини кора мум билан тўлдиришган. Шунингдек, ҳар бир плитага «Мен – Навуходоносор, Бобил подшохи, ҳазрат Мардук шарафига бу йўлни курдирдим» деган ёзув битилган экан.

Подшо Навуходоносордан сўнг шаҳарни босиб олган форс подпоси Кир минорани кўриб, уни келгуси авлодлар учун сақлаб колишни буюрган. Ҳатто, миноранинг миниатюрасини қабрига кўйишларини васият қилган. Бирок замонлар ўтиб, кейинги авлод бу мўъжизани асраб қололмаган.

ТОЖ МАҲАЛ – МУҲАББАТ ҚАСРИ

Ҳиндистон ўзининг бетакрор табиати, ҳайвонот олами-ю, тарихий обидалари билан ҳамиппа сайёхларни ҳайратда колдириб келади. Худди шу мамлакатда, Агра шаҳри яқинида, Жамна дарёси бўйида бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ок мармардан тикланган ва кимматбахо тошлар билан безатилган тарихий ёдгорликларнинг энг гўзали Тож Маҳал мақбараси курилган. Унинг курилиши ҳақида жуда кўп ёзилган ва ҳалк орасида турили афсоналар юради. Аслида унинг тарихи куйидагича. XVII асрнинг бошларида Шимолий Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик қиласи киларди. Унинг севимли хотини Аржуманд Бону (Мумтоз Маҳал) бўлиб, малика ниҳоятда камтар, эрига вафодор ва содик эди. Ўткир ақл-идрок соҳибаси бўлган Аржуманд Бону ўзининг тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенги йўқ ҳусни билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор козонди. Шунингдек, у саройда тоҳ маслаҳатчиси ва муҳдорлик вазифаларини хам бажарган. Ҳатто, ҳарбий юришларда эрига ҳамроҳлик қиласи киларди.

Мумтоз Маҳал бегим 1631 йилда наъбатдаги ҳарбий юришлардан бирида, Бурхонпур шаҳрида ўн тўртинчи фарзандини туғиши пайтида 38 ёшида вафот этади. Ӯлими олдиндан эри Шоҳ Жаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишни, бопика уйланмасликни ва ниҳоят, унга атаб дунёда тенги йўқ бир мақбара бунёд этиришни илтимос қиласи. Шоҳ Жаҳон севимли маликасининг васиятларини бажарган. Вафодор

рафикасининг номини абадийлаштириш максадида унга атаб ялтирок ва ок мармардан мақбара курдирди. Мақбарага Мумтоз Маҳалнинг бошига қўйилган тож рамзи сифатида «Тож Маҳал» деб ном беради. Мўъжизавий обида истеъодли турк меъмори устод Мухаммад Исохон афанди лойиҳаси ва бошчилигига барпо қилинган.

Тож Маҳал мақбараси қурилишига Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Ирек, Арабистон, Хиндистондан ва бошқа жойлардан кўплаб машҳур меъморлар таклиф қилинади. Самаркандлик таникли меъмор Мухаммад Шариф эса бош меъмор Исохон афандининг ёрдамчиси эди. Бухоролик ҳайкалтароши Ота Мухаммад эса мақбара гумбази учига жуда мураккаб бўлган наиззани ўрнатишда катнашган. Шунингдек, Ота Мухаммад қурилган иншоотнинг мохир ҳайкалтароши ҳам эди. Мақбара қурилишига Шоҳ Жаҳоннинг шахсан ўзи бевосита раҳбарлик килган. Мақбара қурилиши кенг кўламда бошланиб, унда ишлатиладиган ашёлар мамлакатнинг турли бурчакларидан Агра шаҳрига олиб келинган. Бундан ташқари, Бағдоддан ақик, Бадаҳшондан ёкут. Нилдан гранит, Россиядан зумрад, Хинд океанидан марварид, Тибетдан феруза, Цейлондан садаф келтирилган ва улар қабртош ҳамда мақбара деворларига ишлатилган.

Дунёда тенги йўқ бу каби улкан ва бетакрор, нақшлар билан безалган ҳамда катта бир боғнинг ичида жойлап-ган мақбарани бунёд этишда 20 мингга якин қурувчиликар катнашган. Уч томони баланд кизил девор билан ўралган, бир томони эса Жамна дарёсига бориб тақалади. Бу мўъжизавий меъморий обиданинг тўрт томонида бинолар қурилган бўлиб, мақбара билан улар орасида хиёбонлар барпо этилган. Уларга манзарали дарахтлар, гуллар экилган. Шамшод дарахтлари ва турли-туман гуллар, илуфарлар билан ўралган хиёбонлар жозибали фанворалар ҳамда тилларанг балиқчалар сузуб юрган ховузли мармар майдонга олиб чиқади. Шундай улкан ва салобатли мақбара ана шу майдонда савлат тўкиб турибди.

Мақбара устига битта катта ва тўрт томонига тўрттга кичик гумбаз қурилган. Мақбаранинг тўрт томонида эса

түйе уни кўриклаб тургандек, баланд миноралар кўкка бўй чўзган. Жимжима накшлар ўйиб ишланган мармар эшикдан ичкарига – мақбарага кирилади. Саккиз бурчакли катта зал, унинг ўртасида Мумтоз Маҳал бегимнинг сағанаси, чап томонида Шох Жаҳоннинг кабри жойлашган. Ҳар иккала сағананинг нақш безаклари бир-бирига ўхшаш. Мумтоз Маҳал бегим кабрига кўйилган сағана яхлит Цейлон кора мармаридан ишланган. Сағана тошининг гир айланасига 64 туп нилуфар гули накіпланган. Бундан ташкари, баҳор элчиси лола тасвири ҳам моҳирлик билан ўйиб ишланган. Ҳар бир лолага 32 донадан садаф, ёқут, зумрад, фил суюги, марварид ва бошқа кимматбахо тошлар қадалган. Бир пайтлар бу сағанани жаҳонда энг катта – 117 киротли «Кўхи нур» деб номланган яшил олмос безаб турган. Айrim сабабларга кўра, у Англияга олиб кетилган, дейишади. Бу олмоснинг бир бўлаги ҳозирда инглиз кироличасининг тожини безаб турибди, бир бўлаги эса Буюк Британия музейида сақланмоқда.

Мақбара шундай маҳорат билан қурилганки, қуёш уфқка ёнбошлигар пайтда Тож Маҳал ажиб бир кўринишида товланиди. Ок мармар қуёш ёғдусида пушти рангда жилоланади. Мақбара тунда ҳам жуда чиройли ва гўзал жило бериб турди. Тарихчилар, меъморлар ва санъаткорлар Тож Маҳал мақбарасини бобурийлар яратган барча обидаларнинг чинакам тожи дея атайдилар. Уни Истанбулдаги Аё-София жомеси, Афинадаги Парфенаси, Миср эхромлари, Парижнинг машҳур бутхоналари, Бирманинг олтин ибодатхоналаридан ҳам гўзалроқ дейишади. Кундузи офтоб нурида силлик мармар ялтираб, гўё мақбаранинг ўзи нур сочаётгандай товланиб кўзни қамаптиради. Ушбу обиданинг жаҳон мўъжизаларидан бири сифатида тан олингани ҳам бежиз эмас.

Ҳар йили бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан юз минглаб сайёхлар ташриф буюриб, Ҳиндистоннинг бу улуғвор ёдгорлигига таъзим бажо келтирадилар. Буюк ватандошимиз бобурийлар авлоди томонидан яратилган дунёда тенги йўқ, мислесиз санъат копонасига, уларнинг

ижодкорлигига койил қолиб, тасаннолар айтшади. Орадан неча-неча асрлар ўтса ҳамки, Тож Маҳал ўзининг салобати, гўзаллиги, муҳташамлиги, бетакрор нақш ва гулларининг нодирлиги билан ҳамон инсонларни ҳайратга солиб келмоқда. Уни кўрганлар ва гўзаллигидан лол колганлар мақбарани «Тошдаги достон», «Мармарга битилган орзу», «Чин муҳаббат ёдгорлиги» дея таърифлашади. Кимки ушбу жойга ташриф буюрса, бу афсонавий обидани, яъни инсон акл-заковатининг тенгсиз мўъжизасини кўрмасдан кетмайди. У ҳакиқатан ҳам муҳаббат қасридир.

ИЗСИЗ ЙЎҚОЛГАН ҚИРОЛЛИКЛАР

Тарих сахнасида шундай шахарлар, қиролликлар бўлганки улар вақт-соати билан изсиз йўқолган. Жанубий Америкадаги буюк тамаддунга асос солган, кўз кўриб, кулок эшиитмаган иншиотларни барпо килган қадимий хинду қабилалари – майя, ацтекларнинг ўз-ўзидан ғойиб бўлгани ҳакида кўп эшиитганмиз. Бирок тарихда қабила у ёқда турсин бутун бошли қиролликларнинг изсиз йўқолгани ҳакидаги маълумотлар ҳам учрайди.

Шулардан бири Керма қироллигидир. Қадимги Мисрга тенгдош бўлган қироллик даври милоддан аввалги 2500 йилдан 1520 йилга қадар давом этган. Маркази Юкори Ну比亚 – хозирги Судан ва Нил дарёсининг шарқий соҳили оралиғида жойлашган бўлиб, Қадимги Мисрнинг ўрта қироллигидаги асосий савдо-сотик маркази бўлган. Бу ерда императорларнинг мақбараларини ҳам учратиш мумкин.

Тибет тоғидаги Гуго қироллигига таҳминан X асрда Глагнинг ўғли Дарма асос солган. Етти асрдан сўнг номаълум сабабларга кўра, қироллик парчаланиб кетади. Унинг ўн минг кишилик ахолиси беному нишон йўқолган. Ушбу қадимий салтанат қолдиклари ўзининг корли тоғлари, муздек ва зилол кўллари, ибодатхоналари билан машхур Нгари водийсидан топилган.

Сабаэн кироллиги ахолиси милоддан аввалги 2000 йил ва милодий VIII аср оралиғида ҳозирги Яман давлати худудида истикомат қилган. Кироллик даврига оид Алмага деб аталувчи ибодатхонанинг дарвозалари ва ички хоналари яхши сакланиб колган. Бундай иншоот курилишида асосан ёғоч ва ҳарсанг тошлардан фойдаланилгани муҳим аҳамиятга эга. Ибодатхонанинг олд томонига Саби киролларининг улкан ҳайкаллари ўрнатилган.

Ғаройиб шаҳарлар каторига Кхмер тамаддунинг олтин даври ҳисобланган IX–XIII асрлар, яъни Камбужия кироллиги ҳукмронлиги йилларига тұғри келадиган Ангкор Ватни қўшиш мумкин. Ушбу кироллик номи кейинчалик Камбоджа давлати номига асос бўлган. Камбужия пойтахти Ангкор ҳозирги Камбоджа ҳудудининг ғарбida жойлашган эди. Жаяварман VII даврида Камбужия сиёсий ва маданий жихатдан гуллаб-яшнаган. Пойтахтдаги қаср ҳаробаларидан унинг миноралари хиндуизм маркази ҳисобланадиган Меру тоғига ўхшатиб барпо қилинганини билиб олим кийин эмас. Минораларнинг тепасидаги маъбудалар тошдан йўнилган.

Когуро салтанати. Хитойнинг Жилинь ва Ливонинг вилоятларида Когуро маданиятига мансуб учта – Вуну, Гусней ва тоғли Ванду шаҳарларининг ҳаробалари сакланиб колган. Когуро (баъзи тарихий манбаларда Когурё, деб ҳам юритилади) кироллиги вакиллари милоддан аввалги 227 йилдан милодий 668 йилгача Хитойнинг шимолий ҳудудлари ва Корея яриморолининг шимолий сарҳадларида ҳукмронлик килишган.

Сукхотай тарихий хиёбони Таиланд шимолида жойлашган. Ушбу шаҳар Сукхотай салтанатининг бош кенти эди. Унинг гуллаб-яшнаган даври XIII–XIV асрларга тұғри келади. Шаҳар леворлари тұртбұрчак шаклда бүнёд этилган бўлиб, умумий майдони 70 қвадрат километрни тапкил этган. Иншоотнинг ички кисмida кироллик саройи қолдиклари ва 26 та ибодатхона топилган бўлиб уларнинг энг каттаси Ват Махатма, деб номланади. Хиёбон Таиланд маданият департаменти химояси остида ва ЮНЕСКОнинг дунё ёдгорликлари рўйхатига киритилган. Бу ерга кадимиий

Будда хайкали, бузилган сарой мажмуаси ҳамда ибодатхоналар харобаларини кўриш учун ҳар йили минглаб сайёхлар ташриф буюришади.

РАНГЛАР СЕХРИ

Ранглар инсон рухиятига жуда катта таъсир кўрсатади. Ранг иш унумини оширишга, касалликларни даволашга, ҳатто савдо дўйонларидағи касод молларни харидорларга ўтказишга ҳам кодир. Кўпгина мамлакатларда рангларнинг бу хусусиятларидан яхшигина фойдаланадилар. Японияда кизик бир тажриба ўтказилган. Хонадонларнинг ҳар бири муайян рангга бўялган иморатга бир-бирини танимайдиган бир гурӯҳ кишилар таклиф этилган. Олинган натижа эса ғаройиб. Қизил рангли хонага киритилган мутлако нотаниш кишилар бир пасда ўзаро апоқ-чапок бўлиб кетишган, ҳазил-мутойиба ҳам килиб ўтиришган. Ҳаворанг хонага ўтишганда негадир ҳаммасининг дами ичига тушиб, жимиб колишган. Шу зайл рангларнинг рухиятга, кайфиятга таъсири яна бир карра тажриба килиб кўрилди.

Қадимда баъзи халқларда, ҳатто, яра-чакаларни ҳам ранглар воситасида даволашган экан. Ранг ёрдамида даволаш тажрибаси табобатда ҳозирги кунда ҳам учрайди. Жигарни оч-кизил ранг, бош ва товонни мовий ранг, нафас йўлларини ложуварл ранг билан тузатиш мумкинлиги хакида маълумотлар бор.

Ранг одамнинг холати, рухиятини кескин ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, қизил ранг юракни каттикроқ тепиингга унданб, кон босимини оширади. Мовий, яшил ранглар эса аксинча, асабларни тинчлантиаркан. Сарик ранг мия фаолиятини жонлантиради, киши эс-хушини бир нуктага жамлаштиради. Тўқ кулрангта бўялган хоналарда ишлайдиган кишилар бошининг кўп оғриши, ҳафсаласизлик, қизил рангли автомобиллар эса аварияга кўп учраши кузатилган. Бу ҳол рангларнинг ўзига хос сехрли жихатлари билан изохланади.

Ранг хонадон мухитига хам ўзгартыриш киритиши мумкин. Бир хил ранглар, айтайлик, ошхонага ёки ётоқхонага мос келса, бошқа хиллари меҳмонхонага ёки болалар хоналарига тұғри келади. Майин яшил ва мовий рангларнинг дам олиш учун қулай, осойишта шароитни вужудга келтириши, хонани көнг ва баҳаво килиб күрсатиши диккатта лойик. Бу ранглар бүш соатларда хордик чикариш учун эң мақбул хисобланади. Кизғыш ва сарик ранглар иш кобиляти ва унумини ошиаркан. Бирок ранг одамнинг табиатига мувофик келиши керак. Тортинчок, одамови кишиллар тинч рангларда бўялган хоналарда ўзларини яхши хис килишлари аникланган. Серғайрат, жўшқин одамлар тоза, ёркин рангларни хуш кўрадилар. Қулранг ёки ҳаворанг сингари бўёклар – оғир вазмин, иззатталаб кишилларни жалб этади. Бўшант, юмшоқ табиатли инсонлар пушти ва шу каби нафис рангларни яхши кабул киладилар. Тажовузкор, бекарор шахслар эса кора рангни афзал кўрадилар.

Оила аъзолари тўпланадиган хоналарга ўткир ва кескин ранглар тұғри келмайди. Чунки улар одамни чарчатади. Умумий хоналарнинг ранглари кўнгилни яйратиши, лекин машғулотлардан چалғитмаслиги керак. Майин яшил ранг шу талабга жавоб беради. Бундай хонада дарпарда, гилам ва диванга ўхшаш бошқа жиҳозлар кизил бўлиши мумкин.

Ётоқхона ранги уй сохибларининг таъби ва феълига боғлиқдир. У оромбахш бўлиши, шу билан бирга одамни бўшаштирмаслиги хам керак. Акс холда эрталаб ўриндан туриш кийин бўлади. Бу ранг – пуштидир. Бошқа майда-чыйда жиҳозларнинг ранги хона эгалари табиатига мувофиқлаштирилиши мумкин. Сипо кишилар жиҳозларнинг оқларини, харакатчанлар яшилларини, кизиконлар эса тўқ кизилларини танласалар максадга мувофик бўлади.

Ошхонада сарандом-сарашталик рухи ҳукм суриши керак. Шу сабабдан бу хонага ҳаммабоп ок ранг муносиб. Бу ранг ошхона саҳнини кенгайтириб кўрсатиб кўзни алдайди, хонани савлатли килиб кўрсатади.

Аклий мөхнат учун ажратилган хона биринчи навбатда фикрни жамлашга хизмат килиши лозим. Хона ранглари кишига илхом келтириши, вакти-вакти билан мияга дам бериш вазифасини хам утталашы зарур. Табиийки, хона эгаси-нинг кайфиятига хам ижобий таъсир этиши лозим. Бундай мақсадларга мовий ёки сарғип ранглар мувофик келади. Болалар хонаси учун тавсия этиладиган энг аъло ранг – сариқдир. Негаки, машғулотлар учун хам, эрмаклар учун хам бу ранг бирдай кулагай хисобланади.

Рангларнинг ижобий хусусиятлари хақида яна кўп фикр юритиш, баҳс қилиш мумкин. Бирок унинг туб моҳиятига этиш кийин. Нима булганда ҳам рангларда инсонларни ўзига жалб эта оладиган бир хусусият борлиги хақида кадим-кадимдан фикрлар мавжуд. Бунга кўшилмаслик ёки бирон бир бошқача фикр билдириш кийин. Чунки кимгадир ёккан ранг бошка бировга ёқмаслиги мумкин. Ёки аксинча, кимлир ёқтирган ранглар сизга ёқмайди. Азал-азалдан рангларда қашдайдир сеҳр борлиги тӯғрисида тарихий манбаларда жуда кўплаб маълумотлар учрайди. Мутахассислар хам бунинг бекорига эмаслигини таъкидлайдилар. Аммо бу борада изланишлар бир лаҳзага бўлса ҳам тўхтагани йўқ.

РАНГ ДАВОЛАЙДИ

Табиатдаги нимаики яратилган бўлса, агар унинг даволигини билсангиз у инсонга шифодир. Ҳар хил ранг киши рухиятига турли даражала таъсир этишини олимлар аллакачон аниклаб бўлишган. Америкалик олимлар беморлар истеъмол киладиган хапдорининг ранги уларнинг тезрок тузалишларида замалий ёрдам беришини аниклашган. Асабий ҳаяжонланиш касали билан оғриган беморга сарик ёки лимон рангли хапдори берилса, тезрок соғаяр экан.

Кулранг ёки олча ранг хапдори уйкусизлик давоси. Оғрикни босишга оддий оқ рангли дори истеъмол килган маъкул. Айрим холларда дори ўрнида бўялган нейтрал думалок нарса кўллаш ҳам мумкин экан.

ТАНТАНАЛАР САБАБЧИСИ

Инсон қалбини нозик гулга бежиз киёс этишмайди. Чунки гуллар азал-азалдан севиб ардокланиб келинган. Хўш, сиз ўзингиз ёктирган гуллар тарихини биласизми? Қуйида уларнинг айрим турлари хақида қизикарли маълумотлар келтирамиз.

Қадимги Греция ва Римда атиргул севги рамзи ва тантаналар маликаси хисобланган. Унинг гулбарги дилдаги орзуладар унвалини маъносини англатган бўлса, ранги шарм-хаё, иффатни билдирган. Қадимги юонон келинлари бошларига атиргулдан гулчамбар такканлар.

Уни поклик рамзи сифатида Биби Марям гули деб эъзозлашади. Афсоналарда айтилишича, фаришталар Биби Марямга оқ, сарик, кизил атиргуллардан учта гулдаста ҳадя этишган экан.

Лолагуллар оиласига мансуб нилуфаргул азал-азалдан тўғрисўзлик ва ҳалоллик рамзи сифатида кадрланган. Қадимги римликлар бу гул ўсган жойга ёмонлик йўлламаслигига ишонадилар. Шундан бўлса керак, пул бирликларига унинг тасвири туширилган. Фарангларда энг азиз инсонларга нилуфар тақдим этиш одатий ҳолат. Қолаверса, уларнинг одатларига кўра, йигитлар севган кизларига ҳар куни оқ нилуфаргул бериши шарт бўлган.

Накл қилишларича, Биби Марям қизалоқлик пайтида кечалари осмонга караб барча юлдузлар гулга айланиб колса-ю, бариси менини бўлса, дея ният қилган экан. Шундан сўнг тонг отиб, куёш чикибди-ю, чор атроф юлдузлар мисол оқ гулларга бурканибди. Бу мўъжиза барчани хайратга соглан. Биби Марям эса ўша кундан бошлаб дасторгулни ардоклай бошлабди.

Қадимда германияликлар дасторгулни севги худоси сифатида кабул қилишган. У севги гули ёки қуёш келини деб ҳам аталган. Ўрта асрга келиб бу гул йигит ва кизнинг дил изхорини билдира бошлади.

Табиийки, оловранг чиннигулга кўзингиз тушини биланок, кўнглингиз равшан тортади. Шунинг учун бўлса

керак, бу гул француз инкилоби даврида подшо тарафдор-ларининг рамзий белгиси хисобланган. Чиннигулни хар хил бало-казолардан асраб, ғалаба келтиришига ишонган ахоли жангчиларга ундан гулдасталар ясаб, ирим сифатида ҳадя қилишган. Наполеон ўзининг тарихий оламшумул ғалабалари сирини айнан шу гулдан деб хисоблаб, жанговар нишонларга унинг рангини танлаган экан.

Германияда марваридгул қүёш ва баҳор худоси Остария-нинг гули хисобланган экан. Ривоятларга кўра, у тўлин Ой ёргутида ўз жамолини кўз-кўз килиб, кимларгадир хурсанд-чилик ато этармиш.

Хризантемани қадимги японлар қүёш гули деб атапланган. Шу боис Япония миллий байроби, пули ва энг олий нишонларида айнан ушбу гул тасвирланган. Ҳаттоки, уй шифтла-ри ҳам шу гул рангига безатилган. Соғлом ва узок яшаш учун хризантемани баданларига суртиб юриш одатий тусга айланган экан.

Бу гулни хитойликлар «илохий гул» деб таърифлашади. Шунинг учун Хитой тақвимининг 9 ойи ҳам унинг номи билан аталади. Ривоятларга кўра, хризантемадан тайёрланган ичимлик умрни узайтиаркан. Нима бўлганда ҳам инсонларнинг гулларни севиши бежизга эмас. Неча-нечча асрлардан бери инсонлар уни севиб ардоклаб келишади. Инсоннинг энг кувончли, унутилмас кунларида, катта-катта тан-таналарда ҳам гуллар совға килинади. Ҳаттоки, йигитлар ўз севгилиларига биринчи навбатда гул совға килишида ҳам катта рамзий маъни мужассам. Гуллар одамларнинг умрига мазмун, кувончига-кувонч кўшадиган рамзий бир маъни касб этади. Шунинг учун ҳам биз уни севамиз ва ҳамиша бир-биримизга гуллар тақдим этаверамиз.

ГУЛДАН ОЛИНГАН ЭФИР МОЙИ

Атиргулдан олинадиган мой таркибида фнилатил спирти, гераниол, нерол, цитронеол, эвгенол ва бошқа мураккаб эфирлар бор. Бундай мой кимматбаҳо ва ноёб хисобланади. Чунки бир килограмм атиргул мойи олиш учун уч милли-

ондан ортик гул япроги бўлиши керак. Қадимдан Шарқ халклари тиббиётида атиргулдан фойдаланиб келинган. Унинг гулбаргидан мураббо ва гулканд тайёрланган. Гулкандан сурункали ва ўткир йўтал, дармонсизлик, камқонлик, офтоб уришида ва дизентерия каби касалликларни даволашда фойдаланилган. Атиргул мойи хозир асосан парфюмерияда қўлланилади.

Тиббиёт олимларининг маълумотларига қараганда, ок рангдаги атиргулнинг гулбарглари таркибидаги қатрон (смола) ҳамда шиллик моддалар ични юмшатувчи ва гижжа хайдовчи хусусиятларга эга бўлса, кизили гулбаргларида катехин, кверцетин, цианин каби моддалар мавжуд. Бу моддалар дизентерия, меъда ва ичак йўллари яллиғланганида даво ҳисобланади. Қизил атиргул мойидан томок оғриғи ва милкларни даволашда фойдаланилади. Уни уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. Қизил атиргул гулбаргларидан эзилган 5–10 г суюқлик икки стакан қайнок сувга аралаптирилади. Бу дамлама ёши катталар учун бир кунлик, болалар учун икки кунлик меъёрdir.

Атиргул беор ўсимлик ҳисобланиб, 20–26 даража совукка ҳам бардош беради. Уни наъматакка пайванд килиш ҳамда қаламчасини экиш йўли билан кўпайтирилади.

ГУЛДАСТА ЯСАШ – САНЪАТ

Гуллар кадим-қадимдан инсон ҳаётига файз бағишилаб келган. Турли маросимлар, тантаналарда нозик туйғулар, эзгу тилаклар ифодаси сифатида гулдаста ҳадя килиш одати энг тўзал анъаналардан биридир. Умр йўлдошига у севган гуллар ёки атиргул ҳадя килинади. Ёш келинга бокиралик ва ёшлиқ рамзи сифатида бегубор оппок гуллар энг яхши совғадир. Жуссаси нозик келинчакларга катта, беўхшов гулдасталар топшириш одобдан эмас. Бундай ҳолларда ихчам, бежирим гулдаста ёки гулсават ярашади.

Гулдасталар ҳар хил бўлиши мумкин: немисча деб атападиган – бир томонлама, ёки узун-калта гуллардан даста-

ланган – инглизча ёки яшил шохчалар, жимжима барглардан атлас тасмалар билан боғланган замонавий тури.

Гулдасталарни хонага ўрнатипп услублари ҳам ҳар хил, лекин ҳаммаси XII–XIII асрларда машхур япон мактаби – икебана таъсирида шаклланган. Икебана – нозик гул дасталаш санъатидир. Унинг бош ғояси – ҳар гул, ҳар япрок, ҳар бута жо этган чирой, мохият тўла намоён бўлсин, гул орқали гулдаста ижодкорининг табиатга муносабати акс этсин. Икебана манзараси уни ясаган кишининг ўша дамдаги кайфияти, ҳолатини билдириб туриши ҳам сир эмас. Икебана учун кўп ёки қиммат гул керак эмас. Баъзан бир дона гул ҳам етади. Унинг ёнига шаклдор бир-иккита бутоқ ёки яшил чирмовик тиркалса бас – мохир қўллар сехри билан тугал асар бунёд этилиши мумкин. Икебананинг имкониятлари бенихоя катта ва кенг. Унинг негизида теран фалсафа ётади. Шаклидаги уч ўзак чизик – Само, Инсон ва Замин рамзиdir.

Тик ўрнатиладиган энг баланд бутоқ – Само рамзиdir. У биринчи даражали ахамиятга эга бўлиб «шин» деб аталади ва шу мақсадда энг бакувват ҳамда соғлом гул танланади.

Иккинчи даражали «сое» деган бутоқ – Инсон рамзиdir. У биринчисидан 1/3 га калта бўлиши ва худди биринчи бутоқдан киясига ўсиб чиккандай килиб жойлаштирилиши керак. У олд ёки ён тарафга этилиб туради.

«Хикае» деб аталадиган учинчи бутоқ Замин рамзи хисобланиб, аввалги икки бутоқнинг пойида, қарама-карши йўналишда, ётиқ холда жойлаштирилади.

Гулдаста ясашдан аввал ўсимлик ва гуллар махсус тайёрланиши, уларга мос идиш танланиши керак. Бутоқлар синдирмасликка харакат килиниб, эҳтиётлик билан икки қўллаб кайрилади ва зарур шаклларга солинади. Гуллар ҳам ортикча япроқлардан, кераксиз тиканлардан тозаланади. Сўнгра уларга тароват бериш ва кўпроқ сакланиши учун яна баъзи ишлар килинини керак. Уларнинг энг осони – гул ёки бутани сув остида кирқини – «мизукири» деб аталади. Химик моддалардан ҳам кенг фойдаланилади. Гул ва буталарнинг мувозанатини саклама учун ҳар хил мосламалар.

түйногичлар, кум ва ҳоказолар ишлатилади. Идиш сифатида ликоб ҳам, пиёла ҳам, коса ҳам, сават ҳам, хуллас күл остида нимаики топилган барча буюм ярайди. Асосийси – идиш ва гуллар узвий бир мазмунга хизмат килиши керак.

ГУЛ – МУҲАББАТ ТИМСОЛИ

Гул – муҳаббат тимсоли. У нафакат шеъриятда, балки инсон тафаккурида ҳам аллақачон тимсолга айланиб улгурган. Энтикиб-энтикиб гулни узатаётган йигит севгилисига гул тилида севгисини изхор этаётган бўлади. Кизариб-бўзариб гулни олаётган қиз эса оддийгина гулни эмас, бутун бир бошли муҳаббатни қўлида ушлаб турибди. Ўша энтикиш ва кизарипи атрофида айланадаётган гул, албатта, кип-кизил бўлади. Яъни кизил гул муҳаббат тимсоли ва дил изхори тилидир. Хуллас, гул ва унинг ранги инсон туйғусини ифода этиш тилига айланган. Мексикада шундай бир гул ўсадики, у билан ҳамма туйғу ва ҳолатларни бемалол ифода этса бўлади: у тонгда – ок, тушга яқин – оч кизил, тушда – тўқ қизил, шомда – яшил, кейинрок – тўқ яшил, тонгга яқин эса – яна ок рангда кўзга ташланади. Бундан ҳам кизиги, факат ок рангдалиги пайтида ўзидан хушбўй ифор таратади.

ШИФОКОР ГУЛЛАР

Уйдаги тирик гуллар кўзни кувонтириб қолмай, шифо ҳам берар экан. Яшил рангдаги ўсимликлар кўз ва асабларни тинчлантирувчи восита хисобланади. Улар ажратиб чикарадиган фитозтонциллар эса ҳавони тозалайди. Олимларнинг аниқлапича, хонада гуллар канча кўп бўлса, ҳаводаги зарарли микроблар икки баравар кам бўларкан. Агар ишхонангизда атиргул мойидан бир томчисини ҳавога сепиб юборсангиз, бир неча дақика ичидаги чарчоғингиз тарқаб, ўзингизни енгил хис қиласиз.

Геран гули ҳавони шу кадар яхши тозалайдики, ундаги чант-ғубор кўз очиб юмгунча, йўқ бўлади. Бундан ташқари, геранни ётокхонага кўйсангиз, кўзлар равшанланиб, асаб-

ларингиз дам олади. Алоэнинг эса хислатлари сизга маълум. Уни шифокор-ўсимлик деб аташлари бежиз эмас. Барглари яра-чакага шифо. Аммо ундан сикиб олинадиган суюклик ошкозон ва буйрак хасталиги, кон босими кўтарилиб турдиган ҳомиладор аёлларга тавсия этилмайди. Мухтасар килиб айтганда, гулларнинг шифобахшилиги хакида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

ГУЛЛАР ШОХИ АТИРГУЛ

*Россия императори Николай Павлович хукмронлиги даврида бир генералга унинг онасини Царское селодаги боғда сайр килдиришда ҳамроҳ бўлиш топширилади. У подио онасини кузатиб борар экан, йўл ёкасида бўм-бўш жойни кўриклаетган сокчига кўзи тушади. Генерал ҳар канча суриштирмасин, бўш жойга сокчи нега кўйилганини хеч ким тушунтириб беролмайди. Факатгина коидаси шунака дейиншарди, холос. Шунда генерал Санкт-Петербургдаги мутасадди тапкилотлардан маълумот сўрайди. Маълум бўлишича, ўша жойда 50 йилдан бери сокчи алмашинар, бунга тегишли фармонда «шарқий павильондан 500 кадам наридаги пост кўриклансин» дейилган жумла бор экан.

Генерал кейинчалик ҳам ушбу ҳайратланарли ҳол сабабини аниқлашдан тўхтамаган ва ниҳоят, унинг туб моҳиятига етган. Маълум бўлишича, Екатерина II ўз хукмронлиги даврида боғ бўйлаб сайр килаётганда, йўл бўйида эндигина очилган гўзал атиргулга кўзи тушибди ва уни эрта тоңгда набираларидан бирига тақдим этишни ният қилибди. Битта-яримта узуб кетмаслиги учун атиргулни кўриклиш учун сокчи кўйдирибди. Аммо эртаси куни атиргул унинг ёдидан бутунлай кўтарилиб кетибди, пост эса ўз жойида қолаверган. Йиллар ўтибди, Екатерина II ҳам ҳаётдан кўз юмди. Атиргул аллакачон ҳазонга айланган, бирок ўша ердаги сокчилар эса алмашишда давом этаверган. Аммо атиргул Россиянинг совуқ ўлкаларига келгунга қадар катор ғаройиб саргузаштларни бошидан кечирган...

* * *

Қадимда Ҳиндистонда кимки шохга атиргул келтирса, ундан истаган тилагини сўраптга рухсат берилган. Шунингдек, ҳиндлар дунёдаги энг гўзал аёл Лакшми 108 та иирик ва 1008 майда япроқли атиргул ғунчасидан пайдо бўлган, деб хисоблашади.

* * *

Эронда шоирлар атиргул шаънига жилд-жилд шеърий сатрлар битишган. Айтишларича, гуллар шоҳига опик бўлиб колган булбул атиргулни бағрига босган экан. Шунда гул танасидаги тикан булбул бағрига кириб, калбидан чиккан қон атиргулга сачраган. Шунинг учун бу гулнинг ташки япроқлари тўй қизил рангта эга, деган накл ҳам бор.

* * *

Миср маликаси Клеопатра хиёнатидан гумонсираган Марк Антонийга ўз муҳаббатини кўйидагича изхор килтан: атиргул гулдастасига заҳар сепиб, зиёфат чоғи Антонийнинг кўлидаги қадаҳга заҳарли атиргул япроқларидан солибди. Саркарда қадаҳни энди оғзига яқинлаштирганда Клеопатра унинг кўлидан тутиб, тезда ўлимга буюрилган биронта жиноятчини келтиришларига фармон берган. Жиноятчи келтирилган, малика унга ҳалиги қадаҳни тутган... жиноятчи шу ернинг ўзидаёқ жон берган. «Кўрдингми, агар сенсиз яшай олганимда эди, сендан осонгина кутулиб кўя колган бўлардим», деган экан шунда малика унга.

* * *

Афсоналар юрти Юнонистонда шоирларнинг айтишича, атиргул муҳаббат маъбудаси Афродита баданини коплаган оплок кўпикдан пайдо бўлган. Афродита денгиздан чиқиб келганда унинг баданидаги гўзал гулларни кўрган маъбудлар хайратда қолибди, унга мангулик суюклигидан сепишган экан. Шу боис атиргул хушбўй ҳидга ҳам эга бўлган эмиш. Лекин гул инсонларга мангу яшаш хислатини ато эта олмаган, бунга кимниятгир ҳасадгўйлиги ҳалал берган экан.

* * *

Италияга атиргул Юнонистондан келтирилган. Тантанали маросимларда унинг япрокларини юкоридан сочиш урфга айланган. Император Гелиогабаланинг базмларидан бирида гул япроклари шу кадар қўп сочилганки, баъзи меҳмонлар хушбўй хиддан бўғилиб колишган. Ўша даврларда Рим кўчалари атиргул исига шу кадар тўлиб кетганки, бунга кўнникмаган киши унинг исидан эс-хушини йўкотган. Чунки ҳар бир муюлишда, чоррахаларда атиргул савдоси авжига чикканди. Ҳатто, «атиргуллардан гулчамбар тўкувчи» касби ҳам бўлган экан. Римда атиргул биржалари ишлаган ва уларда маклерлар гул олди-сотдиси билан шуғулланишган.

* * *

Францияда ҳам атиргул юкори эъзозланган ва уни кўпайтиришга ҳар кандай одамга ҳам рухсат берилавермаган. Бундай нуфузга эга бўлган киши байрам кунлари шаҳар кенгашига атиргуллар келтириш мажбуриятини оларди. XIV асрда Францияда ғалати одат урфга айланганди. Қироллик кенгани олти нафар рухоний ва олти нафар оддий одамдан иборат бўлади. Улардан қайси бирининг иши судга тушгудек бўлса, кенганидагиларга атиргул тарқатиши шарт эди. Бунинг учун саройда, ҳатто, атиргул етказиб берадиган хизматкор ҳам тайинланган. Лекин XVI асрга келиб кенгаш аъзолари ўртасида турли хусуматлар келиб чикиши бу одатга чек кўйган.

* * *

XIV асргача Англияда атиргулни билишмаган. У пайдо бўлгач, тезда одамларнинг севимли гулига айланди. У бирбирига хусуматда бўлган Йорк ва Ланкастер хонадонларини ҳам ўз хусни билан лол колдирган эди. Йорклар гербida ок аигиргул, Ланкастерларнида эса кизил атиргул шакли акс этган. Шунга кўра Англия тахти учун Эдуард Йорк ҳамда Генрих VI Ланкастерлар олиб борган уруш кизил ва ок атиргуллар жангига, дея аталади.

* * *

Бир пайтлар Германияда атиргул ғицарлар ўртасида як-кама-якка курашга чакириш рамзи эди. Шунингдек, у аёллар томонидан рицарларга бериладиган тухфа ҳам саналган. Бу мухаббат таклифи қабул килинди, деган маънони англатарди. Ҳонимлар юзни ёшартириш учун атиргул япрокларини ёнокларига қўйишган. Атиргул ёғи ва арилардан тайёрланган дамламасидан сочни ўстиришда фойдаланишган. Атиргул барги ва япроғидан йиғилган шудринг билан кўз шамоллапи даволанган.

* * *

Россияда Пётр I нинг боёнларидан бири Гаврил Головкин яхшигина мирипкор бўлиб, Москва якинидаги ховлисида ажойиб атиргул богини барпо эттирган. Ундаги гулларни парваришилари учун Англиядан боғбон олиб келинганди. Лекин боғдаги ишлар биргина инглизга оғирлик килгани сабабли унга бир қанча боғбонлар ёрдамчи қилиб бириктириб қўйилган. Улардан бири атиргул кўпайтиришда шундай ўз маҳоратини кўрсатадики, ҳатто инглиз боғбонини ҳам ҳайратда қолдирди. Бундан таъсирланган граф ўша дехқонни оиласи билан озод этиб юборган ва унга Розанов (роза – атиргул сўзидан) фамилиясини берган. Шундай қилиб, гуллар шохи атиргулнинг дунё кезиши ажойиб ва гаройиб воқеа-ҳодисалар, афсоналарга сабаб бўлган.

Атиргул мамлакатимизда ҳам эъзозланади, тўй-тананаларнинг бу гулсиз ўтиши кийин. Маълумотларга қараганда, республикамизда атиргулнинг 19 хил тури мавжуд экан.

ТУШГА НОПИСАНД БЎЛМАНГ

Туш – инсоннинг иккинчи умридир. Тушда бизга реал таассуротларимиз, орзу ҳаёлларимиз, эртакнамо ва саргузаштларга бой болалик онларимиз ҳамроҳ бўлади. Уларда келажак ҳаётнинг қандай кечипини фараз қиласиз. Барча даврларда туш таъбирлари мутахassisлар томонидан

йиғилған маълумотларда буюк халқ донишмандлигининг ажойиб кўринишларидан бири дейип мумкин.

Кадимги юнонларнинг буюк шоири Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонларида тангрилар одамларга ўз амрларини етказмок ёхуд уларни хавф-хатардан огоҳ этмоқ учун тушида инсон киёфасида намоён бўладилар. Маъбуда Афина уйқудаги Навсиканинг тушига унинг дугонаси киёфасида кириб, унга тонг палласида кирғокка борипни буюради. Ҳалокатта учраган Одиссейнинг кемаси шу тариқа куткариб колинган.

Манбаларда таъкидланишича, туш ҳакидаги машхур китоблардан бирини милоднинг II асрода Артемидор яратган. Шу мавзуда қалам тебратган кейинги муаллифларнинг аксарияти унинг китобидан андоза олган, дея келтирилади. Артемидор асосий эътиборни туш рамзларини белгилапга қаратган. Унингча, тушда оёқ кўринса – қулни, бош – отани англатади. Сувдаги дельфин – эзгулик, курукликтагиси эса ёмонлик аломати хисобланган.

Даврлар ўтипи билан туш рамзларининг изохи ҳам ўзгариб бориб, муайян тарихий давр турмушини белгиловчи омилларга асослана бошлигар. Тушнинг икки тури мавжуд: рамзий ва қароматли. Қароматли тушлар рамзийларига нисбатан кам кўрилса-да, барибир инсонларни ҳайратга солади. Уйку терапияси мутахассислари бундай тушларнинг илмий изохи устида ҳамон бош котиришмоқда. Шундай ходисалар мавжудки, одамлар ўнгда еча олмаган мураккаб ҳандасавий масалалар, топишмоқларнинг ечимини тупда топишган. Инсоният капіф қилган буюк ихтиrolарнинг бир калчаси тушда яратилганлигини тасдиқловчи мисоллар тарихий манбаларда кўплаб учрайди.

Франциялик машхур файласуф, математик, физик ва физиолог Рене Декартнинг эътироф килипича, шахсий дунёкараши батамом тушида шаклланган экан. Айтишларича, 1619 йилнинг 10 нояброда Рене қароматли туш кўрган ва унда келажакдаги илмий ишларнинг асосий йўналишлари намоён бўлган эмиш. «Ҳақиқат Рухи тушимда менга барча фанларнинг ўзаро алокадорлиги ва боғликлиги муам-

мосини англатди», деган эди Декарт. Файласуфнинг мана шу тушидан сўнг яратган асарлари кейинги даврдаги фан тараккиётiga катта таъсир кўрсаттани маълум.

Дмитрий Менделеев кимёвий унсурлар жадвалини дастлаб тушида кўрган. Олим кимёвий жадвал тузиш борасида анча вакт бош котиради. Бирок уни қандай тузишни билмай кийналаётганди. Ажойиб кунларнинг бирида уни тушида кўрган. Уйкудан уйғонгач, дарров тушида кўрган жадвални тузишга киришади ва дунё аҳли хозирда биз фойдаланаётган мукаммал кимёвий унсурлар жадвалига эга бўлади. Бу нюхоятда улкан, оламшумул вожеа эди.

Машхур рус самолётсози, конструктор Олег Антоновнинг номи кўпчиликка таниш. Кўп юк кўтаришга мўлжалланган «Антей» самолётининг кўйрук канотини қандай ихтиро қилгани хусусида ўзи шундай деган: «Кўйрук канотининг қандай бўлиши ҳакида кўп ўйладим, талай хисоб-китоблар кильдим, канот шаклларини чиздим... Аммо бирорта шакл мос келмасди. Бир куни тушимда самолёт кўйругининг ажойиб шаклидаги каноти кўз ўнгимда намоён бўлди. Мен хатто, сапчиб уйғониб кетдим. Тунги чироқни ёқиб, бир варак қоғозга канот чизмасини туширдим ва яна котиб ухладим. Эрталаб чизмани кўлимга олиб, шундай оддий ечим ўнгимда хаёлимга келмаганидан жуда таажжубландим...»

Франция императори Наполеон Бонапартнинг ҳам Ватерлоо якинидаги сўнгги жанг олдидан кароматли туш кўргани маълум. Императорга тушида жангларда эриппган барча ғалабалари кўринган. Бу ғалабалар кўлларида шон-шуҳрат рамзларини кўтариб келаётган гўзал аёллар киёфасида намоён бўлибди. Сўнгги аёлнинг оёклари кишиланган ва конга беланган ҳолатда эмиш. Бу мағлубият аломати эди. Император тушида ўз кўшинларидан душман томонга югуриб ўтган кора мушукни ҳам кўрибди. Туш ўнгидан келиб, эртаси куни Наполеон аскарлари иттифокчилар кўшинлари томонидан тор-мор килинган.

Ривоят килишларича, оғир касал бўлиб ётган Амир Темурнинг кўзғалишга ҳам мадори етмас, факат Сароймулк-

хонимгина унинг ахволидан кечаю кундуз хабар олиб турарди. Тунлардан бирида толиккан хонимни уйку элитиб, шинакка кетади-ю, шу захоти сесканиб уйғонади. Табийки, уйғонгани ҳамоно ҳукмдор ётган түшакка күз ташлайди. Аммо не кўз билан кўрсингни, тўшакда ҳеч ким йўқ эди. У сапчиб ўрнидан туриб ташкаридаги эшик посбонидан ҳукмдорни сўрайди. Посбон таъзим ила коронғилик томонга испора қиласи. Хоним ўша томон бораркан, кичикрок тепалик устида турган кора бир гавдани кўради. Бу жаҳонгир Темур эди. Елкасида чопон, чукур хаёлга чўмганча коронғиликка тикилиб турарди.

Хоним: «Бу қандай гап, улуғ амир? Қаҳратон қиши, изғиринли тунда касал ҳолингиз билан бу ерда туришингизда не ҳикмат бор?» деб уни ичкарига бошлайди. Темур ўрнига ётгач, хоним яна бу ғайритабии ҳаракатнинг сирини сўрайди. Сохибкорон ҳўрсениб, ох тортгач, шу кеча кўрган тушини сўзлади: «Ҳар икки чеккаси баланд қамишлар ўғсан катта йўлдан отимни елдириб кетаётган эдим, тўсатдан йўл четидаги қамишлар шитирлаб қолди, мен ўша томонга карадим. Карадиму, ҳайратдан жиловни тортиб тўхтадим. Қамишзордан падари бузрукворимиз шитоб ила чикиб келар эдилар. Мен ҳайрат ичига отдан тушиб, отамнинг истиқболига юра бошладим. Аммо падари бузруквор менга илтифот қилмай, олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар-жабдуғини ечиб олди ва яна тўқайда ғойиб бўлди. Мен катта йўл устида гарангсиб, салт от ёнида турганим ҳолда уйғониб кетдим. Бу хосиятсиз туш даҳшатидан ташкарига чиққанимни ҳам сезмай колибман... Паймонам тўлғонга ўхшайдур...»

Дарҳақиқат, эртаси 1406 йил (17 шаърон 807 йил) 18 февраль, чоршанба куни шом билан хуфтон намози ўртасида жаҳонни ларзага келтирган машҳур саркарда ва буюк ҳукмдор Амир Темур хаётдан кўз юмган.

Маъсуд бин Усмон ал-Кўхистонийнинг хикоя килипича, Абдуллатиф Мирзо шаҳар четида жойлашган «Боғи майдон» (тарихчи Мирхондинг ёзишича «Боғи чинор»)да айш-ишратга машғул бўлиб, кайфи ошиб ухлаб қолган. Тушшида номаълум бир киши кўлидаги усти харир рўмол билан

ёпилган лаганни унинг олдига қўяди. Абдуллатиф охиста кўл чўзиб, лаган устидаги рўмолни кўтартганда, ўзининг кесилган бошини қўриб, даҳшатдан кичкириб уйғониб кетади. У қўркинчли туш таъбирини Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сидан топмоқ истагида жавондан мазкур китобни олиб, тўғри келган варагини очиб ўқиди. Унда куйидаги форсий байт ёзилган экан:

Падаркуш подишио хиро нашояд,
Ва гар тояд ба шаш мохи нашояд.

Мазмуни: «отасини ўлдирган подшоликка нолойиқдур, агар лойик бўлганда ҳам (подшоҳлиги) олти ойдан ошмайдур».

Шаҳзода кўрган тушидан, боз устига, унинг таъбиридан кўркиб, бу бехосият боғдан чикиб, шахар томон кетаётганида Бобо Ҳусайн баҳодир камондан отган ўқдан қулаб тушади ва шу захотиёқ жон беради. Бу мудхиш фожия ҳижрий 854 йил рабби ул-аввал ойининг 26-сида, мелодий 1450 йил 9 май куни содир бўлганди.

Буюк итальян шоири Дантенинг «Илохий комедия» асарига тааллукли бир ғаройиб ҳодиса мавжуд. Муаллиф вафотидан сўнг «Жаннат» поэмасининг сўнгги кисмидаги ўн учинчи шеър матни йўқлиги маълум бўлади. Шоирнинг дўстлари ва таниш-билишлари Данте поэмани тугаллапига ултурмагандир, деган хаёлга борадилар. Шундан сўнг улар Дантенинг ўғиллари Якабо ва Пьеродан отасининг асарини якунлаб беришни илтимос қилилган. Гап шундаки, улар ҳам шоир эдилар. Йиллар ўтиб борарди... Кунлардан бир куни Якабо туш кўради. Ёзувчи Бокаччонинг айтишича, тушида отаси ўғлига шеър ёзишни тўхтатишни ва тайёр ўн учинчи шеърни қаердан топиш мумкинлигини айтган. Якабо қок тун ярмида уйғониб, отасининг қадрдан дўсти Пьер Жиардинонинг уйига йўл олади ва кўрган тушини унга айтиб беради.

Тушида буюк Данте ўғлини қўлидан ушлаб ўзи илгари яшаган хонага бошлаб боради ва деворлардан бири олдида тўхтаб: «Узок вакт излаган нарсанг мана шу ерда», – дейди.

Шу тундаёк Якабо ва Жиардино Данте вафот этган уйга келишади. Якабо тушида кўрган хонани дарров таниди. Улар деворда осиғлик турган гобелен ортидаги тоқчадан бир даста чанг босган коғоз тахламини топишади. Данте қаламига мансуб ўн учинчи шеър матни қоғозлар ичида экан. Шундай килиб, туш туфайли «Илохий комедия» тўлиқ ва мукаммал асарга айланди.

Шифокорларнинг қайд этишларича, миянинг энг муҳим вазифаси уйку хисобланади. Уйку терапиясининг чинакам мўъжизаларга кодирлиги қадим замонлардаёк исботланган. Уйку пайтида танадаги носоғлом аъзолар инсоннинг ички кувват манбаларидан даво топар экан. Соғайиш кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ бўлиб, бунда шифо хизматини ўтовчи уйку алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис уйқуни бошқара олиш ва ундан саломатлик йўлида самарали фойдалана билиш жуда муҳим, дейишади мутахассислар.

Тарихда туш жумбоқлари билан шуғулланганлар кўп бўлган. Уларнинг аксарияти чикарган хулоса шундай: Тушларга эътиборсиз бўлмаслик керак. Башарти туш бизни хавф-хатардан ёхуд бошланаётган касалликлардан огоҳ этиб турса, бунга эътибор килмаслик ногўғридир. Тушда тана аъзолари мушкулоглари ва муаммолари ҳакида ўз «тили»да хабар бераркан.

ТУШНИНГ ТАЪБИРЛАРИ

Неча асрлардан буён олимларни ўйлантириб келаётган нарсалардан бири тушдир. Ҳаммамиз туш кўрамиз, лекин тушда кўрилган воқеаларни англасан-да, замиридаги асл моҳиятни тушунмаймиз. Туш таъбирлари ҳам турлича. Баъзан тушимиз ўнгидан келса, баъзида тескари бўлиб чикади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Туш ўзи нима? Инсон ухлаганда нега туш кўради? Бундай жумбоқлар қадим-қадим замонлардан бери одамларни кизикириди. Туш таъбирларига оид кўплаб китоблар ёзилган. Мисол учун, Ҳусайн ибн Иброҳим Мухаммад ат-Тафлисийнинг «Мукаммал туш таъбирномаси» китобида тушнинг барча таъбирлари тўғрисида муфас-

сал баён этилган. Аммо унинг туб-туб илдизларига ҳалигача этилганича йўқ. Хўш, тушнинг таъбири нима? Бу инсоният пайдо бўлгандан бери мавжуд. Мисол учун, барчага умумий бўлиб қолган одатлар: «Илонни тупида кўриш душман ҳисобланади». Бу хулоса қўпроқ барча ҳалқларнинг илонни ёқтирмаслигидан келиб чиккан бўлиши хам эҳтимолдан холи эмас. Ёки: «Агар кимки тушида соколи окариб кетганини кўрса, у юкори мартабага эришади». Бундай одат Шарк ҳалқларига хос бўлиб, кексаларга нисбатан хурмат белгиси ҳисобланади.

Хўш, инсон ухлаганда нега туш кўради? Бунинг учта асосий сабаби бор экан. Биринчиси шундаки, одам ухлаганда юрак фаолияти жуда секинлашади, бошқа аъзолар ҳам-шундай. Бадан бўшашиб, ташки таъсирларни қабул килмайди. Бундай ҳолатда кўрилган барча тасвирлар туш кўраётганинг тасаввурида кечади. Уйкудаги киши ўшаларни кўради.

Иккинчи сабаб эса – организмда батьзи бир ўзгаришлар юз беради. Агар организм иссиқликни сезса, ухлаган киши тушида оловни кўриши мумкин. Организм совукликни сезса тушига кор ва совук, намлик туйса ёмғир ёки дарё, куруклик сезса унда чанг, кум, тош, тог ва шунга ўхшаш нарсалар кириши мумкин.

Учинчи сабаб – юрак ташки олам билан хеч қандай алоқа қилмағди. Баъзан инсонлар орзулари ҳақидаги ўй-хаёлларини қўзғатади ва натижада ухлаётган киши тупига орзулари киради.

Олимлар бу ҳар учала туш сабабини атрофлича тахлил килиб, шундай хуносага келишган: биринчи сабаб нисбатан ишончлирек, иккинчисига хеч қандай муносабат билдирилмайди. Учинчи сабаби анча ишонарли ва бундай тупиларга ишонса бўларкан.

ҚАНДАЙ УХЛАЙСИЗ?

Инсон умрининг қарийб ярмини уйкуда ўтказади. Уйку – жисмоний ва маънавий кучларни тиклашнинг энг асосий воситаларидан бири. Уйкуда бутун тана онг на-

зорати ва хукмидаги бўлмайди. Уйқудаги одам ўз кечинма ва харакатларини идора килолмайди. Негаки, уйку бош мия катта ярим шари фаолиятини сусайтиради, кобиғости кисмлари таъсири эса кучаяди. Онгли харакатлар тиниб, онгсиз ҳатти-харакатлар, ҳолатлар давом этади. Уйқудаги ҳолат одамнинг руҳий ва жисмоний ахволи ва қайфиятнинг ғайришуурый ифодасидир. Уйқуда одамнинг ҳақиқий моҳияти акс этади ва унинг асл киёфасини кўриш имкони туғилади.

Уйқудаги ҳолат инсоннинг гўдаклик давридаёк шакллана бошлади. Бу муттасил тақрорланавериб, одатий тус олади ва қарийб умрининг охиригача давом этади. Ҳар бир кишининг ўзига хос ёқтирган ухлат услуги бўладики, бу унинг табиати, қасб-кори, турмуш шароитига боғлик. Бу ҳолатларни, харакатларни кузатиб, ўрганиб одамнинг феъл-авторини бемалол айтиб бериш мумкин.

Осоишишта, тинч ҳолат ўзига ишонган, ишлари яхши юришиётган, хотиржам одамларга хос. Бундай киши баданини бўшаштириб, ўтган кундан мамнун бўлиб, келгуси кундан хавотирланмасдан ёнбошлаб ётади, оёкларини – бирини кўпроқ, иккинчисини сал букиб олади. Бир кўлини юзига тираб, бошқасини болишга беозор кўяди.

Истеъоддли ижодкорлар чап томонида, хизмат мавкеи пухта, лекин кўтарилиши эҳтимоли кам кишилар ўнг томонда ётадилар. Жанжалкаш, тажанг, инжик табиатли кишилар одатда чалканча ухлайдилар. Бир хиллар ўйкусида кафтини боши тагига ёки болишга асабий босиб, бир оёгини букиб оладилар. Ўзига ортикча бино кўйган, хаётдан даъвоси катта, манман, иззатталаб кимсалар, ўзини ҳам, ён-веридагиларни ҳам кийнаб юрган ҳомхаёллар ишшибозларининг ҳам шундай ётиши кузатилган.

Нозиктабиат, кўнгилчан, беғараз кишилар бор вазни билан тосга тирагиб, бир оёгини йиғишириб ётадилар. Баҳтсиз, ёлғиз, тушкун қайфиятдаги одамлар ғужанак бўлиб ухлапни ёқтирадилар. Ўзбилармон, ўжар, лекин лафзи қаттиқ кишиларнинг ётиши жуда қизик. Улар ён томонга хиёл бурилиб, чалканча ётар эканлар. Яна кўлларини ё боши устига

чамбар килиб ёки кўксига қовуштириб оладилар, оёклари хам бутик бўлади. Диёнатли, ориятли, олижаноб кишиларнинг ётиши анча бесаранжом. Улар кўпинча қорнида ётадилар, сон-саноксиз душманлардан паноҳ излагандай буқчайиб хам оладилар.

Бегам, беташвиш одамлар уйкуда ҳар хил, лекин осоийшта шаклларни танлайдилар. Нафас олиши текис, аъзойи бадани бўшапиб, мирикиб дам олаётгани, куч йиғаётгани сезилиб туради. Таъсирchan, жўшқин кишилар саёз ўйладиган одамларнинг севган ҳолати хам коринда ётиш, гоҳида бошларини ёстик тагига тикиб олишлари хам мумкин. Лекин мутахассисларнинг айтишича, айни шундай кишилар кўп туш кўрадилар. Тушлари эса тайинсиз – хуш ва ноxуш, кўркинчли ва кўркинчсиз, тийиксиз бўлади. Улар уйкуда ўрнидан туриб кетишлари ва ҳатто, уйкуда юриб чиқиплари хам мумкин.

Одам уйкудаги ҳолатини ўзгартириши, бошқариши мумкинми? Умуман уйкунинг кай кўриниши тиббий нуктаи на-зардан энг тўғри хисобланади? Тўлақонли уйку асаб ва танга дам беради, кувватини тиклайди. Уйку борасида олим ва табибларнинг фикрлари бир-бирига ўхшайди. Энг оромбахш, тўғри ҳолат – кўлларини тана бўйлаб узатиб, чалканча ётишдир, негаки факат шунда бадан аъзолари яхши бўшапнади, ички аъзолар ўз ўрнини топади. Бундан ташкари, кон яхши айланади, мия эса конга тўйинади. Лекин ўнг кўлни ёстик тагига тикиб, чап кўлни сал орқага ташлаб ўнг ёнда ётиш хам мумкин. Чап бикинда ёки коринда ётиш ярамайди, чунки бу ҳолда нафас кисилади, юрак фаолияти кийинлашади. Уйку борасида олимлар ҳали тўлик ягона бир фикрни айта олганларича йўк.

ТУШДА АЁН БЎЛГАН ШАҲАР

Жаҳон адабиётини «Илиада» ва «Одиссея» сингари шоҳ асарлари билан бойитган буюк қадимги юонон шоири Ҳомер барчамизга мактаб давридан таниш. Милоддан аввалги III асрда, яъни шоир вафотидан 6-7 асрдан кейин Александрия

шахридаги Ҳомернинг сўқир ҳолда тасвиrlанган машҳур ҳайкали суратини кадимги дунё тарихига оид барча дарслилклар ва манбаларда учратиш мумкин. Ҳомер чиндан хам сўқир бўлганми?

Манбаларда келтирилишича, Ҳомер Хиос оролига дафн килинган. Милоддан аввалги IV асрда Хиосда зарб килинган тангаларда Ҳомер Зевсга ўхшаш киёфада, кўзлари очик ҳолда тасвиrlанган. Неаполь (Италия) шахар музеида сакланётган милоддан аввалги IV асрга тааллукли ҳайкалда хам Ҳомер соғлом киёфада акс этган. Унинг бундай киёфадаги бошқа антик тасвиrlари хам мавжуд.

Ҳомершунос рус олими, профессор А. Парновнинг таъкидлашича, «Сўқир шоир» ҳакидаги тасаввур дастлаб, македониялик Александр бунёд этган ва эллин маданияти маркази хисобланган буюк шахар – Александрияда пайдо бўлган.

Тарихчи Плутархнинг ҳикоя қилишича, македониялик Александр «Илиада» матнини ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрган ва бу поэмани ўзининг энг кимматбахо мулки, деб хисоблаган. У Мисрни забт этгач, бу ерда катта шахар барпо қилишни ва уни Александрия номи билан аташни буоради. Меъморлар шахар куриш учун муносиб жойни танлаб, ишни энди бошлий деб тургандарида унинг тушига Ҳомер кирибди. Ҳукмдор хузурига нуроний кария киёфасида ташриф буорган Ҳомер унга «Одиссея»дан бир жуфт шеърий мисрани ўқиб берганида Фарос ороли тилга олинибди.

Александр уйғониб, амалдорларини хузурига чакиртирибди. Йиғилганлардан Фарос деган орол ҳақиқатан хам борлигини билгач, бориб ўша оролни кўздан кечирибди. Орол унга маъкул келибди. Шунда у Ҳомер нафақат буюк шоир, балки энг доно меъмор хам экан, дея хитоб қилибди. Меъморларга дархол шахар режасини чизишни буорибди.

Шундай килиб, милоддан аввалги 332–331 йилларда Птоломейлар давлатининг буюк пойтахти Александрия бунёд бўлган. Шахар марказида Ҳомер ибодатхонаси курилиб, шоир номи илохийлаштирилган. Унинг мавжуд эски ҳайкаллари илохий шоир учун номуносиб топилиб, жаҳон

адабиёти асосчисининг янги тимсоли – сўқир киёфадаги ҳайкали яратилиб, ибодатхонага ўрнатилган. Шахар маънавий хаёти етакчилари наздида бу Ҳомерни хаммадан ажратиб турувчи илохийлик ва буюклик фазилатини ҳаққоний ифодалайдиган энг мувофиқ рамзий тимсол эди.

Професор А. Партнов «Одиссея» достонининг мазмуни чукур таҳлил килиш асосида айрим ҳомершуносларнинг асарда шоир ўз хаётини акс эттирган, чунончи буни достондаги машҳур сўқир кўшиқчи образидан яққол англаш мумкин, деган фикрларини бутунлай рад этади.

СФИНКС ЖУМБОҚЛАРИ

Инсон кўли билан яратилган шундай мўъжизалар борки, кипи аклини шошириб кўйипши, шубҳасиз. Айримлари га алокадор жумбоқлар эса ҳамон мавҳумлигича колмоқда. Мисрда бундай тилсимотларни истаганча топиш мумкин.

Ушбу мамлакатнинг Ғизо манзилидаги кўхна Сфинкс ҳайкали ҳакида эшитгансиз, албатта. Бу ҳайкал қадим-қадим замонлардан бери нафақат ўзининг ақлбовар килмас бўй-басти, балки ҳали тўла ўрганилмаган сир-синоатлари билан ҳам тадқиқотчилар ҳаёлини банд килиб келаётир. Қадимдаёк ҳайкал тагида Буюк Эҳром билан боғловчи ёхуд кўхна кутубхонага олиб борадиган (шундай кутубхона мавжуд, дея тахмин килинади) еrostи йўллари борлиги тахмин килинган. Бу тахмин қадимиийликда Сфинкснинг ўзи билан tengдош. Х асрга оид баъзи араб солномаларида ҳайкал тагидаги бехисоб ҳазиналарга олиб борувчи чалкаш йўлаклар ва уларга кириладиган махфий эшиклар борлиги ҳакидаги маълумотлар ҳам учрайди.

Утган асрда таникли археологлардан бири, америкалик олим Жон Киннаманинг (1877–1961) эътирофича, 1924 йилда у таникли мисршунос олим Сэр Флиндерс Петр билан бирга Ғизо тепалигига археологик қазишлар олиб боришиган. Улар Буюк Эҳром тагида тасодифан бир туннелга дуч келдилар. Эҳром тагида пастта қараб кетган узун йўлак мавжуд бўлиб, археологлар унинг қандай максадда яра-

тилгани ва нимага мүлжалланганини аниклай олишмаган. Йўлак номаълум механизмларга тўла қандайдир катта хотага олиб чикаркан. У ерда мингларча кристалл призмалар ўюлиб ётарди. Кизик, призмалардан қандай мақсадларда фойдаланилган? Археологлар бу саволга ҳам жўяли жавоб тополмадилар. Жон Киннаманнинг маҳфий еrostи йўли жойлашган ерни аник эслаб колмагани сабабли, ўша жойни қайтиб топа олишмаган.

Миср киролининг ўғли князь Фарруҳ билан содир бўлган воқеа ҳам қизиқдир. 1945 йилда Фарруҳ тунда ўз «Жип»ида Сфинксга ташриф буюрган. Князнинг таъкидлашича, ўша ерда у нимагадир тегиб кетган, нимагалигини ўзиям билмайди, кутилмагандаги каршисидаги катта харсанг топи сурилиб очилган ва ерости йўли кўринган. Фарруҳ ўша жойдан қандайдир «робот кўриклаб турган катта хона»га кирган. Робот коровул нимани кўриклаган? У ерда ҳазина бўлганми? Бахтга карпни Фарруҳ бу хусусда бирон тузук-курук гап айтмаган. У ҳам худди Жон Киннаман сингари ўша эшик қаердалигини англаб кололмайди.

1979 йилда Сфинкс ёдгорлигини саклаб колиш бўйича шошилинч чоралар кўришга тўғри келган. Негаки Сфинкснинг бузила бошлаган бошпини қуткариб колин лозим эди. Уни тиклаш бўйича аввалти ишлар факат мисрликлар томонидан амалга оширилган бўлиб, сифатига етарли даражада эътибор берилмаган. Чунончи, оддий цементдан фойдаланилганлиги боис унинг бош кисмига жиддий зиён етган эди.

1979 йилдаги реставрация миср ва америкалик мутахассислар гурухи томонидан амалга оширилган. Тиклаш ишларининг биринчи боскичида гуруҳдаги Мухаммад Абдул Мавгуд Файёд исмли кекса киши раҳбарларни Сфинкснинг бўйнида тешикча борлигидан огоҳ этди. У ёшлигида, яъни 1926 йилда француз муҳандиси Эмил Бараза раҳбарлигига Сфинксни кум остидан чикариб олишда катнашган экан. Унинг тешикча борасидаги маълумоти гурух аъзолари учун янги харакатлар, янги тадқикотлар учун туртки бўлди. Қария тешикча ҳакида бутунлай унутиб юборгани ва яқиндагина

яна эсига тушиб колганини айтади. Гапига караганда, ундан хайкал ичига кириш мүмкін экан. Ана шу хабардан сұнг Захи Хавасс ва Марк Ленер раҳбарлигидаги мисршунослар Сфинкс бошини тиқлашни вактінча тұktатиб, бутун диккат-эътиборни унинг ичини ўрганишга қаратдилар. Сфинкс ичида улар дуч келган нарсалар қадимий афсоналар ва ўрта аср солномаларида таърифланған йўлакларга сира ўхшамас әди. Тадқиқотчилар тор унгурлардан иборат күдук-туннелга дуч келдилар. Күдукнинг көнглиги 1, узунлиги эса 9 метрга тенг әди. Унгурлардан бири ҳайкал танасининг ичидан юкорига чиқып имконини берар (хайкалдаги түрт оёк букилмалари оркали), бошқаси эса тик йұналишда бўлиб, кояга бориб тақалғанди. Ҳар икки унгур бурчаги 90 градусдан иборат. Деворлари ғадир-будир ва силликланмаган. Деворлардаги излар синчиклаб ўрганилғанда, бу ерда ишлар юкоридан пастға томон олиб борилғанлиги аникланди. Деворларнинг юкори қисміда тушиб-чикишда фойдаланиладиган чукурчалар ҳам бўлған. Мазкур чукурчаларнинг ҳайкал ичига тушиб-чикишни енгиллатиш учун атай хосил килингани, шубҳасиз.

Энди Сфинкснинг бошка қисмларини ўрганиш учун ҳеч кандай тўсік йўқ әди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан америкалик геофизик Томас Добецки ва Бостон университеттінинг геологи Роберт Шохлар ҳамкорликда Сфинксга оид катор тадқиқотлар олиб бордилар.

Тадқиқотлар пайтида Сфинкснинг бўксалари ва оёклари жойлашған кояда аномалия ҳамда бўшлиқлар мавжудлиги аникланди. Олимларнинг диккатини тортгани, янги кашф килингандай түртта бўшилиқдан бирининг беш метр чукурликка эгалиги әди. Унинг таг қисми 9x12 метрдан иборат. Тузилиши ва ҳажми табиий ғор ёки ўпириқ, ковак орасидаги фарзни бутунлай инкор этади. Бу Сфинкснинг ичида махфий хоналар борлигини англатади. Уларда нималар яширингани эса номаълум.

Ўтган асрнинг 80 – 90-йилларида Ғизодаги Сфинкс ҳайкали тагида ерости йўллари мавжудлигини аниклаш бўйича олиб борилған тадқиқотлар қадимги солномачи-

ларнинг маълумотларида жон борлигидан далолат беради. Бугунги кунда мисриунос олимлар олдида Физо тогидаги афсонавий цивилизациянинг моддий ва руҳий бойликлари сакланаётган хона ва йўлакларнинг бутун бошли тармоғи мавжудлигига доир афсоналарнинг ҳакикатга қанчалик якинлигини илмий жиҳатдан аниклаб берин вазифаси турибди.

МИСР ЭХРОМЛАРИ СИРИ

Жаҳон жамияти томонидан «Жаҳоннинг энг улкан мўъжизалари» дея эътироф этилган 8 та буюк мўъжиза бор. Шулардан биринчиси ва энг маҳобатлиси эхромлардир. Бир неча асрдирки мўъжизаю саргузаштларга кизиккан кишилар эхромларни тадқик қилиб, уларнинг асл моҳияти ва сирларини очишга уринишмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қанча муваффакиятларга эришилган ҳам. Бирок шунга қарамасдан, бугунги фан-техника жуда ривожланиб кетган даврда ҳам сир-асрорлари тўла очиляпти, деб бўлмайди. Зоро, энг замонавий суперкомпьютерлар воситасида эхромларни синчилаб текшираётган япон олимларининг борган сари ҳайратга тушаётганликлари ҳам бежизга эмас. Эхромлар бўйича изланишлар олиб борувчи аксарият олимларнинг-эътироф этинича, эхромларда дунё яралишининг барча конун-коидалари тўла акс этган эмиш. Унинг ҳандасавий шаклида эса бизнинг Куёш тизимимизга кирувчи барча сайёralар тузилиши ва жойлашуви шифрланган экан.

Тадқиқотчилар эхромларнинг меъмори заминимиз аҳлидан эмаслигини исботлашга ҳам киришиб кетишиган. Уларни юксак цивилизацияга эришган самовий келгиндилар заминга жойлаштирган деган фикрлар ҳам билдирилмоқда. Кейинги тадқиқотларга биноан, эхромлар фазовий энергияни тутиб заминга ўтказувчи кудратли иншоотлардир. Мутахассисларнинг айтишига караганда, бу энергия хужайраларининг кексайишига монелик қиласкан. Айни шу хусусияти туфайли фиръавнларнинг жасади-

ни бузилмайдиган қилиб ўзига хос тарзда мумиёланиши олимлар орасида бот-бот тилга олинади.

Эхромлар билан боғлик айрим сирларнинг ошкор этилиши дунё олимларининг бу мавзуга кизикишини янада кучайтириди ва жаҳоннинг барча бурчакларидан мутахассислар, тадқикотчилар Мисрга окиб кела бошладилар. Демак, вактни секинлаштиришининг имкони бор экан, башариятнинг азалий орзуси – мангу хаёт муаммосини ҳам ижобий ҳал этиш ёки хеч бўлмаганда илмий жихатдан бир «айлантириб кўриш» мумкинга ўхшаб колди.

Эхромларнинг юкоридаги ўткир киррасига фазодан тушиётган энергия урилиб, тўрт тарафга бўлинади, шунингдек, асосига етиб боргунга кадар концентрацияланиб, зичлашиб боради. Пастки кисм эса бу кувватни ерга ўтказади. Эхромларнинг ҳандасавий шакли улар ичida макон ва замондан бутунлай аиро микроиклим яратилишига сабаб бўларкан.

Белорус олими А. Вейник бу борада нихоятда кизикарли тажриба ўтказган. Жумладан, у симдан эхром шаклини ясаб, ичига механик соатни жойлаштиради. Бирок кўп ўтмай унинг миллари секинлаша бошлаган. Бу хатто, электрон спатларга ҳам тааллукли экани олимни лол колдириди.

Инглиз олими Ч. Келли ҳам эхромсимон иншоот ичига эски, бутунлай ўтмас устаранинг дамини пастга қилиб жойлаштириб, кейин унинг кандайдир йўл билан ўткирлашиб колганини кўрибди. Унинг фикрига кўра, мана шундай мосламалар ёрдамида соч-соқол олишга мўлжалланган олмосларнинг доимий ўткирлигини таъминлаш мумкин экан.

Кейинги йилларда бир катор олимлар курра замин сиртига кўплаб улкан эхромлар жойлаштириш ва ундан хасталикларни даволаш мақсадларида фойдаланишининг самаралари борасида жиддий изланишлар олиб боришмоқда. Олим Перепелициннинг хулосаларига кўра, бундай эхромлар тўплаб берадиган самовий кувват бутун ер шари ахолисини соғломлаштириши ва умрини узайтириши мумкин экан. Мўъжизавий Миср эхромлари ҳали кўп тажрибалар, тадқикотларга туртки бўлади ва улар инсониятни хайратга солишида давом этади.

МИСРДАГИ ЭНГ УЛКАН КУТУБХОНА

Дунёда мўъжизалар кўп, бирок саноклиларигина жаҳон миқёсида тан олинган. Улар ҳакида эса жуда кўп эшигтганмиз. Улардан иккитаси, кадимий эҳромлар ва Александрия шаҳридаги маёқ, Мисрда жойлашган. Милоддан аввалги III асрда асос солинган Александрия шаҳри кутубхонаси ни Мисрнинг учинчи мўъжизаси, дейиши мумкин. Юнонлар ва мисрликларнинг таъкидлашларича. Миср шохи Птолемей томонидан курилган «Bibliotheقا Aalexandrina» асрлар давомида кенгайиб бориб, Эллин тарихида энг катта кутубхонага айланган. Миср ҳукмдорларининг ҳар бири мамлакатга сузаб келган юонон ва бошқа ҳалклар кемасидаги китобларни кутубхонага топшириш, мабодо бунинг иложи бўлмаса нусха олиш тӯғрисида фармон беришган. Кутубхона ходимлари юзлаб саводли куллар ёрдамида ҳар бир китоб, минглаб кўлёзмалардан нусха кўчирит билан машғул бўлишган.

Милоддан аввалги I асрга келиб, Александрия кутубхонасида 700 мингдан зиёд кўлёзма манба сакланган. Бу ерда бутун дунё файласуф ва олимларининг илмий ишлари, хусусан Архимед, Гeron, Евклид ва Гиппократ сингари буюк олимларнинг барча асарлари тўпланганди. Табиийки, жамланган асарлар турли тиллардаги кўлёзмалар эди. Александрия кутубхонасида нусхаси мавжуд бўлмаган биронта бебахо китоб қолмаган, деб ҳисобланарди, хатто. Кутубхонада кўлёзмалардан таишари, тош ва лой тахтачаларга иероглиф ёзуvida битилган асарлар ҳам саклантан.

Кутубхона доим очик тургани сабабли бу ер ҳамиша мутоалаага кизиккан кишилар билан гавжум бўларди. Александрия кутубхонасининг йўқ қилинишига оид бир қанча афсоналар мавжуд.

Уни Миср флотига ўт кўйган Юлий Цезар жангчилари йўқ килган деган таҳминлар ҳам бор. Ёнгин флотдан шаҳарга ўтиб, кутубхона ҳам ёниб кул бўлган. Кутубхонанинг йўқ қилинишида Цезарнинг авлоди бўлмиш император Августнинг ҳам қўли бор дейишади.

Яна у насроний роҳиблар томонидан йўқ килинган деган тахмин ҳам мавжуд. Машхур кутубхонанинг ёндирилиши ҳақидаги афсоналарда араблар босқини ва Усмонли туркларнинг Александрияни ишғол этишлари ҳам сабаб килиб кўрсатилган. Шу тарзда антик даврнинг энг катта кутубхонаси йўқ килинган эди. Вайроналардан омон колган бебаҳо бойликлар эса дунё бўйлаб таркалиб кетган. XX асрнинг 80-йилларида ЮНЕСКО ташкилоти дунёнинг бу мўъжизасини қайта ташкил этишга карор килди ва карор Миср хукумати томонидан қўллаб-қувватланди. Ӯз кутубхонасига эга бўлмаган Александрия университети раҳбарияти эса ўкув даргоҳи худудининг бир кисмини кутубхона курилиши учун ажратди. Айнан худди шу ерда тарихий кутубхона биносини қайта ташкил этишга келишиб олинган. Аслида, кадимий «Bibliotheca Alexandrina» шаҳарнинг бугунги кунда камбағаллар истикомат киладиган даҳасида жойлашган эди. Қандайдир сабаб билан бу жой танланмай колган.

Бирок шундай бўлса-да, кутубхонани қайта ташкил этиш карори қуруқ гап бўлиб колмади. Орадан бир оз муддат ўтгандан сўнг мамлакат президенти бўлажак курилишнинг биринчи ғиштини кўяди. Унинг хотини эса Асуан шаҳрида бутун дунёдаги Миср тарихи ихлосмандларини тўплаб, кутубхонани қуришда ёрдам кўрсатиш учун «Асуан декларацияси»ни имзолади. Имзо кўйганлар ичida Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттеран, Испания кироличаси, Монако маликаси, Форс кўрфазидаги катор давлатлар етакчилари ва бошкалар бор эди.

Лойиҳага кетадиган харажатлар 172 миллион долларга баҳоланганди. Маблағ нафакат курилиш, балки замонавий кутубхона анжомлари, ва албаттa, китоблар учун ҳам сарфланади. Бир катор давлатлар, жумладан Испания Мисрга Андалуз олимлари асарларини, Туркия Усмонлилар империяси архивидан 10 минг томлик китобларни кутубхона жамғармасига тортиқ килишди. Шунингдек, Италия ва Ватикан хукумати бўлажак кутубхонага кимматли нукрипт кўлёзмаларни, Япония ва Германия эса замонавий комму-

никиация технологияларини тақдим этдилар. Шундай килиб, асрлар қаърида колиб, йўқ бўлиб кетган дунёдаги энг улкан кутубхона кайта бунёд этилди. Эндиликда кутубхона яна илм-фани ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

МОНТЕ КРИСТОНИНГ СИРЛИ ХАЗИНАСИ

Дунёга машҳур ёзувчи Александр Дюманинг «Граф Монте Кристо» китобини ўқимаган ёки асар асосида суратга олинган фильмни томоша қилмаган одам топилмаса керак. Бироқ Монте Кристо оролида яширган хазина ҳанузгача барчани қизиктириб келади.

Италия ва Франциянинг Корсика ороли ўртасида умумий майдони 10 кв. км бўлган бир қоятош кад кўтарган. Бу Монте Кристо оролидир. Тоскания архипелагига кирувчи кўплаб ороллар каби у ҳам гранит ва мармардан ташкил топган ва наботат олами ҳам. Ўрта денгиз флорасига хос. Кемалар лангар ташлайдиган ягона кўрфаз Кала Маэстро, деб номланади. Айнан мана шу жойдан қояли тошлиар тугаб, қумли қирғоқ бошланади ва шу ердан гўзал воҳага оролдан бошка бирор жойда учрамайдиган эндемик ҳайвонот ва ўсимлик дунёси турлари таркалган. Буни чинакам мўъжиза дейиш мумкин.

445 йилда архиепископ Палеро Мамилиан (кейинчалик унга авлиёлик макоми берилган) бир гурух роҳиблар билан шу оролдан кўним топди. Бу ерларга улар Шимолий Африкадаги вандаллар бошлиғи Герзерих таъкибидан қочиб келишган эди.

Айтишларича, орол номи «Исо тоғи» маъносини берар экан. Маълумотлардан бирида келтирилинича роҳиблардан бири денгизнинг кок ўртасидан бўртиб чиккан конуссимон тоғни кўриб, ҳайратланиб хитоб килиди: «Монте Кристо!» («Ё Тангри, мана буни тоғ деса бўлади!»). Шундан кейин бу тоғ Монте Кристо деб аталадиган бўлган экан.

600 йилда Авлиё Мамилиан тюгирдлари билан оролга асос солишади. Ибодатхона вайроналари хозир ҳам

сакланиб колган. Бу ибодатхона ўрта асрларда Корсика, Сардиния ва Тоскания хукмдорлари орасида катта эҳтиромга сазовор бўлган. Ҳар бир диний байрам пайтида меҳнаткаш ва такводор роҳиблар кимматбаҳо совғасаломлар олишар, вақт ўтган сайин ибодатхона улкан хазинага айланаб борарди.

Монте Кристо ороли роҳибларининг мислсиз бойликлари хакидаги мишил-мишлар бутун дунёга таркалган. 1534 йилда жазоирлик бир туда қарокчилар оролга бостириб киришиди. Барча роҳиблар шафкатсизларча ўлдирилди, ибодатхона вайрон килинди. Бирок карокчилар ҳарчанд уринип масин, Монте Кристо бойликларини топишга олмаган. Айтишлирича, роҳиблар бошлиғи хазинага элтувчи харитани ютиб юборган экан. Ҳар қандай даҳшатли қийнокларга солинишига қарамай, у хазина сирини ўзи билан бирга олиб кетган.

Шу вактдан бошлаб бу авлиёлар жойи карокчилар ва контрабандачилар маконига айланди. Улар одамларни талаб, йиккан мол-дунёларини оролда япирадилар. XIX аср аввалида франциялик Анри Карюэль исмли кимса сирли оролни арzon-таровга сотиб олди. Бирок уддабурон француз тез орада оролни анча қимматроқ нарҳда инглиз савдогари Уотсон Тэйлорга сотиб юборди. Худди шу инсон туфайли орол экзотик табиатга айланди. Чунки У. Тэйлор ботаника шайдоси бўлиб, турли тажрибалар ўтказар, ҳар хил иклим зоналарида ўсимликларнинг қандай таркалиши борасида изланишлар олиб борарди. Кейинчалик орол кўрикхонага айлантирилган.

Ёзувчи Александр Дюманинг шоҳ асари – «Граф Монте Кристо» дунё юзини кўргач, ушбу оролга бўлган кизиқиши янада кучайиб кетди. Бу ерга ташриф буюрган хазина қидиувчиларининг сон-саноғи йўқ эди. Улар ҳам асар қаҳрамони сингари бойиб кетишни исташарди. Аммо... китобдаги эртак ҳаётга кўчмади ва Монте Кристо роҳибларининг бойлиги болтика ҳеч кимга насиб этмади.

Кўп йиллар давомида олиб борилган тадқикотлар Монте Кристо хазинаси шунчаки чиройли ривоят экан деган хуносага олиб келган. Бирок шунга қарамасдан, қидиув иш-

лари түхтагани йўқ. Оролда ҳакиқатан ҳам ҳазина мавжуд бўлганини куйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди: «Вайрон бўлган ибодатхона ҳудудини обдан тозалаш натижасида сандикчага дуч келинди. Ичи қадимги тилла тангаларга лик тўла экан...» Бу хабар оролда сирли ҳазина мавжудлигини билдиради. Демак, каердадир унга элтувчи йўл ҳам бор.

Машхур ёзувчи Александр Дюма ўзининг ўлмас асари сюжетини айнан ҳаётдан кўчирган деса муболага бўлмайди. Бир куни унинг кўлига «Никобсиз полиция» китоби тушиб колибди. Унда Париж полицияси архивидан жой олган воқеа ва ҳодисалар жамланган экан. Тўпламда «Қасос ва олмос» номли ҳикоя ҳам чоп этилгандики, ҳудди шу асар А. Дюманинг ўлмас асари ёзилишига туртки бўлган. Факат ёзувчи ўз қаҳрамонини адолатпарвар, олижаноб килиб тасвирлаган бўлса, аслида эса граф Монте Кристонинг прототипи ўтакетган ярамас одам бўлган.

Пьер Франсуа Пико граф Монте Кристонинг яралишига сабаб бўлган прототип. Танишларининг ҳазиломуз чакуви туфайли етти йилга камокка тушади. У камокхонада қасалманд бир рухонийни парваришлади. Қария ўлими олдидан унга бир ҳазина сирини очади. Озодликка чиккан Франсуа Пико бойиб кетган. Воеаларнинг кейинги ривожи ҳудди А. Дюма асаридагидек кечган. Франсуа ҳазон бўлган ёшлиги учун қасос ола бошлади. У айборларнинг пайига тушади, уларни бирин-кетин йўқ килишга киришади. Аммо ўзи ҳам котил душман қўлида шафкатсизларча ўлим топади. Айтишларича, жиноятчи собик махбуснинг бойлигига эга бўйолмагач, уни чаваклаб ташлаган экан.

Ҳазина-чи, дерсиз. Бирор кимса уларни кўлга кирита олганми? Баъзи маълумотларга қараганда, оролдаги махфий жойда бир қалит яшириб кўйилган. Айнан ўша қалит билан Франциянинг қадимги қасрларидан биридаги темир сандик очилармиш. Унда роҳибларнинг бехисоб бойликлари сакланаркан.

Романдаги Эдмон Дантеста Иф қалъасидан қочишига ва кардинал Спад ҳазинасини топишга ёрдам берадиган аббат Фария образи ҳам ҳаётдан олинган. Ватани – Гао шаҳрида

унга хайкал хам кўйилган. Ҳакикий Фария 1756 йилда ғарбий Ҳиндистонда туғилиб, шу ерда диний мактабни тутгатган. Кейинчалик мустамлакачиликка карши курашувчи харакатга бошчилик қилди. Аммо тез орада қўлга олинди ва қатл этиш учун Лиссабонга жўнатилди. Бирок йўлда кочишга муваффак бўлиб Париждан қўним топади. У ўз замонасинг билимли ва зиёли кишиси эди. Худди шу ерда у А.Дюма билан танишган. Асарлари учун сюжет излаб юрган адид учун бу ҳакикий топилма бўлган дейиш мумкин.

Италиядаги Монте Кристо ороли ҳозирда сайёхлар учун очик, деб эълон килинган. Бу ерга ташриф буюрган сайёхлар оролни гид хамроҳлигига томоша килишлари мумкин. Ҳар йили оролга минг нафар одам келади. Бундан ортик келган сайёх оркага кайтиб кетади. Оролдаги тарих музейини хам томоша килиш мумкин.

Оролда тунаб колиш эса катъян ман этилган. Бундай чоралар оролнинг ўзига хос ғаройиб флора ва фаунасини саклаб колиш учун кўлланилмоқда.

Мана, неча асрларки, оролда яширинган мислсиз бойликлар авлодларга тинчлик бермай келаётир. Граф Монте Кристо бўлишни орзу килганларнинг эса сон-саноги йўқ. Аммо қарокчилар нафакат талончилик билан бойлик орттиришни, балки хазинани яширишни хам койиллатишган кўринади.

СУЛАЙМОННИНГ ГАНЖИНАСИ

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида минглаб кишилар жуда тез бойиб кетиш ёки қашфиёти орқали улкан шұхратта зришиш илинжида кечаю кундуз қадимги хазиналарни кидирадилар. Афсоналарда келтирилган, тарихий хужжатларда ёзилган, аммо ҳали-ҳануз ҳеч ким тополмаган бойликларни қўлга киритишни ким хам истамайди, дейиз. Шубҳасиз, ана шундай сирли хазиналардан бири Сулаймоннинг Офир деб номланган шахардаги гўёки бегона кўздан яширинган афсонавий олтин ўрдасидир. Кўпгина манбаларда Сулаймон милоддан аввал X асрда яшаб ўтган тарихий шахс сифатида келтирилади. Айрим тадқиқотчиларнинг

фикрича, бу хазинани Арабистон яриморолидан кидириш керак эмиш. Аммо айнан қаердан кидириши кераклигини ҳеч ким аник айтиб беролмайды.

Агар тарихий манбаларга ишонилса, ўрда шунчалар бойки, олтинларни бирор техника ва ускуналарсиз ҳам казиб олиш мумкин экан. Дарвөке, кандайдир сабабларга күра, мазкур олтин кони ёлиб ташланган ва хозирга кадар сакланиб колган бўлиши мумкин, деган тахминлар ҳам бор. Эҳтимол, бу кон ҳалиям кум остида ётгандир? Бироқ уни кидириши, сунъий йўлдош орқали суратга туширишга уринишлар, археологик қидирувлар ҳам ҳеч бир наф келтирганий йўк.

Аксарият буюк подшолар, саркардаларнинг номи ҳамиша хазиналар билан боғлик афсоналарга қоришиб кетган. Бундан Ахмонийлар сулоласидан бўлган ва Юнонистонга даҳшат олиб келган форс шохи Доро II ҳам мустасно эмас. Милоддан аввалги IV асрда Доро II лашкарлари македониялик Александр томонидан тор-мор этилгач, Ахмонийлар салтанати ҳам барҳам топган. Замондошлиринг гувоҳлик берипларича, Доро аклбовар кильмас бойликка эга бўлган. Форс шохи македониялик Александрнинг бу бойлик сохибига айланмаслиги учун ўлими олдидан хазинани беркитишга муваффак бўлган. Битматугаймас бойликларни кўлга киритиш максадида унинг жасур жангчилар, ишончини қозонган харбийлардан тузилган алоҳида зарбдор бўлинмаси шахар ва саройга биринчи бўлиб кирган. Бироқ улар ҳеч вакони топиполмади. Орадан шунча асрлар ўтди. Аммо Доро II хазинасини замонавий техникалар ёрдамида ҳам топипнинг иложи бўлмаяпти.

Чингизхон Осиё ва Европага килган юриплари даврида канчадан-канча бойликларни талаган. Авлодлари уни иззат-икром билан, тўплаган барча мол-дунёсини қўшиб, Мўғалистондаги бепоён чўлнинг кок ўртасига дағн этилган. Ҳукмдор дағн этилган жой тупроғига майда кайрок томилар аралаштирилган. Сўнгра қабр устида отлар чоптиришиб, бирор из колдиришмайди. Дағн маросимида

иптирок этган оддий кипиларнинг ҳаммаси қиличдан ўтказилган. Чингизхоннинг қабри ва бехисоб бойликлари ни топиш шу пайтгача ҳеч кимга насиб этмаган.

Тарихий манбаларда ҳозирги Мексика худудларида ацтекларнинг сўнгги шохи Атауалининг бойлиги ҳакида ҳам ёзиб колдирилган. Унинг ғазнасида нафакат олтин, балки бебаҳо, нодир томлар, ёқут, марварид, бехисоб заргарлик буюмлари ҳам бўлган. Бирок то ҳозирги кунгача ҳазина кидирудчилар унинг одам кўли баробар йўғонликда олтиндан ясалган, олмос ва ёқутлар билан зеб берилган ва изсиз йўқолган занжирни кидиришмоқда. Манбаларда келтирилишча, афсонавий занжирнинг узунлиги 600 қадам, оғирлиги бир тонна атрофида бўлган. Испанларнинг ҳар кандай кийноклари, азоблашларига қарамай, махаллий ҳалқ ҳазина ҳакида лом-мим дейипмаган. Эҳтимол улар шохнинг бойлигидан умуман бехабар бўлишгандир. Бу сирдан тасодифан вokiф бўлганлар ҳам йўқ килиб юборилган. Шохнинг бу ноёб бойлиги ҳамон дунёning машҳур ҳазиналари рўйхатида.

Ҳазина кўмилган жойларни чамалаб, таваккалига кидириш бехуда иши. Шунинг учун ҳазинага әлтувчи йўллар битилган ҳужжатлар ҳам жуда қадрли хисобланади. Аммо уларни ўқип, ўрганиш ҳам осон иш эмас.

ҲАЙКАЛЧАЛАР СИРИ

Жамиятда аёлларнинг ўрни бекиёс. Улар ижтимоий хаётнинг барча жабҳаларида эркаклар билан теппа-тенг меҳнат қилишмоқда. Аёлларнинг иптирокисиз бирон бир соҳани тасаввур килиш кийин. Аммо уларнинг меҳнати ўтмишда, мисол учун, том асрида кандай бўлган? Улар бола опичлаган, хайвон терисига бурканган, ўчок ёнидан нари силжимайдиган итоаткор ва қўркок бўлишганни ёхуд эркаклар билан овда баб-баравар қатнаша олган довюраклар эдими? Тош асри аёлларининг турмуш тарзига оид бу ва бошқа саволлар кўпдан буён олимларнинг эътиборини ўзига жалб этаётир.

Кейинги йилларда археологлар ибтидоий одамлар яшаган манзилларда тош асрида яратилган кўплаб аёллар акс этган сирли хайкалчаларни топишга муваффак бўлишди. Европа китъасининг деярли барча кисмидан топилган бу хайкалчалар суюк, тош, буғу шохлари ва сополдан ясалганилиги хам аникланган. Улардан айримларининг ёши 30.000 минг йилга тенг, деб тахмин килинмоқда. Тош асри хайкалтарошлари аёлларнинг аксариятини дўмбок холатда тасвирилашган.

Нодир топилмаларни ўрганиш асносида мутахассислар тош асри аёллари хақида мутлако кутилмаган хулосаларга келдилар. Археологларнинг илгариги тасаввурларича, тош асрида эркаклар ов қилишган, аёллар эса ғорларда бола бокиб кун кечиришган. Масалага жиддий ёндашган олимлар бу манзара воқеликка унчалик тўғри келмайди деб хисобладилар. Муз асри бўйича йирик мутахассис Ольга Соффер қадимда одамларнинг хаёт-мамоти биринчи галда аёлларга боғлик бўлган, деган тахминни илгари сурмоқда. Мазкур далил эса узок ўтмишда овчилик тўр воситасида олиб борилганлиги билан изохланади. Ольга Соффернинг фикрича, тўр торгишда аёллар ва болалар ҳам фаол катнапшганлар. Олима ибтидоий одамлар манзилларидан бирида тўғри чизиқ шаклидаги жуда кўп сопол синикларига дуч келган. Кейин эса бошқа мутахассислар ёрдамида бундай сопол асбоблар тўр тўкишда ишлатилганлигини аниклашга муваффак бўлди.

Юкори палеолит манзилларида сакланиб қолган суюк қолдиқларининг 50 фоизга якини майда хайвонлар: күён, тулки, турли кемирувчиларга тегишли экани хам олимлар томонидан аникланди. Хуллас, аёллар иштирокидаги овчиликдан жамият ўша даврда катта наф кўрган. Якин-якинларгача гўшт қадимги одамлар озиғининг 90 фоизини ташкил этган деган асосий фикр мавжуд эди. Эндилиқда мутахассислар бу фикрни янглиш хисоблашимоқда. Тош куролларини ўрганаётган олимлар бундай куроллар орасида илдиз ковлаш учун мўлжалланганлари хам борлигини аникладилар.

Аёллар истеъмол қилиш мумкин бўлган барча илдизларни ердан ковлаб олишган, мевалар, қурт-кумурскалар йигишган, балиқ овлашган ва бошқа хаётий зарур юмушлар билан машғул бўлишган. Баъзи тахминларга караганда, истеъмол учун мўлжалланган озукаларнинг 50–70 фоизи аёллар томонидан тайёрланган. Бундан тош асридаги тирикчиликда аёллар эркакларга қарам бўлишмаган, деган хулоса келиб чикади.

Тош асрига оид аёллар тасвирланган сирли ҳайкалчалар хакида таникли археолог олима Маргарита Муссининг таъкидлапича, улардан аёллар етакчилик қилган аллакандай русумларда фойдаланилган. «Аёллар ўзлари яшаган даврнинг маънавий етакчилари бўлишган», дейди олима. Аёллар ўз овининг бароридан келишига, беморларнинг соғайишига ёрдам берадиган русумларни адо этипиган.

Хуллас, сўнгги археологик топилмалар тош асри аёлларининг оиласи турмушдаги ўрни анча юкори бўлганини, улар бола туғиши ва ўстириш билангина чекланмай, балки иктисодий ва маънавий ҳаётда ҳам фаол қатнашганларидан далолат бермоқда. Археологлар тош асри аёлларининг ижтимоий мавкеини ўрганишни тўхтатишгани йўқ.

ВЕНЕРАНИНГ ТОПИЛИШ ТАРИХИ

Париждаги жаҳонга машҳур Лувр музейидаги расмлар галереясида томошабин жаҳон маданияти дурданаларидан бири ҳисобланган Венера ҳайкалидан кўз узолмай колади. Рим афсоналарида Венера аввалига баҳор ва боғ-роғлар маъбудаси сифатида улуғланган, кейинчалик эса севги ва гўзаллик маъбудаси Афродитага тенглаштирилган. Қадимги Римда Венерани римликлар суюнчик, ҳомий сифатида эъзозлаганлар, унинг шарафига улуғвор ибодатхоналар, қасрлар бунёд этишган. Цезарь Венерани Юлийлар момоси, деб ҳисоблаган. Хўш, Венера ҳайкали қўлларидан қандай жудо бўлган? Умуман, бу шоҳ асар қандай топилган?

Франциялик Жюль Дюмон-Дюрвил тарихда кўпроқ довюрак денгизчи сифатида ном колдирган. 1828 йилда у Тинч

океанидаги Ваникоро ороли якинида Лаперузага қарашли иккита кема колдикларини топишган. Лекин кейинги авлодлар Дюмон-Дюрвилни бутунлай бошқа муносабат билан тез-тез тилга оладилар.

1918 йилда «Тинч океанига» қилган сафаридан бир неча йил аввал, ёш дөнгиз зобити Дюмон-Дюрвил Грек архипелаги оролларига уюштирилган юрипда катнашган экан. Милос оролида у шу ерлик бир дәхкон ер остидан топиб олган ҳайкални тасодифан күриб колади. Ҳайкал дәхконнинг ховлисида наридан-бери яшириб кўйилганди. Дюмон-Дюрвил ёт бўлса-да, жуда зийрак эди. У топилманинг Венера ҳайкали эканини дархол фахмлаган. Венера кўлида олма ушлаб турган ҳолатда тасвиirlанган эди. Бу Троя тоҳи Парижнинг Венерага бўлган чексиз эҳтироми ифодаси эди.

Ҳайкал милоддан аввалги II асрда яшаган номаълум ҳайкалтарош томонидан бунёд этилганди. Унинг Милос оролига кандай келиб колгани асрлар мобайнида жумбок бўлиб келмоқда. Дюмон-Дюрвил Венера ҳайкалини ўз Ватани учун сотиб олмоқчи бўлганда дәхкон жуда катта пул сўрайди. Зобит ёрдам учун Франция элчиҳонаси мурожаат киласди. Кўп ўтмай, Дюмон-Дюрвил элчиҳона вакили билан яна Милосга кайтади. Аммо улар кеч колишганди. Дәхкон Венера ҳайкалини бир амалдорга сотиб юборган экан.

Француزلар катта пул эвазига дәхконни амалдор билан келишувдан айнитига муваффак бўладилар. Дәхкон унга: «Француزلар менга кўп бай пули беришганди, буни сизга айтишни унугибман. Ҳайкал уларга сотилди» деган баҳонани рўкач киласди. Ҳайкални сотиб олган амалдор эса бу баҳонага ишонмайди. Ўртада катта жанжал бошланади. Француزلар фурсатни кўлдан бой бермай, дөнгизчиларга Венерани зудлик билан кутига жойлаб кирғоққа олиб боришни буюрадилар. Бундан хабар топган амалдор зудликда ўз одамлари билан француزلар ортидан кувшига тушган. Нихоят, хар икки гурух ўртасида муштлашув бошланиб, ҳайкал ўртада талаш бўлади. Ана шу муштлашувда Венера ҳайкалининг ҳар иккала кўли синган экан. Улар эса орадан канча асрлар ўтса ҳамки, ҳамон топилган эмас. Неча-неча

Йиллардан буён санъат шайдоларини ўзига маҳлиё килиб келаётган Венера ҳайкалининг топилиши тарихи шундай бўлган. Бу ҳайкал эса санъатсеварларни узок йиллардан бери ўзига мафтун этиб келмокда.

АМАЗОНКАЛАР

Кўп асрлардан буён амазонкалик аёллар ҳақидаги ривояту афсоналарга одамлар катта кизикиш билан қарайдилар. Вакт ўтиши сайин бу ривоятлар турли тўғри-нотўғри маълумотлар билан тўлдирилган, айримлари эса жуда бўрттириб юборилган. Амазонкалик аёллар бадиий фильмлар, адабий ва фантастик асарлар қаҳрамонларига айланишди. Аёллар учун амазонкалар – эркинлик ва мустакиллик рамзи бўлса, эркаклар уларни гўзаллик ва жозибадорлик тимсоли деб билишади.

Амазонкалар ҳақидаги маълумотлар бир-бирига унчалик ўхшамаслиги билан ҳам ажralиб туради. Аёл жангчилар тўғрисида дастлаб, қадимги юонон тарихчиларининг асарларида тилга олинган. Кўхна дунё аёллар хукмронлик килаётган матриархат олами билан тўқнаш келди. Бу маълумот қадимги юононларни шунчалик ҳайратда колдирганки, бу уларнинг афсона ва ҳикояларида ўз аксини топган.

Ривоятда айтилишича, бир жанговар қабила уруш пайтида барча эркакларидан айрилиб колибди. Уларнинг ўз душманлари билан сўнгги томчи конлари қолгунча курашганлари эътиборга олинса, амазонкаларнинг худди шундай вазиятга тушиб колганлиги табиий ҳол. Мазкур қабила аёллари ҳам ҳарбий санъат борасида эркаклардан асло қолипмаган. Амазонкалар қабиласи фақат курашиш, ўч олиш йўлини танлаб, шу тарика ўлдирилган эрлари учун касос олишган.

Қадимги юонон солномачиси Диодорнинг ёзишича, амазонкалар жуда олис бўлган худудларда яшашган. Улар жамиятни бошқариб, ҳарбий ишларга ҳам бош-кош эдилар. Эркаклар эса рўзгор ишлари билан банд бўлиб, хотинлари измида бўлишган. Фарзандлар тарбияси ҳам эркаклар зими масида бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича,

амазонкалар Троя урушида катнашиб, киммерийлар (Крим ва шу атрофда яшаган күчмандық кабила) билан Кичик Осиёга, Аттика (қадимги Юнонистон худудидаги давлат) га юриш килиб, Афина шахрини ишғол килишгандай хам эканлар. Жумладан, Троя урушидан кейин амазонкалар тұдаси скифлар худудларыда пайдо бўлган. Геродотнинг ёзишича, мана шу уруш пайтида амазонкалар мағлубиятта учраган ва асирга олинган. Юнонлар уларни учта кемага жойлаб, ўз юртларига олиб кетишга карор киладилар. Аммо амазонкалар йўлда кемада кўзғолон кўтариб, юон жангчиларини кириб ташлашган. Кемада сузишни билмаган амазонкалар уни сув оқими ва шамоллар таъсирида харакатлантириб, скифлар ери бўлган Кремна шахрига келиб колиб, ўша ерда муким колишади. Бу ерда жангчи аёллар скифларнинг отлари, курол-яроғларини кўлга киритиб, уларнинг мамлакатини талай бошладилар. Кўп ўтмай, амазонкаларга бас келиб бўлмай колган...

Скифлар бу балойи-оффатнинг бошларига қаердан келиб колганини умуман тушуна олмай қоладилар. Чунки бундай ғайриоддий кийинадиган, бошкача тилда сўзлашадиган кабилани ҳеч қачон учратигмаганди. Никоят, скифлар куч тўплаб, амазонкалар билан жангга киришишган. Жасур жангчилар орасида хам курбонлар бўлган, албатта. Ўлган жангчиларни кўздан кечирган скифлар ҳайратининг чеки йўқ эди. Уларга карши курашган жангчилар – аёллар экан!..

Скифлар бундай аёллардан факат енгилмас жангчилар туғилса керак деган хаёлга хам борибди. Улардан фарзандлар кўришни истаб қоладилар. Узок маслаҳатлашиб, ёш скифларни амазонкалар олдига юборишни маъкул кўришади. Амазонкалар хам «куёвбола»ларнинг ҳеч кандай ёмонлик килмаслигига ишонч хосил килдилар. Бир мунча вакт ўтгач, улар скифлар билан дўстлашиб кетипиди, ҳатто тилини хам ўрганишди. Ёш скифлар амазонкаларга битта кабилага бирлашишни таклиф килдилар. Аммо амазонкалар бунга рози бўлишмаган. Чунки улар ўзлари хохлаган ҳаётни барчасидан афзал билардилар. Шундай килиб, скифлар

яшайдиган ҳудудда янги элат – савроматлар пайдо бўлади. Гарчи бу ривоят бўлса-да, бу ўз тасдиғини топади.

Куйидаги маълумот ҳам жуда кизик. Испанияликлар амазонкалар тасарруфида бўлган ҳудудга бостириб кирадилар. Амазонкалар бошка махаллий кабилалар билан бир сафда туриб испанияликларга қарши жанг килишган. Уларнинг мардлиги, жасорати ва харбий маҳоратини кўрган испанияликлар лоакал бирортасини тутиб киролга кўрсатмокчи бўладилар. Аммо ҳеч ким уларни тутишнинг уддасидан чика олмайди. Испанияликларга бўйсунмаган мамлакатга Амазония номи берилган. Шундан бери Амазонка дарёси бўйида истикомат килган жангчи аёллар кабиласини амазонкалар, деб атай бошлашади. Амазонкалар одатда, латофатли аёллар сифатида тасвиранганд. Ривоятларга кўра, улар юонон маъбуллари Арес ва Гармониядан пайдо бўлган маъбуда Артемидага сажда килишган. Айтишиларича, айнан амазонкалар Эфес шаҳрига асос солиб, Артемида ибодатхонасини куришган. 1542 йилда конкистадор Франсиско де Орельяна Амазонка дарёсини кашф килган. Ўшанда унинг бошчилигидаги кўшин гўёки афсонавий амазонкалар билан жангта киришган экан. Ҳакикатда эса испан боскинчилари хинду қабилаларининг узун соч эркакларини амазонкалар, деб ўйлашган. Эрлари билан баб-баравар жанг килган хинду аёллари ҳам уларга амазонкаларни эслатган бўлса ажабмас. Афсонавий жангчи аёллар тарихи, келиб чиқишини ўрганиш хали ниҳоясига етгани йўқ ва тадқикотлар давом этмоқда.

Афсонавий жангчи аёллар номи билан боғлик Амазонка дарёси Жунубий Америка ҳудудидан окиб ўтади. Дарё ўзининг серсувлити ва ҳавзаси майдонининг катталиги жихатидан дунёда биринчи ўринда, узунлиги бўйича эса (ирмоқлар билан 7 минг километр) Нил дарёсидан кейин иккинчи ўринда туради.

Унга тахминан 500 та ирмок куйилиб, аксарияти йирик дарёлар хисобланади. Амазонкадан ҳар дақиқада уч миллиард галлон (1 галлон 4,54 литрга teng) сув окиб ўтади. Бундай сув захираси Нью-Йорк шаҳрини олтминт йил сув билан

таъминлаш имконини бераркан. Ушбу дарёда икки мингдан зиёд балик тури яшайди. Бу Атлантика океанидагидан хам күпрок дегани. Амazonка дарёсининг энг машхур жонивори бу – улкан анакондадир. Узунлиги 11 метрга етадиган бу бўғма илонларнинг териси жаҳон бозорида жуда киммат нархга сотиларкан.

САРГУЗАШТЛАРГА БОЙ ОРОЛ

Таникли адид Даниель Дефонинг «Робинзон Крузо» романини ўқимаган ёки ушбу асарда асосида яратилган бадиий фильмни томоша килмаган инсон бўлмаса керак. Асардаги воқеаларнинг фавқулодда кизикарлиги, саргузаштларга бойлиги кипи эътиборини ўзига жалб этмасдан қолмайди. Ҳатто, бъузан воқеаларнинг ҳаётими ёки тўжимами, ажратса олмай ўйлашиб коласан кипи. Аслида яхши кўриб мутолаа қилган романдаги саргузашт ҳакикий, ҳаётда хам содир бўлган воқеа экан.

Муаллиф ушбу романни ёзишда аник далилларга суюнган. Бирок ундаги орол номи ва бош қаҳрамоннинг исми ўзгартирилган, холос. 1563 йил денгиз саёҳатчisi Хуан Фернандес бир-бирига якин номаълум оролларни кашф этади ва у Хуан Фериандес архипелаги, деб атала боилинади. Ана шу архипелагдаги кичкина Маса-Тберра оролига ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Робинзон Крузо номи берилиган. Тарихчиларнинг айтишича, романда келтирилган эчки ва баъзи ҳайвонларни хам илк бор оролга Хуан Фернандес ўзи олиб келган экан. Саёҳатчини бу ернинг ажойиб табиати, хилма-хил ўсимликлар дунёси ўзига мафтун этган. Аниқланишича, оролдаги чонта пальмаси, налка дарахти ва бошка бир канча гуллар сайёрамизнинг боинка хеч бир жойида учрамас экан.

1709 йили Англияга тегишли «Дюк» ва «Дюшес» харбий кемалар хордик олиш максадида ушбу оролга тўхтаб ўтадилар. Кирғокка тушибигач, капитан етти нафар денигизчини оролни текширишга юборади. Улар соч-соколи ўсиб кетган, эгнига эчки терисини кийган бир кишига дуч

келадилар. Аввалига ундан кимлиги-ю, бу ерларда нима килиб юргани ҳакида хеч нарса билишолмайди. Нихоят, хотираси тикланиб, яна гапириб кетганидан сўнг, ўзининг гаройиб саргузаштини сўзлаб берган. Кейинчалик у 1676 йили Шотландиянинг Ларго шахрида туғилган Александр Селькирк экани маълум бўлади. 19 яшар йигит денгизчи бўлиб хизмат килишга ахд киласди. Александр ўша пайтлардаги таникли карокчи Дамгирнинг кемасига денгизчиларни йигаётганини тасодифан эшишиб колади. Бироқ бундан бирон наф чикмайди. Кейин 1703 йилда Пиккеринг исмли капитан бошчилигига денгизга саёҳатга чиқади. Орадан озгина вақт ўтмасдан капитан Пиккеринг вафот этади, унинг ўрнига Стредлинг капитан этиб тайинланади. Александр эса капитаннинг биринчи ёрдамчисига айланади. Айтиш керакки, улар ўртасидаги муносабатлар кундан-кун ёмонлашиб, чигаллашиб боради. Шундай килиб, уни батамом ёқтирумай колган янги капитан кунлардан бир куни Александр Селькиркни кимсасиз оролда қолдиришни буюради. Унинг кўли остидаги денгизчиларнинг унга раҳми келиб милтиқ, тамаки, болта, пичок, кўрпа қолдиришган. Каттиқ тушкунликка тушган Александр охири қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқлигини тушунади ва хаёт учун курашади. Шундай килиб у оролда беш йил яшаган.

Халоскор капитан Рожерс кўмагида Селькирк 1712 йили ўз ватанига қайтган. Шу орада капитан Вуд Рожерснинг «Дунё бўйлаб саёҳат» номли китоби нашрдан чиқади. Селькирк ҳам ўз бошидан кечирганларини баён этиб, «Александр Селькиркнинг гаройиб саргузашти» китобини чоп этади. Бироқ бу китоб унчалик оммалашмайди.

1719 йили Даниель Дефонинг «Робинзон Крузонинг гаройиб саргузашлари, йигирма саккиз йил кимсасиз оролда» китоби Александр Селькиркка ҳакикий машҳурликни келтирди. У 1723 йили «Веймут» кемасида капитаннинг биринчи ёрдамчиси вазифасида ишлаётган пайтида вафот этган. Александр Селькиркнинг 100 йиллигига бағишилаб Ларгода хайкал ўрнатилган. 1868 йилда Маса-Тберра оролида

Силькrik назорат пунктига асос солиниб, у ерга мармартош ўрнатилган.

Бунинг яна эътиборли томони шундаки, нафакат Силькrikning саргузашти, балки у беш йил яшаган орол тарихи хам жуда қизиқарли. Ушбу оролга Силькrik, Хуан Фернандес каби юзлаб дengizchilarning кадами етган. Дефо орол тарихини синчилаб ўрганган, бир канча дengizchilarning кундаликларини ўқиб чиккан. Ундан кейин тўплаган маълумотлари асосида асар ёзишига киришган экан.

ХАЗИНАЛАР ИЛИНЖИДА

Машхур ёзувчи Роберт Льюис Стивенсоннинг «Хазиналар ороли» романини кўпчилик ўқиган, асар асосида яратилиб, суратга олинган бадиий фильмни хам томоша қилган. Аммо бу саргузаштларнинг аслида ҳақиқат экани, яъни хаётда ҳақиқатдан хам содир бўлгани эса кўпчиликка номаълум. Биз мириқиб томоша килган фильмдаги бир обекли қарокчи Жон Сильвер ва Жим Хоккинснинг ғаройиб саргузаштлари айнан Кариб дengизидаги Пинос оролида рўй берган экан.

1494 йилда Христофор Колумб ушбу оролни кашф этганидан сўнг испанлар унга «Пинос» деб ном қўйишади. Кариб дengизидаги бу энт йирик оролнинг майдони 3 минг кв. км дир. Қолаверса, қарокчилар хазиналарини айнан шу оролда саклашгани ҳакида хам маълумотлар бор.

Айтишларича, оролда олтита йирик хазина бўлиши мумкин экан. Шулардан бири Генри Морганнинг 35–40 млн. доллари бўлса, яна бири «Лима хазинаси», яъни 1820 йили американлик капитан Томсоннинг оролга яширган бир неча тояни олтини. Ўша даврда хариталар ниҳоятда сир сакланиб, ягона нусхада тайёрланган. Ана шундай хариталардан бири ёш йигитнинг қўлига тушиб қолиши натижасида романдаги воеа ҳақиқатан хам рўй беради. Ёзувчи бу маълумотномаларни Англияда чоп этилган Г. Морган, Ф. Дрейко ва бир канча қарокчи-саёҳатчilarning кундалик дафтарларидан фойдаланиб тайёрлаган.

1830 йили уч аср давомида карокчилар қўлида бўлгандан сўнг, орол яна Испания тасарруфига ўтган. Испанлар оролда камокхона хам қурдилар. Кейинчалик эса Куба ихтиёрига ўтди. 1958 йили оролда сайҳхлар учун меҳмонхона курилади. Бугунги кунда оролда 70 минг зиёд кипи истикомат килади. 1978 йилдан бошлаб эса уни «Хувентуд», яъни «Ёшлил ороли» деб атай бошлашган.

Кариб денгизида яна бир канча шунга ўхшаш ороллар мавжуд. Шулардан бири, табиий қўриниши қадимий қасрга ўхшаб кетадиган Кокос ороли бўлиб, у хам ғаройиб афсоналарга бой. Унинг майдони 42 кв. км бўлиб, атрофи 200 метр баландликдаги табиий коялар билан ўралган. Марказида эса баландлиги 771 метрлик Раундел-Кон тоги бор. Шу пайтга қадар оролга 500 га яқин экспедиция уюштирилган.

Тарихий маълумотларда келтирилишича, карокчилар талончилик орқасидаги бойликларини Кокос оролига хам яширишган экан. 1894–1914 йилларда саёҳатчи Августо Гислернинг якка ўзи хазина қидирган ва ниҳоят, йигирма йиллик машакқатдан сўнг у чиндан хам бойлик топишга муваффак бўлган дейишади. Олтин қидиравчилар хазина топиши ниятида оролни «илма-тепик» қилиб юборишган. Бундан ташвишга тушган Коста-Рика хукумати 1978 йилда экологик зарар қўришининг олдини олиш максадида оролда казиш ишлари олиб боришини тақиқлаб қўяди. Орол бўйидаги денгизда эса сўнгги бор 1994 йилда Жак Иф Кусто бошчилигидаги экспедиция иш бошлаган.

Ёзувчи-географ Л.М. Скрягин узок йиллар давомида денгиз саёҳатчиларининг кундалик дафтар ва ҳужжатларини ўрганиб, «Чўккан кема хазиналари» хамда «Денгиздаги ҳалокат излари» номли китобларини ёзган. Скрягиннинг таъкидлапича, 1816 йили Куман бўғозида «Сан Педро Алькантария» номли ҳарбий кема чамаси 50 млн. долларлик кимматбахо юки билан чўккан экан. 1850 йилда эса Шотландия кирғозидаги Тобармори бўғозида Испаниянинг «Флоренция» деб номланган кемаси 30 млн. доллар кийматидаги олтин билан денгиз тубига равона бўлган.

1980 йили америкалик бир гурух ғоввослар Гаити ороли кирғоклари якинидаги карокчи Генри Морганнинг 1669 йилда чўккан «Оксфорд» кемаси хамда олтин, кумуш ва бир неча миллион кийматга эга кимматбаҳо тошларни топдилар. 1982 йили Кариб дengизидан англиялик карокчи Чарльз Уэжернинг 1708 йилда ғарк бўлган афсонавий «Сан-Хоса» кемаси топилади. Унга алоказор ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, кемада 60 тонналик кимматбаҳо олтин ва жавоҳирлар бўлган. Ўна даврда саноқли кемаларгина бундай кимматбаҳо юкни таширдилар.

Америкалик Мел Фишер таътил пайтида Флорида кирғозида сузаётib, дengиз тубида олтин тангаларга дуч келади. Шу баҳона бўлими, 1622 йили чўкиб кетган Нуэстра Сенора де Аточа кемасини излаб топишга аҳд килади. 1971 йилда Фишер Мексика бўғози худудида кема колдикларини топишга муваффак бўлган. Бирок ўша сувларда акулалар кўплигидан кидирув ишлари тўхтатилган. 1985 йилда Фишер 150 мингта олтин, 1000 та кумуш ёмби ва қимматбаҳо топиларни топди. Унинг бундан аклбовар килмас ютуғи кўпчиликни ҳайратга солган.

«ТИТАНИК» КЕМАСИННИГ ҲАЛОКАТИ

Инсоният тарихида шундай жаҳоншумул ҳодисалар борки, улар неча асрлар ўтса хамки авлодларни ўз жумбоклари билан лол колдириб келади. «Титаник»нинг сувга ғарк бўлишини ана шундай ҳодисалар сирасига киритиш мумкин. Ўтган асрнинг энг улкан фалокати, дея бежиз айтилмайди. Кўп инсонлар ушбу фожианинг рўй беришини гўё олдиндан сезиб турсалар хам унинг каршисида ожиз эдилар. 1911 йилнинг 31 май куни «Титаник» сувга туширилди. «Харланд Булф» кемасозлик компанияси уни жихозлар билан таъминлайди. Кема сафарга тайёрланганидан сўнг, 1912 йилнинг 1 апрелида унинг сувдаги харакатлари текшириб кўрилади. Икки кундан сўнг, 3 апрелда «Титаник» Сауттемптон портига келтирилади. Бир хафтадан кейин у ўзининг биринчи (ва сўнгги) сафарига чиқиши керак эди. 1912 йил-

нинг 14 апрель куни кечаси соат ўн бир яримда улкан кема айсберг билан тўқнашиб кетди. Орадан уч соат ўтар-ўтмас, бортидаги 1495 нафар одами билан сув қаърига гарк бўлган. Бирок нимагадир одамлар «Титаник» ҳалокатини «кутилмаган» фожия деб атайдилар. Кейинчалик бу воеа ҳакида жуда кўп китоблар яратилган. Уларнинг барчасида кема сувга туширилган кунги одамларнинг хаяжонлари, барчанинг қалбида жўш ураётган кўркув аралаш кувонч хисси тасвирланганди.

1956 йилда машхур хикоянавис Жек Маршалнинг «Келажак ҳакида хотиралар» номли китоби чоп этилди. Ёзувчи бу асар мукаддимасида «Титаник» сафарга отланган куни ўзи ва рафикасининг хаяжонланганликлари, қалбларидаги қўркув туйғуси ҳакида шундай жумлаларни ёзади: «Бу улкан кемага караб ўтирас эканман, кутилмаганда рафикам Бланш енгимдан тортиди-да: «Кўрасан, бу кема Америка сафарини никоясига етказа олмайди, у йўлда чўкиб кетади», деди. Мен хаёллар оғушида бўлганим учун аввалига рафикамнинг сўзларига эътибор бермадим. Аммо кейинчалик бу сўзлар мазмунини англадим.

Бланш хоним кутилмаганда эрига мурожаат қиласган: «Кувонч билан сафарга чиккан шунча одам, юзлаб йўловчиларни нима қилиб бўлса ҳам қуткариб колиш керак. Бирон нима қиссанг-чи?» Бу хонимнинг кейинчалик хотирлашича, сузуб кетаётган «Титаник»ка караб ўтирган чоғида тўсатдан унинг кўз ўнгидаги муз парчалари билан тўла сувга ғарк бўлаётган юзлаб одамлар кўриниб кетган экан. Ўша куни кечкурун Бланш хоним кайфиятсиз уйкуга кетган. Эртаси куни эса унинг турмуш ўртоғи, ёзувчи Жек Маршал кема ҳалокати ҳакидаги вахимали хабарларни эшитади.

Бланш хоним қандайдир касалликка чалинган бўлиб, деярли хеч ким билан сўзлашимасди. Шунинг учун эри унга «Титаник»нинг фожиали ҳалокати ҳакида айтишларини такиклади. Бу ҳакда аёл орадан яна бир неча ой ўтгач, саломатлиги бутунлай тикланиб бўлгачгина эшитди. Маълум вактдан кейин аён бўлдики, «Титаник»нинг ҳалокати ҳакида башорат киласган Бланш хонимнинг ўзигина эмас экан. Кема

йўлга чикишидан бир неча кун олдин Буюк Британиялик башоратчи Терви ҳам ҳалокат тўғрисида мълум килган ва у ҳақдаги хабарлар матбуотда эълон килинган. Яна бир тарихий ҳақиқат. Ўша куни кема йўловчилари қариндошлари, дўсту ёрлари томонидан жуда маҳзун ҳолда сафарга кузатилган. Америкалик миллионер Жорж Вандербилтнинг онаси ўғлига караб туриб: «Сен назаримда, бу сафардан тирик кайтмайдиганга ўхшайсан» деган экан.

Буюк Британиянинг таникли мунажжими Луи Гамон 1912 йилнинг март ойида ўзининг доимий мижозларига шошилинчнома жўнатган экан. Унда шундай сўзлар битилганди: «Апрель ойининг ўрталари ҳаётингиз учун энг хатарли бўлган даврдир. Ҳар кандай вазиятда ҳам сув билан боғлиқ саёҳатлардан воз кечишингиз керак». Албатта, мунажжим ўз мижозларини бежиз огоҳлантиргмаган. Негаки, «Титаник»да саёҳатга чиққанлар бадавлат одамлар эди. Гамон мижозларининг аксариятини ҳам факат миллионер инсонлар ташкил киласди. Тўғри, уларнинг барчаси ҳам унинг бу огоҳлантиришига эътибор бериб ўтирумади. Аммо мунажжимнинг ҳар бир эслатмасини гўёки конун ўрнида кабул киладиган миллионер Морган (катта банклардан бирининг хўжайини) бир кўлидаги шошилинчномага, бир «Титаник» учун буюрилган кимматбаҳо чиптага каради-ю, саёҳатдан воз кечишга карор килди. Негаки ҳаёт, демакки, тириклик ҳамма нарсадан киммат.

Мунажжим Гамон Буюк Британиялик таникли журналист Стидга «Сенинг ажал билан учрапувинг 1912 йилнинг дастлабки ойларига тўғри келади» деб айтган, унга денгиз саёҳатларидан воз кечиш лозимлигини эслатган эди. Саёҳатдан бир оз олдин эса журналист тушида сувга ғарк бўлаётган кўплаб инсонларни қўради. Уларнинг кўркув тўла кўзларини узок вактгача унотолмайди. Аммо журналист тақдирнинг ёзуғидан кутулиб бўлмайди, деган карорга келади ва бу саёҳатдан воз кечмасликка карор киласди. Сув қаърига ғарк бўлган юзлаб одамлар орасида у ҳам бор эди, албатта. Унбу сайёҳатда олдиндан огоҳлантирилган инсонлар ҳам жуда кўп эди. Улар орасида машҳур миллионер-

лардан бири, Буюк Британиялик савдогар Каннон Мидлтон хам бор эди. 1912 йилнинг март ойида у жуда ёмон туш кўради. Хотини эса бу тушни фожиалар билан боғлаб, яхшиси «Титаник» саёҳатидан воз кечиш лозимлигини айтади. Бирок кайсар миллионер чипталарни кайта топширишга кўнмайди.

Бундай, олдиндан огоҳлантирилган бўлишларига карамай, ҳеч нимадан қўрқиб ўтирмасдан «Титаник»да сафарга отланганлари кизик, албатта. Балки ўша инсонлар тақдирнинг ёёвсиз ёзуги билан юзма-юз келишни исташтандир. Буниси эса ёлғиз Яратганга аён.

ЮКОРИ АМАЗОНКАЛИК АФСУНГАР

Асирик

Биз кинилоқдан унча узоқ бўлмаган ерда бўлишимиз керак. Бу йўлнинг ниҳояси менга нима қаромат кўрсатимиш мумкин. Нима учун ҳиндулар мени ҳанузгача ўлдирмадилар? Ҳиндуларнинг ўртокларимнинг барисини эмас, ақалли биронтасини ўлдиришганига ишончим комил эди. Йўл токка кўтарила бошлиди. Шу пайт тўтиларнинг саросимали қич-қириқлари янгради ва биз кинилоқ жойлапиган ялангликка чиқиб келдик. У ерда ялангоч одамлар – эркаклар, аёллар, болалар кўп эдилар. Улар мени якинроқдан томоша қилиш максадида бир-бирларини итарган ҳолда атрофимга тўплана бошлишди. Ниҳоятда каттиқ шовкин кўтарилиди, лекин бу шовкин тўда орасида соchlари узун, озғин, кекса чол пайдо бўлгач, ўз-ўзидан тинди. У менинг кўлларим оркамга қилиб боғлиқ ҳолда турган жойимга яқин келдида, менга синчи-клаб каради.

Мен хам унга эҳтиёткорлик билан боқдим. У жуда хам кекса бўлиб, юз тузилиши ва ранги айнан мўғулсимонлар иркига мос эди. Юкори лабидаги ва иягидаги бир нечта узун сарғимтирик туклар унинг жуда кекса эканлигидан даролат бериб турарди. Белининг ўрталаригача тушиб турган сарғимтирик-жигарранг тусли соч турмагини бошидаги патлар билан безатилган боғич ушлаб турарди. Атрофдаги

хиндулар яланғоч бўлсаларда, унинг эгнида дағал пахта ма-
тосидан тикилган, этаклари суяги бўртиб чиккан тиззалири-
га тушиб турган енгиз кийимда эди.

Мен хаяжонимни ва кўркишимни яшириш максадида
унинг кўзларига тик боқиб туравердим. Тез орада шовкин
яна кўтарили: болалар кичкиришар, эркак ва аёллар бир-
бирларига ажабтовур қарашар, тўғиларнинг яна кулокни
коматга келтирувчи кичкириклари эши билди.

Сардор рўпарамга яқин келдида, қўлларимни бўша-
тишларини, йиртилиб дабдала бўлган кийимларимни ечиш-
ни буюрди. Атрофимга одамларнинг тўпланиши давом этар,
уларнинг сони юзтадан ошиб улгурган эди. Бир неча нафар
кекса аёллар ёнимга ўтишди, менинг ёш ва бакувват бада-
нимни ушлаб кўриб, хиринглашга тушдилар. Аёллардан би-
рининг қарашлари бежо эди. У қўлидаги оғир ёғоч билан
менга таҳдид солаётуб, овозининг борича бакира бошлади.

У қўлидаги ёғочни икки қўллаб юкорига кўтарганча
менга караб тўсатдан ташланди.

Ёнгинамда турган сардор кискагина тарзда нимадир
деди ва кўрикчилардан бири ўзининг кескин харакати би-
лан кампирнинг қўлидаги ёғочни ундан тортиб олдида,
кулочкашлаб бир зарбада кампирни ерга ағдарди. Сардор-
нинг яна бир фармойиши билан мени унинг ортидан олиб
юрдилар. Мени кўплаб конуссимон чайлалардан иборат
бўлган кишлоқдаги энг катта чайлага олиб кирдилар. Чай-
ланинг томи ва деворлари бир бутунликни ташкил этар, ичи
эса тутунга тўлган ва коронғу эди.

Бегона қишлоқ

Кўзларим коронғуликка қўнишкач, бу улкан, конусси-
мон уйда кўп одамлар борлигини кўрдим. Ўртада ёниб
турган иккита ўчок, бир чеккадан очилган, бир одам аранг
сукилиб кира оладиган эшик тиркиши ичкарини ёритувчи
ягона манба эди. Тепамиздаги бўшлиқ буюмлар саклаш
учун мўлжалланган: стропила вазифасини ўтовчи ходалар-
га ҳар хил буюмлар осилган, тик устунлар бир вактнинг

ўзида томни ушлаб турса, унинг ораларида кўплаб гамаклар (гамак – тўрдан тўкилган осма беланчак) осиб ташланган. Менинг кўлларимни қайтадан боғладилар, лекин бу сафар олдимга, бўш холда, улардан бемалол фойдалана олардим. Сардор кўрсатган гамакка ўтиридим. Сардор қўриқчиларим билан чеккарокқа чиқди-да, нималарни дир мухокама кила бошладилар. Маслаҳатлашув бир неча соат давом этди ва бу вакт ичида кулбага кўплаб одамлар кириб чиқиши. Мен ўтирган гамак атрофида пальма дарахтининг ёғочидан тайёрланган таёклар билан куролланган уч нафар кампир мени сергаклик билан қўриқлашарди. Аёллардан таралаётган ғалати – мускус исини доимо сезиб турардим.

Тез орада ёш аёл ковок пўстидан ясалган идишда кайнок, куюқ ичимлик олиб кирди. Бир қултум ичиб, бошқа ичишдан бош тортдим. Сардор билан сўз алмашган аёл чикиб кетди-да, бошқа идишда бanan хиди уфуриб турган бошқа ичимлик келтирди. Ичимликни лаззатланиб ичдим ва ўзимда қандайдир кувват пайдо бўлганини сездим.

Кишлоқда дастлабки хафталар мобайнида ўтказган хаётим ҳакидаги хотираларнинг кўпи ёдимда колмаган. Бу қандайдир даҳшат эди: асирга олиниппим, селвага келтирилишм билан боғлик воқеалар ҳакида фикр юритиб, шунга ишонч хосил килдимки, ўртоқларим ё ўлдирилган, ёки еб юборилган. Бирорталари тирик қолган тақдирларида хам, улар мени бу ердан топа олишмайди. Улар, оиласам ҳакида ўйлар эканман, тобора чорасизлик боткоғига ботиб бораётгандек сезардим ўзимни. Аммо бу хиссиятим аста-секинлик билан кишлоқдан кочиш карорига айланиб борарди.

Кишлоқдаги кундалик воқеалар давоми менинг хаётимга таҳдид ва хавф йўклигидан далолат бериб турарди. Мен ўз атрофимда бўлаётган сухбатлардаги биронта сўзни тушунмас эдим. Назаримда бу уйда қандайдир тартибсизлик мавжудек: бу ерда йигирмага яқин эркак, хотин ва болалар яшашар, доимо иккита ёки учта ўчок ёник турар, атрофимизда эса эгаларининг арзандасига айланган, кўлга ўргатилган ўрмон жониворлари сайр этиб юришарди. Деразалари бўл-

маган бу уйда кун тундан деярли фарқ килмас эди. Мени кунига икки марта кучли назорат остида ташкарига сайрга олиб чиқишарди.

Күнлар ўтгани сайин одамларнинг менга кизиқиб карашлари, мени қўрганда бащарапарини бужмайтиришилари тобора камая борарди. Болаларнинг менга, бошкаларга нисбатан яширин, дўстона ачинишларини кўриб руҳан шодландим ва келгусига ишонч билан қарай бошладим. Агар катталар менга душманларча муносабатда бўлганларида, болалар ҳам улардан ўрнак олишарди, албатта.

Лекин барибир дастлабки ҳафта воеаларининг баъзилари хотирамда сакланиб колди. Менинг бу ерда пайдо бўлганимдан оз фурсат ўтгач, бир неча нафар эркак ва бу ерга кўллари ва оёклари чирмовук билан боғланган, оғзига латта тикилган бир аёлни келтиришди. Улар аёлни уйнинг мен жойлашган, сардор яшайдиган қисмига олиб ўтишди. Асиранинг оғзидаги тикин олиб таплангач, ерда думалаганча, телбаларча кичкириб, кўл-оёкларини бўшатишга уринарди. Эркаклар уни ерга ётқизилган ҳолда колдириб, чикиб кетдилар, унинг ёнида эса бир кампир колди холос. Дастлабки икки кун асира шиддатли тарзда овозининг борича бакирав, биронтаси унга яқинлашпа бошласа оғзидан кўпик сачратиб, ўзига яқинлашишларига каршилик кўрсатишга уринарди. Бир ўзи қолганда эса тезда тинчланарди. Овкат бермаганликлари боис у кундан-кунга заифлаша бошлади.

Учинчи куни асиранинг ёнига қабиланинг қари кампирларидан бири яқинлашди-да, унинг ерда зўр бериб тиришаётган ҳолда думалапларини кузата бошлади. Охир-окибат кампир бошини сарак-сарак килган ҳолда бир нималар дедида, ташкарига чиқди ва тез орада бир кўлида ёғоч идила сув, бошкасида эса ҳар хил ўтлар боғлами билан кайтиб кирди. У ўтларни киркиб, идишда уларни куюк бўтка холига келгунча эзғилади. Сўнгра кампир боғланган аёл ёнига келди, асира ўзини у ёқдан бу ёкка ура бошлади. Шунда кампир кўлидаги аралашмани асиранинг буралаётган, таранг тортилган баданига сепдида, кўллар ёрдамида асиранинг танаси яшил катлам билан коплангунча ишқалади. Аста-секин-

лик билан асиранинг ҳаракатлари сусая борганини кўрган кампир уйдан чикиб кетди. Аёл батамом тинчланди, гўёки у ухларди.

Эртаси тонгда кампир аёлдаги чирвомукларни кесиб ташлади. Асира ўта хотиржам ҳолатда, атрофидагиларга бефарқ ҳолатида эди. Гўёки эслаш кобилиятини йўқотган одамни етаклаб юргандек, унинг ҳам қўлларидан тутиб, ташкарига олиб чикишида. шу захоти қайтиб олиб киришиди, ювинтириб, гамакка ўтиргиздилар. Эртасига эрталаб у бошқа аёллар катори ишга жўнаб кетди. Эҳтимол у кул бўлса керак, шундай бўлсада у билан дўстона муомалада бўлишиди.

Илгарилари мен хиндулар тиббиёти ҳакида ҳам кўп эшитгандим, бу ерда эса ўз кўзларим билан кўришга муваффак бўлдим. Наҳотки мен учун ҳам шу тиббиётга алокадор тадбир тайёрлананаётган бўлса? Қишлоқда пайдо бўлганимдан сўнг ўтган бир неча кун, балки икки ҳафталардан сўнг – мени ташкарига олиб чиқдилар. Қаршимда бус-бутун кабилани кўрдим. Кўрикчилар мени сукут сақлаб турган оломоннинг олдида турган сардорнинг қарписига олиб келишиди. У яна ўзининг узун ок кўйлагида эди. Гарчи қаршимда турган оломон менга дўстона тарзда караб турган бўлсада, ўзимда сезилар-сезилмас асабий титрок пайдо бўлганини сездим. Аммо мен ўзимдаги кўркувни умуман сездирмасликка карор килдим.

Сардор шошмасдан кўшик боплади ва ёрдамчисидан барглари муаттар хид тарқатаётган шохчаларни олди. Кўшик айтишда давом этиб, шохчаларни менга теккизиди. Сўнгра идишчада кучли хид тарқатаётган суюклик келтирдилар. Сардор кўшик куйлашда давом этди, ёрдамчиси эса мени ушбу суюклик билан ювди.

Бир неча дақикадан сўнг бу амал нихоясига етди. Кўринишидан оломон ўзи кўрган амалдан қоникиш ҳосил килган, ундан олган ҳиссиятларни опкор этмаган равишида, хотиржам тарзда тарқала бошлади. Бўлиб ўтган амал менда ҳам қизиқиш уйғотди ва ундан кейин нима воеа рўй бе-

риши мумкинлигини кута бошладим. Лекин ҳеч нима рўй бермади, бўлиб ўтган маросимнинг мазмун-моҳияти мен учун сирлилигича колди, чунки мен ҳиндуларининг тилини умуман тушунмасдим.

Орадан бир неча кун ўтгач уларда менга ўз тилларини ўргатиш истаги борлиги аён бўлди. Сардор ҳар хил буюмларни кўрсатар ёки менга узатиб факат битта сўзни тинмай кайтарар, менга тикилган холда шу сўзни кайта айтишимни кутарди. Эслаб қолишим учун у бу ҳаракатни икки бора кайтарди. Мен ҳар куни бир хил тарзда кечётган ҳаётимни ўзгартириш, ғамгин холатимни қувноғига айлантириши максадида бу машғулотда жон-жон деб иштирок эта бошладим.

Бир куни эрта тонгда мени яна уйдан ташқарига олиб чиқдилар, мен яна ўзининг ок кўйлагидаги сардор ортида тўпланган оломонни кўрдим. Бу сафар сардор кўлларида янги туғилган гўдак тутиб турган аёл кархисида туртан холда кўшик айтарди. Мен билан бўлиб ўтган амал гўдак билан ҳам ўтказилди: ўша кўшик ёқимли ҳид таркатувчи баргли шохча, ўша ювиш тадбири. Гўдак билан оширилган амал тугагач, айнан шу амал яна бир бор менинг имтирикимда кайтарилди. Бу тадбир кўпроқ христианлардаги чўкинтириш маросимига ўхшаб кетарди. Мени ўз қабилаларининг аъзосига айлантирганга ўхшамаётганми кан?

Босқичма-босқич менинг ҳаракат доирам кенгая борди, лекин мени кўриклиш ҳатто тунлари ҳам кучли эди. Луғатимда янги сўзлар пайдо бўла бошлади. Секин-асталик билан бир-биrimizни тушуна бошладик.

Ҳафталарни қувиб ҳафталар ўтарди. Кунларнинг бирида кабила олдинги маросимдан умуман фарқ киладиган тантанали маросимга тўпланди. Сардор мен илгари эшитмаган кўшикни куйлашини бошлили, қолганлар эса турган жойларида раксга тушган кўйи кўшик сўзларини кайтарар эдилар. Бу жуда узок давом этди. Охир-оқибат сардор қўлига йирик баргли тохчани олдида, менинг баданимга тўрт йўналишда – шарқ, ғарб, шимол ва жануб йўналишида суйкай бошлади.

Сўнгра хиндулар мени кишлоқдан унча олис бўлмаган дарёчада чўмилтиридилар ва бу дарёча келгусида мен юви- надиган ягона сув хавзасига айланди.

Дарёда чўмилтиришдан олдин оловга қўйилган катта идиида ўтларни қайнатиб, мен учун ванна тайёрладиларда, маросими тарзда унинг ичидағи сувга шўнғитиб олдилар. Ваннадаги сув уларга иликрок туюлди шекилли, хиндулар кўл ишоралари билан ерга ўтиришимни буюрдилар. Тиззала- римни даҳанимга олиб келиб, кимирламасдан ўтиришимни бир хинду кўрсатиб берди. Устимга пахта илларидан кўлда тўкилган канлайдир чойшаб ёпдилар. У устимни бут- кул коплагани боис, нафас олишим кийинланди, бўғилиб колишинга озгина колди. Кишлоқдаги хаёт бир маромда, осуда кечеётганлиги туфайли мендаги кўркув ўрнини бо- тирлик эгаллай бошлаган эди. Лекин энди мени асирилик ва ўрмон бўйлаб харакат вактида пайдо бўлгани сингари кўркув босди. Наҳотки бу курбонлик келтириш мароси- ми бўлса? Яхшиси ўрнимдан тик оёқка туриб каршилик кўрсатиш, имкони бўлмаса ўзимни химоя килган холда ўлганим дуруст эмасми?

Мен ўзимни тинчлантириш максадида бирор буони ўкинига харакат илиб кўрдим, аксига олиб ҳеч кайси дуо эсга келмади. Ахир Икитосдаги мактабда олган тарбиям, диний сабок олган пайтимдан шу маҳалгача озмунча вакт ўтдими?

Вакт жуда секин ўтар, асабларим эса узилгудек даражада таранг тортилганди. Қалин мато остида нафасим бўғзимга келган, ноқурай ўтирганимдан оёқ мушакларим томири тор-тиша бошлади.

Нихоят бир тортишда устимдаги ёпингични юлқиб ол- дилар. Атрофимдаги томошибинлар чикарган қийкириклар менга хурсандчилик аломатидек туюлди. Мен илк бора тўпланганларнинг чехрасида қувноқлик аломатларини сез- дим. Эркаклар атрофимга йиғилиб, жилмайган холда тез- тез бир нималар деб гапира бошладилар. Мен уларнинг гапларига умуман тушунмасамда, имо-ишораларидан мен хам уларнинг бирига айланганимни тушундим. Лекин мен

ғалати дунёда улар учун қайси ишда аскотишим мүмкін де-
тән саволга жавоб ололмасдим.

Маросимдан сүңг мени ёш эркаклар гурухига олиб бор-
дилар. Ҳар биримизга яшил поя бўлакларидан беришдида,
чайнашни буюришди. Мазаси ёқимсиз бўлмасада, тишла-
римизни камаштиарди. Бир неча соатлардан сүңг тишла-
римиз қорайиб кетди. Кейинчалик билсам бу сакич пака
никспо деб аталар, поя эса ўрмондаги бутадан кесиб оли-
нар экан. Бу тадбир тишларнинг бузилишини олдини олар
экан. Бир хафта ўтгач эса иккита тишим яна оппок бўлиб
колди.

Кўринишлар

Хуни куи хиндуларнинг кишлоғига келтирилганимга
ҳам ярим йилдан ортиқ вакт ўтди. Мен кийимсиз юрини-
га, ўрмон кушларининг гўшитидан тайёрланган, тузсиз
овқат тановул килишга, оддийгина дәжончилик хосили ва
ўрмон незъматларидан килинган оддийгина таомларни ей-
ишга кўни磕им. Кўшимчасига анчагина хинду сўзларини
ўрганиб олгандим.

Овкатимнинг таркиби кескин равишда ўзгартирилга-
нидан ҳиндулар мени ўзларининг қандайдир мақсадлари
учун тайёрлаётганликларини тушуниб етдим. Бу жараён-
ни менга раҳнамолик килаётган кампирлар ўта қатъий ра-
вишида назорат килардилар. Бир неча кун мобайнинда мени
ўрмон каклигининг обдан ковурилган кўкраги, ковурилган
бўткасимон ичимлик билан боқдилар. Ҳар икки-уч кунда
мени ўтлардан тайёрланган ўткир ва ғалати таъмли дамла-
малар ичишга мажбур этишарди. Дамламалар менда таъриф
этib бўлмайдиган холатлар келтириб чиқарарди, кампир-
лар эса бу дамламалар соғлигимга зарар етказмаслигини
уқтирган холда уларни охиригача ичишимни талаб этар-
дилар. Аммо дамламалардан бири мени кустирди, иккин-
чиси ичимни суюқлаштирди, учинчиси эса юрак уришини
тезлаштириб, титрок ва кучли терлаш холатини келтириб
чиқарди. Мен учун ванналар ташкил килинар, баданим-

ни укалашларидан сўнг кайфиятим кескин кўтарилиб, ўта кувноқ бўлиб колардим.

Бу тадбир ўн кун давом этди. Сардор бошчилигидаги барча хиндулар менинг соғлиғимдан хавотирда бўлсаларда, ижобий натижага умид килишарди. Ажойиб кунларнинг бири емиштановул килишдан тийилиши ва хар хил рангларга бўялиб, безаниш билан бошланди. Ўнта эркакнинг бапараси кизил бўёқда чизилган мураккаб нақшлар билан бўялди. Куёш ботишидан аввал сардорнинг уйига уларни аввалдан таниганим, кабилада мухим мартаба ва обрўэтиборга эга бўлган бир неча нафар одамлар тўпландилар. Қиска маслаҳатлашувдан сўнг, табиийки мен бу маслаҳатда иштирок этмадим, улар бир-бирларининг ортидан саф тортиб, майин овозда кўшик бошлаб, кўшик оҳангига мос равишда раксга тушиб, сельва томон йўл олдилар. Қишлоқ ахли бизга сукут саклаганча караб туришарди.

Кейинроқ рўй берадиган воқеалар тафсилотини уларгача бўлиб ўтганларининг кайтарилиши билан изоҳлаш мумкин. Хиндулар тилини етарли даражада тушуна бошлагач, ўртокларим кўмагида ҳакикатда нималарни кўрганим, нималарни эшитганимни, калбимнинг чукур бурчакларида пайдо бўлган онгни аниклапига эришдим.

Кўз зўрға илғайдиган сўкмок йирик дарахтлар ёнидан, кия ён бағри ўрмон билан қопланган тепалик бўйлаб пастга олиб тушарди. Ярим соатлардан сўнг, ўртасидан кичиккина жилға оқиб ўтувчи ялангликка чиқдик.

Бу ердаги дарахтлар улкан, таналари йўғон, тепа шохлари юксакликка бўй чўзганлиги боис, улар янада улкан кўринишарди. Яланглик остонасидағи ўрмончанинг дарахтлари кесиб олингани боис, яланглик диний бинога ўхшаб колганди. У ер-бу ердан дарахтлар орасини тилиб ўтган куёш нурлари ерда ёруғ доғлар хосил килган. Сельвада яшовчи күшларнинг эрта тонгдаги сайроғи куёш ботиши пайтида ҳам такроран эшитилиб туради. Якингинангизда тинмаундан, нарироқда эса унга бошкаси жавоб кайтарди. Ўрмон лочинининг бўғик овози узоқдан акс-садо бўлиб кайтди. Қаердадир, улкан дарахтнинг танасида тунги уй-

куга хозирланаётган тўдадаги бакирок маймунлар жўр овозда кичкирадилар.

Хиндулардан бири кушларга таклид кила бошлади, шу захоти ўрмон қаъридан турли тарафлардан кушлар унга жавоб бера бошладилар. Аслида бу овозлар кабиладошларнинг овози бўлиб, бу нарса биз ишончли тарзда кўрикланаётганимизни, бизга ҳеч кандай таҳдид ёки тўсқинлик йўклигини англатарди. Сардорнинг билинар-билинмас жилмайиши унинг коникиш ҳосил килганини биллириб турарди.

Гурухимиздагилар бирордан сўнг нима рўй беришини билишарди, мен эса бундан мустасно эдим. Улар хотиржамлик билан кандайдир тайёргарчиликни бошлаб юбордилар. Тўрт нафар хинду биздан узоклашиб, ялангликнинг тўрт бурчагида посбоиликни эгалладилар. Ўзлари билан лой тувакда олиб келинган, кул босган чўғ ёрдамида ўртага гулхан ёкилди.

Гулхандан хиёл олисроқда, доира шаклида, ёғочдан ясалган пастак ўриндиқлар кўйиб чиқдилар. Бизни кўриклаб турган хиндулардан бири катта кучок қурук барғларни гулхан ёнига тўқдида, яна кўздан ғойиб бўлди. Сардор кўшик бошлади, колганлар эса унга жўр бўлдилар. Сардор барглар тўдасидан бир неча кисмини олди. Кўшик тезлашди, гулханга бир неча шохчалар ташланди ва гулхандан куюқ, оппок аччик тутун кўтарила бошлади. Сукут саклаётган сельва-да тик этган шамол йўқ. Ялтироқ патлардан ясалган катта елпигич ёрдамида тутунни бошкаларга ҳайдай боплади, мен ҳам унинг назаридан чеккада қолмадим. Шу пайт мен унинг аҳамиятини кейинчалик тушуниб етган бопика кўшик бошладилар. Назаримда гурухимиз ўткирлашиб бораётган хиссиётлар оғушида, кўшик ва тутун таъсирида қандайдир руҳий холатга тушиб колгандай туюлди. Қилинаётган барча харакатлар ўта хотиржамлик билан амалга ошириларди.

Гулханнинг ёнига лойдан ясалган, накшлар билан ўта бой разишда безатилган, ўртacha катталиқдаги идиш кўйилгандан сўнг одамларнинг кайфиятида кескин ўзгариш пайдо бўлди. Кичиккина чўмич ёрдамида пальма ёнго-

ғининг данагидан ясалган идишчаларни тўқ-яшил рангдаги суюқлик билан тўлдирдилар. Сардор ичимликларни ҳаммага, шу жумладан менга ҳам узатди. Сўнгра ўзининг идишчасини кўтариб ичишга шайланди ва бошқаларни ҳам шунга даъват килди. Аввалига менда иккиланиш пайдо бўлди, ичишдан воз кечмоқчи ҳам бўлдим, аммо руҳий аҳволим бунга йўл бермади ва қолганларга ўхшаб идипчадаги суюқликни бир хўплашда ичиб юбордим. Ичимликнинг мазаси жуда хуштаъм бўлиб, яшил жўхори қайнатмасининг мазасига ўхшарди. Ичиб бўлгач улар гулхан атрофидаги ўриндикларга бамайлихотир ўтирилар. Кўшиқ давом этар, у жарангдор, ёқимли ва ўйноки бўлиб бораради. Ҳар бир қатнашчи навбати билан ўзининг яккахон кўшиғини куйлар, сўнгра эса кўшик ҳамманинг жўровозлигига давом этарди.

Аввалига қулоқларимда сезилар-сезилмас, бироздан сўнг эса кучли равишда увиллаганга ўхшаш овоз пайдо бўлди. Бу ҳолат асабимга қўқисдан берилган «зарба»гача давом этди. Аввалига менда кўнгил озим ҳолати, сўнгра эса ҳеч нарсани идрок этолмайдиган кўйга тушиб қолдим. Кўзларим олдида кандайдир гуллар, кўланкалар намоён бўла бошлади. Аксарияти мовий ва яшил рангларда, бошқа рангдаги ёруғ доғлар уларни тўлдириб турарди. Ранглар жилоси менда ўта ёқимли хис уйғотганди. Кўз ўнгимда кўплаб ноаник буюмлар пайдо бўлди. Булар асосан сельгадаги ҳайвонлар ва ўсимликларга ўхшаб кетардилар.

Охир окибатда мен вакт ҳакидаги тафаккуримни йўқотган ҳолда чуқур апатияга (апатия – грекча сўз бўлиб, ҳамма нарсага умуман бефарқ, бирор-бир нарсани англай олмаслик ҳолатини билдиради) тушдим, у эса ўз навбатида чуқур ва бесаранжом уйкуга айланди.

Куюқ барглар орасидан базур тушган ёруғ қуёш нури мени уйғотиб юборди. Мен ўзимни ўта толиккан, атрофимда мавжуд бўлган борликни хис этмас дараражада эдим, факат күшларнингни кучли сайроқи товушлари мени ҳакикий хаётга қайтганимдан далолат бериб турарди. Ўзимга келаётганимни кўраётган ўртоқларим сўзлар ва имо-ишиоралар

билан менинг бор хаётга қайтаётганимни маъкуллар эдилар. Атрофимдаги эркаклар ўтган тунда олган таассуротлари ҳакида ўртоклашар эдилар. Тушга якин қишлоққа кайтиб келдик. Қишлоқни тарқ этган пайтимдаги руҳий ҳолат ва қайтганимдан кейинги ҳолатим орасидаги фарқ ўта катта бўлиб, воеалар давоми ҳакидаги хотиралар деярли ёдимдан чиқкан эди. Айрим ҳолларда, асосан тунлари кўрган-кечиргандарим кўз ўнгимда намоён бўларди.

Шу маросимдан кейин мен хиндуларнинг сўзларини тез тушуна бошладим. Аммо уларнинг тилида равон сўзлаша олишим учун бир неча ой давомида ўқиб ва уқиб ўрганингга тўғри келди.

Тез орада мени кўринишлар чакирувчи ичимликларни тайёрлашга жихозланган ўрмон лагерига олиб келдилар. Бир куни эрта тонгда мен мазкур ичимликларни тайёрлашни биладиган, Никси Ксума Ваки исмли чол билан қишлоқни тарқ этишимни буюрдилар. Бизларни муфассал куролланган беш-оғти нафар ўсмирлар кузатиб бордилар ва тез орада ўрмон каърига кириб, кўздан гойиб бўлишди.

Биз асталик билан, шошмасдан, йўлларимизни чалкаштирган ҳолда кош корайгунча юрдик, коронғулик кўз илғамайдиган пайтда ёнидаги ялангликка чиқиб келдик. Бу ердаги ўчок ёнида бир неча катта тошлар, кокос пальмасининг япроклари билан беркитилган пана жой ҳозирлаб кўйилган экан. Шу ернинг ўзидан бир нечта лойдан ясалган кўзачалар, чўмичлар ва кўп миқдорда ўтин топдик. Тунни қарши олишга тайёргарчилик мобайнода ўртага гулхан ёкиб, соябон оста мўъжазгина иккита гамак осиб, бир неча бўлакдан дудланган гўшт еб, бир кўзачадан мева шарбатидан ичдик. Никси қушлар сайроғи ёрдамида бизга кўринмаётган ҳимоячиларимиз билан «тиллашди». Бу тиллашув тун давомида бир неча бор такрорланди. Менга шу нарса аён бўлдики, бизни ўта пухта қўриқлашяпти, бизга хеч ким таҳдид солмаяпти ва менинг кочишимга ҳам хеч қандай имконият йўқ. Никси Ксума вакти-вакти билан гулханга ўтин ташлар, паст ва майин овозда қўшиқ кўйларди. Табиийки қўшиқнинг сўзлари мен учун тушунарли эмасди. Ле-

кин қўшиқнинг оҳанги мени ўзига шундай ром этган эдики, ухламасликка канча уринмай, донг котиб ухлаб колибман. Тонг саҳарда аввалига ўрмон каптарининг кучли кичкириғи, дараҳтдаги ковакда ин қурган сассикпопишакнинг тумшуғи чикараётган «тўқ-тўқ» товуши мени уйқудан уйғонишимга сабаб бўлди. Совук хароратнинг изғирин ва намлиги туман туфайли димокка уриб турарди. Қуёшнинг ўткир нурлари калин барглар қаърини тилиб ўтгач ердан кўтарилигац илик буг дараҳтлар учидар парсимон булатчалар ҳосил қилди. Тўқай кушлари ўз «қўшикларини» аллақачон бошлаб юборипган, ўрмон тезда қундузги овозларга сарбаста бўлди.

Ўз ҳоҳиш-иродамга қарши бош кўтариб қўрдимки, кекса Никси ҳамон ўтирган ҳолда гулханга ўтин ташлаш билан овора эди. У бошини қимирлатиб мен билан саломлашгандек бўлдида, күш сайроғи воситасида кўрикчиларимиз билан сўзлапиб олди. Жавоб сайроғини диккат билан эшитиб, қоникиш ҳосил қилган Никси кўл ишораси билан мени гулхан ёнига таклиф этди. Нонуптани тугатгач, биз гулхан атрофиға катта ва кичик кўзачаларни айланана шаклида териб чиқдик. Сўнгра Никси имо-ишоралар билан мени ўзининг оркасидан юришим лозимлигини уқтириди. Биз ўрмон салтанатига кириб борардик. Никсининг қўлларида тош болта ҳамда бамбук танасидан ясалган пичоқ бор эди.

Асирга олинишимдан то шу дамгача бўлган хавотирим гўёки осмонга учгандек, ўзимни илк бора эркиндеқ ҳис қилдимда, тезда бу ердан қочиш хаёли уйғонди, лекин ўрмонда ёлғиз эмаслигимни билганим ҳолда бу кароримдан воз кечишимга тўғри келди.

Менинг йўлдошим бир-бирига чирмашиб кетган чирмовукларга осилган ҳолда овоздиз, бирон бир из колдирмай, баргларга озор етказмай олға борарди. Мен унинг ортидан базур улгурадим. Назаримда тарвақай отган, тиканли ўсимликлар менга атайлаб илашгандай туюларди, фавқулодда ҳозиргина Никси изсиз ўтган, баргларига зарар етказилмаган бута шохига тегиб кетдим. Шу пайт бамисоли қоғоздан ясалганта ўхшаш уядан менга бир гала арилар хужум бошладилар. Яланғоч танамга ёпишиб, чаккан ари-

пар захри тезда бутун аъзойи-баданимни ёндириб юборгач, мен ўзимни ианага олишга мажбур бўлдим. Бир неча дакикадан сўнг Никси менга қандайдир барглар берди. Мен баргларни чайнаб, жароҳат ўрнига босишим билан оғриқ ва ачишиш дархол тўхтади.

Қадам босишимиз секинлашгач, менда Никсининг буталар орасидан ўта чакконлик билан ўтаётганлигини кўриш имкони туғилди. Анча кейин, менинг хам сезги аъзоларим атроф-мухиттга ўрганган, мен хам ўртокларимдан колишмаган ҳолда сельва бўйлаб овоз чиқармай ва из колдирмай юришга ўргандим.

Бир соатдан сўнг биз баҳайбат дараҳт олдига келдик. Унинг юқори шоҳларидан билагим калинлигидаги соч ўрамларига ўхшаш, тарвакайлган ўсимлик танаси осилиб тушган эди. Никси бу ўсимликни хар тарафдан синчиклаб, дикқат билан текширди, унинг назаридан ўсимлик танасининг йўғонлиги, баргларининг катта-кичиклиги, илдизи ва ҳатто у ўсиб турган тупрок хам четда колмади. Бу вактда у тинмай кўшик куйларди. Нихоят у бутун гавдаси билан ўсимликнинг бир поясига ёпишган ҳолда бор кучи билан уни пастга тортди, аммо поя унга бўйсунмай, узилмади. Шунда Никси бошқа пояга чирмасиб, дараҳтнинг учига кўтарилиди-да, ўзи таилаган пояни чопиб узди ва поя пастга қуллади. Пастга тушгач, иккимиз пояни хар бирининг узунилиги уч футча келадиган бўлакларга бўлиб чиқдик. Бўлаклардан кучоғимизга сиққанича кўтарган ҳолда қўнағамизга қайтиб келдик.

Сўнгра яна ортга, ўрмонга, факат умуман тескари томонга йўл олдик. Шеригимнинг диккетини йирик баргли бута ўзига тортди. У менга бута поясининг ранги, баргларининг тузилишини фарклай олишимни ўргатди. Пояда худди бўғма илон танасида мавжуд бўлган, гўзаллиги билан инсонни лол колдирадиган даражада гўзал рангли нақпилар жилоланарди. Барглари эса найзасимон кўринишда бўлиб, ундаги томирлар баргта ўзгача тароват ҳадя этиб турарди. Никси ўта меҳрибонлик билан барглардан йигирматачасини узуб олгач, биз яна қўнағамизга қайтдик.

Ана энди бир сония хам тинмаётган күшик остида жиддий тайёргарчилик бошлаб юборилди. Аввалига биз ўсимлик зангини бир фут узунликда кесиб олиб, уларни ёнимиздаги ясси харсанг устида тош түкмөк ёрдамида күкүн холига келгунча майдаладик. Чол күшик күйларди:

Никси хони, кўринишлар чорловчи занги¹
Ўрмоннинг пайғамбарона руҳи,
Ақл-заковатимизнинг сарчашмаси,
Ўз сеҳрингни шарбатимизга бер,
Онгимизни ёритиб, башбаратни хадя эт!
Онгимизни ёритиб, ёвлар фикрин аён эт!
Она ўрмонимни тушунишимга мадад бер!

Шундан сўнг Никси лой тувакнинг тубига толкон килинган зангдан икки катлам тўқдидা, унинг устини келтирилган япроқлар билан, елпигичсимон кўринишда, эҳтиёткорлик билан ёпди. Бу амалларни бажара туриб Никси яна куйлай бошлади:

Илон тусли шохчажон.
Баргларингни шарбатта хадя кил,
Бўйма илон мардлигини бизга бер-у,
Омадни бизга тортиқ кил!

Бир толқон, бир катлам барғ тахламларини бир неча бор тақрорлаб, тувакка ярмидан ортиғини тўлдириб, жилғадаги зилол сувдан унинг устига кўйдик. Тувак остига олов ёкиб, бир неча соат давомида кайнатдик. Кайнаш жараёни идиш ичидаги суюқликнинг ярмидан камроғи колгунча давом этди. Шунда биз идишни оловдан олиб, бир оз совутгач, унинг ичидаги ўсимликларни олиб ташладик.

Сўнгра кайнатма бир неча соат давомида хам совугач, яшил рангдаги тиник кайнатмани эҳтиёткорлик билан тувакчаларга таркатиб кўйиб, оғзини маҳкамлаб беркитдик.

Биз бу ишларни шошмасдан, синчковлик билан уч кун давомида амалга оширидик. Ҳар бир қадамимиз, ҳатти-ҳаракатимиз ўрмон руҳларига, чирмовуклар руҳларига, ўрмон жонзотларининг руҳларига мурожаат этувчи кўшиклар жўрлиги остида амалга оширилганди. Биз тайёrlаган шар-

бат мўъжизавий кўринишларни кўплаб чакириш учун етарли эди.

Бир неча кундан сўнг, мен ва Никси ўзимиз тайёрлаган, кучли таъсир этувчи шарбат билан ўрмондан кишлокка кайтган кунимиздан кейин сардорнинг олдига овчилардан бири ташриф буюрди. Кечки оқшом тушишидан хиёл аввал биз сардор уйининг ўртасида ёкилган ўчок атрофида йиғилиб ўтиридик. Овчи Ксурикайя – «Рангли куш» – бамайлихотир равишда уйчага кирдида, ўзи учун ажратилган жойни эгаллади. Ҳамма уни кутиб ўтиргани аник эди. Сухбат асосан ов хақида борарди. Шунда Ксурикайя ўзининг узундан-узун, мунгли хикоясини бошлади.

«Якинда ўзим учун ов қилишга ажратилган ерда ёввойи чўчкалар тўдасига рўпара келиб колдим. Хатоликка йўл кўйиб, подага жуда яқин келиб колибман. Камонимдан ўқ узгунимча, тўданинг серкаси ўзининг хуриллапи билан тўдани ортидан эргаштириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Назаримда тўда менинг ов ҳудудимни тарқ этганди. Энди улар бу ерда озикланмайдиган бўлишди. Уларнинг изини хам тополмадим.

Бошка сафар эса тузоқка илинтироқчи бўлдим. Мен күшни унинг сайроғи ёрдамида кўп чакирдим ва ниҳоят у кўриниш берди. Мен уни ўлдиридим, аммо у аввали жароҳати туфайли буткул куртлаб, ейишга яроқсиз эди.

Бакироқ маймунлар тўдаси менинг устимни булғашни одат килиб олдилар. Бунга кандай чидап мумкин. Аксига олиб камон ўқларини тополмай ҳалак бўлдим. Ўрмон буғулари мени олисдан сезиб, изларини чалкаштириб, зумда кўздан йўқоладилар. Ўрмон жонзотларининг севимли озукасини берувчи мевали дараҳтлар бу йил мева тугмай, фақат барг чиқардилар холос.

Менинг оиласми бошка овчилар бокишидан жуда уятдаман. Менинг омадим келмас экан, уларга карзимни качон узаман».

Сардор Ксуму унга карата деди:

«Эртага кечки пайт кел, биз сенинг ов анжомларингни бир кўздан кечирамиз».

Сардор ўзининг қарорини бошқа тажрибали овчиларга қабиланинг кампирлари орқали хабардор килди.

Эртаси куни кечки оқшомда улар сардорнинг уйидаги ўчок атрофига тўпланиб, ярим тунгача сухбатлашдилар.

Ксурикайя ўзининг ов аслахаларини келтирди. Улар ҳар хил калинликдаги тасмалардан ясалган ва мум суртилган тузоклар, пальма баргларидан тўқилган усти очик саватдан иборат эди. Сават тунни ернинг очик устида ухлаб ўтказадиган ўрмон какликларини тутишга фойдаланиш учун ишлатилиарди. Бу анжомлар ичита тунда ов килиш учун керакли ҳар хил найзалар, кўплаб пойкони билан камон, бўйинга осиб юриш учун бир уни тасмага тепиб ўтказилган бамбуқдан ясалган пичоқ ҳам кираради.

Бу асбоблар кўлдан кўлга ўтиб давра айланар, ҳар ким асбобнинг камчилиги ҳакида ўз фикрини билдиради. Мана, Ксурикайя одам исини йўқотиш учун тузокларга майсалар билан ишлов бермаган. Сават керагидан ортик катта бўлиб, у қалин ўрмонзорда кушлар овига ҳалал беради. Найзалар эса ёвуз рухлар томонидан қарғалгани аник. Ўрмон рухларининг иноятини чакириш учун камон ва пойконлардаги нақшларнинг баъзи жойларини қайта тўғрилаш дозим.

Асбобларни кўздан кечириб бўлгач, овчилар Ксурикайяга ҳар хил саволлар бера бошладилар. Онга тайёргарлик чоғида у ўсимликлардан тайёрланадиган, одамнинг хидини йўқотадиган суюкликка ювингингми, у ёки бу жониворга ов килишдан аввал нима истеъмол қилдинг, паррандаларни тошиш учун қандай туморлардан фойдаланасан?

Жавоб кутмай, давра Ксурикайянинг муваффакиятсизлик сабабларини муҳокама килишни бошлади. Ва нихоят овчилар ўрмоннинг муқаддас ерида кўринишларни чакирувчи маросим ўтказишга карор килдилар.

Эртаси куни сардор кеча иштирокчиларини тўплаб, маросим ўтказиш олдидан қандай овкат истеъмол килиши, ошқозонни юмшатиш учун қандай шарбат ичини лозимлиги тўғрисида батафсил тушунтириш берди. Ушбу кўрсатмалар бир неча кун давомида амалга оширилди ва нихоят афт-

ангорни бўяш тадбири ўтказилди. Кечга якин гурухимиз ўрмоннинг ичкарисига яширган, олдинги сафар бўлган жойимиз – ялангликка караб йўл олдик. Гурухнинг бошида сардор Ксуму, унинг ортидан Ксурекайя, мен ва биздан сўнгтина билимдон овчилар боришарди.

Бу сафар мен кўп нарсаларга тушунар, гап нима ҳакида бораёттанини билар эдим. Бундан ташкари, менда бўлажак воқеалар ҳакида хам кенг гушунча мавжуд эди. Биз ўрмондаги улкан дараҳтлар ёнидан ўтган аввалги йўлдан юриб, ялангликка чиқдик. Куёш ботишга бош қўйган, аммо ўрмон коронгулигини тасодифий нур кесиб ўтган холлари хам ахён-ахёнда оёқ остимизни ёритарди. Қўриқчилар ялангликнинг тўрт бурчагидаги ўз ўринларини эгалладилар. Ўртага кичик гулхан ёкилди ва сардор ўзининг қўшиғи билан ўрмон руҳларини чорлай бошлади. Куйлашда давом этар экан, у тўхтовсиз равишда оловга курук барглар ташлар, чикаётган қуюқ тутун осмонга кўтарила туриб, муаттар хид таратар, бу хидни баримиз лаззат билан хис этиб, тутуни ютар эдик.

Бу сафар кокос ёнғоғи пўчоғидан тайёрланган идишларда менинг иштирокимда тайёрланган суюклик давра бўйлаб таркатилди. Мен бу маросимда ўзимни йўқотмаган холда тўлиқ иштирок этишга карор килдим. Биз ўзимизга ажратилган меъёрдаги хони ксумани – кўринишларни чакиравчи ичимликни бир томчи колдирмай ичиб тугатдик. Қўшиқ асталик билан ўз авжига чикиб борар, қолганлар ўз қўшиғи билан сардорга жўр бўлишарди. Баъзи сўзларда овозлар бир-бирига мос тушиб, қўшиқ янада жозибали кўриниш оларди. Бир неча дакиқадан сўнг қулоқларим остида кучли кичкириқ овози эшитилди ва у тинмас шовкинга айлангач, мушакларимда кучли ўзгариш сездим. Бу сафар кўнгил озиш холати рўй бсрмади, аммо вужудимни сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ҳиссиётлар чулғаб олди.

Вакт борасида хотирадан ажралдим, бошимдан ўтказган таассуротлар тўёки ўткинчидек туюлди назаримда. Рангли кўринишлар пайдо бўла бошлади, қўшиқ эса ўз ортидан мени ушбу кўринишлар сари етакларди. Аввалига бу

кўринишлар тартибсиз, шаклсиз, ранги эса асосан оч-мовий тусда эди.

Бирордан сўнг эса бизни ўраб турган ўрмон жонзотларининг ҳакиқий кўринишлари элас-элас, яна бир оздан сўнг улар аниқ кўрина бошладилар.

Бўғма илон қўшиғи бошлангач, ўрмон узра улкан боа-конструктор илони сургала бошлади. Унинг терисидаги мовий доғлар гўзал нақшни чалкаштиргандек, илоннинг белида сузиб юргандай бўларди. Унинг кўзлари ва тили олов пуркарди. Илоннинг белидаги нақшлар аниқ ва ҳар хил, ёркин рангларда жилваланарди.

Менга кейинчалик маълум бўлишича, хиндулар бу илоннинг ўрмонда овоз чикармай харакатланишидан, бошка жонзотларга зум ўтмай етиб олишидан хайратга тупиб, лаззатланишар экан. Агар илонга кўл теккизиб, бармоклар билан унинг терисидаги нақшларни силасангиз, бу сизга ов пайтида омад келтирас экан... Шу боис овнинг бароридан келиши учун бажариладиган барча маросим қўшиқ жўрлигига ушбу илон иштирокида ўтказилар, бўғма илон ортидан эса кўплаб бошка илонлар эргашиб келишаркан.

Илонлар ортидан эса асосан лочинлар оиласига мансуб қушлар пайдо бўлишди. Бу қушлар ўрмонни билиш ҳакидаги билимнинг манбаи ҳисобланади. Лочин ҳакидаги қўшиқ воситасидаги кўринишда улкан, йирткич бургут пайдо бўлиб, у ўрмон узра кескин бурилишлар ясад, парвоз этарди. Нихоят у кўндида, баҳайбат қанотларини йиғиб, аввалига кенг ок кўкратини, сўнгра эса катрон мисоли тим кора оркасини намойиш этди. Бошидаги парларни ажойиб кокилга йиғдида, илмоксимон тумшуғини шакиллатган холда бошини биз томон бурди. Бургутнинг сарғиши, мунгли кўзлари ёниб турарди. Бургутнинг ўрнини ўрмон посбони ҳисобланган, илонларни еб кун кечирадиган карчиғай эгаллади. У ерга кўниб, қанотларини пастга осилтирган холда, бамисоли илонга ҳамла килгандай сакрай бошлади. Унинг ортидан эса овқатга ошиккан бир тўда кушлар пайдо бўлишди. Ҳар бир қуш ўзича овоз чикарап ва ўзлари

ов килинаётган пайтда пайдо бўладиган, овнинг самарали бўлишига сабаб бўладиган киликлар кўрсатишарди.

Охири йирик ва майда, тўрт оёкли хайвонлар ҳозир бўлдилар. Уларнинг ҳаракатини маҳсус қўшиқ кузатиб борарди. Бу «мўъжиза» бутун тун бўйи давом этганилиги боис, барча воқеалар тафсилотини сўзлаб беришга ожизман. Мен шу воқеалар асносида тасаввуримда нималар туғилди-ю, ортирган тажрибам туфайли нималар кириб келгани ҳақида бирор бир аник фикр айтишга ожизман.

Эрга тонгда бизни нотинч уйқудан ўрмоннинг табиий овози ва бу ерда танкис бўлган күёш нури уйғотди. Нонуштамиз ачинига улгурмаган мевалардан тайёрланган суюқ бўтка бўлди. Сардор ўтган тун воқеалари ҳақидаги таассурутлари билан бошқа овчилар ўртоқлашгач, Ксурикайяга қарата деди:

«Тунги воқеаларни кўрдингми, кичкирик овозларини эшиздингми, рухлар билан сухбатлашдингми? Ана энди барча қийинчиликларни енга оласан».

«Буюк сардор Ксуму Нава, барча рухларнинг раҳнамоси, Ксуни куи йўлбошчиси, барча муваффакиятларимизнинг илхомчиси. Менинг билимим тикланди, ўси. Энди ўрмон менга ва оиласамга керакли барча неъматларни беради» – деб жавоб берди Ксурикайя.

Сардор менга қараб:

– «Бугун хони ксума калбимизнинг энг чукур жойларига етиб борди. Якин кунларда биз уни яна бир бор татиб кўрамиз» – деб жилмайди. Мен унга жавобан бош ирғаб, розилик билдиришдан бошқа илож тополмадим. Тез орада гурухимиз кишлоққа кайтди ва бизни оломон катта кизикиш билан қарши олди. Менга нисбатан айтилган баъзи лукмалар, менга ташланган нигоҳлар камина муваффакият козонаётганлигимдан далолат бериб турарди. Ҳиндуларнинг тилини янада яхширок тушунадиган, кишлоқда бўлаётган воқеалар моҳиятини тўлиқ англаш даражасига етган эдим. Кўриниш чакиравчи иккинчи маросимдан сўнг, бу ғаройиб дунёда ажратилган вазифа ва тақдир кипилюқдаги кундалик воқеалар негизида аста-секин ойдинлаша бошлади.

Мен сардормани ёинки асир? Сўнгги сўз ўрнида

Кейинрок Мануэль Кордова-Риоснинг хаётида кандай воқеалар рўй берди? Уларнинг қисқача тафсилоти.

Хуни куи қабиласининг аъзолари ўрмоннинг ҳакикий одамлари эдилар.

Уларнинг ялангликларга жойлашган, инсон оёғи етмаган, бокира ўрмоннинг қалин деворлари билан ўралган қипплоклари ўта файзли ва озода эди. Икки-уч йилдан сўнг қипплок атрофидаги катта-кичик далаларнинг ери кучсизланиб, хосилдорлиги камайгач, улар қипплокларини бошқа ялангликка чикаришар, янги экин ерлари очишарди. Ов қилиш ёки ўрмон меваларини териш мақсадида улар ўрмонда бир неча кунлаб колиб кетишарди. Ҳиндулар сельвада ҳудди ўз уйларида яшагандек яшашар, ўzlари учун кепрак бўлган озуқани доимо ва керакли миқдорда топа олишнинг улдасидан чика олардилар. Камондан отилган пойкон ёрдамида хайвонларни, күпсларни овлапшар, судралиб юрувчи маҳлуқларни тутишар, ёввойи асалариларнинг аслини, истеъмолга яроқли гулларни, баргларни, илдизлару, илдизости сабзавотларни кидириб топардилар.

Кунларнинг бирида сардор Мануэльга қизиқ маълумот беришга карор килди. Унинг гапи бўйича Хуни куи қабиласи ҳар доим ҳам ўрмоннинг ичкарисида яшамаган экан. Улар авлод-аждодларининг ерларини каучук йигиб, бойинш мақсадида келган ок танли келгиндиларнинг унинг қабиласига килинган саноқсиз хужумлари туфайли тарк этипган. Ҳиндуларни ўzlари яшаб турган ерларидан кувиш учун, ок танлилар эркакларни ўлдирав, аёлларни зўрлашар, болаларни ҳайдаб олиб кетардилар. У пайтларда анча ёш бўлган Ксуму ўз қабиласини каучерослар хужумларидан олиб кочиш, уларнинг кирилиб кетмаслиги учун ҳам ўз одамларини шу ерларга, ўрмоннинг ичкарисига, сельванинг инсон оёғи тегмаган ерларига олиб келишга мажбур бўлган.

Сардор Ксуму барча қабилаларни бирлаптирган, ов қилиш ва экин майдонларини тақсимлаган эди. У ўрмондаги

тўрт йўналишдаги бир неча кунлик йўлларни аъло даражада биларди. У Мануэльга унинг келгусидаги янги хаётида аскотадиган барча сир-синоатни, ўзи билган барча билимни ўргатди. У ёш Мануэльни ўзи билан ўрмонга олиб борар, истеъмолга, касалликларни даволашга ярокли ўсимликлар, барглар, илдизлар билан танишитирар эди. Мануэль аввалиари хам хиндуларнинг олий даражада ривожланган ҳалқ тиббиёти ҳакида эшитган, энди эса ана шу тиббиёт сирларини ўз кўзлари билан кўриб, кўли билан ушлаган ҳолда мукаммал ўрганди. Кекса Қсуму ҳар хил ўсимликларни кайси максадга ишлатиш мувофикалигини сабр билан батафсил кўрсатар, улардан қайнатма, дамлама тайёрлаш сирларини эринмай ўргатарди.

Нихоят сардорнинг Мануэльга нисбатан тўлиқ ишонч хосил қилган куни ҳам етиб келди. Ўша тонгда ўсмириянгликда камондан ниппонгавойкон отиш машқини бажаарди. Қсуму ўз кулбасидан качонлардир каучерослардан тортиб олинган курол-милтик билан чикиб келди. У куролни Мануэльга узата туриб, ниппонни мўлжалга олиб, ўқ узишни сўради. Отилган куролнинг кулоқни коматга келтирувчи овози ва ўқнинг ниппонга аниқ тегиши хиндуларни ҳайратга солди. Шундан сўнг Мануэль овга факат ўточар қурол билан бориш хукукига эга бўлди. Шу хукукни киритгандан сўнгтина Мануэльнинг тўлаконли аъзосига айланганини, кабила аъзоларининг имончини буткул қозонганини тушуниб етди.

Кунлардан бир кун Мануэльнинг хаётида ўзи кутмаган воқеа содир бўлди. Сардор ундан каучук йифип сирларини ўргатишини илтимос қилди. Илтимос замирауда тайёрланган каучукни ўточар куролларга айирбошлаб, ўз қабиласини душманлардан мухофаза қилиш масади ётарди. Мануэль келгусида бўлиши мумкин бўладиган воқеаларга таъсир ўтказиш имконияти туғилганини сезган ҳолда сардорнинг илтимосини дарҳол қабул қилди. У каучук тайёрлашда ортирган тажрибасини эслага олган ҳолда оддий тош болта ва мачете (мачете – киличсизмон узун эгри пичок) ёрдамида каучук олишни йўлга кўйди. Хиндуларнинг бундай оғир ва

машақкатли ишга кўнишилари кийин кечди. Лекин қабила эркаклари ўта кучли, бақувват бўлиб, тез орада дарахт ағдариш, дарахт танасида тилишлар тилиб, дарахт танасидан окиб тушадиган шарбатнинг тубига унинг япроклари тўшаб, чукурчаларга йигини ўрганиб олдилар. Қотган шарбатлар йифилиб, оғир дарахтлар танасидан ясалган кўлбола пресс ёрдамида ташинга осон бўлиши учун кулагай блоклар тайёрланди.

Мануэль хиндуларнинг чала-чулпа сухбатларидан тайёр бўлган илк йигирмата блокни кабул килиб оладиган жой – факториянинг каерда эканлигини билолмади. Улар блокларни оркаларига остан холда ўрмон оралаб бир неча кун йўл юрдилар. Дарёча кирғоғига чиккан маҳали Мануэльнинг миясига кочиш фикри келди. Лекин шу захоти ўз фикридан воз кечди, ваҳоланки хиндулар уни кочиш учун имконият берувчи катта факторияга олиб келмасликлари эҳтимолдан холи эмасди. Ҳакикатан ҳам ҳамроҳлари уни дарё бўйидаги икки-уч уйчадан иборат кичик бразилия факториясига олиб чиқдилар.

Савдо молларини факторияга етказиш учун хиндулар Мануэльни сол билан таъминладилар, сотилган пулга курол сотиб олишни, агар бирор-бир ҳавф-хатар туғилса бургутнинг кичкириғи орқали огоҳлантириш берипни уқтиридилар.

Факторияга таприф буюриш Мануэльда ғалати таассурот колдириди. У кийимсиз яланғоч юришига кўниккан, эгнидаги иштон ва кўйлаги тор, нокулай туюлар, ўз она тили бўлмиш испан сўзлари қандайдир ғалати эпитетиларди. Аммо хаммаси хамирдан кил суғургандай осон кечди, Мануэль фактория хўжайинида хеч қандай гумон ўйғотмади. Сотувдан тушган пулга Мануэль олтита милтикни ўқ-дориси билан, болталар, мачетелар, балиқ тутиш кармоклари, пичоқлар, кўзгулар, шулар билан бир каторда кўйлак ва шим сотиб олди. У тақвимдаги 1910 йил 15 июнни кўриб, ўрмонда салкам икки ярим йил умр кечирганини тушуниб етди. У фактория сохибига мингларча савол берипнига тайёр эди, лекин ҳакикат аён бўлиб колган тақдирда фактория эгаси ҳамда хиндулар ўзларини қандай

тутишлари мавхум эканлигини хис киlgан Мануэль ўз-
ўзидан кўркиб кетди.

Шундай бўлсада, у савдолан ортиб колган пулларни
ўзининг хисобига, банкда хисоб раками очиши мумкинли-
ги хакидаги фактория эгасининг таклифини қабул килишга
рози бўлди. Фактория эгасининг гапларидан фактория Перу
ва Бразилия ўртасидаги чегарадан унча узок бўлмаган жой-
да, Пурус дарёси бўйида жойлашганини билиб олди.

Ортга қайтган эркакларни қишлоқ қувонч хайқириклари
 билан кутиб олди. Ҳамма олиб келинган буюмларни ки-
зикиш билан томоша килишар, кўзгуларни айлантирган
холда, ўз аксларига ҳайратомуз қарадилар. Орадан бир не-
ча кун ўтгачгина хаёт ўз оқимиға тушди.

Ҳиндуларнинг Мануэльга нисбатан бўлган ишончсиз-
ликлари унинг факторияга бориб келганидан сўнг батамом
йўқолди. У энди кичик гуруҳ билан бирга овга чиқар, сель-
вада бир неча кунлаб қолиб кетар. ортга қайтиш йўлини эса
хамроҳларининг ёрдамисиз ҳам осон топа оларди. Кекса сар-
дор Мануэльдан мамнун бўлиб, уни кузатар экан, ўйларди:
«У энди биз билан бирга колади ва менинг халқимга муно-
сиб сардор бўлади».

Лекин Хуни қуиларнинг душманлари ҳам фафлат уйку-
сида эмасдилар.

Бир куни Мануэль ўрмонда, дараҳт тепасида мева тера-
ётган маҳали унинг елкаси ёнидаги дараҳт танасига пойкон
санчилди. Тезликда пастга сирғалиб тушиб, у қуролидан
пойкон учиб келган томонга ўқ узди. Ўқ овозига каучук
йиғаётган дўстлари етиб келдилар, лекин уларнинг пойкон
эгасини топиш борасидаги меҳнатлари зое кетди.

Бу воеа Мануэльга нима учун Хуни қуилар уни
ўзларига сардор этиб тайёрлаётганликларини билиш имко-
нини берди. Кечкурун кекса сардор Қсуму барча эркаклар-
ни тўплаб, кундузги фавқулоддаги воеани мухокама этар
экан, Мануэль бу амалга тайёрланаётган охирги ўсмир
эмаслигини, якинда эса унинг ўғли маккор душманлари-
нинг курбонига айланганини эслатиб ўтди. Ана шундан
сўнггина Хуни қуиларда бегона ерлик болани ўлжа килиб,

уни ўзларига сардор этиб тайинлаб, у оркали куролга эга бўлган ҳолда ўз қабилаларини душманларидан химоя килишга карор килган эканлар. Уларнинг ана шу режалари амалга ошиш арафасида Мануэльдан ажраб колишларига бир баҳя колганди.

Кекса сардор Ксуму кўзларидаги ёшни билинтирмасликка харакат килган ҳолда ўз ҳалкига деди:

– Агар душманларимиз Мануэльни ҳалок этишса, сизлар сардорсиз коласизлар, чунки мен жуда каридим, ўлимим якин ва мукаррардир!

Ҳақикатан ҳам Ксуму жуда кекса эди. Қабиланинг барча аъзолари уни жуда чукур ҳурмат килишар, сардорларининг бутун умри мобайнида тўплаган ҳаёт тажрибаси, ақлзаковатини, билимини ўз ҳалкининг бахту-саодати йўлида ишлатишига тўлик ишонардилар. Бир куни Мануэль ҳар сафардагидек сардор Ксумуни сайр пайтида кузатиб бораётганида сардор кутилмаганда ва тасодифан оёги қайрилиб кетиб, йикилиб тушдида, ерга кулади. Етиб келган хиндулар уни авайлаб кўтариб, кишлокка олиб келдилар, гамакка охиста ёткиздилар. Сардор ўз умрининг охирги кунларини яшамоқда эди. Унинг айтиши бўйича у ўзининг эски терисини янгисига алмаштира олмас, зеро эски терини янгисига алмаштириш сирини кагта гуноҳларга ботган аждодлари рухларнинг қарғишига учраб, ўзлари билан бирга олиб кетишган. У асталик билан ўз ўлимини кутарди. У сўнди, мангу уйқуга кетди.

Кекса аёллар унинг танасини куритилган, энсиз каноп поясига ўрадиларда, устунига, доимо тутун ўрлайдиган тепник остига осдилар. У шу кўйда бир неча ой осилиб турди. Уни пастга туширганларида тана мумиёга айланган, бамисоли куритилган дараҳт танасига ўхшаб колганди. Шундан сўнг кампирлар маҳсус модда билан мурданинг мушакларини ишқалай бошлидилар ва бу матбулот тиззалар ияк остига олиб келиниб, тана ўтирган ҳолатга олиб келингунча давом этди. Шундан сўнг у лойдан ясалган маҳсус идилига туширилди, уни озик-оват билан тўлдириб, Ксуму ҳаётлигига унга тегипши буюмлар: маросимий камон пой-

конлари билан, ракс пайтида ишлатиладиган таёкча, патлар билан безатылган күйлак ва бошка күпгина буюмлар ҳам шу идишга солинди.

Идишни айнан шундай идиш билан устидан бер-китдиларда, чокни мум билан чаплаб чиқдилар. Мотам күшиги остида майитни ялангликинг бир чеккасида казилган чукурға күйдилар. Устига тупрок тортиб, қабрни түлдирдиларда, сардорнинг рухи озик-овкатга мухтож бўлмаслиги учун кабр атрофига истеъмолга яроқли ўсимликларни экиб чиқдилар.

Сардорнинг жасади то ерга кўйилгунча кишлоқдаги хаёт умуман тўхтади. Эркаклар ов қилишни тўхтатишган, аёллар даладаги юмушларини ташлаб кўйгандилар. Дафи маросими ўтиб, оз вактдан сўнг эркаклар Мануэльнинг олдига келиб ов килиш малакаларини ёддан чикаришганини, унга бу малакаларни кайтадан тиклаш лозимлигини айтдилар. Бунинг учун Мануэль кекса Ксумудан ўрганган, кўринишларни чакирувчи маросим ўtkазиши лозим эди. Бу эса хиндулар Мануэльни ўзларининг сардорлари сифатида тан олганликларининг исботи эди.

Лекин Мануэльнинг назаридаги инсонийлик муносабатларнинг моҳиятини чуқур тушуниш хислати ўзида ҳали етилмаганини тан оларди. У ўз ҳамкишлопларининг феълатворларини сардор Ксумудек назорат килишдан анча йироқ эди. Мануэльга воеалар ривожини керакли томонга буриш анча кийин кечди. Кўпинча кишлоқда ҳар хил зиддиятлар пайдо бўлар, чунки баъзи эркаклар ўзларининг кизиконликларини кўрсатишар, содир этётган хатти-харакатларига хисоб бера олмасдилар. доимо жанжалнинг пайида бўлардилар.

Мануэльнинг асаблари тараңг тортилган, ташвишли холат жуда авжига чиқканди. У иложи борича кўп вактини ўрмонда – ов ёки каучук йиғиш билан ўтказишга ҳаракат киларди. Аммо унга уюштирилган янги суникасдан сўнг кексалар унга кишлоқдан чиқишни ман этиб кўйдилар. Бу мажбурий бекорчилик Мануэльни руҳий эзилишга олиб келди. Кекса Ксумуга яхши бўлган нарсалар ёш сардорга

чида бўлмас нарсадек туюларди. У хиндуларнинг ўзларига пўлат болталар ва мачетелар топиб бериш хакидаги илти-мосларидан фойдаланиб, каучук тайёрлапни тиклаб, уни давом эттиришга қарор килди.

Мануэль Ксумунинг вафотидан кейин хиндуларни иккι марга факторияга олиб борган, учинчи марта олиб бо-ришга тайёргарчилик кўради. Дарёга олиб борадиган йўлнинг охири фожия билан тугаши мумкин эди. Тун-да кучли момақалдироқ гулдураги остида кучли довул кўтарилиди, тропик жала күя бошлади. Одамлар кучли ша-молдан, чакнаётган яшину, гулдурос момақалдироқдан кўрккан холда бир-бирларига капишиб олдилар. Атрофда эса қарсиллаб синган улкан дараҳтлар ерга қуларди. Тонг-да табиат инжиклиги барҳам топди, аммо тупрок аталага айланганди. Саросимага тушган одамларнинг оркаларига ортилган оғир юклари билан йиқилган дараҳтлар орасидан юршилари жуда кийинлашди.

Аввалгидек Мануэль факторияга бир ўзи борди. Мўъ-жазгина кўрфазчада юқ ортаётган кичик кеманинг тур-ганини кўрган Мануэльнинг миясида шу захоти қочиши режаси туғилди. У каучукни хиндуларга керакли бўлган буюмларга айирбопладида, уларни элтиб бериш учун кема бошлиғидан кайик бериб туришини сўради. У хин-дуларни орқага кайтиши лозимлиги, у олиб келиши за-рур бўлган куроллар эрта тонгда кемадан туширилажаги хакида ишонтириди. Факториянинг этасига эса Мануэль ка-учук йиғишдан келаётган даромад кундан-кунга камайиб бораётгани боис бу машғулотни ташлаб, уйига, Перуга кайтажагини тушунтириди. Фактория эгасидан банк учун хисоб варакасини тайёрлаб беришини сўраб, гамак сотиб олди-да, кемага ўтириди.

Кема қувуридан шуълалар сочиб, чиқараётган буғ хуши-так чалганча тепасида оппок булуллар ҳосил килиб, оқим бўйича пастга суза бошлагандан сўнгтина Мануэль енгил нафас олди. Аммо унинг бошида ўзи ўтказган ҳаётнинг ёркин суратлари акс этар, факатгина тонгга яқин кўзи уйкуга кетди.

Аввалига «маданий» хаёт Мануэльга чидаб бўлмайдиган даражада туюлди. Кийимлари унинг харакатларини чегаралар, тузли, хар хил дориворлар кўшиб тайёрланган таомлар бемазадек туюлар, испан тилида сўзлашиш одати эса хотирасига кечикиб кириб келарди. Йўловчилар ёш йигитнинг ўзини ғалати туатётганини сезиб, унга кўплаб саволлар ёғдиришарди. Мануэль уларнинг саволларига умуман аҳамиятга эга бўлмаган жавоблар бериб, улардан аранг кутуларди. Унинг фикрича ўзининг бошидан ўтказган ҳакикий саргузаштлар бу одамлар учун ўйлаб чикарилган ўйдирма бўлиб колиши мумкин. Лекин у ўзида ўзини-ўзи идора этишни йўқотмаганидан ва уйига қайтиш учун туғилган яккаю-ягона имкониятдан фойдалана олганидан хурсанд эди. Унинг онги бу фикрдан хеч қачон йироқда бўлмаган. Лекин унинг аввалги ҳаётга қайтиши ҳам сурок остида, хавотири кучли эди. Сабаби ота-онаси, карииндошуруғлари, ёру-биродарлари уни аллақачон ўлганга чикариб кўйишган бўлиши мумкин.

Нихоят буғ кемаси Манаусга, Амазонкадаги серҳаракат шахарга етиб келди. Шахар бўйлаб қилинган биринчи сайр Мануэльни кийнокқа солди – наҳотки у шахар ҳаётини унуган бўлса. Икки кундан сўнгина Мануэль нима учун шунчча вактдан сўнг дўстларисиз қайтаётганини тушунтириб, бу тушунчани асослаб бергандан сўнгина банкдан ўзига тегишли пулларни олдида, катта кемага ўтириб, Амазонка бўйлаб сузиб, жонажон шахрига – Икитосга етиб келди.

Олдинги ҳаётига қайтгач, Мануэль Кордова-Риосда ўзининг собиқ қабиладошларининг ишлари кандай кечяпти деган саволга жавоб излаб кўрди. У ўзи яшаган жойлар ҳакида маълумотлар тўплаб, мазкур ерларда ҳозир ҳам ташки дунёдан ажралган, инсон оёғининг изи тушмаган кишлокларнинг борлигини билди.

Унинг ўзи эса сельвада ўргангани, ўсимликларнинг хусусиятлари, улардан фойдаланиш ҳакидаги билимларини ҳаётга татбиқ этиб, кўплаб касалликларнинг олдини олиш, уларни даволанида шухрат қозонди ва Перуда халк табиби сифатида танилди.

Фламинго – қадимги күш

Ҳозирги пайтда ер юзида бу қадимги қушларнинг олти миллионга яқин тури мавжуд. Тошларга муҳрланиб қолган пардали оёқ ва тумшукларининг излари уларнинг 50 млн. йилдан бери яшаб келаётгандиклари хакида Шимолий Америкада топилган қолдикларидан маълум.

Фламинголарнинг кўхна китъя (бу ерда Африка китъаси назарда тутиляпти)даги асосий яшаш жойлари Шаркий Африкада жойлашган Буюк рифт чўқмаси бўйлаб сочилиб кетган кўллардан иборат. Бу қушларнинг кўп кисми Кениядаги Магади, Эльментейт, Ханингтон, Рудольф, айниқса Миллий кўриқхона деб эълон қилинган Накуру кўлларида яшашади.

Кения лойтахти – Найроби шаҳри билан Накуру кўли орасидаги масофани автобусда уч соатда босиб ўтиш мумкин. Шоссе чеккалари ўзига хос бозор вазифасини ўтайди. Бу ердаги махаллий болакайлар шосседан ўтаётган сайдхонларга ўзлари келтирган сабзавот ва меваларни, ишлов берилган, қордан-да ок юнгли кўй териларини сотиш илинжизда эрта тонгдан то кечгача ўтиришиади.

Буюк рифт чўқмасининг тик чеккаларидан (Кениядаги бу чўқманинг чуқурлиги 1,5 км. ни ташкил этади) олис пастида ястаниб ётган поёнсиз ялангликлар, кайнин ўрмонлари билан бир каторда фламинголар яшашни хуш кўрадиган оч-мовий сувли кўллар кўзга ташланади.

Накуру кўлига киладиган саёҳатимиз шу номдаги 50 минг аҳоли истиқомат киладиган шаҳардан бошланади. Сукунатни бузмаслик учун йўл бошловчимиз ортидан икки чети шоҳлар билан ихоталанган сўқмок бўйлаб оҳиста одимлаймиз. Майсалар устида эса муҳим аҳамиятга эга бўлган «сукут саклаш – олтинга тенг» деган ёзувли таҳтаталар ўрнатилган. Биз ўзига хос тарзда курилган, уруп майдонларидаги дзотларни эслатувчи, деворларида кўплаб туйнуклар очилган усти берк бинога кириб бордик. Туйнуклардан назар ташлаганимиз захоти кўлларимиз ихтиёrsиз равишда фотоаппаратларга чўзилди. У ерда, жилға кўлга

куйиладиган жойда сув ичишга келган юзлаб хайвонлар, асосан хар хил наслдаги антилопалар түпланган эди. Кўрикхонада одамлар уларга хавф тұғдирмасликларини яхши билганиллари боис уларнинг баъзилари кумда бемалол мудрашар, баъзилари эса тиззалиригача сувга кирган холда хайкалдек котиб туришарди. Оз мудатта бўлсада йиртқичлар, браконьерлар хакида ўйламаса ҳам бўладиган вазият юзага келганди. Хайвонлар осудаликдан лаззатланишарди.

Ўрмон чеккасида эса нўхотли шўрва тўлдирилган улкан тогора янглиғ, сувдаги қуёп нурлари таъсирида жилолана-ётган кўл ястаниб ётарди. Сувга қулаган дараҳт устида ба-кланлар қанотларига «ишлов» беришмоқда. Қанотларини бир маромда коккан холда турналар қаерларгадир учиш-моқда. Шундоқкина павильон ёнида ўрдаклар сувга шўн-ғишар, сувдан чиққач эса силкинишарди.

Кўлнинг ўзлари ёқтирган кисмида фламинголар сузид юришарди. Буталар ортига беркинган холда биз охиста сув бўйига чиқдик. Мана улар – фламинголар.

Саёзликнинг қандайдир 200 метрчалик майдонида оқ-пушти рангли, калин тумшуклари пастта қайрилган қушларнинг улкан тўдаси тўпланган эди. Уларнинг сони бир неча юз минг бўлиб, улар сафи кирғок бўйлаб бир неча километрга чўзилиб кетганди. Атрофни уларнинг баланд овоздаги сайроғи, тумшукларининг тақииллапи, канот кокин то-вшлари, сувнинг шовуллапи тутиб кетганди. Фламинголар саёзликда ўзларига оро беришар, тумшуклари билан сув бетини титкилашар, бир-бирлари билан сухбатлашишарди. Баъзи жойларда улар орасидаги «жанжал» қандай тезликда пайдо бўлса, худди шундай тинчирди. Шамол эса уларнинг турли рангдаги патларини бутун кўл бўйлаб учирарди.

Бир соат мобайнинда фламинголарни томоша килиб, роса мириқдик. Уларга янада якинроқ борипига уриниб кўрдик, лекин бу уринишимиш бехуда бўлди. Кимдир бамисоли оқ-пушти рангли парларга қаттиқ пуллагандек бўлди. Юз минглаб жуфт кучли канотлар ишга тушди. Гўёки оқ бу-лут ҳосил килган улкан тўда хавога кўтарилиб анча нари-

га бориб күнди. Накуру күлининг деярли барча кирғоклари күшлар түдаси томонидан эгалланганди.

Якин-якинларгача бу шохона күшлар Австралия ва Антарктида китъаларидан ташкари болка китъаларда хам кенг тарқалган эди. Ҳозирда эса улар тропикнинг баъзи ерларида, асосан бориши мушкул худудларида сакланиб колган.

Олимларга маълум бўлган олти турдаги фламинголарнинг фақат икки тури Африкада яшайди. Булар – катта фламинго (*Phoenicopterus ruber roseus*) ва унинг кичик кондоши (*Phoeniconaias minor*).

Накуру кўлидаги кўрганларимиз – айнан кичик фламинго эди.

Катта фламинго кичигидан бўйининг баландлиги билан ажралиб туради, танасининг узунлиги 120 см. гача этади. Ундаги патларнинг ранги оқиш пушти рангда, канотларидаги пупти ранг бой, кокиш патлари эса кора рангда. Оёқларининг ранги пушти, узунлиги – 70–80 см. ни ташкил этиб, бармоклари парда билан копланган. Кўзлари оч сарик рангда. Ўртаси кескин эгилган пупти рангдаги тумшуғининг учи кора рангдан иборат. Кичик фламингонинг кўзлари кизил, тумшуғи кора, унинг «либосида» пушти ранг анча кам.

Накуру кўлига вақти-вакти билан 1,5 млн.га якин кичик, бир неча ўн минглаб катта фламинголар тўпланади. Уларнинг бир кунлик «еминлари» 200 тоннани ташкил этади. Киёсан кичик бўлган бу ишкорли кўл уларга нима инъом этиши мумкин?

Ҳакикатда эса бу кўлнинг суви худди тўйимли шўрва сувига ўхшаб, унинг таркиби кўплаб минерал зарралар, микроскопик катталикдаги сув ўтлафи, хайаратларнинг личинкалари ва бопика организмлар билан бой экан.

Ўзгаларнинг хаётий яшаш даврлари мобайнида фламинголар сув ҳавзаларида янашга ажойиб тарзда мослашишган. Катта фламинголарнинг тумшуклари бамисоли элакли чўмичга ўхшаб, сувни элагандек сизиб ўтказилига мослашган. Сув ва сув ўтларини улар тумшукларининг четларидаги шоҳсимон типли пластинкалари орқали сизиб ўтказишиади.

Шу йўсинда тутилган қисқичбакалар, унча катта бўлмаган шиллиқкортлар, сув ҳашаротлари ва уларнинг личинкалари күшларнинг асосий емити хисобланади.

Кичик фламингонинг тумшуғи эса бошқача тузилишга эга. Тумшукнинг тепа бўллаги қопқоқ мисоли пастки, вазминли катта кисмини ёпиб туради. Ҳар икки бўлакнинг ичи майда, эгилувчан туклар билан қопланган. Кунт тумтупуни ёпгач, ўзига хос ёпик элак пайдо бўлади, ҳамда кўл сувининг юза қисмида кўплаб мавжуд бўлган диатомик, мовий-яшил раңгдаги сув ўтлари тумшукда колади. Мана шундай табиий «вегетарианча шўрва»дан ўз овқатларини толиб ейишади.

Ҳаво очик кунларда кичик фламинголар кирғоқдан анча узокликка сузид кетишади. Узун бўйинларини чиройли этган холда тумшукларининг ярми сувнинг ичидаги тўйимли озукавий моддаларни тўплайди. Куиларнинг бошлилари сув бетида қалкиб юрган пўқак сингари кўл сувининг тўлкинлари харакатига монанд, гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилади. Мабодо енгил шабада кўтарилса, фламинголар катта тўдага тўпланишади, чунки тўданинг ўргасида сувнинг чайқалиши деярли сезилмайди, улар овкат тўплаш юмушларини бамайлихотир давом эттирадилар.

Шундай килиб, катта фламинголар – гўштхўр, кичиклари эса ўтхўр. Шу сабабли хам улар бир-бирлари билан ракобатлашмаган холда бир ерда тинч ва тотову япашади. Лекин сув ишқорли бўлган кўлларда күшлар сувни тумшуклари воситасида ўта зийраклик билан, шошмасдан элакдан ўтказадилар, чунки кўл суви истеъмол учун мутлако яроксиз. Катта фламинголар ўз чанковларини сувдаги типик организмлар таркибидаги намлик билан кондирсалар, кичиклари эса сув ичиш учун Накуру кўлидан 60 км. узокликда жойлашган, чучук сувли Ханнингтон кўлига учиб борадилар. У ерда зилол сувнинг иссик булоқлари отилиб туради.

Салкин тонгда, куёш бош кўтариб улгурмасдан Ханнингтон кўлида ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин. Отилиб чикаётган гейзерлар ва иссик булоқ сувлари хосил килган куюқ буғлар орасида ўз чанковларини кондираётган

минглаб кичик фламинголарни күриш мумкин. Уларнинг баъзилари сувга обдан тўйгач, кўл кирғогидаги базалът кояларда хайкалдек котиб, килт этмай турадилар. Баъзилари эса саёзликда сайр этишар экан, ногаҳон иссик сув фавво-расига дуч келиб, ўзларига хос бўлмаган тарзда бесўнақай сакраб қўядилар.

Бу кушлар камдан-кам холларда ўз уяларини Накуру кўлида қурадилар. Катта фламинголар баъзида суви ишкорли бўлган Эльментейт кўлига ҳам ин қуради. Айтганча, уларнинг Кениядаги ин курган ҳудудлари фақатгина 1954 йили камиф этилган. Кушлар аксарият ҳолларда битта, кам ҳолларда иккита ёки учта тухум туғиб, 30–32 кун давомида босиб ётадилар. Тухум босишда ота-онанинг ҳар иккиси иштирок этади. Ургочиси тухум босиб ётганида, эркағи уни кўриклаган ҳолда унинг атрофида доимо парвонадек айланиб, гоҳида бу бизнинг «ховли»миз дегандек патларини хурпайтириб, қўшиларини қўркитишга харакат киласди. Кушлар кўналғасида полопонлар пайдо бўлгач, уларнинг хаётида долзарб палла бошланади. Бахтиёр ота ва она тинмай го-голаб, навбатма-навбат кўлга, емиш излаб учадилар. Полопонларнинг иштаҳаси хавас килгудек. Ота-оналар кўлдан йиккан, ўз ошқозонларида «пиширган», кизил рангдаги «бўтқа»ни полопонларининг кенг очилган оғизларига «кусадилар». Бу овқат ўта тўйимли бўлиб, кушчаларнинг тез ўсишига омил бўлади.

Кичик фламинголар эса ўз уяларини қўпини Танзаниянинг Натрон кўлининг жанубий соҳиллари атрофидаги кимсасиз оролларга куришни хуш кўрадилар. Уларнинг кўналғаларига бориш осон иш эмас. Бунинг учун кўп мил масофага чўзилган ўта ёпишқок балчикни кечиб ўтиш лозим. Кўп ҳолларда ишкорли сув баданингни куйдирипни ҳам мумкин.

Дастлабки икки хафтада күпчалар ота-оналарининг назоратлари остида бўлишади. Сўнгра уларнинг пушти рангли оёкларининг ранги тўқ-яшилга айлангач, улар ўз уяларини тарқ этиб, катта галаларга тўпланадилар. Улар ўзларининг кулранг таналарини кўлмаклар, тошлиар орасида

бир кўрсатиб-кўрсатмай қадрдон уялари атрофида тинмай айланадилар. Умумий харакатни ўзига хос кичкириклар билан бошвариб, уларни она күшлардан бири қузатиб юради. Вакти-вакти билан кун давомида кўлдан қушчаларнинг отоналари учиб келадилар-да инсон акли лол қоладиган дарражада ўз «фарзанд»ларини хеч адашмай топиб, уларнинг корнини тўйдирадилар. Бундай ҳаёт яна етти хафта давом этади.

Тан олиб айтиш лозимки, ёш фламинголар ҳаётининг дастлабки ойлари нақадар машаккатли ва оғир кечиши инсон тафаккурига сизмаслиги мумкин. Ўлим уларни ҳар дақикада, ҳар кадамда кутиб туради. Усти содали катлам билан копланган саёз сувларда харакатланаётган қушчаларнинг болдирларида пайдо бўлалиган «табиий» тузоклар – ишкорли сув таркибидаги тузлардан хосил бўлган «салмокли» ҳалкалар күп куч сарф этишга мажбур этади. Кучсизланиб, толиқиб колган полопонлар йўлда тўхтаб коладилар, оқибатда эса улар ушбу ҳалкаларни зритиб, уларни ҳалос этишга ёрдам берадиган сувларгача етиб бора олишмайди, дengiz бургутларининг ёки бошка йирткич қушларнинг курбонларига айланадилар.

Агар фламинголарнинг уяларига хеч ким кирғин келтирмаса, ёш полопонлар талафот кўрмасалар бир вактнинг ўзида кўл юзасида минглаб ёш, навқирон фламинголар пайдо бўлишади. Бу манзарани кўрган маҳаллий аҳоли ҳозиргача ҳам фламинголар ҳамма күшлар каби тухумлардан эмас, балки кўл тубидан сузиб чиқади деб ишонадилар.

Ёруғ дунёга келганларининг ўн биринчи ойилагина ёш фламинголар учишни бошилайдилар. Уларнинг оёклари яна секин-асталик билан пушти рангга эга бўла бошилайди. Ҳаётларининг энг оғир, энг хавфли даври ортда колди. Ҳаётлари сакланиб колганлари узок – 80 йилдан кўп янайдилар. Фламинголар уч ёшларидагина жинсий балоғатга этадилар.

Вояга етган фламинголарнинг душманлари жуда оз бўлади. Уларга факат бургутлар ва марабулар таҳдид сочишлари мумкин. Бургутлар асосан кучсизланган, касал

кушларни овласалар, марабулар эса асосан ўлаксалар билан озиқланадилар.

Африканинг бу каби гўрковлари ҳамда санитарлари сахарданоқ кўл кирғокларини «тафтиш» килиб, ўзларининг бакувват тумшуқлари билан ҳалок бўлганларнинг танасини тилка-пора киладилар. Аммо бургут ва марабулар фламинголарнинг кўпайиши даврида уларни кўркитиб, саросимага солипилари мумкин. Бу пайтда фламинголар босиб ётган тухумлари-ю, ҳатто хафталик полопонларини тақдир измига ташлаб кетишлари мумкин.

Инсонлар шу вактгача Шаркий Африкадаги фламинголар уя қурадиган жойлардаги кушлар тинчлигини бузишмаган. Чунки бу жойлар хўжалик юритиш аҳамиятига эга эмас. Кўплаб кўлларнинг суви шўр бўлиб, истеъмолга ва суғоришга ярамайди. Баликлар бу кўлларда деярли йўқ. Гарчи қадимги римликлар фламингонинг тили мазали деб эътироф этишган бўлипса-да, фламинголарнинг гўшти ўта мазасиз, асосийси бу кушлар ўз уяларини инсон оёғи етмайдиган ерларга қурадилар.

Шу давргача фламинголарнинг одатлари, ўзларини тутишлари, ахлоклари кўп жиҳатдан мавҳумлигича қолмоқда. Масалан, улар вақти-вақти билан яшаш шароити бирбиридан умуман фарқ килмайдиган бир кўлдан иккинчисига кўчиб ўтадилар. Паррандашуносларнинг фикрича, фламинголар бир-бирларига қандайдир восита ёрдамида озиқланиш шарт-шароити яхшироқ жой ҳакида хабар беришар экан. Бу хабардан бир неча куш воқиф бўлгач, бир зумда улкан гала самога кўтарилади. Учиб ўтишлар одатда тунда рўй беради.

Фламинголар ҳаётларининг асосий кисмини овкат излаш билан ўтказишади. Бу машғулот билан улар кўлнинг саёзликлари ёки ўртасида афсонавий гўзал сузувчи гилам хосил килгандек тарзда машғул бўладилар.

Гоҳи-гоҳида бу кушларнинг ҳаракатларида тасодифий ўзгаришлар рўй бериб туради. Тўсатдан кушлар саёзликда кичик гурухларга тўпланишиб, гурухлардаги кушлар сони бир неча юздан бир неча мингтани ташкил килган ҳолда

канотларини очиб, узун бўйниларини осмонга чўзганча бошларини тинмай гоҳ пастига тушириб, гоҳ тепага кўтарадилар. Бир неча юз күшининг бопи харакатлари бир текисда чайқала бошлагач, улар испанларнинг фанданго раксига ўхшаш раксга туша бошлайдилар. Бу ракс фламинголарнинг никоҳ ракси бўлиб, у бир неча хафтагача давом этиши мумкин. Ана шундан кейин фламинголарда оиласвий жуфтликлар тузилади.

Баъзидаги шундай нокулай йиллар бўладики, фламинголар биронта хам бола очмасликлари мумкин. Бу пайтларда улар бамисоли ўйинчоқдек уя курадилар. Ўзларининг эгилган тумшукларини хаскаш каби ишлатиб, сув тубидаги юмшок лойни ўз тагларига йиғиб, 10–60 см. баландликда уя курадилар. Лекин бу уяларга тухум кўйишмайди.

Ёввойи хайвонлар сонининг кескин камайиб кетиши Кения хукуматини республика худудида ҳар қандай овни ман этиши ҳакидаги карор кабул килишга мажбур қилди. Фламинголарга солинипи мумкин бўлган асосий хавф – мамлакатда саноат корхоналарининг кўпайиши, бу корхоналардан чиккан окова сувлар фламинголар яшайдиган кўлларнинг сувини заҳарлаш хавфи эди.

Ишонамизки, шу пайтгача инсонларнинг кўзларини ўзининг гўзал ташки кўриниши-ю, нафис, жозибадор ракслари билан қувонтириб келаётган фламинголарни бутунлай йўқ бўлиб кетишига қарши чора-тадбирлар кўрилади.

Қаурилар — тарихнинг гувоҳлари

Шилликкортлар... Улар жониворларнинг жуда катта гурухи. Турларининг сони жихатидан улар ҳапаротлардан сўнг иккиси чи ўринни эгаллайдилар. Ҳозир фанга уларнинг 126 минг замонавий турлари ва 45–50 минг йўқолиб кетганлари маълум.

Шилликкорт! Бу сўзни эшиштгач бизнинг тасаввуримизда нималар пайдо бўлади. Кимларнингдир тасаввурида у сирғанчик ва ёқимсиз шиллик. У тропик ўрмонларда ёмғирдан сўнг мўъжаз сўкмоқларда ялтирок из колдиради.

Баъзилари эса ажойиб кўринишдаги чиғаноқларни эслатадилар. Константин Паустовский бу чиғаноқларни нафис пушти рангли, котиб қолган кўпикка тенгламтиради. Ҳар ким ўзича тасаввурга эга, мен эса ожизман.

Шилликкуртлар орасида турли хиллари бор: чиройлилари, хунуклари, фойдалилари ҳам зарарилари, ювошлари-ю, ўлимга сабабчи бўладиган заҳарилари, ҳаттоқи ўта мазалилари. Қадимгилар шундай дейишган:

«*Habent sua fata libelli*» – «Китоблар ўз тақдирларига эгалар». Мен эса: «*Habent sua fata conchi*». Шилликкуртлар ва уларнинг чиғаноқлари ҳам ўз тақдирларига эгалар дегим келади. Ва мен, уларга бефарқ карай олмайдиган одам, хайратланаман: қандай ажойиб тарзда, кўрининишидан оддийгина бўлган оддий чиғаноқлар, инсон тафаккурига таъсир этади, қандай килиб улар тарихда, ҳалк оғзаки ижодида, санъатда, тилда ўз аксини топган. Агар менга ишонмасангиз, марҳамат, машхур инсонларнинг сўзларига кулок тутинг. Замонамизнинг машҳур математиги Г. Вейль Туррителла чиғаноғи хакида шундай дейди: «Накадар гаройиб. – Бу чиғаноқдаги бир-биридан кейин келадиган ўрамлар кенглиги шунчалар аниқки, улар геометрик прогрессия конунига тўла-тўқис итоат этади. Кўраяпсизми, қандайин «алгебраик уйғунлик», табиат қўйнида жўш ураётган тирик жоноворларнинг кўринини ўзгарувчан эканлигини ва уларнинг гўзаллиги катъий бир конунга асосланганидан ажабланмаса ҳам бўлади».

Карел Чапек бу хакда шундай ёзади: «Табиат кудратли ва мўъжизакор, мен расмлар галереяси ва нафис санъат музейларига боришдан чарчамайдиган одамман, тан олишим лозимки, энг зўр мароқли таассуротларим табиий-тарихий музейдаги чиғаноқлар ва кристалларни томоша килгандим».

Давом этаман: «Чиғаноқлар шундай нафис, гўёки уларда тирик рух мавжуддек, ҳар нарсага кодир Аллоҳ ўзини овутиш ва хушчакчаклигини таъминлаш учун яратгандек. Кизларнинг лаблари каби дўндин ва пушти, пурпур, лаъл, перламутр ва кора, ок ва ола рангларда, оғир ва енгил, киролича Мэбининг нафис киррали килиб сайқалланган гўзал

упа идиши каби чиройли, текис тарашлангандек, шудгорни эслатувчи, тиканли, буйракни, күзни эслатувчи доирасимон, камон ўклари-ю, дубулғаларга ўхшайдиган ва хеч нарсага ўхшамайдиганлари, шаффофларию, опал сингари ранглари жилоланадиганлари, нозиклари-ю кўркинчлилари ва таърифини келтириш мумкин бўлмаганлари канча. Санъат асарлари хазинасида, музейлардаги курол, жовонлар, чинни ва ёғоч ҳамда металларга ўйиб ишланган мўъжизавий коллекцияларни томоша килиб лаззатланганимда... яна бир бор кўраман: табиат накадар буюк ва мўъжизакор!

Ва яна ўша чиғаноклар, илохий ва ноилохий пайдо бўлган, телба ижод килиш мақсадида тўлғанганд оидий шилемшиқ тана яратган чиғаноклар, юмшок ва яланғоч тана... Овозим борича бақираман: табиатга ўхшанг... ижод килинг, ижод килинг; лол қолдирувчи буюмларни ижод килинг. Қанчалар кўп ижод килсангиз, табиатга шунчалик ошуфта бўласиз. Табиатдан улуғвор ҳеч нарса йўқ». Менимча бу сўзларга қўшимча килишининг зарурати колмади.

Мен зарурати бўлса-бўлмаса ўзимнинг коллекциям сакланадиган жовонни очаман. Тортма ортидан тортма тортаман, коллекциямни неchanчи бор кўздан кечираман. Кўп йиллар давомида йиғилган коллекция вакт ўтиши билан бўш вактингни ўтказишга қарама-карши ўлароқ сенинг хаётингга айланиб боради ва ҳар бир чиғанок қандайdir тарихий воеа манбасига айланади. Бу воеаларнинг тарихи узун ва киска тортмаларни бирин-кетин тортаман, хаёлан чиғаноқларни озодликка чикараман ва кўз ўнгимда Африка кирғокларида ўзим кўрган, эшитганларим ёки ўқиган манзаралар намоён бўлади. Ҳар сафар мен уларни кайтадан каниф этгандек бўламан. Коллекция жовонимдан топилган тарихлардан бир нечтасини сизга сўзлаб бераман.

Того республикасининг пойтахти – Ломе шаҳрининг бозор майдонида бир ғаройиб бино кал кўтариб туриби. Унинг ғаройиблигини дархол сеза олмадим. Менга кейинчалик етиб борди, бинодаги дераза ромларида ойна йўқ, ваҳоланки бино ичкарисида одамлар ғужғон ўйнашса-да, бино одамлар яшашига яроксиздек туюлади. Зоро, атро-

фіда мавжуд бұлған Африкага күп рангли бозор билан үйғунлашиб кетган бўлса ҳам. Аммо бино ичидა ҳам савдо-сотик авжидә экан. Биз бунга ўзимиз амин бўлдик. Унинг ичидә майда дўкончалар бир неча катор саф тортган. Истаган нарсани топиш мумкин. Кўзларимиз олазарак. Кутимаганд...

Тим кора гўзал африкалик аёлнинг рўпарасида бир тўда чиганоклар ётибди. Булар Ҳинд ва Тинч океанининг саёз сувли кирғокларида яшайдиган чиганоклар – монетария монета эди. Сайкаллангандек, ялтировчи янги чиганоклар ёнида эскилигидан оқариб кетган, ғовак холига келган нусхалари ҳам учрайди. Булар канча қўллардан ўтган. Унинг саноғини ҳеч ким айтиб бера олмаса ҳам керак.

Чиганокларнинг бир тури хисобланган – монетария монета ҳакидаги тарих. Бир неча минг йиллиги туфайли кўплаб ҳалкларнинг тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг баъзиларини келтирамиз.

Шимоли-Фарбий Хитойнинг дентизлардан олис бўлган Ганьсу вилояти. Уибу чиганоклар бу ерда бир неча минг йиллар илгари маълум бўлган. Уларни қадимий одамлар яшаган жойлардан, кейинрок эса мисдан ва мармардан ясалган тақинчоклар билан бирга қўшиб кўмилган қабрлардан топишган. Уларнинг микдори шунча эдики бу чиганоклар хаёт кечирадиган кирғоклар билан Ганьсу вилояти оралиғидаги худудлар орқали вужудга келган йўлнинг мавжудлигига ишонмайдиган одамларни ишонтиришга мажбур этип микдорида эди.

Монетария монетанинг Хитойдаги машхурлиги шундай юксак даражада эдики, ҳатто бронза даврида уларни санъят асарларида қўллай бошлаганлар.

Мисол учун, улардан дур ясашган, тўғрироғи чиганокнинг ўзидан эмас, унинг ҳақиқий ўлчамида тилладан ясашсан. Монетариялар бир неча минг йиллар мобайнида Ганьсу (ку) сопол идишларида накш сифатида ишлатилган.

Ҳали буниси ҳолва. Ҳудди шу ерда, эрамиздан 1,5 минг йил илгари монетариялар айирбоплаш бирлиги сифатида қўлланилган. Чиганоклар Рюкю оралиғида овланган ва

денгиз орқали Хитойга келтирилган. Кейинчалик эса улар шунча миқдорда Корея ва Японияга кириб борган. Монетария монета 2, 5 минг йил давомида Хитойнинг кундалик хаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Мамлакат ёзувида 2 та маҳсус иероглиф мавжуд. Бу иероглифлар қадимги Хитой ёзувида Шан сулоласи даврида пайдо бўлган ва «пей» деб номланган. Ҳозирги Хитой ёзувида бу икки иероглифлар пул, сотим ва сотиб олиш, савдо-сотик ва пул айланмаси билан боғлик бўлган 200 тадан зиёд сўзнинг асоси, илдизини ташкил этади.

Ўтган асрнинг бошларида Хитойда мис тангалар пайдо бўлгач чиғаноклар муомаладан сикиб чиқарилди. XIII асрнинг охирларида Марко Поло Юньянб вилояти хақида шундай ёзади. «Уларда бу чиғаноклар пул ўрнига ишлатилади, итларнинг бўйнига осиладиган чиғанокларнинг айнан ўзи. Чиғанокларнинг саксонтаси 1 та кумум сайега ёки 2 та венеция грошига тенг». Айтгандек, Юньянъ вилоятида монетария монета пул сифатида XIX асрнинг охирларигача муомалада бўлган.

Хиндистонда монетария монета «Каури» исмига эга бўлди ва хозирда коллекционерлар барча чиғанокларни, уларнинг туридан катъи назар, шу ном билан – каури деб атайдилар. Эрамиз бошлангунча Хиндистон ва унга ёндош худудларга кириб келган каури IV ва VI аср оралиғида ғоят тезда кўп тарқалди. Уларни Мальдив ороллари ва Форс кўрфази кирғокларидан келтиришарди. XIX асрнинг ўрталарида Хиндистоннинг узок ичкари худудларида бир неча минг каури 1 рупийга тенг эди.

Каури – пулнинг киймати тобора камая боргач ва улар пул муомаласини йўқотгач, чиғанокларнинг аксарияти итлар, отлар, филлар ва эшакларнинг абзалларида такинчок сифатида фойдалана бошланди. Ҳудди ана шу максадда Каури арабларда ҳам оммалашди. Махаллий номи «вад» бўлиб, араблар уни «эшак чиғаноклари» деб атасиди.

Саъдий шундай ёзган эди:

Шодаларда агар садаф шўх жарангласа,
Йўлларда кўп эшак чиғаноклари ялтирайди.

Бошка матахлар сингари карвонлар кўплаб каури олиб кела бошладилар. Айримлари қачонлардир Форс кўрфази кирғокларида мавжуд бўлган порт шаҳар Ормуз орқали Каспий дентизининг жанубида жойлашган порт шаҳар Мазандаронга етказиб келинган. У ерда улар шимолга, Волга дарёси ҳавзаси томон, Итиль шахрига олиб борувчи кемаларга юкланган. У ердан каури юқорига, Волга бўйлаб Кама дарёсига якин бўлган Булғор давлатининг пойтахти Булғорга келтирилган. Булғорда уларни славян савдогарлари сотиб олганлар. Уз кайкларида юқорига караб сузиб, баъзи жойларда судраб, Волхов дарёсига чикиб олинган. Бу ердан эса Болтиқ дентизи ва Европа билан кенг алоқа ўрнатган Готланд ороли гўё кўл узатгудек якин масофада.

Кауриларни ўрга аср бошларида скандинавия маликасининг қабридан топилиши ҳам, Ғарбий Европа усталари томонидан этакларнинг каури билан безатилиши ҳам хеч кимни ажаблантирмайди.

Қадимги Русда Каурини жуда яхши билишган. Русда, тангасиз даврда (XII–XIII асрлар) муомалада бўлган танга (асосан арабларнинг кумуш дирҳамлари ёки куфик тангалар) муомаладан йўқолиб борган.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз. Дирҳам – арабларнинг қадимги тангаси. 2, 97 грамм соғ кумупига тенглаштирилган. 695 йилдан бошлаб зарб этила бошланган. Дирҳам арабларнинг бошқа мамлакатлар билан, шу жумладан қадимги Руслан савдо-сотик килишида IX–XIII асрларда ишлатилган. Тангаларнинг йўқолиб кетипига сабаб – уларни эритиб, қуйма холига – гривнага айлантиришган. Бошка тангаларнинг кириб келиши тўхтаб колгач, каури муомалага чиқарилган. Шимолий Русда улар анча вакт пулнинг ўрнида ишлатилган. Ҳозирда уларни Псков, Новгород ерларидаги қабрлардан, баъзида эса маҳсус ҳазиналардан куфик тангалар билан биргаликда топишяпти. Бу холат муомалага металл тангалар киргунча, яъни XIV асрнинг иккинчи ярмигача давом этган.

Араб савдогарларининг болқа карвонлари эса Эрон, Арабистон ярим ороли, Миср орқали Судангача етиб борган.

У ердан эса жанубга ва гарбга йўл олган. Нигер дарёсининг бўйида, савдо йўлларининг кесишган жойида 1180 йили йирик савдо маркази – Томбукту шахри кад кўтарди. Шундай килиб, Каури Чад кўли атрофидаги худудларни, Нигер дарёси атрофини забт этди. Аввалига монетария монета тақинчок сифатида сотиб олинган бўлса, кейинчалик у муомала «тўлов воситасига, «валютага» айланди.

XIII асрда Форс кўрфази кирғокларидан келтирилган чиғаноклар Ўрта дengизнинг шарқидаги портларда Венеция кемаларига юкланиб, Марокотига келтирилган. У ерда улар машҳур Сахрои Кабир тузи билан биргаликда тяяларга юкланиб Сахрои Кабир оркали ўтган машҳур карвон йўли оркали Томбуктуга, ундан кейин Нигер дарёси хавзасида жойланган мамлакатларга етказиб берилган.

Янги дунё (Америка китъаси) шакарқамиш майдонларида ишчи кучига «эхтиёж сезилганда ҳакикий «жанг» бошланди. Савдогарлар аклдан озай дейишиди. Улар Мальдив кауриларини жойида арzon-гаровга сотиб олиб, Гвинеяга келтиришар, у ерда кўплаб кулларни харид этиб, Америкага жўнатишарди.

Марказий ва Farбий Африкада монетария монета муоммалада бўлган. Бир вактнинг ўзида Шаркий Африкада монетария аннулюс кенг таркалган, гарчи у пул ўрнига ишлатилмаса-да, тақинчок сифатида танилган. Тақинчокларга ишлатиш асосан Занзибар оролида авж олган. Ҳар бир шодага 100 тадан каури тизилган. Бу шодалар Угандада кенг расм бўлган. XIV аср ўрталарида француз ва гамбурглик савдогарлар монетария аннулюсни ўзлари кутмаган муваффакият билан Гвинеяга олиб киришган. Бу ерда овланадиган каурилар Мальдив оролларидағидан анча арzon бўлиб, Занзибардан то уларни сотадиган ерларгача бўлган масофа деярли 2 баробар киска эди.

Айрим рақамларни келтирамиз. Эски савдо китобларида ёзилишича, 1721 йили Мальдив оролларида Африкага 150 миллион, 1800 йили 950 миллион, 1858 йили эса факат Филиппиннинг ўзидан миллиарддан зиёд монетария аннулюс чиғаноклари келтирилган.

Факаттана XIX асрнинг ўзида Фарбий Африкага умумий вазни 115 минг тонна бўлган 75 миллиард чиғанок олиб кирилган. Агар улар экватор чизиги бўйлаб зич килиб тизилса Ер атрофини 37 бора айлана ҳосил килиб, Ер билан Ой ўртасида 4 марта бориб келса бўларди. Африканинг фарбий кирғозларига муттасил келтирилаётган каурилар миқдори уларнинг қийматига (курс) таъсир этмай колмади. Бир вактлар улар Европа валютаси билан тентма-тeng киёсланган. XIX асрда Камерунда 100 та каури 1 пфенинига тенг бўлган. Лекин кауриларнинг қиймати аста-секин камайиб борган ва бу холат уларнинг тўлов воситаси сифатида умуман йўқолиш давригача давом этган.

Хозирда хам Фарбий ва Марказий Африканинг аввалги юепоён худудлари (Нигериянинг Хаус мамлакати, Зоир ва Анголанинг айрим жойлари)да каурилар ўз аҳамиятини бутунлай йўқотмаган. Эндиликда улар эртакларнинг мавзуси, халқижоди, диний маросим раксларида тақиладиган никобларга безак сифатида ишлатиб келинмоқда. Бу нарса эса кўплаб халкларнинг ҳаётида каурилар қандай аҳамият касб этганини эслатиб туради.

Ломе шахри бозорида гўзал ҳабаш аёли кауриларни маҳаллий фолбинларга, такинчок ишқибозларига сотмоқда. Улар бозор майдонига ўтириб олиб, агар истасангиз 1 грошга (грош – венеция тангаси – тарж.) каури ёрдамида фол очиб кўйишади.

Кауриларга бағишиланган афсоналар кўп бўлиб, улар ҳакида ҳар хил тарихий эртакларни, ҳаттоқи шеър ва латифалар уммонидан биронтасини танлаб олиш хам кийин масала. Бирини сўзласант бошқалари колиб кетадигандек, жовонимни очиб, тортмаларни бирин-кетин торта бошлайман. Мана мурекс чиганоғи. Бир пайтнинг ўзида улар жуда жозибадор ва чиройли. Уларнинг орасида камтарона мурекс брандарис. Мен бу чиганокнинг З тасини Неаполдаги бозордан танлаб олганман. Улар гўёки тирикдек эди. Уларни кўриб хаёлимда қайсиdir илохий денгиз бўйи шахридами, қадимий финикиядами ёки Римда бир тўда брандарисларнинг сузуб юрганини тасаввур эта-

ман. Тош билан чиганокни синдириб, гўштини қозонга ташлайдилар. Бу манзара ҳар қандай конхиломон¹нинг юрагини ларзага солиши мумкин. Қозонда машхур, кимматбаҳо пурпур (жозибали кизил, кирмизи рангли) бўёғи пиширилади. 1 грамм бўёқ олиш учун 100 мингта шилликкүрт керак бўлади. Александр Македониялик Искандар Сусе шахрида Эрон шохларининг хазинасини қўлга киригтанда у ердан 10 тонна пурпур бўёғи топилган.

Буни бир ҳисоблаб кўрингчи, шунча бўёқ олиш учун неча юз миллиардлаб шилликкүрт керак бўлади. Ваҳоланки, пурпур бўёғига бўялган матолар 200 йил мобайнида ўз рангини йўқотмаган.

Кейинги тортма. Мана бу чиганок мангу уйқуда. Ҳиндистонда уни чанқ, панчаянья, валамиури, Тибетда – дунгхор, дун-кар-ей-чил, Хитойда – ю-суань-бай-лей, лотинчада эса –турбинелла-пирум деб аташади. Унинг камёб, чап томонга ўралган турлари Вичину худосининг муқаддас тимсоли ҳисобланади. Унинг ёнида эса унга айнан ўхшани, Кариб денгизининг «фуқароси» – бусикон контрапиум. У қайси жиҳатлари билан турбинеллани эслатади. Голландияликлар бу ўхшашлиқдан фойдаланиб бусикон контрапиум чиганоқларини Ҳиндистонга олиб келиб сотишган. Маҳаллий аҳоли шилликкүртлар тизимини билмаганлари учун уни чанқ деб ҳисоблаб киммат нархда сотиб олаверишган. Шу тортманинг ичида – харония нодифера – Грек афсоналаридағи Тритон трубаси, грек баликчиларининг туман пайтида ҷаладиган горни, Рим жангчиларининг ҳужумга чорловчи мусика асбоби.

Айтишларича, афсонавий шоҳ Минос ўзининг даргохидан кочиб, яшириниб юрган буюк уста Дедални топиш учун хийла ишлатади. У барча ойкумена²ларга харония чиганоқлари билан биргаликда чопарлар юборади. Улар кизикувчи одамларга чиганокнинг орасидан барча ўрамлари

¹ Конхиломон – шилликкүрт билан кизикувчи, ўрганувчи ва уларни йиғувчи киши (тарж. изохи).

² Ойкумена (грекча οἰκουμενή) — ер куррасининг одамлар ишғол килган қисми.

оркали ип ўтказиб беришни тақлиф килишади. Шох Минос бунинг удласидан фақат Дедалгина чикишига ва ўзини фош қилишига умид килади.

Ҳакикатан ҳам у жим турга олмайди. Бунинг учун Дедал Кнос лабиринти¹нинг «моделини» яратади, унинг ичига тезакни кўяди: чумолига ип боғлаб, уни чиганок ичига кўйиб юборади. Чумоли чиганокнинг у бошидан кириб, бу бошидан ипни тортиб чиқарди.

Кейинги тортма. Конуслар. Уларнинг ҳандасавий шаклиниңг тўғрилиги ҳайратлантиради. Аммо ҳандасавий шаклиниңг ўхшамилигидан ташкари уларнинг ранги ва ўлчамлари ҳар хил: Янги каледониядан келтирилган легетти конус кокцинелладан тортиб, Ғарбий Африка кирғозларидан келтирилган улкан конус прометеус. Уларнинг 0+нида эса даҳшатли конус географус. Унинг чақиши одамнинг ўлимига олиб келади. Унинг чиганоғидан Бисмарқ архипелаги²нинг ахолиси пул ясашади.

Шагиня томонидан кемирилган ёғоч бўлаги. Бу шилликкуртни ўзгача тарзда кема курти деб аташади ва бу азалдан маълум. Карл Линней унга таъриф берар экан, шундай дейди. – «*Summa salamitas navia*» – «кемаларнинг энг олий кулфати». Бу ҳақда энг машҳур шахслар – Витрувий, Колумелла, Плинний, Теофраст, Толибий, Ористофан, Цицерон ва Овидийлар ёзма маълумотлар ёзиб колдиришган. Сўнгти тортма. Ципреялар. Тухумсимон шаклдаги усти чиннисимон кўринишда, ялтироқ, куш тухумига ўхшаш, бамисоли араб ҳарфларига ўхшаш нақшга эга бўлган турдуслар. (Балки ўрга асрларда Японияда уларни коясугай – аёлларнинг туғишига ёрдам берувчи чиганоклар деб аташгандир). Аёл кўзи ёриши пайтида уни кўксизда ушлаб турган ва ўзининг, туғилажак фарзандининг хаётини сақлаб қолади деб ипонган.

Бу эса олд ва орка чеккаларида кора холлари бўлган мовий-кулранг рангдаги чиганок Ципрея лурида. У қандайдир ҳайвончага ўхшайди.

¹ *Лабиринт* – антик дунёда: йўллари, кириш-чиқишлари чалкаштирилган бино. Чикиб кетини йўлини топиш foят кийин.

² *Архипелаг* – грекча archipelagos. Бир-биридан яқин масофада жойлашган: бир бутун деб ҳисобланган денгиз ороллари (тарж. изохи).

Қадимда Ўрта денгиз атрофида яшайдиган аёллар луридани мукаддас хисоблашган ва бу чиғанок уларни асрайди деб ишонишган. Луридани ва ципрейнинг бошка турларини улар эркалаб: порцелла, порцеллета, яъни чўчкача деб аташган. Бу бекорга эмас. Машхур сайёх Марко Поло Хитойдан чинни келтирганда италияликлар уни порцеллан деб аташган. Ҳозирда хам чинни шу ном билан дунёнинг деярли ярми – итальянлар, француздар, немислар, поляклар, инглизлар ва бошқалар шундай аташади.

Кўлимга Кизил денгиз ва Шаркий Африка киргокларида яшовчи ципрея пантеринани оламан. Бу чиғаноқда ўз тақдирини кўргани учун инсон унга миннатдорчилик билдириса арзиди.

Тўрт минг йил аввал қадимги Мисрда тумор (талисман¹) сифагида хизмат қилган. Уни бугун Европада Франция, Швейцария, Жанубий ва Шимолий Германия, Австрия, Англия, Польшада қадимги Рим даври кабрларидан топишяпти.

Кримдаги Пантикея ҳаробаларидан топилган пантерина чиғаноғининг бир парчасини кўлимда ушлаб кўрганман. Пантерина Ўрта Осиёдаги, Марвдаги қазилма ишлари пайтида топилган.

Қадимги Грецияда Афродитанинг, Римда – Венеранинг, Карфагенда эса маъбуда Танитнинг мукаддас чиғаноғи хисобланган.

Бир тасаввур килиб кўрингчи, у ўзи яшаган жойдан ўта олис жойларда пайдо бўлиши учун қанча қўллардан ўтиши лозим бўлади.

Қадимги Мисрда уларнинг ёрдамида папирус қилганлар, машҳур олим Абу Райхон Муҳаммад Ибн Аҳмад ал-Берунийнинг ёзишича, Ўрта асрларда уни «минкаф» деб аташган ва отларнинг бўйнига осипган ёки олтинни жилолашда қўллашган экан.


Афсус! Тортмаларни жойлаб, жовонни беркитаман. Чунки чиғаноқлар билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларнинг сон-саноғи йўқ.

О! Она табиат! Накадар буюк ва мўъжизакорсан!

¹ Талисман – илохий фараз тушунчаси бўйича гайритабиий кучга эга бўлган баҳт ва омад келтирувчи буюм (тарж. изохи).



ТАРИХ АЖОЙИБОТЛАРИ



ТАРИХДАГИ МУХИМ КАШФИЁТЛАР

Хозирги кунда илм-фандаги янгилик ва илмий кашфиётларга шунчалик ўрганиб колдикки, хатто ақлга сиғмайдыган илмий мұжизаларга ҳам оддий назар билан қарай бошладик. Ваҳоланки, шу оддий бўлиб туюлган кашфиётлар инсоният тарихида мухим роль ўйнаб, бугунги юксак тараккиётга пойдевор бўлган.

Илк цивилизация даврида одамлар кўл остидаги нарсалар ёрдамида, аввало имо-ишора, барг шохларини таҳлаш, олов ёкиш йўли билан ўзаро мулокот қилишган. Бирок инсониятнинг ривожланишида туб бурилиш ясаган улкан кашфиётдан бири – алифбонинг яратилиши бўлган. Милоддан 4 минг йил аввал кашф қилинган ёзув ёрдамида инсонлар ўзаро мактуб ёзиб, қўлёзмалар битиб, маълумот алмашардилар. Мана шу кашфиёт кейинги ихтиrolарга замин яратиб, цивилизациянинг ривожланишига кескин таъсир кўрсатган.

Хозиргача кашфиётлар орасида энг ноёб ва энг буюк ихтиро китоб саналади. Айнан китоб инсоният тарихидаги тақрорланмас юксак мўжизадир. Алломалар алоҳида таъкидлаганлариdek, китоб – мўжизадан ҳам аълороқ. XV асрга кадар китоблар қўлёзма ҳолида бўялган ва кўпайтирилган. Немис ихтирочиси Иоганн Гутенберг (1400–1468) 1440–1452 йиллар оралиғида китоб чоп этишни ўтган топган. Орадан беш ярим асрдан ортиқ вакт ўтган бўлишига карамасдан хозиргача бу ихтиро инсоният тарихидаги энг буюк кашфиёт сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Янгиликлар, маълумотларни тарқатиш ва масофани яқинлаштиришда газетанинг ўрни ҳам бекиёс ва у қадимги

римликлар даврида ёк ихтиро килинган. У газета «Халкнинг кундалик хаёти» («Acta populi diurnal») деб номланиб, ёғочга ўйиб ёзилган доскачалар кўрининшида бўлган. Юлий Цезарь даврида эса сенат мажлиси ҳисоботини халкка етказиш максадида «хабарномалар» таркатилиши одат тусига киради. XVI асрга келиб газета замонавий кўринишга эга бўлади ва «газета» сўзи хам ана шу даврда кўлланила бошланади. Айтишларича, янгиликлар ёзилган бир варак кўлёзма италияликларнинг «gazetta» деб аталган тангаси кийматида баҳоланган ва бу ибора шу тариқа бугунги газетага нисбатан қўллана бошланган. Венецияда илк бор маълумотлар йиғувчи ахборот агентлиги ташкил этилиб, бу ерда ишлётган ходимларни «янгилик ёзувчилари» деб аташган ва шу тариқа журналистлик қасби пайдо бўлишига туртки берган. Кирол Карл III эса биринчи бўлиб газетада (реклама) зълон берган кипи ҳисбланади.

XIX асрнинг ўрталарига қадар одамлар ўзга юртдаги янгилик ва воқеаларни бир хафта, хатто, бир ойдан сўнг билишган. Узок масофага ахборотларни етказишида асосан, поча алокасидан фойдаланилган. Телеграфнинг ихтиро килиниши эса ўша даврда чинакам инкилоб ясаган, деб бемалол айтиш мумкин. 1832 йили Морзе Америкага қилган саёҳати пайтида телеграф моделини ва алифбосини яратади.

XIX асрнинг охиirlарида инсоният янада масофани якинлаштира оладиган кашфиётни яратишга интилади ва телефон алокасини ихтиро килади. Биринчи телефон 1876 йилнинг март ойида ихтирочи Белла томонидан кашф килиниб, у ўзи ихтиро килган телефон оркали ёрдамчисига кўнғирок килиб: «Жаноб Ватсон, илтимос, менинг ёнимга келинг, сиз билан сұхбатлашмоқчиман» деган. Айни ана шу гапни телефон оркали берилган биринчи топширик дейиш мумкин. Бу кашфиёт ўша даврда мўъжизанинг ўзинаси бўлиб, нихоятда кўпчиликнинг жонига оро киргани аниқ. Талабгорлар кўплиги боис август ойининг ўзида ёк ана пундай телефоннинг 800 таси савдога чиқарилган. Бу оддий капифиётни хозирги телефон алокаси тараккиёти билан мутлақо солинтириб бўлмайди.

Фотосурат хамда кинематографиянинг ихтиро қилиниши тасвирни узатиш борасидаги бир канча кашфиётларга сабаб бўлган. 1826 йили Жозеф Нбепс ўзи ихтиро қилган фотокамера ёрдамида металл пластинкага устахона деразаси ортидаги манзаранинг тасвирини тушира олган. 1837 йили Луи-Жак Манде Дагер илк бор фотокамерасида туширган юкори сифатли тасвирни оммага ҳавола этган. 1891 йили ихтирочи Том Эдисон кинетоскоп – фото тасвирни харакатга келтира оладиган курилмани ихтиро қилган. Бу кашфиёт ака-ука Люмьерларнинг кинофильм яратишига туртки бўлган. 1895 йили декабрь ойида Парижда Капуцин хиёбонида биринчи киносеанс бўлиб ўтади. Томошабинлар инсон кўли билан яратилган мўъжизани – оплок экранда бир тасвир ўрнини иккинчи тасвир эгаллашини кўришiga муваффак бўлишиган. Албатта, бу кинофильм омма эътиборидан четда колмади, аксинча, кашфиётчиларда янада изланишига бўлган иштиёкни кучайтириди.

Кашфиётчилар сим орқали масофадан туриб ахборот узатиш йўлини ахтаришган. 1899 йили италиялик ихтирочи Маркони Ла-Манш бўғози орқали илк сигнал юборади. 1904 йили англиялик олим Ж.Э. Флеминг радиотелеграфни кабул килувчи курилмани ихтиро қилади.

XX асрдаги энг буюк кашфиётлардан бири телевидение хисобланади. Бошка техник ихтиrolар каби телевидение хам бир канча кашфиётлар жамламасидан вужудга келган. Петербург технология университети профессори Б. Розинг 1911 йили дунёда илк бор электрон нур кувурчаси орқали шипта экранда тасвирни намойиш этади. 1928 йили ихтирочи Борис Грабовский эса харакатланаётган тасвирни масофадан узатиш йўлини ўйлаб топади. 1929 йили АҚШда Владимир Зворикин юкори ваакумли электрон нур кувурчасини ихтиро қилади ва кейинчалик барча телевизорларда бу курилмадан фойдаланилади.

ЭҲМ XX асрдаги техник катифиётлар борасидаги улкан ютуклардан бири бўлди, деса бўлади. У ахборотларни саклаш, кайта ишлаш хамда хохлаган масофага узатиш бўйича жуда катта қулайлик яратди. Яна шуни айтиш керак-

ки, компьютернинг яратилиши улкан кашфиётларга янада кент йўл очиб берди.

«Моторола» компаниясининг бош мухандиси Мартин Купер симсиз алоқа узатиш йўлини ахтаради ва ниҳоят, 1973 йилнинг апрель ойида мобиль телефонини ихтиро килди. Бу билан Мартин масофадан туриб бир зумда мулокотга киришишни йўлга кўяди ва инсоният учун янада кулагайлик яратиб, одамзод орзусини рўёбга чикаради. Аммо мобиль телефон нимагадир ўн йилдан сўнг, 1983 йилдан бошлаб ишлаб чикарила бошлаган. Ҳозирги кунда бутун дунёда 4 млрд. га яқин мобиль телефон абонентлари мавжуд экан. Демак, сайдерамиз ахолисининг ярмидан кўпи шундай телефондан фойдаланади, дейиш мумкин.

Интернет кашфиётлар ичидаги ўнинчи ўринда турган бўлса-да, у ихтиrolар ичидаги энг муҳими хисобланади. Бугунги кунда машҳур бўлган «Халкаро ўргимчак тўри» номли фантастик лойиҳани Бернес Ли 1989 йилда таклиф этган эди. Шу тарика интернет бутун олами бир зумда якинлаштира олди. Янада аниқрок айтганда, масофани овоз тезлиги даражасига етказди. Ҳуллас инсон хаётда яшар экан тинмай янги-янги капифиётларга интилади ва бундан кейин ҳам кашфиётлар қилиш давом этаверади.

ДЕТЕКТИВ ҚИРОЛИ

Буюк адид Артур Конан Дойл персонажларидан бири доктор Уотсон ҳикоялари ичидаги бир ҳолат эътиборга молик. Артур Конан Дойлнинг ўз бадиий ижоди маҳсули Шерлок Холмс ҳакидаги ҳикоялари ўзи учун унчалик ахамият касб этмаган. Ёзувчи учун ҳамиша тарихий прозалар биринчи ўринда эди. Адид ўзининг юз йиллик уруш ҳакидаги «Ок отряд» асарида рицарлар, руҳоний ва дехконларнинг кундадлик ҳаётини жонли, ишонарли тарзда тасвирлай олган.

Конан Дойлга Наполеон ҳаётига оид «Ватерлоо» драмаси катта шуҳрат келтирди. Адид фантастика соҳасида ҳам сермаҳсул ижод килган. Бунга мисол сифатида биргина «Маракот тубсизлиги» асарини келтириш мумкин. Шуниси

кизиқки, ёзувчи Шерлок Холмс персонажидан күп маротаба кутулмокчи ҳам бўлган. Шу боис ҳам ёзувчининг детектив хикояларида Холмс тубсиз жарликка кулаган, узок ва ўта хавфли сафарларга отланган. Ҳатто, дом-дараксиз ғойиб ҳам бўлган. Аммо ҳар сафар Холмс янгидан «тирилиб» келаве-ради. Конан Дойл ўз номига келган кўплаб мактублардаги илтимосларга ҳам бўйсуниб ижод килган. «Бейкер-стрит, 221-үйга», айнан жаноб Шерлок Холмс номига жуда кўп мактублар келарди.

Артур Конан Дойл 1859 йил 22 майда Шотландиянинг Эденбург шахрида туғилган. Асли ирландиялик бўлиб, инглизча тарбия олганди. Аксарият адабиётшунослар Артур Конан Дойл ижодини неоромантизмга йўйишади.

Ёзувчи қай тарзда ижод килган такдирида ҳам ўз персонажи Шерлок Холмсни яхши кўрарди. Адиб ўз қаҳрамонини «фавқулодда синчков ва интилувчан изкувар», деб билган. У Холмс образига бир вактлар университетда ўқитган ўқитувчиси профессор Жозеф Биллнинг феъл-авторини «кўчирган». Машхур изқуварнинг мантикий фикрлаплари, фавқулодда мураккаб кўринган воқеаларнинг аслида жуда жўнлигини тушунтириб бера олиш кобилияти айнан шу ўқитувчисидан олинган. Ҳозирда у «дедуктив усул» деб аталади. Унинг қаҳрамони ҳамиша майда икир-чикирларигача эътибор берадиганлар хилидан. Ҳеч бир изқувар жиноят жойини кўздан кечиргач, «жиноятчи баланд бўйли, чапақай, ўнг оёғи оқсок, таги калин овчилар этигини кийган, хинд сигарасини хуш кўрадиган, чўнтағида ўтмаслатиб колган қаламтароши бор», деб айтольмаса керак. Тан олиш керакки, бундай хусусият асар персонажидан ҳам кўра унинг яратувчисига кўпроқ алоқадор. Ҳатто, профессор Жозеф Билл ҳам Конан Дойлдаги мантикий фикрлаш ва ўта кузатувчанликни юкори баҳолаган.

Ёзувчи ўсмирлик пайтида ота-онаси хошишига кўра, иезуит колледжидаги ўқийди, бирор ундан ҳеч кандай руҳоний чиқмайди. Артур 1881 йилда Эдинбург университетининг тиббиёт факультетини битирган. Ёш бакалавр Конан Дойл

денгиз яқинидаги Саутси шахрида амалий фаолият юритиб, докторлик диссертациясини химоя килди. Ўттиз ёшидан бошлаб бадиий ижодга шўнғиди ва бу фаолияти унга катта шон-шуҳрат келтирди.

Отаси руҳоний бўлгани билан расм чизишда унга тенг келадигани топилмасди. Онаси эса оддий воеани ҳам жуда чиройли тарзда хикоя килиб бера олиш кобилиятига эга эди. Конан Дойл худди шу хусусиятни онасидан ўзлаштирган. Бирон-бир воеани тўкий олиш унга коллежда ўкиб юрганидаёқ обрў келтирганди.

Ёзувчи «Боском водийсининг сири», «Таниқли бўйдок», «Кимматбаҳо тош», «Рухонийнинг саргузаштлари», «Гло-рия Скотт», «Букри», «Доимий мижоз», «Таржимон во-кеаси», «Холмснинг сўнгги иши», «Эбби-Грейнтдаги ко-тиллик», «Иблис оёғи», «Унинг хайрлашув тизими», «Ма-зарининг томи», «Бўёқчининг жасади», «Баскервиллар ити», «Чипор лента», «Маллалар уюшмаси», «Раккоса одамчалар», «Беш дона апелсињ уруғи» каби кўпгина хикояларни ёзган. Бу хизматлари эвазига Конан Дойл ри-циарлик унвони, сэр макомини олганди. Аммо ёзувчи ўз асари каҳрамони сингари обрў-эътиборга бутунлай бефарқ эди. Адид жуда оптимист киши бўлиб, ҳатто ўлим тўша-гига ётганида ҳам: «Ҳаётимда жуда кўп нарса кўрганман. Аммо кўрадиган гаройиботларим ҳали олдинда, мени кутмокда», деган экан.

Конан Дойл ўзи ҳакида: «Энди оғир моддий ахволимни оқлайдиган ҳеч нарсам бўлмаса ҳам ёзишдан тўхтаб тура-ман. Арзидиган бирор сюжетсиз Шерлок Холмс ҳакида бир катор ҳам ёзишга жазм килолмайман. Бунинг учун сю-жет мени ўзига жалб қилиши керак!» деганди.

Америкалик Эдгар По анъанасини ривожлантирган Артур Конан Дойл детектив жанри соҳасида мисли кў-рилмаган даражада шон-шуҳратга эришиди. Ёзувчи 1930 йили вафот этган. Ундан эса жуда кўп асарлар мерос қолди. Унинг асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига, жумладан ўзбек тилига ҳам таржима килинган, улар асосида фильмлар суратга олинган.

АМЕРИКА ЭРТАГИНИНГ МУАЛЛИФИ

Американи дунёга ким машхур килганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Бу инсон Уолт Дисней хисобланади. Ҳа, у айнан мультфильмлари орқали чексиз имкониятларни тарғиб килиб, америкаликларда ўзига нисбатан юксак ишончни ўйғота олган. Бу билан у ҳар бир американлик буюк ишларни кила олинига кодир, демокчи бўлади. Ва шу ғояни у ватандопларига болалигидан сингдириб борди.

Ғолиблик кийинчилик билан, кўплаб мағлубиятлар натижасида кўлга киритилади. Диснейнинг машҳурлик шоҳсупасига чикиши ҳам осон кечмаган. Уолт Элиас Дисней 1901 йили ирландиялик кўчманчилар оиласида дунёга келди. Расм чизиши ўзи туғилган Канзас-Ситида ўргана бошлади. Шифокор кўшнисига отининг расмини қойилмақом килиб чизиб берганида, биринчи никел тангасини ишлаб топади. Ӯшанда у ўн саккиз ёшда эди.

Диснейлар оиласи Чикагога кўчиб келгач, бўлажак мультиплатор нафис санъат академиясига ўқишга кирди. Бирок кейинчалик Диснейга таълим берган Канзас расомчилик институти каби, бу ўкув юртининг санъатга хеч кандай алокаси йўқ эди. Бу хусусий мактаблардан факат асосий кўникмаларни хосил килса бўлади. Уолт «Трибюн» ҳамда «Рекорд» газеталаридағи карикатурачилар курсида кўпроқ нарса ўрганди. Бирок бу билимларни Дисней анчагача ўзига сингдира олмаганди. Ӯрта мактабни тугатар-тугатмас, Биринчи жаҳон уруши бошланиб колди. Уолтни фронтга олишмади, у урушини санитар машинасида, ҳайдовчилик килиб ўтказди. Унинг орзуси «Стар» газетасида ишлаш эди. Бирок мухаррир Уолтнинг отаси анча илгари газетага муассислик килганига ҳам қарамай, уни ишга қабул килишмади. Нихоят, Дисней реклама буюртмаларини бажарадиган бадиий устахонадан иш топди. Аммо бир ярим ой ўтмай, ёш рассом Юб Айверкс билан бирга уни ҳам ишдан бўшатиб юбордилар. Энди рассомлар бирлашиб, «Дисней – Айверкс тижорат рассомлари» номли реклама студиясини ташкил этишди. Дисней фамилиясини хеч ким билмагани учун яна

иш жойини ўзгартиришга түғри келди. Уолт Элизас Канзас-Ситидаги кино реклама компаниясига ишга жойлашди.

Үша даврларда кинематография соҳаси тапкил топганига хали йигирма йил хам бўлмаганди. Уни жуда ривожланиб кетмаганди, дейиш мумкин эди. Мультиплекция ҳақида эса оғиз очмаса хам бўлаверарди. Битта-иккита реклама лавҳаларидангина фойдаланиларди, холос. Айнан, шундай роликларга кўл урган Дисней янгиликлар яратади бошлади. Кечалари корамалар устида ишлаб, бирин-кетин тахланадиган суратлар оркали харакатни ифодалаш мумкинлигини кашф этди. Илк тажрибаси – «Кулгиграмма» ҳажвий ролиги нафакат томошибинларда, балки кинотеатрлар соҳибларида хам катта қизикиш уйғотди. Улар роликнинг янги кисмларини яратишни сўрашганди.

Бу лойиха шу қадар донг таратдиди, 21 ёшида Дисней ўзининг «Кулгиграм корпорейшн» кинокомпаниясига асос солди. Унинг ижодий парвози энг чекка-чеккаларга хам етиб бориши мумкин эди. Лекин бу гоя амалга ошиши учун анча маблағ лозим бўларди. Компаниянинг эса пул келтирадиган «колтин баликчаси» йўқ. Хуллас бундай ночорликдан кочиб кутулиб бўлмади. 1923 йилда Уолд Дисней Холливудга кўчиб келди. Анча пайтгача ишга жойлашпомай, акаси Ройдан ёрдам берипни сўради. Акаси Рой Элиастга янги фильмлар яратиш учун ижарага жой хамда жиҳозлар сотиб олиб берди. Дисней дўсти Юб Айверксни ҳамкорликка чакириб, «Чизилган мамлакатдаги Алиса» номли фильм устида ишлай бошлади. Кутимаганда фильмга Нью-Йоркдан харидорлар топилди ва Дисней изланишларини давом эттириши учун яна имконият пайдо бўлди. Үша пайтда Америкадаги энг машҳур мультфильм қаҳрамони – Феликс мушуги эди. Дисней Мортимер сичконини экранга олиб чиқди. Кўп ўтмай унинг ўрнини Микки Маус эгаллади.

Дастлаб, Микки Маусга хеч ким эътибор хам бермади. Чунки кино оламида катта воеа содир бўлиб, илк овозли фильмлар пайдо бўлганди. Бу эса инсонларни ҳайратга сола бошлаганди. Дисней тушкунликка берилмай, замон

билан хисоблашишни маъкул кўрди. «Вилли кемачаси» номли мультфильмда Микки Маус кўл теккизган ҳамма нарса товуш чиқарадиган бўлди. Бу садолар бир бутун кўпиклар сериясини ташкил этарди. 1928 йили «Вилли кемачаси» катта шуҳрат қозонди. Дисней ҳақиқий мусикали фильмлар устида ҳам ишлай бошлади. Кейинги йили «Скелетлар рақси» экран юзини кўрди. Лекин фильм бирор кўркинчли бўлгани боис, «сичконлар иштирок этсин» деган талаблар бўлди.

Кинематографнинг кейинги ихтироси рангни ҳам кинода биринчилар катори ишга солди. «Гул ва дараҳтлар» номли фильмнинг ишлапи ниҳоясига етказилмасданок, буюртмалар кўпайиб кетди. Ушбу мультфильм экранга чикканида эса «Оскар» мукофотига сазовор бўлди. Иккинчи «Оскар»ни Диснейга «Эски ойжууз» фильмни келтирган. Ушбу фильмнинг ўзига хослиги шундаки, уни суратга олишида «Ҳидиракли» камерадан фойдаланилган. Кейинчалик бу усул кинематографияда кент кўлланила бошланди. Бундай тажрибалардан сўнг бемалол тўлиқ метражли фильмга ўтса ҳам бўларди. Иккинчи жаҳон урушигача «Пиноккио», «Дамбо», «Бэмби», «Фантазия» фильмлари томошабин эътиборига ҳавола этилди. Уруш пайтида Дисней тарғибот мультфильмлари устида ишлади. Бу урушдан сўнг бадий фильмларни суратга олишида ҳам кўл келди.

У яратган фильмлар ниҳоятда кўп маблағлар келтириди. Унинг учун амалга ошириб бўлмайдиган ҳеч қандай мўъжизавий ғоя қолмади, хисоб. Шунда Калифорнияда Дисней қаҳрамонлари макон топган эртаклар ўлкаси барпо этиладиган бўлди. Уолт олган 100 минг долларлик кредитга заминдаги энг баҳтли жой – «Диснейленд»ни 1955 йилнинг 17 июлида куриб битказишиди. Бу жой шунчалик машхур бўлиб кетдики, киска фурсат ичida у ерга келувчиларнинг сони кескин ошиб кетди. Дисней Флоридадан ер сотиб олиб, иккинчи «Диснейленд» лойихасини ишлаб чиқди. Бирок янги «Диснейленд»нинг битганини кўриш соҳибига насиб қилмади. Уолт Элиас Дисней 1966 йили вафот этди.

ИХТИРОЧИ ОЛИММИ ЁКИ ФАНТАСТ?

Тарих ажойиботларга тўла. Машхур ёзувчи Жюль Вернинг набираси бобоси ёзган ва ҳали чоп этилмаган «Париж XX асрда» номли асарини 1994 йилда топиб олди. Асар 1863 йили ёзилган бўлиб, ўша пайтда утубу асарни нашриётлар ўта пессимистик руҳда ёзилган деб ҳисоблаб, чоп этишдан бот тортишган экан. Лекин Францияда чоп этиладиган газеталар «Верн пайғамбар», «Верн кўп нарсани башорат килди», дея бонг уришганди.

Ҳакиқатан ҳам, утубу асарни ўқиганда унинг ҳар бир саҳифасида бирон-бир янгиликни, кашфиётни учратиш мумкин эди. Масалан, XX асрда компьютер ихтиро килининини Жюль Верн қандай билдийкин, дерсиз? Романда ёзилишича: «Бу асбоб митти пионинони эслатади. Тутмачасини босишингиз билан ўзингизни кизиктирган барча маълумотларни олишингиз мумкин. Исталган ҳисоб-китоб ва турли операцияларни амалга ошира оласиз. Ёки нусха кўчириш машинаси ҳакида: «бу ғаройиб машина хатлардан нусха кўчиради. 500 нафар ходим нусхаларни керакли манзилларга жўнатиш билан банд». Шунингдек, Жюль Верн ўша даврдаги истакнинг узок келажакда чинга айланинини хаёл қилган, деб бунга шубҳа билан ҳам караш мумкин.

Ёки мисол учун: «Оралик масофа жуда узок бўлган жойдан туриб исталган матн ёки тасвирни узатадиган, ҳар икки томондан векселларни имзолаш имкониятини берувчи фотография аппарати»ни олайлик. Бундан дарров ҳозирги кунда ўзимиз фойдаланаётган факс аппаратини билиб олиш кийин эмас.

Верн нафакат факс, балки бошқа кўпгина кашфиётлар ҳакида ҳам ёзган. Бир зумда Америка ва Европани улайдиган телефон тармоғи ҳамда мусикий концертларни айтмайсизми. Концертда бир-бирига электр токи ёрдамида уланган 200 та пианинони мусиқачи бир вактнинг ўзида чала олади. Кейин уйлар томидаги рангли чироқлар билан безатилган рекламалар ҳам тилга олинади.

Булардан ташқари, ёзувчи электр стулида катл килинини хам айтган экан: «Улимга маҳкумларнинг бошлари гильотинда узилмай, балки улар кучли электр қуввати ёрдамида катл этилади».

Мутахассислар орасида «Верн жуда кўп илмий адабиётлар билан танишиб чиккану кейин улардан ўз асарларида фойдаланган. Шу боис хам буюк кашфиётларни ноёб истеъдод ила асарларида акс эттирган, деган хуносалар хам мавжуд. Тўғри, Жюль Верн хар куни кўплаб илмий журналларни ўкиб чиккан. Табиийки, у ёки бу журнал сахифаларида ғаройиб кашфиётлар ҳакида кичкина, арзимас бўлсада, янгиликлар бўлади. Бу эса кейинчалик ёзувчи асарида ўз аксини топган. Аммо савол туғилиши табиий. Махсус билимга эга бўлмаган ёзувчи олимларнинг етти ухлаб тушига хам кирмаган кашфиётлари ҳакида кандай килиб батафсил ёза олган?

1870 йили Верн «Наутилус» («Сув остида 20 минг лье») ҳакида ёзганида, эндиғина сувости кемалари қурила бошланган эди. Лекин ёзувчи бутунлай янги типдаги сувости кемасини тасвирлаган. Хўш, гап нимада? Сувости кемаси худди ичи бўш ёнғокка ўхшайди. Унинг пишиклигини таъминламп учун корпуси калин бўлиши керак. У холда кема оғирлашиб кетиб, сув юзасига сузуб чиколмайди. Бу одий техник зиддият. Кагта чукурликда сувости кемаси пачоқланиб кетмаслиги учун сирти калин, юзага сузуб чиқа олиши учун эса, аксинча юпка бўлиши лозим. Верн эса бу вазифага ҳатто, ихтирочиликда анча «пишган» мутахассисдан ҳам яхширок усулда ечим берга олган. «Наутилус» бир-бирига металл бўлаклари билан маҳкамланган ичи бўш иккита кобикка эга. Бу корпуснинг жуда пишик бўлишини таъминлайди. Шундай килиб, «Наутилус» худди икки корпус оралигиям тўлдирилгани каби пишикликка эга бўлади.

Яна бир кашфиёт. «Наутилус» кема бўлмаларини ёритувчи газ разрядли чироклар. Бугун бу чироклар неон лампалари, деб юритилади. 1870 йилда бундай лампалар ҳали хеч кимнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Факат 1938 йилга келиб, флюоресцент лампалар ихтироси амалга отирилган. Бу их-

тиро эса ХХ асрдаги энг мухим ихтиролар каторига кири-тилди. Коидага кўра, ихтиро патентини Вернга берниш керак эди. Бирок ҳатто, энг ғаройиб қашфиёт бўлган тақдирдаям фантастик ихтирога патент ёки муаллифлик гувохномаси берилмаслиги ўз-ўзидан тушунарли.

Ҳаво шари ғояси ҳам Вернга тегинли. Бунинг учун 1863 йилда ёзилган «Ҳаво шарида беш ҳафта» романини эсга олиш кифоя. Хўш, Жюль Верн аслида ким эди? Илмий далилларни йиғувчи ёзувчими, фантазия борасида ўз замондошларидан анча илгарилаб кетган башпоратчи ёки буюк ихтирочими? Хуллас, ана шу саволга олимлар жавоб кидиришмоқда.

ЖАҲОНГАШТА САЁХАТЧИ

Француз табиатшуноси Жак-Ив Кусто номини эшифтмаган, унинг сувости саргузаштлари ҳакидаги фильмлари-ни томоша қилмаган одам бўлмаса керак. Кусто ғаввослар кийими, сув ўтказмайдиган видеокамера ва ёритиши ускуналарини яратиш оркали сувости дунёсини ўрганиш борасида ўзига хос инқилоб ясади. У шунингдек, биринчи сувости телевизион тизими муаллифи ҳамдир. Капитан Кусто умри даъомида ўзининг «Калипсо» кемаси билан бутун сайёрамизни кезиб чиккан. Жанубий Америкадаги энг баландда жойлашган Титика кўлидан тортиб, Тинч океанининг чукур ботикларигача, Скандинавия музликларидан то афсонавий Галапагос оролларигача – барча-барчаси унинг назаридан четда колмади.

Жак-Ив Кусто 1910 йилнинг 11 июнида Дордон дарёси кирғоғида жойлашган француз шаҳарчаси – Сент-Андре-де-Кубзакда туғилган. Ўн яшарлигига ота-онаси билан Нью-Йоркка кўчиб кетган Жак сув остида сузиш бўйича илк йўналишларни американалик пайтида ўрганганди.

1933 иили Брестдаги Франция ҳарбий-денгиз академиясини тугатганидан сўнг йўлланма билан «Жанна-Д-Арк» ўкув тажриба кемасига жўнатилган Кусто бутун дунёни айланиб чикади. Шанхайдаги жойлашган фран-

цуз харбий-денгиз базаси бошлигининг катта ёрдамчиси бўлган пайтида эса Осиё орқали саёҳат килиб, Францияга етиб борди. Ватанига қайтганидан сўнг у ҳарбий-денгиз авиацияси мактабига қабул килинди. Бирок тоғда автомо-биль ҳалокатига учраши унинг ҳарбий-денгиз учувчиси бўлиш орзусини чиппакка чикарди. Ўтнанда жарроҳлар, ҳатто унинг қўлини кесиб ташламоқчи ҳам бўлишганди. Кусто саккиз ой давом этган маппаққатлар, даволаниш ва тинимсиз машқ қилинилар эвазигагина қўлларини саклаб колди. Кейин соғлигини тиклаш учун Тулондаги базага жўнатилган. У ерда Жак-Ив денгизни жонидан ортиқ се-вадиган дўсти, лейтенант Филипп Тайени учратади. Воқеа тафсилотлари билан танишган Ф. Тайе унга сузиш орқали қўлларини чинкитириш мумкинлигини уқтирган. Шундан сўнг Кусто сузиш билан мунтазам шуғуллана бошлади. 1936 йилнинг якшанба тонгида Ўрта денгизга қилинган сувости саёҳати унда жуда катта таассурот колдирган. Шу дамдан бошлаб денгиз ва уммонлар, сувости дунёси Кусто қалбининг ажралмас қисмига айланди.

Ўша пайтларда француз ҳарбий-денгиз флотида охирги етмиси йил мобайнида яратилган ғаввослик асбоб-ускуналари ишлатиларди. Айниқса, 1960 йили Рукерол ва Денейрузлар ясаган курилмалар бу борада энг мукаммаллари хисобланган. З-ранг капитани Леприе эса хаво оқимини ўтказишга мўлжалланган анчайин куляй ғаввослик аппаратларидан бирининг муаллифи эди. Кусто ушбу қурилмадан ҳам фойдаланиб кўрган. Бирок унинг хаво ўтказиш қобилияти чеклангани боис сувостида узок колин имконини бермасди. Тўғри, ҳарбий ғаввослар олдиндан кислородли курилмадан фойдаланишган. Аммо Кустога иложи борича сувостида кўпроқ вақт колин имконини берувчи ва у билан ҳудди балик сингари у ерда эркин сузиш мумкин бўлган мослама зарур эди. Бу унинг ўша пайтлардаги бирдан-бир орзузи эди.

Тинимсиз изланишлар олиб борган Кусто ўзи хизмат килаётган кеманинг куролсоз устасига сувостида нафас олишга ёрдам берувчи аппарат ясашига буюртма берди. Шу

тарика унинг газникоб, натрийли оҳак, кислород баллони ҳамда мотоцикл камераси сингари ашёлар воситасида сувостида эркин нафас олишига ёрдам берувчи биринчи кўлбола мосламаси пайдо бўлган. Аппаратни синаш учун сувга тушган Кусто аввалига йигирма беш фут (саккиз метр) чукурликда ўзини жуда яхши хис килди. Бирок кирк беш фут (14 метр) чукурликка тушганида томирлари тортишиб колиб, хушидан кетган. Баҳтли тасодиф туфайли у сув юзасига калкиб чиқади ва денгизчилар томонидан кутқариб қолинади. Шунга қарамасдан у изланишини тўхтатмади.

1939 йилда бошланган Иккинчи жаҳон уруши Кусто режаларининг амалга ошишини кечиктириди. Франция флоти очик денгиздан ўз портларига кайтиб кетди. 1942 йилнинг ноябрида гитлерчилар бутун Францияни ишғол килишга киришганида душман кўлига тушмаслиги учун француздар флотни чўқтириб юборишган.

1943 йилнинг Кусто «Aiv Liryide» фирмаси мухандиси Эмиль Ганян билан ҳамкорлик килиши натижасида ниҳоят, кўзлаган максадига эришди. Улар ўз курилмаларига «аквапланг» дея ном беришди. Бу акваланг ёрдамида сувостида эркин ҳаракатланиш ва 90 метргача чукурликка тушиш мумкин эди. 1943 йилнинг июнида Марселда дунёдаги биринчи ғаввослар клуби фаолият бошлади.

Кусто океанографлар ва бошқа олимларнинг ёрдамидан тез-тез фойдаланиб турарди. Бирок бундан буён ўзига илмий-тадқиқот жиҳозлари билан таъминланган кема зарурлигини англаб етди. Маслаҳат сўраб мурожаат қилганида Гиннес исмли тадбиркор унга Мальтага йўл олишини тавсия қиласди. Ҳақиқатдан ҳам бу пайтга келиб, Ла-Валетта портида жуда кўплаб захирадаги харбий кемалар тўпланганди. У «Калипсо»ни айнан шу ердан топган. Кема 1942 йили Сиэтлда курилган бўлиб, ундан уруш йилларида Буюк Британия харбий-денгиз флотида мина тозаловчи, кейинчалик эса автомобиль пароми сифатида фойдаланилган. Кусто ниҳоят, Гиннеснинг ёрдами туфайли 1950 йилнинг июлида ўз кемасига эга бўлади. Уни кайта жиҳозлаш ҳам ўз-ўзидан бўлганий ўйқ. Бу ишлар учун кетадиган ҳаражатларни хисоблаб

кўрган капитан «Франция океанография компанияси» нотижорат ташкилотини тузди.

1951 йилнинг нояброда Қизил денгизга «Калипсо»-нинг дастлабки саёхатларидан бири уюштирилди. Ҳаваскорлардан иборат кема жамоаси таркибида Жакнинг хотини Симона хамда ўғиллари Жак-Мишель ва Филипп хам бор эди. Унинг «Калипсо» билан эришган дастлабки ютуклари сирасига сувостида олиб борган археологик тадқиқотлари ва 7250 метр чукурликдаги денгиз тубини суратга олиш ишларини киритиш мумкин. Кейинчалик бу кема ёрдамида уммонлараро саёхатлар уюштирилиб, оламшумул капифиётлар килинди. Худди ана шу саёхатдан сўнг у мусулмон динини қабул қилган. 1996 йили Сингапур портида баржа билан тўқнашиш натижасида «Калипсо» чўкиб кетди.

Кусто нафакат уммон тадқиқотчиси, балки ижодкор сифатида ҳам муваффакиятга эришган. Унинг Фредерик Дюма билан бирга ёзган «Сукунат оламида» китоби кўлма-кўл бўлиб кетди. Ушбу асарнинг киноталкинида эса 1956 йили «Оскар» ва «Олтин пальма бутоғи» каби энг йирик киносовринларни қўлга киритган. Кейинчалик денгиз остига килинган саёхатлар асосида суратга олинган кўп серияли «Кустонинг сув ости одиссеяси» хужжатли фильмни ҳам 1965 йили «Оскар»га сазовор бўлган.

Дунё океанининг жуда тез ифлосланиб бораётганидан ташвишга тушган Кусто 1974 йили экологик муҳофаза масалалари билан шуғулланадиган «Кусто жамияти»га асос солди. Жак-Ив-Кусто 1997 йилнинг 25 июнида Парижда вафот этди. Машхур саёхатчидан кўплаб ажойиб тадқиқотлар, хотиралар, илмий изланишлар колди.

КЎЗОЙНАКНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Тарихий маълумотларга караганда, мисрликлар замонавий кўзойнакка ўхшаш жисмни «тотафот», деб атапган экан. Плинийнинг ёзишича, кўзойнак такиши Нерон яшаган даврга ториб тақалади. Нерон узоқни яхши кўролмаган, шунинг учун гладиаторлар жангини томотпа ки-

лини учун яшил тусли биллурдан фойдаланган. У күришда қу-
лай бўлсин, деб биллурни кандайдир мосламага жойлаган.

Қадимги линзалар бўйича мутахассис «Сириус сири»
номли китоби билан машхур бўлган Роберт Темпл қадимда
кўзойнаклар кўп бўлган, бирок ундан чидамсиз мосламалар
воситасида ёки кўлга ушлаган холда фойдаланишган, деб
ёзади. Тарихчиларнинг фикрича, қадимги римликлар оптик
курилмалар ва линзалар тайёрлами бўйича чинакам мута-
хассис бўлишган. Масалан, 1875 йилда Майнцдан топил-
ган линза эрамиздан аввалги II асрга таалукли экан. 1883
йилда Танисдан топилган қадимги линза ҳам ўша даврга
таалукли бўлиб, ҳозирда Британия музейида сакланмоқда.
Улар линзалардан ташкари 5 мм. ли шиша идиш воситаси-
да куёш нурларидан олов ҳосил қилишган. Тиббиётда эса
жароҳатни кўйдиришда фойдаланишган.

Тарихда шиша линзалардан фойдаланиш хусусида кўп-
лаб воеалар мавжуд. Масалан, Архимед гигант металл ой-
нада акс этган куёш нурларини кемага каратганида у буткул
ёниб кетган. Олимлар бунга 1973 йилга қадар ишонишма-
ган. Иоаннис Сакас 70 та ойна ёрдамида куёш нурларини
Пирей портидаги кемага қаратиб, ёкиб юборганидан кейин
ишонмасликнинг иложи колмаган. Мутахассислар қадимги
юнонларнинг бундан 2500 йил илгари кўллаган линзалари-
ни шу пайтгача парфюмер идини бўлса керак, деб тахмин
килиб келишганди. Тадқиқотлар эндиликда ўша замонда
линзалар кандай максадларда ишлатилганини аникламоқда.
Ҳозирги пайтда ўша давр линзаларининг 200 га яқини Бри-
тания музейида сакланмоқда. Археологлар дастлаб топил-
ган майда шиша бўлакчалари ва кимматбаҳо тошларга унчалик
аҳамият беришмаган. Уларга оддий шиша бўлакчалари
сифатида карашган. Аслида юнонлар бундан бир неча минг
йил аввал ўши линзалар воситасида бемалол микроскопик
жараёнларни бажара олганлар. Темпл бу хулосага нафакат
ишонади, балки олимлар бундай далилларга юз йил олдин
ҳам эга бўлганлар, лекин уларда ишонч хисси этишмаган
деган фикрда. Бугунги кўлга киритилган далиллар қадимда
кўзойнак камф этилган ва одамлар ундан кенг фойдаланиш-
ган, деган хулосага келишимизга туртки берар экан.

ОҲАНГЛАРДА МУЖАССАМ СЕҲР

Инсон қадимдан мусиқага ошно бўлиб келган. Кўз кўингил ойнаси бўлса, мусика қалб тори дейдилар. Мусика қалблардан сиркираб оқаётган дард-аламлар, армонлар, кувонч ва изтироблар фигонидир. Оламни мусикасиз тасаввур этмок, дараҳтларни баргиз кўрмок кабидир. Мусиканинг бетакрор қудрати, тилсимий сеҳри хусусида турли даврларда қимматли фикрлар билдирилган. Куйга илохий куч-кудрат рамзи деб ҳам қарашган. Шу боис мисрликлар чолғу тарататётган куйни мукаддас хисоблаганлар. Юнон ва римликлар ёқимли оҳанглар шарафига эхромлар бунёд этган бўлишса, хинд ва форслар унинг бетимсол рух сифатида яшашига ишонишган.

Инсон мусикасиз яшай олмайди. Зотан, мусика инсонга бешикдан, оналарнинг мунис алласидан бошлаб, то қабргача ҳамроҳ бўлади. Кўпинча инсон ўз қалбига якин мусикаларни тинглагиси келади. Бирок нима учун одам шу мусика унинг қалб торларини чертаётганлигини тушунтириб бера олмайди. Дунёда шундай мусикалар борки, элат, миллат деган тушунчалардан қатъи назар, ҳар қандай соғдил кишини сеҳрлаб кўйин қудратига эга. Афлотун мусика ҳакида бундай деб ёзганди: «Мусика инсонларни тарбиялашда ҳар қандай ўзга воситалардан афзалдир. Чунки, оҳанг ва уйғунлик инсон руҳи ва руҳияти томон йўл олади».

Одамзотнинг соғлигига ва узок умр қўришига мусика ижобий таъсир этиши хусусида Шарқ алломаларидан Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Хорун ар-Рашиллар ҳам таъкидлаб ўтишган. Бу ҳақда Форобий шундай ёзади: «Мусика шу маънода фойдалики, у ўз музознатини йўқотган одам хулкини тартибга келтиради. Бу илм соғлик учун ҳам фойдалидир. Чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўнади. Шунинг учун гўзал овозлар таъсири билан руҳни соғайтиришнинг фойдаси бор».

Буюк табиб Абу Али ибн Сино баъзи беморларни севимли куйлари таъсирида даволагани тарихдан маълум. Навқиронлик даврини Бухорода ўтказган ибн Сино

музыканинг сехрли қудрати ва инсон рухига таъсири-ни ўрганиб, «Мусика санъатига кириш», «Шифо», «Тиб конунлари», «Мусика илми ҳакида маълумот», «Ишқ рисоласи» сингари асарларида бу ҳақда кўплаб маълумотларни келтиради. Аллома безгак кенг тарқалган пайтда ҳаётбахш куйлар таъсирида беморларни ўлимдан сақлаб колган экан. Шу билан бирга савдойи, васваса, безовталиқ, асабийлик каби бир қанча касалликларни куй ёрдамида даволаш мумкинлигини ҳам амалда исботлаб берган.

Жуда кадимдан араб шифокорлари ҳам мусикада илохий куч борлигини, унинг инсон танасига тез таъсир этишини англаб, беморларни чолғу асблоблари ёрдамида даволашган. Шифохоналарга тез-тез созандалар таклиф этилган. Кайко-вус ўзининг машхур «Қобуснома» асарида ўғлига насиҳат килиб, қуидагиларни ёзган: «Агар эшитувчи кизил юзлик, мошгуруч сокол бўлса, мусика асбобининг иккинчи торида чалгил, агар сариқ юзли бўлса, (музыкани) бум торида чалгил, агар кора юзли, савдойи, орик бўлса, кўпроқ уд торида чалгил, агар бадани ок ва семиз ҳамда нам бўлса, йўғон торда чалгил».

Ҳакикатан, кишининг туйғулари ҳам маълум тарбияга, камол топиши учун маҳсус парваришга, мунтазам машкларга муҳтоҷ. Инсон ҳётида айникса мусиканинг аҳамияти катта. Мусика таъсирида киши ғоят нозик ва теран хиссиятларни, ўткир эҳтиросларни бошдан кечиради. Инсоният кадимдан мусиканинг турли туйғуларни кўзғатиш хусусиятларидан фойдаланиб келган. Масалан, ҳал қилувчи жанглар олдидан мусика рухни кўтарган, жасоратга шайлаган. Ҳозирги кунда ҳам Африканинг баъзи кабилаларида мусика ёрдамида овчилар шундай матонат касб этадиларки, шерлар билан тик олишиб, уларни енгадилар, жароҳатланганда эса ҳатто, оғрикни сезмайдилар.

Мусиканинг жозибадорлиги ҳакида даҳолар ҳам тарих сахифаларида ўз фикрларини билдириб кетинган. Алишер Навоий бундай дейди: «Эй, Навоий топти мутриб со-зидан кўнглум наво. Гўйиё жон риштасига тегди мизроби анинг».

Америкалик олим Френк Флуднинг айтишига караганда, мусика юраги хаста кишиларда хуш кайфият туғдираркан. Ёнимли күй улардаги тушкунлик рухини йўқотиб, фавқулодда бўлган вахима ва хавотирни бартараф этишга ёрдам бераркан.

Мусика дори-дармон ўрнини бемалол босипти мумкин. Шу маънода, шифокорлар классик мусикани таъсия қиласидилар. Ўзбек мумтоз күй ва қўшикларидан таралган маком оҳанглари, машҳур хонандалар Турғун Алиматовнинг танбурда чалган куйлари, Абдуҳошим Исмоиловнинг ғижжакда ижро этган мусикалари, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоков, Таввакал Қодиров, Фахриддин Умаров. Комилжон Баротов, Фаттоҳхон Мамадалиев ва бошқа кўплаб мумтоз мусикамиз ижрочилари куйлаб ўтган қўшиқлар инсонда фавқулодда ажиб ҳиссиётларни тўлкинлантириб юбориши шубҳасиз.

Мусика оҳангларини барча жониворлар ҳам берилиб тинглаганлиги гоятда ҳайратланарлидир. Оромбахш күй уларни бўшашибтириб, тинчлантирап экан. Олимлар яна шуни аниклашганки, ўсимликлар ҳам мусикани хуш кўрадилар. Ёнимли күй таъсири остида гуллар очилгани ҳакида маълумотлар бор. Бу сирли тилсимот хусусида яна кўп фикр юритиш мумкин.

Турли хил оҳанглардаги мусика, күй инсонни роҳатлантирувчи, ухлатувчи, кўзғатувчи таъсир кучига эга. У инсон руҳиятига ҳам кучли таъсир этади. Чарльз Дарвин умрининг охирида ўзининг шеъриятга, мусикага бўлган иштиёқининг камайгани хусусида ўқиниб, «Агар умримни кайтадан бошлати насиб қилганда, ҳар хафтада лоакал бир марта бир оз шеър ўкиш, бир оз мусика тинглашни қоида килиб, шу йўл билан миям хужайраларининг фаол ҳолатини саклаб колган бўлар эдим», деб ёзган эди.

XVIII аср мусикасида роҳат, ором бағишлийдиган оҳанглар устунлик килган бўлса, XIX асрга келиб мусикада кўтаринки романтик хаёлотга, сирли, туссали хисларга чорловчи оҳанглар кучайди. XX аср мусикасида эса фалокатларни башорат килувчи, кўнгилларга ғулу солувчи,

инсониятнинг ғам-алам ва армонларини акс эттирувчи оҳанглар жаранглай бошлади.

Аникланишича, Бетховеннинг 5-симфонияси юрак фаолиятига хуш таъсир киларкан. «Ой соната»си эса безовта асабларни тинчлантиаркан. Бахнинг «Италия концерти» куйини тинглаган одамнинг қаҳру ғазаби дарров босилади, Шопеннинг «Мазурка» куйлари ва Штрауснинг вальс оҳанглари кишидаги хавотирили туйғуларни аритади. Чайковскийнинг «Оккуш кўли» одамларда кўтарилган қон босимини туширади. Шопеннинг «Ре-минор ноктюр»ни асари ҳам қон босими ошиб кетганда наф қиласди.

Брукнернинг «Тўққизинчи симфонияси» юрак-томир аъзоларига худди шовкин сингари таъсир кўрсатиб, дақикасига айланган қон ҳажмини кескин камайтиради. Бахнинг «Учинчи Бранденбург концерти»нинг адажио ва аллерго қисмлари эса аксинча – бу кўрсаткични оширади, томир зарбларини камайтиради. Шуниси ҳам аёнки, жиддий симфоник мусикани биринчи бор тинглаётган кипи бундан кўп ҳам ҳузур килмаслиги, уни тушунмаслиги ҳам мумкин. Шинаванда кишилар фикрича, бундай мусика факат такрор-такрор тинглашга ўргангандагина унинг кирралари очилиб бораради экан.

Классик мусика ҳатто, сигирларга ҳам хуш ёкиши фанда исботланган. Уларга айникса, Бах асаларни манзур бўлар экан. Тажриба ўтказилганда симфоник мусика сигир сутини 5–10 фоизга кўпайтиргани, замонавий суронли оҳанглар эса аксинча, сутни камайтириб юборгани аникланган.

Буни карангки, ўсимликлар ҳам мусикага бефарқ эмас экан! Канадалик мутахассислар хуносасига қараганда, Бах сонаталари ўсимликлар хосилдорлигини 66 фоизга кўтара олади. Америкалик бир миришкор эса мусика эшииттириб, фавқулодда пишиқ ва бақувват, тоят ёркин рангли гулларни етиштирган, унинг ҳар туп атиргули 65 тагача ғунчалаган!

Ошқовок – эрқаклар хонишини, сули – аёллар овозларини хуш кўриши, зигирнинг эса най наволарига мойиллиги кузатилган. Гершвин мусикаси макканинг ўсишини тезлатибгина қолмай, донининг вазнини 42 фоизгача кўтаради.

Мусика остида ривожланган помидор күчати 4,5 метргача авж олгани ва 835 дона мева бергани, ҳар дона «меломан» картошканинг узунлиги 15 сантиметргача, вазни 400 граммгача етгани фанда маълум.

Буюк олим Лейбниц ўзининг математик тафаккури билан мусиқани «дил қувончи» деб баҳолаган эди. Чиндан ҳам вакт, давлат чегараларидан ҳатлаб ўтиб, жаҳон дурдоналари хазинасидан ўрин олган мусиқий асарлар жозибасининг сири – уларнинг ҳиссий таъсири кувватидадир. Мукаммал асбобларда, юксак бадиий савияда ижро этилган жиддий, чукур туйғули мусика кишининг руҳиятини бойитишга, унинг ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатилига кодир. Мусика ёрдамида одамларнинг маънавий олами исталган йўналишда шакллантирилиши, шахсиятларининг янги, но-маълум кирралари капиф этилиши мумкин. Балки мусикада минг йиллардан бери таралиб келаётган ажаб сирли тилсимот япирингандир. Яна ким билади дейсиз?

СОЗЛАР ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

Халқимиз кадим-қадимдан чолғу асбобларидан фойдаланиб, уни авайлаб-эъзозлаб келади. Улар ҳакида турли ривоятлар тўқилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки халқимизнинг азал-азалдан чолғу асбобларига нисбатан муҳаббати баланд. Бундан ташкари, чолғу асбобларининг яратилиш тарихи, уларнинг инсон саломатлигига ижобий таъсири ҳакида турли даврларда ривоятлар, афсоналар тўқилган. Улар авлоддан-авлодга ўтади. Буларнинг таг замонида асос ётиши аниқ.

Ривоят килинчларича, македониялик Александр Эрон ва Туронни забт этгац, 400 нафар хинд ва форс олимини тўплаб, уларга шундай буйрук берган: «Бир чолғу ясангким, унинг саси узок-узоклардан ҳам эшигилсин». Олимлар катта кўс ногорани ихтиро килдиларким, созанда уни чалганида «Искандар, Искандар» деган садо чикарди. Эрон шохи Фаридул замонида Пифагор танбурни кашиф этиб, уни тут дарахтидан ясади, торларини эса ипакдан эшди. Тут дарахти Пифагорга

дебди: «Мен халққа күп міндерда мазали ва фойдали неъматлар хадя этаман. Неъматларимдан баҳраманд бўлганлар ҳамиша мени миннатдорлик туйғуси билан эслайдилар. Мана энди менинг ёғочимдан танбур ясанди. Созандалар жамики гўзалликни яратган табиятни кувонч билан қўйга соладилар. Бундан кувончим чексиздир». Ипак туриб Пифагорга ҳасрат билан: «Мен куртлик чоғимда тут дарахти баргаридан озиқланган эдим. Энди мени эшиб, торга айлантиришди», деб ипак хўнграб юборган эмиш. Шу сабабли танбурнинг саси мунгли эмиш.

Юртимизда яшаб ўтган созанда Бурхон берган маълумотларга караганда, танбур «тун бра» (тун – аччик, брак – ковок) сўзларидан келиб чиқкан экан. Қадим замонларда чўмич, челак, чилим ва танбур аччик чўп ковоқдан ясалган.

Эрон шюхи Захҳоки Морон даврида Ларос Трайлисий исмли олим даф деб аталмиш ҷолғу асбоби ва унинг усулларини яратади. Олим каттакон тош олиб, унинг ўртасини тараашлади, атрофини тери билан қоплади. Қайроқни эса раккосалар ўйлаб топишган. Айтишларича, даф ва кайроқ куйларидан оғир дардга гирифтор бўлган Захҳоки Мороннинг кайфияти яхшиланиб, шифо топган эмиш. Афсонада айтилишича, шундан бери бу ҷолғуда ижро этилган куйлар кишига хушкайфият бағислармиш. Бу бир афсона бўлсада, бунинг таг заминида ҳақиқат мужассам. Ушбу асбобларда куйлар чалинганда инсоннинг эти жимиirlаб кетиши бежиз эмасга ўхшайди.

Мана бу афсона эса Фарғонада яратилган экан. Бир куни чўпон ўртаси қамиш каби ғовак бўлган тўнғиз тикандан хасса ясабди. Тасодифан унга пуфлаган экан, «қр-р-р» деган товуш чиқибди. Шу-шу, чўпон ўзиниг отаридаги қўйларни ана шу хассадан чикадиган товушга ўргатибди. Қўйлар бу товушни эшитишлари билан чўпоннинг теварагида тўпланишаркан.

Чўпон «қр-р-р» деган товушга «най» сўзини қўшибди. Ана шу тарзда янги сознинг номи «карнай» деб аталиб, ҳалқ ўртасида мағлұм бўлиб кетибди. Дастлаб унинг узунлиги бир метр атрофида бўлган, ёғоч ва мисдан ясаганларидан

кейин карнайнинг узунлиги икки метрга етказилган. Карнай ўта кучли овоз чикаргани учун XIII асрда Чингизхон кўшинларида ҳарбий максадларда ишлатилган. Асосан, у ҳарбий шароитда кўшинларга хабар беришда ва душманни даҳшатга солишда қўл келган.

Ушбу ривоят эса янада кизиқарли. Утмишда хон ўрдасига қайтаётганида карнай ёрдамида унинг келаётганлигини билдиришган. («Хон келди, хон келди...») хатар туғилганида ҳам карнайда маҳсус куй чалинган. Хабар саси эшитилиши билан эркаклар кўлларига курол олиб, кўрғонга дарров етиб келадилар. Қурай эса чўпонларнинг сози бўлган. Чўпон сассиқкапа деб аталган майсанни кесибди. Унинг ўзагини тозалабди-да пуфлабди. Хунук товуш чиқибди. Шунда у тиши билан унинг ярмини беркитибди. Натижада тиник садо берибди. Кейин чўпон бешта тешик тепиб, куй чала бошлабди. Созга «курай» деб ном беришибди.

Ҳа, созлар ҳакида яна кўп ривоят ва афсоналар тўкилган. Уларнинг асл моҳиятида ҳакикат борлиги кишини хурсанд киласди. Созларда ҳакикатан ҳам илоҳийлик бор. Уларда куйлар чалинганда инсоннинг танаси яйрайди, ором олади, маълум вактга бўлсада, дунё ташвишлари унтилади. Тиббиётда баъзи беморлар мусика куйлари остида даволантгани бежизга эмас.

Чолғу асбобларининг ибтидоий намуналари инсоният цивилизациясининг тонгидаги пайдо бўлганлиги ҳакида тарихий маълумотлар бор. Манбаларда келтирилишича, Месопотамия ҳалқлари милоддан аввалги III минг йилликда ёк сибизға, най, доира, чилтор (арфа), ноғора сингари чолғу асбобларини ихтиро қилишган. Турли диний байрамларда коҳинлар ушбу асбобларда қуйлар ижро этишган. Айрим пайтларда созанда коҳинларнинг сони бир неча юз кипидан иборат бўлган. Бундай созандачилик гурухларини оркестрларнинг дастлабки салафлари дейиш мумкин.

Юнон афсоналарида келтирилипача, эллинлар мусикани жуда кадрлашган. Уни инсон қалбининг малҳами, деб хисоблаганлар. Милоддан аввалги I йилликда кадимги

Грецияда килли, пуллаб ва уриб чалинадиган чолғу асбоблари кенг құлланилган. Аввалига чолғу асбобларига жүр килиб қўпик ижро этишган. Милоддан аввалги VI асрда чолғу асбобларидаги куй ижро килиш алоҳида санъат тури сифатида ажралиб чиқади. Милоддан аввалги IV асрда эса нота (товушларни шартли белгилар билан ифодалаш) кашф килинган. Шу тариқа оркестрнинг пайдо бўлишига (оркестр грекча атама бўлиб, бу сўз созандаларнинг сахнадаги ёхуд сахна олдидаги жойлашув ўрни, деган маънони англатади) шароит яратилади.

Рим империясининг юксалиши даврида мусика кенг тараккӣ этган. Катта томошалар, зиёфатлар, байрамлар хонанда ва созандалар имтирокисиз ўтмаган. Сенеканинг ёзишича, томошаларда катнашаётган хонанда ва созандалар нафакат сахнани, балки томошибинларга мўлжалланган ўриндиклардаги бўш ўринларни ҳам эгаллашган. Баъзан созандалар сони минг кишидан ҳам ошиб кетаркан.

Хитой императори Цинь Шинхуанди (эрамиздан аввалги III аср) саройидаги оркестрда 630 нафар созанда катнашган. Куй ижро этишда ноғора, кўшногора, доира, темир занг, бамбук ва лойдан ясалган сибизғалардан, найлардан, карнайлардан ва айрим торли созлардан фойдаланилган.

Қадимги Фаластинда ўтказилган катта диний маросимлар ҳакида ҳам маълумотлар сақланиб колган. Масалан, солномачиларнинг гувоҳлик беришича, Сулаймон ибодатхонасининг очилиш маросимида 120 нафар созанда катнашган экан. Антик давр тарихчиси Иосиф Флавий 200 минг хонанда ва шунчак карнайчилар катнашган йирик маросим ҳакидаги маълумотни ёзиг колдирган. Унинг ёзишича, ушбу маросимда хонанда ва карнайчилардан ташкари 40 минг нафар чилторчи (арфа) ва 40 минг нафар торчи ҳам иштирок этган.

МҮЪЖИЗАКОР ҚҰШИҚ

Дунёда құшиклар никоятда күп. Бири биридан гүзәл, бири биридан мафтункор. Уларнинг майин жозибадор охангпари тингловчилар қалбини сел килиб, құнгилларига таскин, ҳузур-халоват баҳш этади. Лекин дунёда шундай бир құшик борки, у хаммасидан мүъжизакоррок, барчасидан юксакрекдир. Не-не буюкларнинг илк бора күз очиб, тинглаган құшиғи – алла шундай кудрат, сеҳрга әгадир.

Алла нимаси билан бошқа құшиклардан фарқ қиласы? Дағытан бу саволга жавоб бериш мүшкүл. Менимча, уннинг фарқы томони шундаки, алланинг сүзига ҳам, охангига ҳам, ижросига ҳам бир зот дохил, у онадир. Онанинг қалбидан сизиб чиқкан алла нур янглиғ гүдакнинг бутун вужудига күйлади. Юз-күзида шукроналик, кувонч балқиётган она дилбандини маҳкам бағрига босғанча аллага ўз меҳрини, қалб қўрини қўшиб, жўшиб кўйлади:

Алла айтай овунчоғим,
Оппок кўзим алла-ё.
Кучоғимда кувончим,
Кўрар кўзим алла-ё.

Аллада ногаҳон қадим охангларни учратсанғиз, ҳеч ҳам хайрон бўлманг. Оналар элнинг, юртнинг орзу умидларини, дарду кувончларини сел бўлиб кўйладилар. Фарзандлари қалбига Ватан меҳри, юрт қадри кондек сингимини истайдилар. Қўнглида юрт ишки бўлмаган ишон учун бу дунёда табаррук нарса бўлмайди. Ватангага муҳаббат ота-онага, aka-уқага, опа-сингилга бўлган меҳрлан ўзи туғилиб ўсган воҳа, ундаги ариқ ва сойларга бўлган муҳаббатдан бошланади. Аллада худди шутайғу машъаладек ёниб туради. Бу меҳни, бу сирли туйғуни дунёнинг бошқа бирон бир жойида учратмайсиз. Бу шунака бир туйғуки, уни сўз билан бирон бир нарса билан ифодалаш кийин. У она юрагининг туб-тубидан чикаётган, жондан азиз жигарбандига нисбатан бўлган оналик меҳри-муҳаббатидир.

Кўпинча давралар, йигинларда бўлганимизда алланинг тарбиявий ахамияти хакида гап кетса, дарров ёшлик йилларим ёдимга тушади. Эсимни энди таний бошлаган пайтларим. Онам тун бўйи чакалоқ укамнинг бешигини тебратиб, майин бир товушда алла айтардилар. Сўзлари аник эсимда йўқ. Лекин сўзлари мазмунида «улғайиб, оғиримизни енгил, кўлимизни узун, эл-юрт олдида юзимизни ёруғ қилгин, якину йирок сен билан фахрлансин» дегандек бир насиҳат ётарди. Онам бу аллани нафақат чакалоқ укамга, балки бизларга ҳам айтаётгандек бўлардилар. Бу билан бизнинг ҳам мурғак қалбимизга эзгулик уруғини сочардилар.

Алла тинглаб улғайган инсоннинг ёвузилик қилишига сира-сира ишонгим келмайди. Инсоният бешигини тебратиб келаётган даҳолар тинглаган кўшиқдан бебаҳра ўсган кимсаларгина ёвузиликларга мойил бўлади. Бунга эса ҳаётда истаганча мисоллар топилади. Она алласида нима каромат яширинганини ҳали дунёда хеч бир зот айтиб беролган эмас, айтолмаса ҳам керак. Чунки бу онанинг ўз жигарбанди билан унинг ўртасидаги сирли айтишув. Уни факат онанинг ўзигина билади, холос.

ДУРУ ЖАВОҲИРЛАР СИРИ

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан кимматбаҳо тошлар, дуру жавоҳирларни муқаддас санаб, уларга алоҳида меҳр билан карашган. Дуру жавоҳирлар ҳар хил бало-қазолардан асрайди, деб ишонишган. Ўша замонлардан колган удумлардан айримлари ҳали ҳамон сақланиб колган. Чакалоқ туғилганда уни бешикка белашдан олдин у ётадиган жойга кўзмунчоқлар тақиб кўйиш ҳам қадимдан колган одатлардан биридир. Уларда болани ёмон кўзлардан сақлайди деган тушунча, ишонч мавжуд. Ёки ёш келинларга ҳар хил тақинчоқлар тақиб юришни маслаҳат беришади. Ҳалкимиз, айниқса, аёлларимиз ҳар хил тақинчоқларсиз ҳаётларини тасаввур ҳам килишолмайди.

Қадимда подшоларнинг тожлари дуру жавоҳирлар билан безатилган. Гўёки дуру жавоҳирлар уларнинг тожу

татхларини хар хил баднафс ёвуз инсонларнинг кўзларидан асраган.

Албатта, бу ноёб жавоҳирлар ҳакида жуда кўп маълумотлар ва уларнинг акл бовар килмас хусусиятларини кўплаб келтириш мумкин.

Олмос. Олмос жасурлик ва мардлик белгиси хисобланиб, қасаллик ва омадсизлик устидан ғалаба келтиради. Олмос ўз кучига ишонтирувчи ва умидворлик белгиси ҳамдир. Кадимда урушаётган томонларнинг қайси бирида олмос кўп бўлса, ўша ғалаба қозонган. Шарқ алломаларининг ёзичча, агар ҳомиладор аёл қўлига олмосли узук такса, у бола туғаётганда кийналмас экан.

Агар кимки бир бўлак олмос олиб юрса, у ўзини энг кучли хисобларкан, ҳеч нарсадан қўркмас, доимо хушчакчак юраркан. Шунингдек, олмоснинг эслаш кобилиятини кучайтириши ҳам аниқланган. Гап-гаштакларда олмос соҳибининг сўзи ўтаверармиш. Бундан ташқари, яшин ҳам урмас экан, душмандан, ёмон тушлардан асраркан.

Сафсар. Сафсар дегани кадимги грек тилида «хушёр», «зийрак» маъноларини билдиради. У маст қилмайдиган вино рангига, яъни қалами рангга эга. Уни олиб юрувчи инсон ҳеч качон маст бўлмайди. Агар қуёш ёки ой шаклини кесиб олсангиз, меъда-ичак қасалликларидан фориг қиларкан. Йигитлар ўз маъшукаларига совға килишса, уларнинг севгиси янада мустахкам бўлади. Фикрни тинклаштиради. Аёллар олиб юрса, юз терисини бир текис саклайди.

Кадимда хотин ёки эркакдан бирортаси вафот этса, улардан бири ўша умр йўлдошига садокат маъносида бу тошини олиб юришган. Сафсарни, шунингдек, «бевалар тоши» ёки садокат тоши ҳам дейишади.

Берилл. Берилл кимматбаҳо тош бўлиб у инсонни кувнок, хушчакчак, сертавозе килади. Шу билан биргага омад ҳам келтиради.

Феруза. Бу номнинг асл келиб чикини форсча «фируза» бўлиб, «баҳт тоши» маъносини билдиради.

Ферузанинг севгига садокат каби рамзий маъноси ҳам бор. Айтишларича, у хонадонга баҳт келтиаркан ҳамда оиласвий жанжалларни бартараф қиларкан. Рамзийликнинг маъноси шундаки, феруза севги ўтида куйиб, вафот этган ошикнинг суюгидан бунёд бўларкан. Сизга махбуба тақдим этган феруза кўзли узук оқара бошласа, демак у сизни бопка севмайди. Ўз қўлингиздаги феруза окарса – бу ўлимдан дарадир.

Қадимда ферузадан ясалган туморлар, такинчоклар – Миср, Ҳиндистон, Марказий Америка ҳамда Марказий Осиёда маълум ва машҳур бўлган. Накл қилишларича, кимки тонгда туриб ферузага караса, ўша кунги ташвишлардан халос бўларкан, яна у кўзга ҳам нур бағишларкан.

Ферузани аёллар қулоклариға тақиб, бўйинларига осиб юришса, юракни бакувват килиб, кўркувни бартараф этади. Дуниман устидан ғалабага бошлайди, илон чақипи ва бошқа оғатлардан саклайди. Агар кимнинг уйида феруза бўлса, ҳеч качон пулдан зорикмайди. Накл қилишларича, мабодо йикилиб тушсангиз ҳам у бирор жойингиз лат ейишидан сакларкан.

Ёқут. Қадимда грек афсоналарида айтилишича, ёш, хуশкомат Аполлон ёқутни яхши кўрган экан. Уни савдогарлар ва артистлар ҳам хуш кўришаркан. Ёқутни олиб юрувчи кипининг ови доимо бароридан келади, дейишади. Бундан ташкири ширин туш кўришига ҳам сабабчи бўларкан.

Марварид. Марварид инсонга осойишталик, узок умр ва баҳт келтиаркан. Кўлдаги марвариднинг ялтираши ўша инсоннинг кайфияти ва соғлигига боғлик экан. Мабодо ўша инсон вафот этса корайиб кетаркан. Марварид қадимги Римда севги маъбудаси Венераға инъом килинган, дейишади.

Зумрад. Зумраднинг товланиши кўзни равшанлантиради, аклни чархлади. Агар кимки ўзи билан зумрад олиб юрса, зерикиш ва уйкусизлик нималигини билмайди. Безовта қилувчи, нохуш тупшлардан халос бўлади. Айтишларича, зумрад нопокликни ёқтиримас экан. Унга заррача «ҳиёнат» килинса, ўз-ўзидан ёрилиб кетармин.

Нефрит. Нефрит – қадимги Хитой ва баъзи Шарқ мамлакатларининг илохий тошидир. Айтишларича, Будданинг таҳти нефритдан ясалган экан. Хитойлик амалдорлар нефритдан ясалган тошларни бош кийимларига такиб юришган.

Хитойликларнинг таъбирича, нефрит буйрак, жигар ва бошка қасалликларнинг тузалишига ёрдамланишкан. Нефрит чақмок уришидан саклайди.

Лаъл. Лаъл жўшкин ва эҳтиросли муҳаббат рамзидир. Айтишларича, Шарқда кимки лаълдан бўйнига узун маржон такиб олса, у мартабали инсонга айланаб, алохида хурматга сазовор бўлади. Лаъл оқаётган қонни тўхтатувчи хусусиятга ҳам эга. Ҳавони тозалаб, ҳар хил қасалликлардан химоя киларкан. Қадимги Ҳиндистонда лаъл мукадлас тош хисобланган.

Накл қилишларича, осмонда худолар бир-бири билан урушаётганда бир томчи кони Ганга дарёсининг қизиган кумларига томиб, лаъл ва дурларга айланади. Шарқда, айникса, Ҳиндистонда бу кимматбаҳо тошлар ердан чикади. Дастреб улар рангсиз бўлади. Кейин сарғаяди, сўнгра кўк ва ҳаворанг, ниҳоят, қизил ранг олиб, жуда гўзал тошига айланади. Айтишларича, лаъл ҳар минг йилда ўз рангини ўзгартиаркан, етти минг йилдан сўнг эса ўзининг асл туслига эга бўларкан.

Сапфир (зангари ёки кўкиш ёқут). Сапфир тўғрилик, ҳалоллик ва босиклик рамзидир. У баҳтсизликдан, ғамгинликдан саклайди, юракка кувват беради.

Кўнгилга ором бериб, хуш кайфият уйғотади. Қадимда сапфир денгизчилар тоши ҳисобланган. Улар сапфир ҳар хил оғатлардан саклайди, деб каттиқ ишонишган.

Сердолик. Бу ярим кимматбаҳо тош хисобланиб, ер қимирлашларидаги оғатлардан сакларкан. Сердолик кўзли узук такиб юриш камбағалликдан ҳалос этармиш. Кимки қўлига шундай узукдан такиб олса, унинг кўнгли хотиржам бўлиб, соғ-саломат юради ҳам, дейишган. Нил (тўқ кўк ранг) рангдаги сердолик кўзли узук қонни тезда тўхтатади.

Топаз. Бу қимматбаҳо тош ялтирок бўлиб, кўркувдан халос этади. Эркакларни жасурликка унди, аёлларга эса ҳомиладорлик пайтида ёрдам беради. Денгизчилар унинг ёрдамида уммондаги оғатлардан омон колишларига ишонишган.

Каҳрабо. Каҳрабо ёп болаларга қувват бағишилаб, уларни ёмон кўзлардан асрайди. Айтишларича, кимки каҳрабони ёстик тагига қўйиб ухласа, тинчгина ором олади. Каҳрабо шодасини ҳомиладор аёллар такиб юрса, осон кўзи ёрийди, дейишади. Алломаларнинг таъкидлапларича, каҳрабо бандаги захиллик, юрак ўйнаши ва бошқа қасалликлардан халос бўлишига ёрдам бераркан.

ЭНГ ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР

Тарихда қимматбаҳо тошларни деб канчадан-канча инсонлар курбон бўлишган. Бу тошлар нафакат ўз гўзаллиги ва ўлчами, балки улар устида бўлган мажаролар туфайли ҳам инсоният диккат-эътиборида бўлиб келмоқда. Хўш, бундай нодир жавохирлар хакида нималарни биламиз.

Тиффани. Энг йирик сарик олмос. Сайқал берилгунга кадар бўлган оғирлиги – 287,42 кирот. 1878 йилда Жанубий Африкада топилган ва Нью-Йорклик заргар Чарльз Тиффани томонидан харид килинган. Олмоснинг устки гирди олтин ва платинадан ясалиб, ок ҳамда сарик олмослар ўрнатилган күш безаб туради. Ушбу такинчок ўз тарихи давомида бор-йўғи икки маротаба тақилган, холос.

Куллинан ёхуд Африка юлдузи. Бу жуда йирик олмос бўлиб, дунё бўйича ишлов берилган олмослар ичидаги энг йириги хисобланади. Даствабки оғирлиги – 3026 кирот. Ушбу олмосни Жанубий Африкадан 1905 йилда топилган. Мутахассислар «Куллинан» хозирча топилмай турган улкан бир кристалнинг бўлаги бўлиши мумкин, деган фикрни илгари суришган. 1907 йилда Трансвал ҳукумати утибу олмосни инглиз кироли Эдуард VIII га совға килган. Қирол олмосга сайқал беримашларини машҳур голланд фирмаси зиммасига юклайди. Улкан олмосни ўрганиш учун

олти ой вакт кетади. Нихоят, уни 9 дона йирик ва 96 дона майда бўлакларга бўлишади. 69.5 кирот келадиган бир бўлаги эса ишлов берилмаган ҳолда колдирилган. Ҳозирги кунда олмоснинг бўлаклари Лондондаги Тауэр музейида сакланмоқда.

Мўғул. Бу энг йирик зумрад хисобланиб, оғирлиги 217,80 кирот. Бобурйлар салтанатининг императорларига тегишили бўлган. Тошга 1658–1707 йиллар оралиғида Аврангзеб хукмронлиги даврида кайта ишлов берилган. Зумраднинг бир томонига Куръондан оятлар ёзилган, иккинчи томонига эса гуллар тасвири туширилган.

Регент. Ушбу олмоснинг оғирлиги 410 кирот. Бу кимматбаҳо тошни 1701 йилда Гонконгдаги олтин конидан бир хинд кул топиб олган. Бу канчалик хатарли бўлишига карамай, кул тошни латта-путталар орасига япириб, кондан олиб чиккан. У бу ғаройиб топилмани ўзига озодликни ваъда килган инглиз денгизчисига бермокчи эди, денгизчи эса уни алдаб, кемага олиб чикиб, ўлдиради.

Ушбу кимматбаҳо тошни сотиб юборган денгизчи тез кунда барча пулларини кўкка совуриб, хеч бир сабабсиз ўз жонига каёд килади. Олмосни ҳарид килган Томас Питт исмли собик карокчи бир муддатдан сўнг тошни француз киролига сотиб юборади. Кейин бу кимматбаҳо тош Франция кироли ғазнасидан ўғирланиб, кўлдан-кўлга ўтиб юрган. Алал-оқибатда Наполеон I киличини безайди. Бу олмос ҳозирги кунда Лувр музейида сакланади.

Марварид. Бу энг йирик марвариднинг диаметри 238 мм бўлиб, оғирлиги 6400 граммдир. Сатҳидаги чизиклар инсон бош мияси шаклини эслатади. У ҳозир АҚШда сакланмоқда. Уни Вилберн Даузлл Кобб исмли шахс Америкага олиб келган. Вилбернга бу марваридни унинг ҳаётини саклаб колгани учун Палаван ороли (Филиппин) раҳбари миннатдорчиллик сифатида тортиқ килган экан.

КИММАТ СОТИЛГАН ТАҚИНЧОҚЛАР

«Ди» бриллианти. Унинг оғирлиги – 100,10 кирот. 1995 йилда шайх Аҳмад Фитахийга 16,55 млн. долларга сотилган.

Сайқал берилмаган олмос. Оғирлиги – 255,10 кирот. «Уильям Голдберг» корпорацияси томонидан Гвинеяда 10 миллион долларга харид қилинган.

Зумрад ва бриллиантдан ясалган билагузук. Оғирлиги – 108,74 киротта тенг бўлиб, 12 дона тошдан иборат. 1937 йилда «Картъе» фирмаси томонидан ясалган. 1989 йилда 3 миллион долларга сотилган.

Ёкут кўзли узук. Оғирлиги 15,97 кирот. 1988 йилда 2,3 миллион долларга сотилган.

«Ренент» марвариди. Тухумсимон кўринишга эга бу марварид 15,13 грамм оғирликка эга. 1988 йилда 0,86 миллион долларга сотилган.

БАХТ КЕЛТИРУВЧИ ГАВҲАР

Бу тош нихоятда кам учрагани боис жуда киммат туради. Италиялик актриса Орнелла Мути гавҳарни яхши кўрган, шундай топп кадалган безакларни такиб юрган. Машхур санъаткор Элизабет Тейлор ҳам кора гавҳар шайдоси эди. Унинг бисотидаги тақинчоқларнинг аксарияти мана шу ноёб тош билан безатилган.

Дунёдаги энг йирик кора гавҳар «Африканинг кора офтоби» номи билан машхур. Унинг ўлчами 202 қиротга тенг. Немис императори Вилгельм 100 қиротли, рус графиняси Орлова 67,5 қиротли кора марваридга эга бўлишган. 1844 йилда Бразилияда 3,148 қиротли кора олмос топилган. Бу асл тош катталиги жихатидан дунёда энг йирик хисобланувчи «Куллинан» олмосидан ҳам катта бўлган. «Куллинан» зараларидан 105 дона гавҳар тарашланган. Инглизларнинг тожи ана шу гавҳарларнинг йириклари билан безатилган.

Олмос (кораси ҳам, шаффофи ҳам) кадим-кадимдан ҳукмдорлик, мардлик ва саботлилик тимсоли хисобланган.

Шарқ ривоятларида гавхар кишига баҳт ато этади, уни душманлардан ва ҳатто, ғам-ғуссадан асрайди, дея келтирилади. Хуллас, гавхар кадалган безакдан ҳар кандай буржга мансуб кишилар фойдаланишлари мумкин. У инсонга ҳеч кандай зарап келтирмайди. Гап уни маблағ топиб, сотиб олишда.

ҚАЛБАКИ ПУЛ ЯСОВЧИЛАРГА ЖАЗОЛАР

Пул нафакат моддий фаровонликни ошириш воситаси, балки инсонни йўлдан оздирувчи ҳамдир. У одамларнинг қалбига васваса солади, турли жиноятларга етаклайди. Бойлик учун баъзилар ўғрилик, котиллик, фирибгарлик, қаллоблик киладилар. Яна бир тоифа кимсалар борки, пулни қалбакилаштирадилар. Деярли барча мамлакатларнинг купюраларида пулни қалбакилаштирганлик учун жазо берилиши ҳакида огохлантирили бор. Лекин ана шу жазо ҳам қалбаки пул ясовчиларни тўхтатиб кололмас экан.

Дунёдаги энг қадимги конунлар мажмуаси деб хисобланувчи подшо Ҳаммурапи конунларида қалбаки пул ясовчилар ўлим жазосига маҳкум этилиши белгилаб кўйилган экан. Кўхна Римда ҳам пулни қалбакилаштирганлар аёвсиз жазоланган. Агар ана шу қаллоб қул бўлса, у қатл этилган. Мабодо Рим фукароси шу ишга кўл урса, уни йиртқич хайвонларга емиш килишган. Башка бир катор мамлакатларда, хусусан, қадимги Русда қалбаки пул ясовчиларнинг томогига қалайи ёки кўрғонин эритиб куйишган ёхуд кўл-оёгини кесиш билан жазолашган. Лекин шуниси борки, пулни қалбакилаштирувчининг машхурлари ҳам бўлган. Шулардан бири кўхна гречиялик файласуф Диогенdir. Бу воеа шундай бўлган экан.

Диогеннинг отаси Гинесий йирик пулларни майдасига ва аксинча, чет эллардан келган савдогарларнинг пуллари ни маҳаллий пулга алмаштириб берувчи сарроф бўлган. У қалбаки тангалар ясад, уларни ҳакикийларига кўшиб, четдан келган савдогарларга ўтказиш билан шуғулланган. Бу қаллобликка ўғли Диогенни ҳам жалб этган. «Кўза кунда эмас, кунида синади», деганларидек, бир куни Гинесий-

нинг жинояткорона килмиши ошкор бўлади. Суд уни зин-донга ташлаб, мол-мулкини Синоп шаҳри фойдасига мусо-дара килиш, ўғли Диогенни эса шаҳардан ҳайдаб чикариш тўғрисида хўкм чикаради. Бу пайтда бўлғуси файласуф ўн саккиз яшар навқирон йигит эди. У Африкада яшайди, сўнг Коринфга кетади. Йиллар ўтиб унинг номи бутун Гречия-га ёйилади. Унинг бисотида биттагина фонус бўлиб, кун-дуз кунлари ҳам уни ёкиб кўтариб юрган. Бунинг боисини сўраганларга Диоген: «Инсон деган номга муносиб ҳакикий одамни қидирияпман», деб жавоб берган экан.

Ҳа, инсон пулнинг кули бўлмаслиги керак, аксинча пул инсонга хизмат қилиши лозим. Халқимида пул кўлнинг кири дейишади. Ҳақиқатан ҳам пул келади ва кетади. Шу пул туфайли уруш-жанжаллар ва бошка барча жирканч килмислар келиб чикади. Бирок астойдил, ҳалол меҳнат килиб пул топишга нима етсин.

СОХТА ПУЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Дунёдаги барча давлатнинг жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конунида қалбаки пул ясовчилар каттиқ жазоланиши кайд этилган. Бундай конун қачон чиққанлиги маълум эмас. Шунга карамай, пул пайдо бўлгандан бери то ҳозирги давргача кўп давлатларда қалбаки пул ясовчилар бўлган ва ҳозир ҳам топилиб колади.

Узок асрлар давомида танга пуллар қимматбаҳо металлдан ишлаб келинди. Танга зарб қилган давлатлар унинг оғирлиги ва соғлиги учун жавобгар эдилар. Танганинг қиймати, ўзи ясалган металлнинг ҳакикий қийматидан юкори туради. Танга ва у ясалган металл киймати орасидаги фарқ ҳазинанинг тангадан оладиган фойдасини ташкил этади. Ана шу оладиган фойдани ошириш учун қалбакилик билан шугулланувчилар танганинг оғирлигини камайтирар ёки қимматбаҳо металлга кўп микдорда паст баҳоли металл кўтадилар.

Бундай сохтакорлик «қалбаки пул» деб ном олган бўлиб, ундан факатгина оддий ҳалқ зарар кўринини айтмаса ҳам

бўлади. Бу пулларнинг харид қуввати пасайиб кетади. Бундан эса нарх-наво кўтарилади. Шундай фаолият билан баъзи ҳукмдорлар ўнлаб йиллар шугулланишган. Франция кироли Филипп IV бу соҳада фаоллик кўрсатгани учун тарихда «калбаки пул зарб қилувчи кирол» номини ортирган. Англия кироли Генрих VI га алхимик мисга симоб билан ишлов берилса, у кумуш тусига киришини айтади ва шунга мувофик кумуш тусли пул чиқарилади. XVII аср бошларида Германия давлати князлари кўплаб калбаки пулни муоммалаға чиқаришган. Лекин ўзлари турли жарима, соликларни аввал зарб килинганидан бўлишини талаб қиладилар. «Вазни снгил пул мамлакат учун энг оғир урушдан ҳам хавфли» деган мақол ўша даврда пайдо бўлган.

Бирок кейинчалик қоғоз пуллар пайдо бўлди. Улар кимматбаҳо металлар ўрнини босиши керак эди. Пул муаммоси соҳасидаги фирибгарлик янада ошиб кетди. Ортикча қоғоз пул чиқариш унинг кадрсизланишига олиб келди. Шундай килиб, калбаки пуллар чиқариш хеч бир даврда камайган эмас. У ҳозирги техника ривожланган даврда янада авж олди. Чунки ривожланган давлатларда шундай замонавий компьютерлар ишлаб чиқариляпти, унда калбаки пулларни бемалол ясаш мумкин. Улар ясаган пулларни хакикийидан ажратиш жуда кийин. Бирок «бузокнинг юргургани сомонхонагача» деганларидек, бундай соҳтакорлар эртами-кечми, барибир кўлга тушишяпти. Жазо ҳам килган килмишларига яраша бўлиши эса ўз-ўзидан аён.

КИРОЛ БЕЗАГИНИНГ ТАҚДИРИ

Буюк француз инкилоби даврида Людовик XVI ва Мария-Антуанеттанинг хазинасидан талон-торож килинган буюмлар орасида 8 дан 16 миллиметргача бўлган соф ҳамда шакл жиҳатидан мукаммал ишланган 41 дона дурдан иборат ноёб атика шу давргача етиб келди. Ўша пайтда 5 катор дурдан иборат бўлган бу тақинчокни Мария-Антуанетта онаси – Австрия кироличаси Мария-Терезадан совға сифатида олганди. Инқилоб бошланган пайтда эри ва болалари

билан Франциядан қочишігә қарор қилған Мария-Антуанетта үз такинчокларининг бир кисмини Брюсселге жүнатған. Унинг фрейлиналаридан бири бўлган мадам де Кампан үз хотираларида шундай ёзди: «Ҳазрати олияларининг барча кимматбаҳо буюмларини дархол кутиларга жойлаш лозим эди. Биз бир неча кун давомида шу иш билан шуғулландик. Агар киролича үз такинчокларини жойлашга шунча вакт сарфламаганида яшириништа улгуради ва тирк колган бўларди».

Кутилар Брюсселга етказилди, аммо уларниң эгалари Францияни тарқ этишга улгуришмади – Марат ва Робеспьернинг қўл остидагилар кирол жуфтлигини чегара ёнида кўлга олишди. Людовик ва Мария-Антуанеттани давлат хиёнатида айблаб, 1793 йилда катл этишган.

Кимматбаҳо тошлар Брюсселда яхши сақланди, ин-қилобий террор тугаганидан сўнг эса уларни кирол ва кироличанинг қатлдан кутулиб колган кизи – герцогиня Ангулемскаяя қайтариб беришди. Шундай вазият вужудга келдики, секин-аста Мария-Антуанеттанинг тақинчоқлари Европанинг кўпгина кирол оиласарига тарқаб кетди.

Катл этилган киролича такинчоғи XIX асрнинг иккинчи ярмида графиня де Шамбор бўйини безади. Герцогиня Д* Юз бу хақда үз хотираларида шундай ёзди: «Графиня де Шамборнинг бўйинда 5 қатор, катталиги ёнғоқдай кела-диган дурдан иборат ажойиб такинчок бор эди. Мен уларга завқланиб караганимда, графиня такинчоқни ечиб, бу ҳашаматли буюмни яхшилаб кўришим учун менга узатди. Графиня такинчоқнинг дастлаб, Мария-Тереза Австрийская-та тегишли бўлганини айтди. Ӯшанда у 10 қатордан бўлган экан, шундан 5 қаторини император хоним кизи Мария-Антуанеттага совға қилган. Колган 5 қатори Австрия тожининг хусусий мулкига айланибди. Графиня эса Мария-Антуанетта такиб юрган такинчоқка эга бўлган».

Графиня де Шамбор вафотидан кейин барча кимматбаҳо буюмларини набиралари – герцоглар Мадридский ва Сан-Хаймега колдиришни васият килган. Улар хам үз навбатида

меросхўрларига қолдиришган. Иккинчи жаҳон уруши охирида герцог Мадридскийнинг кизлари ўзларига теккан мероснинг каттагина қисмини сотилгига мажбур бўлишган. Шу жумладан, Мария-Антуанеттага тегишли бўлган бриллиант тақинчок ҳам сотилган. Дур шодалари ҳакида эса ҳеч кимга ҳеч нарса маълум эмасди. Айримлар уларни 1931 йили Парижда вафот этган герцог Сан-Хайме ўзида саклаган дейинса, бошқалар эса 1933 йили Картъе заргарлик дўконларидан бирининг пештахтасида «Мария-Антуанетта маржони» номли безак турганини айтишган. Уни герцоглардан бирининг авлоди сотган, деб тахмин килиш мумкин, холос. Кейинчалик бу беш катор дурлар бир катордан бўлиниб, дунё бўйлаб таркалиб кетди. Улардан бирини америкалик миллиардер Франклин Хаттон грузин князи Алексис Мдиванидан турмушга чиқаётган кизи Барбарага совға учун миллион долларга сотиб олди.

Император аёл ва маликаларга тааллукли бўлган тақинчони дунёнинг энг бадавлат хонимларидан бири Барбара Хаттон така бошлади. Хоним чиндан ҳам жуда бой эди. 21 ёшида унга она томонидан кариндоши Вулворт оиласига тегишли тижорат империяси мерос колган ва ўша пайтда хонимнинг мулки 20 миллиард долларга баҳоланганди.

Барбара Хаттон чинакамига шоҳона ҳаёт кечириб, 1979 йили 67 ёшида вафот этади. У ҳаёти давомида кироначаларга тегишли бўлган заргарлик буюмларини очкўзлик билан тўплаган. Ёки кайфиятига караб, уларни сотган ва сотиб олган. Барбара бундай тақинчокларни тақишидан ҳеч качон ор қилмаган, аксинча буни шараф деб билган. Барча қимматбаҳо тақинчоклари орасида Мария-Антуанеттанинг дурларини тақишини афзал кўрарди. Ҳаётда ана шундай дуру жавохирларга ўч инсонлар бўлади. Аммо бу уларга доим ҳам шараф келтиравермаган. Мария-Антуанеттанинг тақдири бунга мисол. Шу боис ҳам тақинчокларга ўта ўч бўлиш яхши оқибатларга олиб келмаганилиги ҳакида жуда кўплаб тарихий маълумотлар сакланиб колган.

СЕХРЛИ РАҚАММИ ЁКИ...

Етти раками билан боғлиқ мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, географик номларни учратмаган одам бўлмаса кепрак. Масалан, етти иклим, етти хазина, етти мўъжиза, етти дониниманд ҳакида ким ҳам эшитмаган, дейсиз. Ёки «етти ўлчаб бир кес», «Етти бобони билган эр, етти юртнинг ғамин ер», «Еридан айрилган етти йил йиғлар», «Ёмондан коровул қўйсанг, ёвинг етти бўлади», «Пак-лакана бўйи бор, етти қават тўни бор», «Сув етти думаласа ҳалол бўлади...». Бунинг устига етти раками билан боғлиқ географик, этнографик номлар ҳам талайгина. Етти кечув (Зомин туманидаги кишлек), Еттиқашка (қадимий ўзбек уруғларидан бири), Еттикудуксой (Ғузордаги сой)...

Қизиги шундаки, етти ракамини яхши кўриш биргина Марказий Осиё ҳалқларига хос эмас экан. Масалан, жаҳон ҳаритасидаги номлар бунинг исботидир: Еттисув, Семипалатинск, Едикўл, Еттикудук.

Хоразмий жадвалида, Берунийнинг «Қонуни Маъсудий»сида, Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний»сида ҳам жой номлари етти иклим бўйлаб тартиб қилинганини кўриш мумкин.

Айтайлик, қадимги Юнонистонда ҳам дунёнинг мўъжизаси деб аталишига лойик нарсалар жуда кўп бўлган. Аммо юнонлар уларнинг факат еттитасини «Мўъжиза»лар каторига киритишган (Миср эхромлари, Искандар маёғи, Бобилнинг самовий боғлари, Эфесдаги Артемида ибодатхонаси, Олимпдаги Зевс ҳайкали, Галикарнас мақбараси ва Родос ҳайкали).

...Сибирда яшовчи кетлар ва бошка ҳалклар тили ҳамда фольклорини ўрганишган бир гурух тилшунослар илмий асарларининг бирида таъкидланишича, кет тилида «хисоб тизими шундай тузилганки, энг охирги сон еттидир». Шундан ясама сонлар бошланади.

Етти йил давомида 7 ракамини такиб юрдим, – деб ёzáди америкалик таникли психолог Ж. Миллер. Олимнинг фикрига караганда, шахсий ишларида ҳам «7» унга хилма-хил киёфада дуч келаверган.

Шундан кейин Ж. Миллер турли (кўриш, эшитиш, таъм билиш билан боғлик ва хоказо) сигналларнинг инсонга кўрсатадиган таъсирини ўрганиб, кизик натижаларга эга бўлди. Кўпдан-кўп тажрибалар асосида тўпланган статистика маълумотларининг кўрсатишicha, инсон ка-бул килаётган ва миясида кайта ишлайдиган ахборотлар бештадан тўккизтагача бўлганда (буни Миллер 7+2 тарзida ифодалайди) кўпинча хатога йўл қўймас экан. Агар ахборот ҳажми ошиб кетса, янгишиш эҳтимоли ҳам ортиб боради. Бундан «7» одамлардаги идрок килиш кобилияти билан боғлик экан-да, деган хулоса ҳам келиб чикади.

Ажабо, табиат «7» ни одамларга илгаридан ато килгандай! Кўкда етти хил рангдаги камалакни куриб завкланмаган одам бормикин?! Бугун эса оддий нур ҳам шаффофф призмадан, масалан сув буғлари орқали ўтказилса, таркибий қисмларга ажралиб, 7 хил жилоланишини яхши биламиз. Араб ёзуvida битилган Қуръони карим суралари етти хил усуlda ўқилиши ҳам бу рақам сехрли эканлигидан далолат эмасми? Мусикада ҳам товуш етти нотада ифодаланади: до, ре, ми, фа, со, ля, си.

Ота-боболаримиз дунёда инсонни бокадиган ва бой ки-ладиган етти ҳазина бор деб хисобламаган (сигир, асалари, ипак курти, обжувоз, тегирмон, ўрмон, парранда). Баъзи ҳалкларда эса байрам дастурхонини 7 хил неъмат билан безаш азалдан расм бўлган. Ҳозир мутахассислар 7+2 ни конуният хисобламоқдалар. Ҳатто инсон ўз шахсий ишларида 7+2 га асосланса, ипи унумлирок бўлар экан. «7» нинг оз дейдиган даражада кичик ҳам, кўп дейдиган даражада катта ҳам эмаслиги унинг ўзига хос бир мезонга айланаб қолишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун бу рақамнинг бунчалик узок тарихга эга эканлигини етти ух-лаб тушида кўрмаган одамлар ҳам кундалик турмушда уни беихтиёр ишлатавергандар. Ҳатто мумтоз поэзиямиз ҳам шу коидадан четда қолмаган. Забардаст шоир Максуд Шайхзода-нинг шу хусусдаги сўзларини келтириш ўринлидир: «Мумтоз ғазалларимизнинг энг кўпи билан етти байтдан ошмаслигига буюк ҳикмат бор. Узун шеърларда лирик ҳарорат сўниб кетишини аждодларимиз яхши тушунгандар».

ҚҮЛ РАМЗЛАРИ

Инсониятнинг неча минг йиллик тарихига назар ташласак, кўл билан боғлиқ рамзий маъноларни кўплаб учратиши мумкин. Жумладан, кўхналик (архаик) хусусиятига кўра қўл ҳокимият, жамиятдаги юқори мавқе рамзи бўлган. «Ҳаммаси Яратганинг қўлида», «Подіпонинг қўл остидаги ерлар» ва ҳоказолар. «У менинг ўнг қўлим», «Кўли ҳамма нарсага етади» каби жумлаларда қўл рамзининг ижтимоий хаёт билан боғликлиги ўз аксини топган.

Кўптина ҳалкларда ўнг ва чап қўл билан бажариладиган харакатлар катъий чекланган. Масалан, мўғулларнинг тасаввурича, ўнг қўл – «саҳоватли қўл», факат шу қўл билангина совға-салом бериш ва олиш, кўришиш мумкин. Баъзи ҳалкларда чап қўл вазифаси бешикдаёқ чекланган бўлади. Жумладан, серблар чакалокни йўргаклаётганда ўнг қўлинни чиқариб қўйишган, бу билан у шайтонларни ҳайдайди деб ишонишган.

Шарқда ўнг қўл ҳалол, покиза ишларни бажариш рамзи бўлгани учун, шу қўл билан сўрашилган. Ҳатто чой, овқат узатилип ҳам ўнг қўл билан бажарилади. Ўнг ва чап томон кўптина ҳалкларда турли мифологик ва бошқа мазмунгина касб этиб колмай, ижтимоий маънога ҳам эга. Одатда ўнг томон – юкори, чап томон – куйи маъкени билдиради. Мисол учун, адигейлардан икки киши сухбатлашиб кетаётганда кичиги каттасининг чап томонида бўлади. Сухбатдошлар кўпайиб кетишиса, манзара бутунлай ўзгаради. Энг кичиги катта ёшдаги кишининг ўнг томонида, факат бир қадам оркада юрган ва унинг ўгит, насиҳатларини тинглаб боргэн. Бошқалар унинг чап томонида ёшига караб, сафга тизиладилар.

Қўл бериб сўрашиш ҳам турли ҳалкларда кизик одатларга эга. Бирок у ҳамма ҳалклар орасида тарқалмаган. Шаркий ва Жанубий Осиё мамлакатларида қўл бериб сўрашиш европага маданият кириб келгунга қадар маълум бўлмаган. Учрапув ёки сухбат пайтида бир-бирига қўл билан тегиш мулокот коидаларини бузиш ҳисобланган.

Японлар бундай холни одам ўз-ўзини бошқаролмай колганда ёки тажовузкорлик вақтида намоён этади, деб хисобланған. Ҳозир улар европаликлар билан мулокотда күл бериб сұрашадилар.

Ҳозирги пайтда араблар, Лотин Америкаси ва Жанубий Европада сұхбат пайтида елкага кокиб қўйиш, «қўлни ташла» каби одатлар мавжуд. Уларнинг назарида күл билан тегмаслик сұхбатониига нисбатан союкконолик хисобланған. Француз адиби Альбер Камюнинг «Тушкунлик» романыда Юнонистон ҳакида сўз бориб, шундай жумлани ўкиш мумкин: «...кatta ёпдаги мўйлабли хурматли кишилар йўлак бўйлаб күл ушлашиб, викор билан сайр қилишади. Шарқда хам шундай юришадими? Эҳтимол, Лекин айтинг-чи, Сиз Париж кўчаларида мен билан күл ушлашиб юармидингиз? Мен албатта хазиллашашапман». Дарҳаққат, ҳозир күл ушлашиб юришга одобсизлик сифатида каралади.

Кўл бериб сўрашиш мусулмон халқларида кадимда кенг таркалған. Масалан, Шарқда кичиклар катталардан олдинрок салом берипшади. Лекин улардан олдин кўл чўзилмайди. Икки ҳолатда кўл бериб сўрапшилмайди: яхни таниш бўлмаган ёки умуман бегона одам билан учрашилганда.

Ота-боболаримиз турли мавке ва ҳолатларда сўрашиш коидаларига риоя этишган. Юкори мавқега эга кишилар куйидагилар билан биринчи бўлиб сўрашишган. Отлик – пиёдага, юриб кетаётган – ўтирганга, хўжайин хизматкорга даставвал салом берган. Ҳадислардан бирида айтилишича, пайғамбаримиз болалар билан биринчи бўлиб сўрашаркан. Бунда жуда катта хикмат мужассам.

Шунингдек, савдо соҳасида олди-сотдида кўл бериб «бор барака!» деб бир баҳога келишувда, кадимдан тинчлик сулҳлари тузилган учрашувлар якунида ракиблар кўл беришишган. Бундан ташкари, тушкунлик, кучли қайғу кайфиятида осмонга кўл чўзиш ва шу кабилар хам рамзий маънолар касб этади. Бу мавзуда яна кўплаб мисоллар келтириш ва мuloҳазалар юритиш мумкин.

ҚҮЛ ЭГАСИГА ЎХШАЙДИ

Англияда XVIII асрда илохий қудратнинг олий намунасини тараннум этувчи энг яхши асар учун жуда катта мурофот тайинланганида ўша даврнинг мутафаккири ва табиби Чарльз Белль инсон қўлига бағишлаб китоб ёзган эди. Дарҳакиқат, қўл – табиатнинг энг гаройиб мўъжизаларидан биридир.

Машаккатли шароитда, табиат оғатлари билан узлуксиз жантларда жон сақлаб келаётган шимол кишиси билан жанублик одам бир-бирига мутлако ўхшамаслиги, уларнинг қўллари тузилишида ҳам еру осмонча тафовут борлиги аник. Узу кун боскон урувчи темирчининг қўли, масалан, ижодкорнидан ёки бизнинг бугунги қўлимиз аждодларимизнидан кескин фарқ килади. Шунингдек, чиройли, латиф қўллар аёлларга хос бўлса, бир оз беўхшов, дағалрок қўллар эркакларда учрайди. Чиройли қўллар туйғунинг, дағалрок қўллар эса онг устунлигининг рамзиdir. Чунки аёл киши инсон наслининг асабини, эркак киши унинг аклини ўзида мужассам этади.

Қўл илмини эгаллаган киши одамнинг ҳаёт йўлини унинг қўлига қараб ҳеч кандай кийналмасдан айтиб берипши, ҳатто, келажагини ҳам башпорат килиши мумкин. Бунинг учун қўл ва бармоқларнинг шакли ҳамда тусини фарқлай билиш, қўлнинг қаттиқ-юмтотлиги, узун-қисқалиги, кафтдаги фарқли белгилар ва чизикларнинг таъбирини ҳам пухта ўзлаштириш лозим бўлади.

Шакли жиҳатидан қўлнинг бир қанча турлари мавжуд. Биринчи тури энг кўп тарқалган ва **оддий** деб аталадиган қўл. Ўзи дағал, кафти кенг, эгилгансимон бармоқлари калта ва йўғон. Фарқли белгиларидан бири – бош бармоқнинг тирнок қисми орқага кайтарилиб туради. Қўлнинг бу шакли тараккиётнинг пастрок босқичларида турган маддиятсизрок муҳитларга хосdir. Асосан жисмоний меҳнат билан боғлик табакаларда, аклий матбулотларга кизикмайдиган оми кишиларда учрайди. Бундай қўл эгаларидан яхши аскарлар чикади. Айрим пайтларда ижодга майл

ва ҳавас сезилади. Бу тоифа кишилар кайғу ғамга бебардош бўладилар, лекин тасаввур доиралари торлиги уларни маънавий зарбалардан, ҳар қалай муҳофаза қилиб туради. Оддий кўл нозикрок доираларда ҳам кўзга чалинса – бу ё насл-насад билан, ё суст аклий имкониятлар, ё жуда катта имкониятлар, ё жуда катта жисмоний куч билан ёки улкан ижодий лаёкат ила изоҳланиши мумкин.

Кўлнинг иккинчи тури – **курак қўл**. Оддий кўлдан факат бармоклари шакли билан фарқ киласди. Унинг бармоклари курак тусида, яъни тирнок бўғини жуда кенг бўлади. Шунга кўра бундай кўл эгалари курак бармокларга хос жамики хусусиятлар билан ажралиб турадилар. Бу фарқ аввало, хаётга муносабатда яккол сезилади. Кишининг хаётга қўйган таллаблари унинг аклий даражасига боғлиқ. Шу жиҳатдан караганда курак кўл эгалари ўзининг ортиқча даъволари билан оддий кўлли камсукум кишиларга нисбатан акллироқ саналадилар. Курак кўлли кишилар ор-номусли, мухаббатда садоқатли, лекин бир оз тўпори бўлипиди. Улар мисол учун, араб тулиорига парво қилмасликлари, аммо филни кўриб чинакамига хайратта тушишлари мумкин. Улардан яхши денгизчилар, овчилар, спортчилар чикади. Умуман, улар кўл меҳнатига, очик ҳаводаги ишларга лаёкатли бўладилар. Кўлнинг бу тури кенг таркалган халкларда беҳашам иморатлар курилади, айтиш мумкинки бор куч-ғайратлари турмуш мушкулотларини енгишга сарфланади.

Курак кўлнинг бош бармоғи йирик бўлса – ўжарлик, ўзи билармонликтан, бармоклари тугунли бўлса – худбинлик деб изоҳланади. Бундан тапқари, бармоклар ялпокрок ҳам бўлса – эгасининг нафосатга тузуккина мойиллигини билдиради.

Амалий қўл. Анча йирик, бои бармоғининг асоси туртиб чиккан. Оддий кўлдан ҳам, курак кўлдан ҳам салгина нозикрок ва калтарок, кирра (учи шарт кесилганда тўртбурчаксимон) бармоклари билан фарқ киласди. Кафти ботик ва каттиқ. Бармокларида тугунлар бўлиши мумкин. Бу хил кўл эгалари тиришкоқ, одоб-ахлокка катъий риоя киладилар. Үткир аклга эга бўлишларига карамай, ташки

оламни ўзларининг онги қолипидай қабул киладилар. Эзгуликни хар қанча гўзалликдан афзал биладилар. Хар канака ишдан манфаат чикаришга интилишади, тартиб ўрнатишни ёқтирадилар. Ўзлари кўрмаган, билмаган, тушунмаган нарсаларни инобатта олмайдилар. Тартибга олий даражада риоя этиш одати билан идора ишларига, амалдорликка жуда мос келадилар. Бу кўлнинг аёл соҳибалари хонадонини ясатишни, жихозлашини яхши кўрадилар. Уйни эрталабдан то кечгача супуриб-сириб зерикмайдилар, хар нарсани ўз жойини топиб кўйиб жуда, саранжом-саришта рўзгор тутадилар. Ёрбиродарларни ҳалол, тўғри кишилар орасидан кидирадилар. Бошқа шаклли кўл эгалари билан турмуш курган тақдирда хукмронлик киладилар. Ҳаётда насл-насад, конун-коида, расамад ва меъёр тарафдорлари, эрк душманлари ва имтиёзларнинг химоячилари дилар.

Фалсафий қўл. Кафтлари жуда кент, кайишкок, беъхшов бўлади. Бармок тугунлари жуда бўртиқ, тирнок бўғинининг шакли тухумсимон. Анча йўғон бош бармокнинг иккала бўғини ҳам яхши ривожланганки, бу мантикий тафаккур билан метин ироданинг муштараклиги аломатидир. Бармок тугунлари – тадқикотчилик кобилиятини, тирнок бўғинининг тухумга монанд шакли эса – ҳақиқатга бўлган кучли эътиқодни акс эттиради. Бундай киши учун ҳақиқат нафосатдан устун туради. Онг ва заковат фалсафий қўл эгаси шахсиятининг пойдеворидир. Маънавият масалаларига жиддий ёндашади, ҳеч нимага кўр-кўрона ишонмайди. Тахлилий иктидори хар нарсани тўла идрок этиб, сўнг қабул этиш имконини беради. Бундай киши ҳеч качон эътиқод ёки мухаббат сингари туйғуларга кул бўлмайди, лекин расм-русумга зид ишга осонгина кўл уриши мумкин. Кучли заковати баъзида кўр-кўрона мутаассиблик йўлига ҳам бошлини мумкин. Юкорида саналган турлардан фарқли ўлароқ фалсафий қўл сохиби хар қандай тоифага мансуб одамни яхши тушунади. Кўлнинг бу тури нисбатан кам таркалган.

Кўлнинг навбатдаги тури **артист қўли** деб аталади. Санъаткорлар ва аёллар қўли хисобланади. Шакли латиф,

энсиз ҳам, энли ҳам эмас. Бармоклари түғри ва узун, силлик ва учли. Баъзи белгилар бўйича артист кўли ўз навбатида яна бир неча хилга бўлинади. Масалан, бош бармоғи кичкина одамлар. Бу ҳолдаги қўл эгалари фикрлар эмас, туйғулар оламида яшайдилар. Ҳар нарсада аввало сиртқи гўзалликка эътибор киладилар. Табиатан ройиш ва жўшқин, камтар ва иззатталаб бўладилар. Бекарорлиги ва юзакилиги сабабли осойинта оила колипига сиғмайдилар. Шу боис улардан яхши ота ёки она, эр ёки хотин чикини даргумон. Турмуш курган тақдирда ўзларининг ҳам, яқинларининг ҳам баҳти очилиши эҳтимоли кам. Аёллардан яхши маъшукалар чикса ажаб эмас, лекин бекалик, оналик вазифалари улар учун оғирлик килади, ҳаттоки, малол ҳам келиши мумкин. Артист кўлининг бош бармоғи йирик ва семиз хили ҳам учрайди. Бу бармоқ эгалари санъатга асосан шуҳрат пайда илашадилар. Яхшигина муғамбир бўладилар. Кафти анча кенг ва пишиқ артист кўлига эга кишилар эса санъатга ўз майл ва истакларини кондирип, ҳаттоки, уларни амалга ошириш воситаси сифатида қарайдилар. Барча ҳалқларда ўзига яраша санъат тури бўлади. Шу боис кўлнинг бу тури ер юзида хийла кенг таркалган.

Рухий қўл. Бу жуда кам учрайдиган, ниҳоятда гўзал ва мукаммал кўлдир. Асосан аёлларга хос. Кичкина ва нағис, ғоят нозик ва майнин, бармоклари тугунсиз, силлик ва ингичка, бош бармоғи ҳам бежиrim. Уяси йўқ хисоби. Бундай қўл эгасининг орзу-ҳаваслари, ўй-ниятлари юксак даражада. Унинг факат ўзигагина хос, нодир фазилатлари кўп. Қўл нақадар энсиз, бармоклар майнин бўлса, эгаси учун маънавий асосларнинг аҳамияти жуда юқори кўринишдан далолат. Айни пайтда кўлнинг бу шакли жисмоний заифлиқдан ҳам дарак бериши мумкин. Артист кўлига хос кўп фазилатлар рухий қўл эгасига ҳам тааллукли, лекин меъёр доирасида. Чунки артист кўлининг хусусиятлари кўп ҳолларда ўта ғовлаб кетган кусурларга айланиб кетади. Кўлнинг шаклини бармоклар таъбири билан бирга таҳлил килиш керак бўлади.

СИЗГА СӨГЛИҚ ТИЛАЙМАН

Саломлашиш тарихи ҳам жуда кизик. Ҳар бир кунимиз саломдан бошланади. Учрашган инсонлар аввало, бир-бирларига тинчлик ва соғлиқ тилашади. Бу одат качон пайдо бўлгани номаълум, бироқ у жуда узок замонларда вужудга келгани аник. Бир-бирига яхшилик тилай бошлаган пайтдангина одам том маънодаги инсон эканини англаб етгандир балки? Лекин саломга алик олмаслик қадимда ҳам ўта тарбиясизлик белгиси хисобланган.

Ер юзидағи қўпгина ҳалқларда саломлашиш одати хилма-хил. Масалан, қадимги Хитой ва Мўғулистанда одамлар «Молингиз омонми?» деб саломлашишаркан. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, негаки чорвадор аҳолининг хаёти подасининг ахволи билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, имо-ишора билан саломлашиш одати ҳам бор. Мисол учун, қўл олишишдан ташкари, таъзим қилиш, қўл силкиш, бош кийимни кўтариб кўйин ва ҳоказо. Ӯзбекларда эса бу ўнг қўлинин юрак устига кўйиб саломлашишга тўғри келади. Умуман, сўз сингари ишора билан саломлашиш ҳам тоят хилма-хил. Масалан, Европада илгариги замонларда пошналарини бир-бирига уриш билан саломлашишган, хиндлар эса ҳар иккала қўл кафтини бирлаштириб таъзим килишади. Японлар эгилиб салом беришади. Бунинг ўзига хос жуда катта ҳурмат маъноси ҳам бор.

Бизда қадимдан ота-боболаримиз «Ассалому алайкум!» деб саломлашишни одат тусига киритишган. Бу арабча сўз бўлиб, «Сизга соғлиқ тилайман!» деган маънони англатади. Саломлашишнинг ҳам турли шакллари мавжуд. Бир-бирини узок вакт кўрмаган эркаклар қучок очиб кўришишса, аёллар елка қоқиб саломлашишади. Бироқ беўхшов саломлашишлар ҳам пайдо бўлган. Масалан, кейинги пайтларда айrim ёшларимиз бошни бошга кўйиб саломлашишади. Бу эса унчалик тўғри эмас ва миллий анъаналарга ёт. Зоро, саломлашиш кайси тилда янграмасин, аввало, инсонга ҳурматни билдириши лозим. Бу эса инсоннинг бир-бирига бўлган ҳурматини, меҳр-оқибатини, инсонгарчилигини билдиради.

КИМНИНГ ҚҰЛИ ЯХШИ

Саломлашганда құл узатгандағы күп нарса аён бўлади. Писмиқ, ичи кора одам кафтини пастга каратиб құл узатади. Очиккүнгил, беғараз киши аксинча, кафтини очиб, тепага каратиб саломланади. Аксар одамлар – меъёрида яхши, меъёрида ёмон – құл узатганда кафтини кўндаланг тутади. Лекин кафтнинг кай тарафга – пастгами, юкоригами – кўпроқ бурилганита караб, кай хусусиятлар устунлигини пайкаб олиш кийин эмас.

Қўлни қисганда-чи? Қандай маълумот олиш мумкин? Қўлларнинг каттиқ-юмшоклигига караб, бир хил қўллар ўта каттиқ, бошқалари худди суяги суғуриб олингандай юмшок ёки чайир бўлади. Бу сифатлар эса одам эҳтиросларининг аломатидир.

Қаттиқ қўл – мардлик ва кучли ирода бўлгисидир. Юмшоқ қўл эса аксинча, сал вазминрок, ройишроқ тийнат рамзи. Қўл шунчаки шалвираган бўлса, демак, унинг эгаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан бўшапиган бўлади. Бир хил шаклдаги (чунки шаклларда ҳам гап кўп) икки қўлдан бири қаттиқ, бири юмшок бўлса – уларнинг бир йўриғдаги эҳтирослари еру осмонча фарқ килади. Айтайлик, иккала кўлнинг соҳиби ҳам севиб қолди. Уларнинг бу эҳтиросини конлириш йўллари ҳар хил бўлади. Юмшоқ қўл эгаси имконият даражасида ҳаракат килади, қўли қаттиқ киши эса икки ёкка карамасдан тиккасига кетади, бор ғайратини ишга солиб, ўз ниятига етишнинг иложини топади.

Аёл кишининг қўли юмшоқ бўлса – уйқучирок. Кўпинча то тушгача ҳам ўрнидан турмай ётади. Қўли каттиқ аёл хўрз қичкирмасдан, тонг сахарда туриб олади.

Мусаввирнинг қўли қаттиқ ва дағал, бармоклари учли бўлса, у олға сураётган ғоялар кучли ва теран бўлади. Қўли юмшоқ мусаввир эса ўз асарларини юзаки, лекин нозикроқ ишлайди.

Йўғон, кизил ва жуда дағал қўл – тўпорилик, соддалик, хатто гўллик аломатидир. Жохиллик, керилганликдан даплат беради. Аёл кишининг қўли шундай бўлса уни қўл

хунарига укувсиз, эпсиз, тепса-тебранмас деб тушунип керак. Баъзан юмшок, момик кўл хафсаласиз, локайд кишиларда ҳам учрайди.

Юмшок кўл осойишта, бадастир турмуш мевасидир. Қаттиқ қўл эса рўзғор, оғир меҳнатда ўтадиган мұхитга, овчи, ишчиларга хосдир. Одам кексайтганда кўли дағаллашиб, чайир бўлиб колади, томирлари бўртиб чиқади. Шуниси кизиқки, кўл билан бир вактда уларнинг феъллари ҳам ўзгариб боради. Улар шубҳаланувчан, ўта мулоҳазали бўлиб коладилар. Умуман қаттиқ қўлли кишилар иззатталаб, худбин, қатъиятли, жисмоний жихатдан бақувват бўладилар. Юмшок қўлли кишилар тамоман акси – локайд, лакма, лапашант, сўзамол, бироз дангаса, сиртидан эса назокатли бўладилар.

Умуман олганда, рухшунос олимлар қўллар истарали ёки истарасиз бўлади дейишади. Шундай қўллар бўладики, бир карашда одамнинг ихлосини уйғотади ёки нафратини келтиради. Биз беихтиёр шу кўл орқали одамнинг дилини ўқиётгандай бўламиз. Ҳатто, мушоҳадаси унча ўткир бўлмаган кишилар ҳам паншахадай хунук, қоқ, захил қўлни кўрганда кўнглида эгаси ҳакида ёвуз, зикна одам экан, деган хаёлга боради. Майнин, силлик кўл эса яхши таассурот қолдиради.

Тарбияли, маънили, маданиятли кишининг кўли каттиқ ҳам эмас, юмшок ҳам эмас, лекин пишиқ ва эгишувчан бўлади. Бундай кўл фаол акл нишонасидир. Кўли шундай одамнинг амалий ва назарий ишлари мутаносиб боради. Бундай кипилар қанча ишламасин кўли сира дағаллашмайди. Қаттиқ кўл эса ишласа-ишламаса барибир дағал бўлади. Бу кишининг табиатидан, феъл-авторидан келиб чиқади.

САЙЁРАЛАР ҚАФТИМИЗДА

Одамнинг ҳаёт йўли унинг кафтида муфассал ёзилган дейишади, баъзилар. Бу бежиз эмас, албатта. Кафтилизда бир йўла етти сайёра акс этганмиш. Синчиклаб разм соладиган бўлсак, унда еттига бўртик жой олганлигини кўрамиз.

Уларни шартли равища тепа деб атап мумкин. Бу тепаларнинг хар бири ўз сайёраси таъсирида шакланади, шу сайёра изму ихтиёридаги хусусиятларни акс эттиради. Тепалар бармоклар остида жойлашган тақдирда түғри саналади. Лекин амалда улар баъзан у ёки бу томон сурлади. Кай томонга оғиб ривожланган бўлса, ўша томонга хос хусусиятлар устунлик килади. Тепалар шаклларининг маъносига келганда – улар яхши ривожланган, меъёрида туртиб чиккан холда ажойиб хислатлардан далолат беради. Ўта дўппайган тепа ўз ваколатидаги хусусиятларнинг ривожи куюшкондан чикиб кетганини, ботик шаклдаги тепа эса хусусиятлар бора-бора ўзининг тамомила аксига – кусурларга айланиб колганини кўрсатади. Туташиб кетган тепалар ўзларига алокадор хусусиятлар уйғунланиб кетганинидан далолат.

Энг катта тепа бош бармок остида жойлашган ва шу бармок номи билан Венера деб аталади. Қолган бармоклар тагида кичикрок яна тўртта тепа бор. Кўрсаткич, яъни Юпитер бармоғи тагида Юпитер тепаси, ўрта бармок тагида – Сатурн тепаси, номсиз бармок тагида – Куёш тепаси ва ниҳоят, жимжилок тагида Меркурий тепаси. Ой тепаси – кафтнинг ташки чеккасида, Венера тепасининг каршисида жойлашган. Ой ва Меркурий тепалари оралиғидаги жой – Марс тепасидир. Баъзан бош ва кўрсаткич бармоклар кўлтиғидаги дўмбок хам Марс тепасига кўшиб таҳлил килинади.

Венера сайёраси том маънода мухаббат ҳомийсидир. Шу сабабдан Венера тепаси яхши маъносига (меъёрида ривожланганда) – пок мухаббат туйғусини, ёмон маъносига (ўта бўртиб кетганда) – тубан хисларни ифода этади. Венера тепасининг кафтнинг асоси томонга караб бўртган шакли эгасининг раҳмдил, сезгир, ўз яқинлари, айникса, фарзандларига ғоятда меҳрибонлигини, пастига нисбатан юкориси бўртикрок шакли – Афлотун номи билан юритиладиган тепа бегубор руҳий мухаббатни, юкориси хам, куйиси хам баравар ривож топган шакли – малоҳат, нафосатни мужассам этади.

Юпитер тепаси яхши маъносига, меъёрида ривожланган тақдирдаadolat, dienat, naфsoniat, muруvvat ram-

зидир. Тепа ўз ўрнида – кўрсаткич бармок остида турса – жуда яхши. Демак, кишининг севиб турмуш куриши, баҳти очилиши эҳтимоли бор. Ўта ривожланган Юпитер тепаси бўлгуси тепакалликдан огоҳ этиши мумкин. Бундай киши еб-ичишни яхши кўради. Ҳаддан зиёд туртиб чиккан Юпитер тепаси иримчилик ва манманлик оқибатидир. Ялпок нусхаси – фаолиятсизлик, ориятсизликдан, ботик шакли – худбинлик, кўнгил совуклиги, шаккокликтан далолат. Юпитер тепасининг ўрта бармок томонга силжиган хили икки сайдир – Юпитер ва Сатурнинг ҳамкорлиги натижасидир.

Сатурн тепаси эса, энг аввало, мустакиллик кўрсаткичи. У заковат, мулоҳаза, муноҳада маконидир. Меъёрида, тўғри ривож топган шакли мустакил фикр, фалсафий мушоҳадага укувни кўрсатади, жасоратдан дарак беради. Кўлида шундай фарки бор кишилар бошлаган ишларида муваффакият козонадилар, лекин кўпинча турмуш курмайдилар. Ниҳоҳдан ўтгандан кейин умр бўйи вафо киладилар. Кафтдаги чизиклар йўналишига караб Сатурн тепасининг жуда ҳам дўмбок шакли баҳту иқболдан ҳам, кулфатлардан ҳам дарак бериси мумкин.

Қуёш тепаси номсиз бармок остида жойлашган. Обрў, мартаба, молу давлат – Қуёш саҳоватига боғлик. Қуёш тепаси ҳам меъёрида ривожланган таҳлитда улкан иқтидор, адабий лаёқат, санъат соҳасидаги ютуклар ҳакида маълумот беради. Гўзалликка ҳавасманд, кўнгли юмшок, феъли кент, динга эътиқод килган кишиларда учрайди. Бундай кишилар энг юксак чўккиларни забт этишига кодирлар. Факат фан соҳасидаги ютукларга машакқат билан эришадилар. Қуёш тепаси унчалик шаклланмаган ҳолларда кипи пулга, кийим-кечакка, шуҳратга ўч бўлади. Бу тепа йўқ бўлган ҳолларда эса – нафосат оламига мутлақо бефарқ, ҳар қандай соҳада укувсиз шахс бўлади.

Жимжилок тагидаги тепа Меркурий номи билан аталади. Тўғри, бежирим бўлса илму фанга иштиёқ, нотиклик лаёқатини ифодалайди. Бироқ бу маънавий фазилатлар уdda-буронликка коришган тақдирда олди-сотди ишларига эпчил, иродаси мустаҳкам кишини таърифлайди. Бу тепа ўзининг

салбий йўналишида, жуда туртиб чикканда ўғрилик, мұғамбирлик, ёлғончилик, виждонсизлик, билингаси – дангасалик, тўпорилик нишонаси дир.

Ой тепаси – Венера тепаси қарписидаги дўнг жой. Ой ато этадиган бош хислат – тасаввур туйғуси. Ой тепасининг шакли шу туйғуга ўлчовдир. Ижобий кўринипшида Ой тепаси поклонмонлик, рухий сезгирилик, бой тасаввур, орзупарастлик ҳамда хаёлпарастлик билан изохланади. Ой тепасининг ялпоқ, ясси шакли – хотиржамлик, баркарорликка, чўзинчок шакли – таъсирчанликка йўйилади. Ҳаддан ташкари туртиб чиккан Ой тепаси телбаларча даражага етган тасаввур туйғусини ифодалайди. Каттиқ ва пишик Ой тепаси ҳам тасаввур кенглиги ва ҳатто, ижодкорликдан даролаг бериши мумкин. Умуман олганда Ой тепаси – хаёлот салтанатидир.

Марс тепаси – Меркурий ва Ой тепаси орасидан ўрин олган. Марс сайёраси жанговор рух, жасорат бағишлайди. Марс тепаси ҳам шу хислатларни акс эттиради. Эгасининг катъиятли, субути, совуккон, олийжаноб кишилигидан даролат. Салбий йўналишда ривожланган ўта бўргик Марс тепаси – тажовузкор, зўравон, адолатсиз кишиларга хос. Бундай кишилар асабий ва ёвуз, жанжалкаш ва урушқоқ бўладилар. Суст ривожланган Ой тепасининг маъноси – локайдлик, ховликмалик, ундан кам ривожланганда эса кўркоқлик ёки болаларча гўлликдир.

Умуман, бармоқ ости дўнглар ясси, кафтнинг ўзи нисбатан текис, ўйдим-чуқурсиз бўлса – одам рухий зарбаларга чидамлироқ, асаблари мустаҳкамроқ, лекин маънавий жиҳатдан кашшокрок дейишади шу соҳа вакиллари.

САЙЁРАЛАР КУНИ

Қадимдан одамлар ер юзидағи жамики нарса, ходиса – уруп ва зилзилалар, курғокчилик ва тошқинлар, фаровонлик ва қахатчиликни сайёralарнинг сеҳрли ҳаракати билан изоҳлаганлар. Таъкидланишича, бу етти сайёра – Ой, Марс (Миррих), Меркурий, Юпитер, Венера (Зухра), Сатурн,

Күёшга алохида ахамият беріб ер ишлари уларнинг фельдмаршалдардан бири боғлиқ. Хусусан, ҳафтанинг ҳар кунини сайёралардан бири бошқармиш.

Душанба. Бу кунни маънавият кўзгуси – Ой болқаради. Инжиқ ва бекарор сайёра. Бу кун беҳаловат, бетайин хисобланади. Уни кўпроқ хўжалик ишлари билан машғул бўлиб ўтказган маъқул, саломатликка эътибор килиш керак. Табиатда ҳавонинг совуши, кескин ўзгаришлар, ёғин-сочинилар – Ой измида. Ўсмирларга ҳомийлик қиласди.

Сешанба. Бу кун ирода ҳукмдори Марс измида. Адолат-парвар, курапчи сайёра. Шахсий ташабbusлар учун нокулай кун. Ўзаро битимлар тузиш, никоҳдан ўтиш тавсия этилмайди. Қадимда ҳарбий ҳаракатлар шу куни бошланган. Табиатда бўронлар, дўллар, жалалар, курғокчиликка – Марс мутасадди. Факир инсонлар ҳомийси.

Чоршанба. Акл, заковат ҳўқмдори Меркурий раҳбарлик қиласди. Хосиятли сайёра. Бу кун хизматга оид шартномалар тузиш, аризалар ёзип, мурожаатномалар топшириш учун қулагай. Лекин уй-рўзгор ташвишларини ҳал этиб бўлмайди. Табиатда шиддатли, кўққисдан турадиган шамоллар, умуман алоқалар – Меркурий ихтиёрида. Савдогарлар, сайёхларга ҳомийлик қиласди.

Пайшанба. Бу кунни илму маърифат ҳукмдори Юпитер идора қиласди. Хушфеъл, энг катта сайёра. Адлия ва дин, мағкура ишларига аралашади. Жамоа онгига кучли таъсир қиласди. Бу кун бошланган катта режалар, улкан тадбирлар (жамоа йўли билан) ўнг келади. Якка-ёлғиз ҳаракатлар жанжал билан яқунланиши мумкин. Лекин ўз ҳак-хукукларини ҳимоя килишга касд қилган кишиларга ён босади. Табиатда мўътадил ҳаво, булутсиз осмон, баҳор жалалиари, момакалдироклар – Юпитер таъбига боғлиқ. Даҳолар ҳомийси хисобланади.

Жума. Ҳис-туйгулар соҳибаси Венера куни. Мухаббат ва нафосат сайёраси. Ер юзидағи жамики жозиба унинг сехридан. Бу кун мухим ишлар, мастьулиятли тадбирлар мавриди эмас. Ғуборлардан тозаланадиган, ороланадиган кун. Табиатда тонг туманлари, шабнамлари, очик мусаффарлари.

фо кунларни – Венера юборади. Шу кун туғилганларни панохига олади.

Шанба. Қадрият ҳукмдори Сатурн рахнамолик киладиган кун. Меъёр, сарҳад сайёраси. Ҳаётда расамад тарафдори. Бу кун янги танишлар орттириш керак эмас, олис сафарларга ҳам чиқмаган маъқул. Ҳаёт, унинг маъноси, максад ва режалар ҳақида мурлоҳада киладиган кун. Табиятда изғиринли бўронлар, курғокчилик, қаҳатчилик – Сатурндан келади. Фидойи, меҳнаткани кишиларга хомийлик қилади.

Нихоят якшанба. Рухият ҳукмдори. Қуёш байрами. Бизга бор нури ва ҳароратини сочиб турган бош сайёра. Ер юзидағи ҳаётнинг манбай. Бу кун тарбия ишлари билан шуғулланиш, бола-чака, ёр-дўстлар билан гурунглашиш, оиласвий маросимлар, катта сайиллар ўтказишга маъқул. Табиятда очик, тоза ҳаво – Қуёш саховатидан. У барчага баробар ўз нурини сочиб туради.

ПЕШОНАДАГИ ЁЗИҚ

Халқимизда «пешонангта ёзилганини кўрасан» деган накл бор. Бу бежиз эмас, албатта. Ҷарҳакикат, одамнинг феъл-автори, фикр-ўйлари, яхши-ёмон ишлари пешонасига ёзилиб колар экан. Одамнинг кимлигини билиш учун унинг юзига бир назар солиш кифоя. Ажинларга қараб туриб унинг шахсияти ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин. Масалан, пешонани чизиб ташлаган катор-катор узлуксиз ажинлар ишнинг кўзини биладиган кишиларга хосдир. Агар шу ажинларнинг сони бешта бўлса – бу улкан акл, ростгўйлик ва ҳакгўйликка ишора. Шундай одамга дуч келганда уни бирорлардан ёрдамини аямайдиган баркамол ва беғараз киши деб тушуниш лозим. Лекин шу катор ажинлар узук-юлук бўлса – салбий маъно касб этади. Яъни гийбатчилик ва юзакиликни билдиради.

Пешонада ажин ягона бўлса саёҳатларга ўчликка, шу ажин узук-юлук бўлса – куч ва саломатликка йўйилади. Қоп устида иккинчи коп бўлиб чизилган ажинлар – улкан иктидор ва кобилият белгиси. Виждонли, халол ки-

шиларда пешонанинг икки чеккасида математик баробар белгисига ўхшаш калта ажинлар учрайди. Кош орасидағи тик чукур чизиқлар нозиктаъб маданий кишиларнинг ажинлари. Бошига кўп ташвиш тушган кишининг кош чимиргандек бурчаксимон ажинлари бўлади. Учлирок тушган бурчаклар эса – жоҳиллик ва асабийлик белгиси деб айтиш мумкин.

Хар нарсага кўп хайрон бўладиган кишиларнинг кўзлари тагида майда ажинлар кўп бўлади. Агар пешонанинг энг юкорисида, соч тагида тўғри чукур ажин бўлса – бундай одамдан аёллар нари юргани маъкул, чунки бу шилкимлик аломати. Ундан пастроқдаги иккинчи ажинлар ўртаси синик бўлса – обрўмандлик, агар шу иккала ажин ҳам ёй сингари эгилган бўлса, иззатгалаблик, иккаласи ҳам иланг-билинг бўлса – кинғирлик, ёлғончиликдан далолатдир. Кошкўз атрофини худди куёш тиғларидек ўраб олган ажинлар диккат билан иш киласидан синчков кишиларда пайдо бўлади. Локайд, ҳафсаласиз, дангаса кишиларга ажин кам тушади. Негаки юз мушаклари бўш бўлади.

ҚУЛОҚ АҚЛ ТАРОЗИСИ

Кулокка зеб бериш одати қадимдаёк урф бўлган. Кадимда олий табақага мансуб аёллар ёки чангалзор вакиллари исирға тақишиган. Ҳозирги кунда эса зирақни асосан зийнат сифатида тақадилар. Лекин баъзи халкларда бошқа максадлар, яъни кўзнинг ҳусни ва ўткирлигини саклаш учун ҳам тақишиади. Уларда зирақ тақиши одати азалий анъана бўлиб, хатто, ёш болаларга ҳам тақилиши мумкин. Кўз мутахассисларининг фикрича, зирақ миопияни сустлаптишаркан.

Исирғалар одатда тилладан, кистирма турлари эса арzonроқ металлардан ҳам ясалади. Қистирма зирақларни тўғри тақиши, вақтида очиш муҳимдир. Сабаби – томоқ, тил ва милкларда оғрик пайдо килиши мумкин. Факат кўзни ўткирлаш максадида тақилгандиа зирақнинг бир пойи ҳам кифоя қиласи.

Кейинги йилларда исирғаларга хавас килиш ҳам анча ошиб бормокда. Улар турли-туман ранг ва шаклларда ниҳоятда күпайиб кетган. Хорижлик күргина аёллар бир қулоғига 5-6 тагача зирақ тасиши одат килишди. Эркакларнинг қулоғидаги зираклар ҳам бугун ҳеч кимни таажжубга солмай кўйди. Игнадан ўлгудай кўркадиган одамлар қулок тешиш деганда чидам ва итоат билан туриб берадилар. Бунинг боиси – қулокдаги тақинчоқ аёлларимиз киёфасининг, пардозу андозининг сўнгги якунловчи нуктасидир. Ёлғиз зиракнинг ўзи одмигина кундалик кечки либосга пўрим тус бериши, уни ўзгартириб юбориши мумкин. Ой балдоғу ҳалкаларни тантанали маросимларга, уйда ва кўчада тақадилар. Шу зийнат туфайли қулок инсоннинг энг тантик, энг кўзга кўринган яқин аъзосига айланган. Шу сабабли ҳам унга алоҳида эътибор берилади.

Ҳомиладорлик пайтида биринчи навбатда, бошқа барча аъзолардан олдин қулок шаклланади ва энг барвакт – 30 ёшларда карииди. Демак, қулок худди тери катори парваришга мухтож. Уни ҳар куни юз-кўлга кўшиб ювиш етарли эмас, ҳарзамон-ҳар замонда маҳсус суюқликлар билан унинг ичларини ҳам тозалаб туриш лозим. 1950 йили француз табиби қулок билан ҳомиланинг шакли бир хиллигига эътибор килган ва қулок супрасида муайян аъзоларга алокадор жойларни аниклаган. У қулокни тўғри тешиш йўли билан инсонларни кўп дардлардан фориғ қилган, асад, бод, кон босими сингари касалликларни ҳам йўкотга олган. Кўзидан нолиган кўргина кишиларнинг қулоғи тешилган жойидан иллат тоғсан, у бартараф этилгач, кўз яна аввалгисидек кўра болиласган.

Шарқ тиббиёти нуктаи назаридан ҳам қулоқда баданинг барча аъзоларига тегишли муайян нукталар бор. Шу жойларга таъсир этилганда у билан боғланган аъзоларда ҳам ўзгариш содир бўлади. Ҳусусан, қулок солинчагида кўз, тиш, тил, юз мушаклари, ички қулоқ билан боғланган ўн битта нукта бор. Игна нотўғри санчилганда шундай нукталарнинг бирига шикаст етказиб у билан боғлиқ аъзо-

ни касаллантириш мумкин. Шу сабабли кулокни тешганда жуда эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Германиялик табиблар жигар ёки ўтга зарап етказмаслик учун зиракни бир кунда уч соатдан кўп вакт такмасликни, кечаси эса албатта, ечиб қўйишни тавсия этадилар. Ёш болаларнинг эса қулоғини тешишга шоммаслик керак экан. Қўзга ижобий таъсир кўрсатиш учун кулок чаноғининг кўз билан бевосита боғланган жойини тешиш керак. Бу нуқта тахминан солинчакнинг ўртасига тўғри келади. Хатога йўл қўйиш мумкин эмас, негаки қўзга тегипили жой анча кенг.

Ушбу аъзонинг ҳуснига келганда энг чиройли деб узунлиги 6-7 см, эни 3-3,5 см бўлган кулок хисобланади. Яна қулокнинг устки кисми унинг умумий узунлигининг 1/3 кисмидан ошмаслиги, солинчаги эса 1/3 кисмидан камрок бўлиши лозим.

Инсон қулоғининг шакли унинг феъл-атворини акс эттиради, дейишади мутахассислар. Ҳусусан, поляк мутахассислари ана шундай алломатларни аниклаганликлари хақида маълумотлар бор.

Кичкина қулоклар (6 см гача) сингилтаклик, жонсараклик, юзаки лекин яхшигина ақл нишонасидир. Семиз бўлса, унда мусиқага лаёкат бўлади. Катта қулоклар (7 см дан узунрок) ўзбилармонлик, уddабуронликни билдиради. Узун, лекин энсиз бўлса – пала-партиш, бетокат, хасадгўй ва хаис одамларга хосдир. Шундай қулок семиз ҳам бўлса – тўпориликка, юпка ва тарвакайлаган бўлса – истеъододларга, ҳусусан, мусиқий лаёкатларга йўйилади.

Учи учли «бўрикулою»нинг таъбири – ёвузилик ва золимликдир. Чўзинчоқ қулок назокат ва нафосат, энли бўлса – ирода ва ақл кучи, кабарик бўлса кўнгил торлиги ва тажанглик, шалпангқулок эса дилкашлик белгисидир.

Кулок солинчагига караб ҳам мутахассислар куйидаги фикрларни билдиришади. Солинчак йўқ бўлса – бундай кишилар боодоб, кўнгилчан, лекин кези келганда иродалиси ҳам, феъли ҳам каттиқ бўлади. Солинчак канча узун бўлса умр шунча узок, эгаси эса шунча ақлли бўлади дейи-

шади. Шаркда эса солинчаги узун одамлар донишманд хисобланган.

Солинчак бироз олдинга кайрилиб турса – хүшфөйллик-дан далолат беради. Қулокнинг ички гардиши эхтирослар кўрсаткичидир, ташкарига ошиб, туртиб чиккан бўлса – кучли эхтиросни билдиради. Қулокнинг олд ва уст кисмидаги кора дўглар қандайдир яширин дард аломати бўлиши мумкин.

Қаттиқ, пишик қулоклар – мустаҳкам соғлик ва узок умр аломати, юмшок, бўш қулоклар – заифрок саломатликдан далолат. Қулокнинг қаттиқ-юмшоклиги соғликка қараб ой сайин ўзгариб туради. Кишининг қулоклари унинг акл дарражасини ҳам кўрсатиши мумкин. Қулокнинг тела нуктаси кошдан ҳам баланд бўлса – бу улкан акл-заковат, кўз билан баробар бўлса – ўртадан сал юқорироқ акл-идрок, кўздан ҳам паст бўлса – ўртамиёна ва ундан ҳам кам аклдан далолат беради.

ХОЛДА ҲИКМАТ КЎП

XV асрда баданида холи бор кишиларни шайтоннинг тамғаси босилган деб хисоблашган. Холи бор аёлларни ҳатто, ўтда кўйдиришган. Буни қарангки, XVIII асрда Чўлпон юздузининг юзи ҳол билан безатилган, леган ақида пайдо бўлди-ю, аёллар ҳам ўзларига ясама ҳол қўя бошлидилар. Ҳозирги пайтда инсоннинг ҳолига қараб унинг хулкавторини, келажакдаги тақдирини олдиндан айтиб берувчи-лар бор.

Агар аёлларнинг ҳоли ўнг копида бўлса – турмушга эрта чикади ва бахтли бўлади; чап кошида бўлса, бунинг акси; кўзи атрофида бўлса, бойликтан нишона; ўнг юзида бўлса – муҳаббат ўтига гирифтор бўлади; чап юзида бўлса – муваффақият йўлида азият чекади; бурнини учида бўлса – ҳар хил хийлалар билан мақсадига эришади; лабида бўлса – самимий, хушёр, бойликка берилмайди, ортиқча жавобгарлиқдан бопи тортади; лабининг учида бўлса – нозик табиатли; лабининг остида бўлса – муҳаббат бобида мағрур;

ўнг кўксида бўлса – ўзини ўтга-чўкка урадиган куйди-пиши; чап кўксида бўлса – кенгфеъл, сабр-тоқатли; бикинида бўлса – бола-чақали бўлади.

Борди-ю, мабодо холи катта бўлса – уруг-аймоги кўп бўлади; ўнг елкасида бўлса – омадли; чап елкасида бўлса – даромаддан қийналади; билагида бўлса – ўзи кизиккан соҳада омади юришади, баҳтга эришиб, бойликка эга бўлади; кўлида бўлса – баҳтга ва бойликка йўл очилади; тўпигида бўлса – ҳеч кимга муҳтож бўлмайди, меҳнаткаш, чидамли бўлади.

Агар эркакларнинг холи: ўнг манглайида бўлса – шухрат ва баҳтга эришади; чап манглайида бўлса – пулдан қийналади; ўртасида бўлса – баҳтли мухаббатта учрайди; кулогида бўлса – ҳеч нимадан ғам чекмайди; бўйнининг бир чеккасида бўлса – кўп заҳматлар чекади; олд томонида – боши айлангудек буюкликка кўтарилади; иягида бўлса – атрофидаги кишиларнинг иззат-хурматига сазовор бўлади; елкасида бўлса – умрида кўп кийинчиликлар кўради, тинимсиз меҳнат киласи; ўнг кобирғасида бўлса – уятчан, тортиччоқ, бўшанг; чап кобирғасида бўлса – ҳазилкаш, сўзамол; яғринида бўлса – тоза, кўнгли очик; оёғида бўлса – мустакил бирон иш қилолмайди, уятчан бўлади.

ЮЗДАГИ АЖИНЛАР АЛОМАТИ

Юз бу – очик китоб. У бизнинг ички фазилатларимиз, феъл-атворимиз ҳакида кўп нарсаларни айтиб бериши мумкин. Акл-фаросати бор инсон аёлларнинг юзларини «безаб» турувчи ажинлардан кўп нарсаларни билиб олади:

– кошлар ўртасидаги иккита тик ёнма-ён чизик ўйчан, дикқат-эътиборли феъл-атвор белгиси. Баъзан тез хаяжонланиш, кизишиб кетишни кўрсатади;

– кошларнинг teng ўртасидаги битта тик чизик – соҳибининг қатъий феъл-атвор соҳиби экани нишонаси. Пешонасида бундай чизикчаси бор аксарият аёллар юксак раҳбарлик чўккиларига эришади;

– кўз ташки бурчагининг ёнидаги майда ажинлар – дилкаш, одамларни ўзига жалб этадиган феъл-атворни билди-

ради. Шунингдек, аёлнинг хупичакчаклигини, тез-тез кулиб, ёхуд жилмайиб туришини билдиради;

– пешонадаги бир талай кўндаланг майда ажинлар аёл кишида бир оз иккиланувчанлик борлигини, ҳамма нарса-га шубха билан карашини кўрсатади. Бирок улар баъзан ўзининг буларни япиришга харакат қиласидар;

– лунждаги тик майда ажинлар аёлнинг жуда сезгир-лигидан, хаётий қийинчиликларга куйинчаклик билан қа-рапишдан далолат. У кўпинча химояда гуриппни маъқул кўради;

– кулоқдан қиялаб паства лаблар томонга йўналган чизик – мағур, мустақил феъл-автор белгиси хисобланади. Умумий қабул килинган коидаларга бўйсунишни хуш кўрмайди. Бу шахсни бўйсунидиришнинг ўзи бўлмайди.

Феъл-авторнинг хусусиятларини очиб берувчи бу ажин-лардан ташкари бопка ажинлар ҳам мавжуд. Улар одатда, бизнинг ўрганиб колган одатларимизни кўрсатиб туради. Агар сиз қўлингизни лунжингизга тез-тез тираб турсангиз, унда бу лунжингизда ажинлар кўп бўлади. Юзини ёстикка қўйиб ухлайдиган аёлларнинг юзларида ажинлар тез пай-до бўлади. Кимда-ким ҳаддан зиёд кўп вактини офтобда ўтказса, унинг пешона ва лунжларини майда чизикчалардан иборат бутун бошли тўр коплади.

ОЁҚЛАРДАГИ ЧИЗИҚЛАР

Оёкларимиз тагидаги чизиклар нимани англатиши-ни биз билямаймиз. Буни ўрганидиган фаннинг номи по-доманияядир. У инсон оёгининг тагида табиат колдирган чизикларнинг нималигини айтиб берип билан шуғул-ланади.

Ҳаёт чизиги – катта ва иккинчи бармоқларнинг ўртасидан ўтади. Қўлнинг кафтида у ҳаётнинг узунлигини англатса, оёқда ҳаётбардошликни билдиради.

Ақл чизиги – ҳаёт чизигига ёнма-ён, оёқ кафтининг ўртасигача чўзилади. Бу чизик қанчалик узун бўлса, одам-нинг ақлий қобилияти шунчалик юкори бўлади.

Юрак чизиғи – бармокларнинг асосига ёнма-ён ўтади.
Агар чизик узун бўлса – таъсирланувчанликни, узук-узук
ва ифодасиз бўлса – совуқликни, шахобчаларга эга бўлса –
ичиқораликни билдиради.

Венера чизиғи – катта бармок томонга йўналган. Бундай
бўлиш одамлар билан мулокотда бўлганда муваффакиятни
англатади.

Юпитер чизиғи – раҳбарлик ишига қобилият борлиги-
дан гувоҳлик беради.

Сатурн чизиғи – ҳаётдаги муваффакиятлар.

Меркурий чизиғи – тиҷорий қобилиятлар.

Марс чизиғи – энг кийин вазиятлардан хам усталик би-
лан чика оладиган кучли шахс.

Ой чизиғи – соҳиби орзуга берилган феъл-атворга эга,
саёҳатга чиқишини хўш кўради.

Катта бармок чизиғи – бу сезгининг, идрокнинг устун-
лигидан гувоҳлик беради.

Жимжилок чизиғи – агар пастга эгилган бўлса,
хўжаликни яхши юритиш ва узокни кўра билишни билди-
ради.

МУЧАЛ ВА ОЙ НОМЛАРИ МАЪНОСИ

Мучал таквими 22 мартдан бошланади. Бу демак ҳозирги
таквимдаги январь, февраль, 21 марта гача бўлган давр ол-
динги мучал йили ҳисобига киради. Одамнинг ёпи мучал
йили билан ҳисобланганда, унга бир йил қўшилади.

* * *

Мучал йили 21 мартдан келгуси йилнинг 20 марта га
қадар бўлган даврни камраб олади. Бирор йил кайси мучалга
тўғри келишини аниқлаш учун аввал ўша йилдан 4
сони айрилади. Қолдиқка бир сони қўшилса, мучал рақами
чикади.

* * *

Мучал йилининг ойлари осмондаги ўн икки юлдуз тур-
куми – бурж номи билан юритилади. Уларнинг арабча ва
ўзбекча номлари қуйидагича:

Ҳамал – Кўй (21 – 19 апрель).
Савр – Сигир (20 апрель – 20 май).
Жавзо – Эгизаклар (21 май – 21 июнь).
Саратон – Қисқичбақа (22 июнь – 23 юль).
Асад – Арслон (24 юль – 23 август).
Сунбула – Ботоқ (24 август – 22 сентябрь).
Мезон – Тарозу (23 сентябрь – 22 октябрь).
Ақраб – Чаён (23 октябрь – 21 ноябрь).
Қавс – Ёй (22 ноябрь – 21 декабрь).
Жаддий – Тоғ эчкиси (22 декабрь – 19 январь).
Далв – Қовға (20 январь – 18 февраль).
Хут – Балик (19 февраль – 20 март).

Ҳозирда қўлланилаётган тақвим ойлари

Январь – икки юзли худо Янус шарафига яндариус деб аталган. Римликлар эътиодича, бу худо ҳар нарсанинг боши ва охирининг ҳомийси бўлган.

Февраль – лотинча «фебруум» сўзидан олинган, ўликлар тангриси Фебруарий номига кўйилган. Фебруариус сўзи тозаланиш, покланиш маъносига эга.

Март – аслида «мартиус» сўзидан олинган бўлиб, дехконлар ва чорвадорлар ҳомийси Марс номи билан аталган.

Апрель – «апфире» сўзидан олинган бўлиб, маъноси «Ўз инъомларини намоён этувчи» демакдир. Баъзи манбаларда гўзаллик ва муҳаббат маъбудаси Афродита исмидан, айримларида хосилдорлик тангриси номидан келиб чиккан дейилади.

Май – маъбуда Майя(Майус) исмидан олинган. Гўзаллик ва пюд-хуррамлик ойи ҳисобланади.

Июнь – Юпитернинг хотини – маъбуда Юнона шарафига кўйилган. Афсоналарга караганда, Юнона аёллар ҳомийси бўлган. Эр-хотинлар кўша каришини, ували-жували бўлишини истаган.

Июль – Рим давлат арбоби, машхур лашкарбоши Юлий Цезарь шарафига шундай аталган.

Август – Юлий Цезарнинг набира жияни ва вориси, Рим хокони Октавиан Август номига кўйилган.

Сентябрь – кўхна Римда қабул қилинган ўн ойлик тақвимнинг тартиб бўйича еттинчи ойи.

Октябрь – лотинчада октябер, ўзбекчада эса «саккиз» дегани бўлади.

Ноябрь – лотин тилидаги новембер сўзидан олинган. Римда эски тақвимдаги ойларнинг тўққизинчиси.

Декабрь – юкорида эслатилган тақвимнинг энг охирги ойи. Лотинча десимбер сўзидан олинган. Деким – ўн деган мъйони англатади.

ДАРАХТЛАРДА ҲАМ ЖОН БОР

Қадимдан эркакларга уч ишни бажариш фарз саналган. Шулардан бири ниҳол ўтқазипидир. Агар тарихга на зар ташласак, эркаклар дараҳт ўтқазиш ишини ноқонуний ранишда ўзлариники килиб олишгани маълум бўлади. Да раҳт ўтқазишни биринчи бўлиб аёллар боплашган экан. Бизга мифологиядан маълумки, греклар маъбудаси Артемида хайвонларни овлаш билан шуғулланган. Аммо у фақат овдагина эмас, боғдорчилик ишларида ҳам эркаклар билан баҳслашиб, ўсимликларнинг доривор эканлигини илк бор аниқлаган. Шу боис ҳам бир қанча дорилар аёллар номи билан аталади.

Қадимда баъзи давлатлар ўз давлат тамғаларида гоҳ дараҳтлар баргини, гоҳ ўсимликларни тасвиrlашган. Ҳозиргача баъзи элат ва ҳалқлар ўз ҳудудларида дараҳтларнинг олти тури, у ёки бунисидан рамз сифатида фойдаланишади. Дараҳтларнинг ҳам жони бор. Тана – орқа мия, бутоқлари – 72 минг асаб торлари, етти хил ранги – баданнинг етти асосий маркази, барглар ўпкасидир.

Инсонлар билан дараҳтлар ўртасида алоқа мавжуд. Агар алоқа бўлмаса, дараҳтлар даволигини, инсонга яхшилик килишини, баъзида хаёт тарзини ўзgartиришини биз қаёқдан ҳам билардик? Илм-фан бугун бундай саволларга ижобий жавоб беришга ҳаракат килмоқда. Барглар-

га капалак курти тушмокчи, дейлик, дарахтлар олдиндан хавфни сезгандек, бир-бирларига хабар юбориб, ўз кимёвий «захар»ларини ишлаб чикаришаркан. Аник ва тўғри хабарнинг «тили» ҳалигача бизга номаълум бўлса-да, тажрибаларнинг кўрсатишича, тана ва бутоклар СОС хабарини юборишаркан. Балки ахборот узатишда биомайдон иштирок этар. Бу сирли мўъжиза ҳакида фанда ҳали ҳамон баҳс кетяпти.

Агар ҳалк тиббиётидаги эски луғатларга эътибор берсангиз, ҳайратомуз тажрибаларга дуч келиш мумкин. Мисол учун, Марказий Осиёда тут дарахти хосиятли хисобланган. Тут дарахтини ота-боболаримиз арик бўйларига, боғларнинг четларига кўпроқ экишган. Очарчилик йилларида ҳам тут писиғига етганлар тирик колишган. Тут дарахтини кесиш хосиятсиз саналган. Илгарилари оиласда ўғил туғилса, яхши ният килиб терак экишган. Бу ҳам яхшилик аломатларидан бири, албатта.

Қадимги Мисрда ва Яқин Шарқда эшик олдига ва деразаларга сабурни осиб кўйиш одат бўлган. Бу ўша хонадон ахлининг соғ-саломат юриппи, узок яшапи белгисини билдирган. Сабур (алоэ) бир неча йил сувсиз яшashi ва гуллаши мумкин экан. Қадимги римликлар эса бу ўсимлик ҳар кандай хавф-хатардан саклашига қаттиқ ишонишган. Гиппократ давридан то хозиргача аёллар касаллиги, опкозоничак, асад касалликлари, шамоллапи кабиларни шу ўсимлик билан даволашади. Олимларнинг таъкидлашларича, фотографиднинг гули микроларни йўқотаркан, хиди чарчокни ёзib, бош оғриғини колдиракан, уйкуни келтиракан.

Ёронгул қалбингизда муҳаббат уйғотади. «Ҳар хил сехр жодулардан саклади», барги эса фол очишда фойдаланилади. Бир замонлар унинг баргига саволлар ёзилган. Агар ёзув тез куриса, жавоб салбий, секин куриса, демак бу яхшилик аломати, дейилган.

Қадимда грек фолбин ва қоҳинлари дафна дарахти шоҳини бўйинларига осиб, баргини эса чайнаб юришган. Шундан улар «дафначилар» номини олишган. Улар бу да-

рахтнинг пўстлоғи, танаси, барги ва гулидан дори сифатида фойдаланишган.

Тарихий манбаларда ёзилитича, чинор дарахти учун Троя уруши бошланган экан. Машхур римлик врач Квент Самоник юздаги ажинларни йўқотиш, чиройли ва ёш кўриниш учун чинор баргини юзга суртишни тавсия этган.

Илм-фан ривожланиши натижасида жуда кўп фанга но-маълум нарсалар аникланмоқда. Янги-янги қашфиётлар амалга ошириляпти. Бунинг натижасида инсонлар ман-фаат кўрмокда. Бирок хали инсоният олдида бу масала аникланиши лозим бўлган қанчадан-канча қашфиётлар ту-рибди. Олимлар дарахtlар ва ўсимликларда ҳам асаб тизими мавжуд эканини аникладилар. Улар ҳам инсонлардек, ҳамма нарсани тушунаркан ва дунёни ҳис килар экан. Шунинг ўзи катта қашфиёт эмасми? Шундан бўлса керак, олимлар да-рахтларда ҳам жон бор, дея катъий таъкидламоқдалар.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ТАРИХИ

Барча нарсаларнинг тарихий манбалари бўлганидек, ўсимликларнинг ҳам тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Ўсимликлар ҳакидаги биринчи ёзувлар милоддан 3 минг йил аввалги манбалардан топилган. Баъзи маълумотларга кўра, бизнинг давримизгача етиб келган қўлёзмаларда до-ривор ўсимликлардан фойдаланиш милоддан 6 минг йил муқаддам шумерлар (хозирги Ирок ерларининг қадимги ахолиси) томонидан ёзиб қолдирилган дейилади. Папирус-лардаги ёзувлар ўрганилганда эса, милоддан 4 минг йил ав-вал, Мисрда ўсимликларнинг кандай ташки кўринишга хос-саларга эга бўлгани ҳакида хулоса килиш мумкин.

Мисрликлар милоддан аввал, 1500 йилларда маҳсус экспедициялар ташкил этишган. Масалан, улар қадимда хозирги Сомалига дengиз оркали ўсимлик йигувчиларни маҳсус ке-маларда жўнатиб, турли хил доривор ўсимликларни келти-риб, дори-дармон тайёрлашда улардан фойдаланишган.

Қадимги рим табобати ривожланишида юнонистонлик олимлар ва уларнинг ёзиб қолдирган асарлари катта таъсир

күрсатган. Қадимги Рим олими ва табиатшуноси Клавдий Гален тиббиёт ва фармацевтикага оид кўплаб асарлар битган. Гален ўша даврдаёқ дори воситаларини қайнатиб, дамламалар тайёрлапни тавсия этган. У илгари сурган фикр дори тайёрлаш соҳасидан чукур ўрин олди. Ҳозирги кунда ҳам Гален препаратлари, деган ном сакланиб келмоқда.

Доривор ўсимликлардан фойдаланиш Шарқий Осиё давлатларида ҳам яхши ривожланган бўлиб, фармацевтика тарихида катта ўрин эгаллади. Тиббиёт фанининг Хитойда ривожланиши тарихи эрамиздан аввалги 3216 йилларга бориб тақалади. Масалан, 695 йилда Хитой олими Ли Ди бир неча мутахассислар билан ҳамкорликда аввал ёзилган китобларни кайта ишилаб, йирик асар – «Син Сью Бен Цао» ни яратган.

Хитойнинг бошқа бир йирик доришунос олими XVI. асрда яшаган Ли Ши Гжень доривор воситаларга оид 52 жилдан иборат асар яратган. Бу асарда 1852 турдаги дори воситалари келтирилган бўлиб, асосий ўрин ўсимликларга ажратилиган. Ўша даврдаёқ Ли Ши Гжень табиблар қенг фойдаланадиган симоб, маргимуш ва бошқа заҳарли моддаларни ишлатишга карши чиккан.

Марказий Осиёда ҳам доривор ўсимликлардан фойдаланиш тарихи жуда узок даврларга бориб тақалади. Ҳозирги кунгача етиб келган манбаларда, асосан, ўрта асрнинг йирик комусий олимлари Абу Али ибн Сино (980–1037) ва Абу Райхон Беруний (973–1048) ларнинг асарлари, ижод маҳсуллари ер юзида тан олинган ва шу пайтгача илмий ҳамда амалий аҳамиятини саклаб келаётган илмий асарлардир.

Абу Райхон Беруний ижодининг сўнгти асарларидан бири асосан доривор ўсимликларга бағишланган бўлиб, «Китоб ас-Сайдан фит-тиб» («Тиббиётда фармакогнозия») деб номланган. «Сайдана» асари эса ўсимлик доришунослигига оид нихоятда кимматбахо манба бўлиб, у Шарқда ўрта асрларда, ўсимликларнинг ишлатилиш тарихига бағишланади. «Сайдана» китобида мингдан ортиқ ўсимлик, хайвонлар ва минераллардан тайёрланадиган дори восита-

ларининг тавсифи келтирилган. Ўз даврида Беруний дори воситаларини, айникса доривор ўсимликларнинг, турли хил миллат ва златлар орасида ҳар хил аталиши мумкинлигиги ни инобатта олган ҳолда иш олиб борган. Бу китобда ўсимликлар, ҳайвонот дунёси маҳсулотлари ва минералларга оид 4500 хил араб, юонон, хинд, суряя, форсий, хоразм, турк ва бошқача номларни келтириб, тартибиға согланган. Бир неча асрлар аввал Беруний бобомиз томонидан олиб борилган илмий ишларнинг аҳамияти хозирги кунда ҳам фармацевтика соҳасининг ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат килмоқда.

ҚАҲВА – ҚАДИМИЙ ИЧИМЛИК

Қайнок ичимликлар сирасига кирувчи қаҳва ҳам узок тарихга эга. Қаҳва ҳакида турли ривоят ва афсоналар мавжуд. Тарихий манбаларга кўра, инсониятнинг қаҳва дарахти билан танишганига 2 млн. йилдан ошиб кетган. Унинг асл ватани эса Африка, тўғрироғи Марказий ва Жанубий Эфиопия хисобланади. Бу ерда қаҳва асосан ёввойи ҳолда ўсган. Аммо эфиопияликлар уни ичимлик сифатида истеъмол килишга уччалик шошилишмаган. Ҳатто, яманликлар томонидан маданийлаптирилгач ҳам Эфиопияда қаҳва ичини узок вақтга кадар такикланганича колиб кетган. Аста-секин маҳаллий кабилалар ушбу хушхўр ичимликни яширинча ича бошлишган. Айримлар эса қаҳвани бижғитиш оркали вино олишга ҳам муваффак бўлишган экан. Ушбу ичимлик маст килиш хусусиятига эга бўлгани боисми, уни араб халклари «қаваҳ», яъни қаҳва деб атай бошлишади.

Араб афсоналарида қаҳванинг яратилиш тарихи асосан шайх Умар номи билан босғлик. Афсоналарда айтилипича, шайх Саҳройи Кабирга бадарға қилинади. Яшап илинжида шайх чўлнинг бир четида ўсиб ётган яшил рангдаги қаҳва мевасидан истеъмол килади ва уни қайнатиб ичади. Ана шу афсона туфайли араб халкларига қаҳва ичимлик сифатида танилади. Араб савдогарлари ва баданийлар томонидан қаҳва тuya карвонлари оркали қўплаб Осиё ва мусулмон

мамлакатларига тарқала бошлайди. Бирок қаҳва илк бор Ажамда юксак даражада кадр топган. Сүнгра Яман, Миср ва Европа мамлакатларига көнг тарқалған.

Шарқ мамлакатларига саёҳат киlgан европалик тад-кикотчилар қаҳва ичимлиги ва дарахтига жуда кизиқиб колишади. Қаҳва Европага таҳминан 1548 йили кириб келади. Лондонда биринчи қаҳвахона 1626 йили очилған. Бу қаҳвахонанинг хўжайини инглиз Эдвардс Туркиядан олиб келган канизак грек аёли бўлған. XVIII асрга келиб эса қаҳва бутунлай дунё мамлакатларини забт этади. Маросимлар, учрашувлар, тўй-томошалар қаҳвасиз ўтмайдиган бўлади. Қаҳва ичиш урфга айлангач, кўпгина дунё шахарларида қаҳвахоналар очилади.

«Европага XVI асрда кириб келган 1573 йил» немис врачи Раувольф Алениода ўзи кўрган қаҳвазорлар ҳакида маълумот берган. 1615 йили Венеция республикаси денгиз-чилари илк бор бир коп қаҳвани Туркиядан олиб келишган. Италияда 1626 йили биринчи марта қаҳва тайёрланған. Уни Папанинг Эрондан қайтган элчиси Делла Валле тайёрлаган экан. Чой ва қаҳва ичиш конун-коидалари худди ана шу даврда пайдо бўлади.

Хозирда қаҳва ишлаб чикаришда етакчилик килаётган Бразилияга эса илк қаҳва кўчати 1727 йили Париждан келтирилган экан. 1938 йили машхур «Nestle» компанияси ўзининг илк тез эрувчан қаҳвасини яратади. Ушбу қашфиёт Бразилия ҳукуматини омборларда тўпланиб қолган қаҳва муаммосидан ҳалос этади.

Бугунги кунда арабика қаҳваси бошқа турлари ичида етакчи хисобланади. Арабика қаҳва дарахти доимо яшил рангда бўлиб, 5 метрдан 10 метргача етаркан. Ҳозирда қаҳва экинзорларининг салкам 90 фоизига ана шу қаҳва нави экилади. Кейинги ўринда турувчи рабуста қаҳваси кўпроқ экваториал ўрмонзорлар ва Конго дарёси атрофидаги саванналарда етиштирилади. Аксарият сотиладиган қаҳва доналари асосан арабика навидан саралаб олинади. Уибу қаҳва доналари олий ва биринчи навларга ажратилиди. Бундай қаҳванинг иккинчи ёки бошқа навлари йўқ.

Шу боис донли қахва қуқунлисига Караганда анча киммат туради. Қолаверса, донли қахва ўзининг хуштаъми ва хушбўйлилиги билан ҳам бошқа қахвалардан кескин фарқ қиласди.

Статистик маълумотларга кўра, 1995 йилга келиб қахва бутун дунё ҳалкларининг биринчи рақамли севимли ичимлигига айланган. Ҳар йили сайёрамиз ахолиси камида 400 млрд. қахва идишда бу хуштаъм ичимликни истеъмол қилишни канда килмас экан. Қолаверса, қахва нефтдан кейинги иккинчи ўринда турувчи бозори чаккон махсулот хисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Одатда уни қўлгина дунё ҳалклари кечки соат олтилардан сўнг ичишади. Қахва ичиш кечки овқатнинг нухоясига етганини ҳам англатаркан.

Бугунги замондошларимиз эса қахвани истаган пайтда ичишга одатланиб колинган. Бирок қахва ичишда меъёр ва чегарадан чиқмаслик ўта муҳим. Кун бўйи тетик кўриниш учун шифокорлар кунига 3–4 марта қахва ичишни тавсия этадилар. Шуни ҳам унутмаслик керакки, қахва мъйлум муддат давомидагина сизга тетиклик баҳш эта олади. Қолаверса, унинг инсонни ёшартириши ҳакидаги гапларга асло ишониш керак эмас. Буларнинг бари тўкилган уйдирмалардир. Мамлакатимизда ҳам қахва ичиш одатга айланиб қолди. Ҳалкимиз орасида чой ўрнида ҳам ичиладиган ичимликлардан биридир.

МИНГ ДАРДГА ДАВО АСАЛ

Асал нектардан, яъни гуллар ширасидан тайёрланиши сир эмас. Табиат ажойиботлари сирасига кирадиган ўта мазали асални бизга асаларилар тайёрлаб беради. Асаларилар гулларнинг нектарини йигиб, ундаги мумкатақларга тўлдиради. Кейин уни канотлари билан узлуксиз еллиб туриб, нектар таркибидаги намни буғлантиради. Қизиғи шундаки, асаларининг асал тайёрлашдаги иши фақат нектарнинг намини «буғлантириш»дангина иборат эмас. Нектарга дастлаб асаларининг асал коринчасида

узок вақт таъсир кўрсатилади, яъни ишлов берилади. Лекин нима билан таъсир кўрсатилиши ҳозиргacha сир бўлиб қолмоқда.

Қабулчи асалари нектар йиғувчи асаларининг келтирган юкини, яъни ширасини қабул килиб олгач, коринчасида муайян вақт сақлайди, сўнгра оғзидан хартумчасини чиқариб, пастга згади, шунда хартумча учида нектар томчиси пайдо бўлади. Асалари томчини ютади, кейин яна чикаради, тағин ютади ва х.к. Бу ҳолат олимларнинг кузатишларича, салкам 240 марта такрорланаркан. Шундан кейин ширин нимфабрикатни мумкатақка жойлайди. Бирок иш шу билангина битмайди. Нектарни асалта айлантириш каби мураккаб жараённи ботика асаларилар давом эттиради. Улар суюқ ҳолатдаги чала асал, чала нектарни мумкатақнинг бир кўзидан олиб бошласига жойлайди. Бу жараён асал куюқлапгунча давом эттирилаверади. Асалари ўз уяси олдида бетиним гувиллаб учиб юрганида, асосан шу машгулот билан банд бўлади. Шу билан бир каторда асаларилар атайин ўз уяси ва мумкатақлар олдида учиб, канотлари билан нектарни елиб туради. Кузатувчиларнинг аниқлашича, айни шу кезларда асаларилар эринмай дакиқасига 26400 марта канот қокадилар. Буни ҳам кўявверинг. Асалари нектарнинг намини асал коринчасидаги маҳсус безлар ёрдамида ҳам шимиб олади, шу билан нектарни ферментлар, витаминлар ва микробларни ўлдирдиган моддалар билан бойитади. Кискаси, коринчада асал стерилизация килинади. Шунинг учун ҳам айнимайди, сифати бузилмайди.

Ҳисобларга кўра, 100 грамм асал тайёрлаш учун бир асалари 1 миллион гулнинг нектарини йиғиши керак экан. Ана шу «тифобахши ичимлик»дан иборат юкни уяга ташниш учун асалари 15 минг марта (агар гуллар асалари уясидан бир ярим километрдан узокроқ бўлса) катнайди. Баъзан асаларилар нектар йиғиш учун 8 километр масофага учиб боради. Бу ҳолда уларнинг бориб келадиган йўли 46 минг километрни ташкил этади. Бу эса асаларининг ер шарини экватор бўйича айланиб чикиши билан баробар.

Шундай машаккатли ва улкан меҳнат натижасида атиги 100 грамм асал олинади. Юксиз асалари соатига 65 километр тезликда учади. Асаларининг корнига йиқкан нектари унинг $\frac{3}{4}$ вазнига тенг бўлади. У шу юк билан юкорида айтилганидан икки баравар секинрок учади. Асал қадимда барча дориларнинг асосий таркибий кисми хисобланган. Қадимги Миср. Юнонистон, Бобил. Ҳиндистон ва Хитойда беморларни даволашда асал кучи ва кувватидан усталик билан фойдаланилган.

Хозир ҳам кўпгина касалликларни даволашда асалдан фойдаланилади. Масалан, жароҳатлар, шамоллаш, юкори нафас йўллари ва ўпка касалликлари, юрак, жигар, буйрак, асаб тўқималари, ичак, тери ва қўз касалликлари асал билан даволанади. Даволаш косметикасида ва нур касаллигининг олдини олишда ҳам асал ишлатилади.

Асал болалар ва кариялар, моддалар алмапинуви сусайган кишилар учун анча фойдалидир. У ҳар хил ориклиш, ич котиш, ошкозон ва ичакнинг яра касалликлари ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Асал оғир операциядан чиккан кишилар учун ҳам фойдали хисобланади.

Асалнинг хиди ва мазаси асаларининг нектарни кайси ўсимлик тулидан олганига караб, ҳар хил бўлади. Етилган асал мазаси ва тўйимлилиги жиҳатидан юкори сифатли дейилади. Асалнинг етуклигини аниқлаш учун унга кошик солиб (20° даражага атрофидаги ҳароратда), тез айлантирилиб кўрилади. Етук асал кошиқка ўралади, етилмагани эса окиб тушиб кетади.

Асалари уяси (мум)дан олинган асал сақлам пайтида аста-секин кристаллапиб, «шакарлашиб» қолади, лекин сифати бузилмайди. Ўта қуюқлапиб колган асални маълум иссиқлик ҳароратини бериб суюлтириш мумкин. Лекин шуни ҳам унутмаслик лозимки, ҳарорат 37°C дан ошганда асал тўқ ранг олади, 40°C дан ошганда эса хушбўй хиди уча бошлайди ва унинг шифобахш пархез хусусияти камаяди.

Асал бактерияларга қарши курашиш хусусиятига ҳам эга ва айрим маҳсулотларни, масалан, сариёғни консервалашда

күлланилади. Бунинг учун пиша идишнинг ички томонига асал суркалгандан сўнг сариёғ тўлдирилиб, устидан яна 2–3 см қалинликда асал қуйилади. Шундай қилиб сариёғни ярим йилдан ортиқ вакт саклаш мумкин. Хуллас, Абу Али ибн Сино асалнинг жуда кўп қасалликларга даво экани ҳақида ўзининг «Тиб конунлари» китобида багафсил ёзиб колдирган. Халқимизда: «асал барча қасалликларга даво», деб бежизга айтилмайди.

УМРНИ УЗАЙТИРУВЧИ НЕЪМАТ

Асал энг кучли озука бўлиши билан бир қаторда шифобахш хусусиятга ҳам эга. Шунинг учун ҳам асални умрни узайтирувчи неъмат дейишади. Асалнинг ушбу хусусиятларидан фойдаланган одамлар қадим замонлардан бери ҳар хил қасалликларни даволаганлар. Бактериологик текширишлар асалда ва унинг сувдаги эритмасида бактерия флораларининг ўсмаслигини кўрсатган. Асалда қасаллик кўзғатувчи бактериялар, масалан ичбуурғ, паратиф, ичак таёқчалари, стафилакокк ва стрептококк таёқчалари нобуд бўларкан. Асал ана шундай хусусиятларга эга эканлиги кўп бора амалда исботланган.

Кўпчилик озик-овқат маҳсулотлари, сут, қаймок, дон, ёғ ва бошқалар яхши сақланмаса тез бузилади. Бирок асал эса тоза идишда юз йил, ҳаттоқи минг йилгача яхши сақланиши мумкин экан. Шунинг учун ҳам асал қадим замонлардан бери ҳалқ табобатида ич қасалликлари, болалар хасталикларида, жароҳатланган одам ва бошқа жула кўп қасалликларни даволашда кенг кўлланиб келинган. Бундан ташкари асал узок умр кўриш манбаи ҳам хисобланади.

Ҳиндларнинг қадимий китоби «Аюрведа» («Хаёт китоби»)да инсон ҳаётини пархез таомлар билан узайтириш мумкин, агар шу таомлар таркибига асал ва сут қўшилган бўлса, дейилган. Қадимги Гречияда асални табиатнинг энг кимматбахо тортиғи, деб хисобланган. Улуғ юонон шоири Ҳомер, милоддан 900 йил илгари ҳам ўзининг «Илиада» ва «Одиссея» асарларида асални яхши таърифлаган. Масалан,

«Илиада» асарида Агамемнон ўз аскарларига асалдан хушбўй ичимлик тайёрлаб берганлиги ҳакида баён этилган.

Машхур математик олим Пифагор: «Узок умр кўришмнинг бирдан-бир сабаби озукам таркибида ҳар доим асал бўлганида» деб айтган эди. Пифагор 90 йилдан зиёд умр кўрган. Юз йилдан кўп умргузаронлик килган Демокритдан: «Узок умр кўриш ва соғлом бўлиш учун нима килиш керак?» деб сўраганларида у ички аъзоларни асал билан, терини ёғ билан сугориш керак, деб жавоб берган экан. Гиппократ 107 йил умр кўрган. У турли касалликларни даволашда асалдан кўп фойдаланган экан.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино бундан минг йил илгари саломатликни сақлаш ва узок умр кўриш учун доим озиқовқат таркибида асал бўлишини таъкидлаган. 45 ёшдан онган кишиларга ҳар куни асалнинг ёнғок билан эзилган аралашмасини истеъмол килишни тавсия этган. Шунингдек, олим ҳар хил дориворлар ва турли маслаҳатлар билан бир каторда, бошланғич ўпка касалликларини даволашда эрталаблари асалнинг кизил гулбарги билан аралашмасини қабул қилишни, кон-томир ва юрак касалликларида асал билан ширин анор истеъмол килишни маслаҳат берган эди.

Халк табобатида турли шамоллаш касалликлари ва ўпка касаллигига асални илик сутга аралаштириб ичип кўлланиб келинади. Ўпка касалликларида асал кўпинча лимон, сабзи, шолғом сувлари билан аралаштириб ичилган. Асалдан ошқозон, ичак ва бошка аъзоларнинг касалликларини даволашда ҳам кенг кўлланилади.

Асал тинчлантирувчи хусусияга ҳам эга. Уйқусизликда ва ҳар хил асаб, шунингдек, болалар касалликларини даволашда асалдан кенг фойдаланадилар. Асалнинг кувватли ва тез ҳазм бўлиш, хушбўйлик хусусияти, ширина таъмлиги ундан болаларни даволашда кенг фойдаланинг имкон беради. Кекса одамларда учрайдиган камконлик ва кувватсизликда, меъёрида ўсмаётган болаларни даволашда асални турли йўллар билан ишлатиш мумкин. Бундан ташкари турли пархезли таомларни тайёрлашда асални кўлланиш лозим бўлади. Асални бекорга минг дардга даво деб

айтишмайди. Унда умрни узайтирувчи хусусиятлар борлиги хам амалда исботланган.

ТАННОЗ ХОНИМЛАР

XVII–XVIII асрларда Россиянинг Европа билан якинлашуви туфайли рус халкининг турмуш тарзида хам қатор мухим ўзгаришилар содир бўлди. Жумладан, Европа тарихан илгарирок таркиб топган турли расм-русумлар худди шу даврда Русияда хам таркала бошлаб, бу ердаги удумлар билан уйғунлашиб кетди. Буни ҳамиша аёллар ардоғида бўлган косметик пардоз-андоз соҳасида хам кузатиш мумкин. Бу даврда юкори табакага мансуб аёллар фойдаланган пардоз буюмлари, мода андозаларининг аксарияти Европадан олинган. Айни пайтда бу борада Русияда қадимдан мавжуд бўлган тажриба ва удумлар хам сақланиб қолди. Аммо улар кўпроқ куйи табака вакиллари турмуш тарзида ўз аксини топган.

Екатерина II даврида Русияда олифта аёллар соатлаб пардоз-андоз килишган. Айникса, соч ўримига катта зътибор беришган. Сочга оро бериш чинакам санъят саналган. Бунинг учун даставвал бош устида квадрат шаклдаги соч ўрими ясалган. Сўнгра ундан икки тарафга жажжи эгри гажаклар тортилган. Бони ортига ясама соч уланган. Ўша даврдаги соч ўрими 35 см бўлган. Шу боис сочни ёнгин хавфидан сақлап учун кибор аёллар йиғиладиган катта хонадонлардаги қандиллар бошга тегмайдиган қилиб баланд ўрнатилган. Аёллар, айникса сочи сийраклар бехисоб гажак ва жингалаклар ясаш учун соч етишмаслигидан кийналишган. Французлар ихтироси – ясама соч – парик уларнинг жонига оро кирди. Франция кироли Людовик XIV даврида пайдо бўлган парик Русда хам кент таркалган. 1795 йилдан бошлаб парик кийиш урф бўлди. Кибор аёллар кунига турли рангдаги бир нечта парикдан фойдаланишган. Улар одатда эрталаб окиш, кундузи кўнғир, кечқурун эса кора рангли парик кийишган.

Бундан ташкири, упа-элик суртиш удуми хам Русияда ўша даврларда пайдо бўлган. Аксарият аёллар пушти,

сарғиши ва кулранг упани ёқтиришган. Танноз ойимчалар уни чаплаш учун баъзан ичи бўш шкафлардан фойдаланишпарди. Бунинг учун улар шкаф ичига кириб, эшикларни ичкаридан беркитишган. Шкаф шипида упа сочадиган маҳсус асбоб ўрнатилган бўлиб, хонимлар ип ёрдамида уни бошларига, юзларига силкитишган. Шундай килингандан тепадан бир текисда упа чанги ёғиларди. Кейинрок, курук упа ўрнини мойупа згаллади. Ўша пайтга оид тарихий манбалардан бирида бу хусусда қўйидаги сўзлар битилган: «Киз-жувонлар бўйинларига, юзлари, қўлларига калин қилиб кизил, зангори ва жигарранг бўёклар суртишарди. Бундан ҳатто, қош ва киприклар ҳам курук қолмас эди. Оқ жойни корага, кора жойни окка бўяшарди». Пардозсиз аёлларни эса олифта хонимлар калака килишар, устидан гийбат килишарди.

Ўша пайтда рус черкови аёлларнинг бундай пардоз-андозига салбий муносабатда бўлган, албатта. Чунончи, 1661 йилда Новгород митрополити упа-элик суртган аёлларнинг черковга киришини катъян ман этган. Лаби бўялган ва бошяланг аёллар ҳозирги кунда ҳам черковга кириш хукуқидан маҳрум.

XVIII асрнинг сўнгти чорагида Европада пардоз-андоз асираси бўлмаган аёллар деярли колмаган эди. Ҳатто, айрим давлатларда пардоз кишилар ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳам чўчишган. 1779 йилда инглиз парламенти бу хусусда маҳсус қарор чиқаргани тарихдан маълум. Қарорда жумладан, мана бундай дейилган: «Ҳар қандай ёнданаги аёл – бу кизми, жувонми, бевами – қатъи назар, башарти атири, лаб бўёғи, мойупа суртса ёхуд баланд пошиалик пойабзал кийса, бу билан у ҳазрати олийлари фуқароларини фосиҳликка судраган хисобланади. Бундай-лар жодугарликда айбланиб, суд жазосига тортиладилар ва уларнинг никоҳи бекор қилинади».

Лекин бундай огохлантиришлар, пўписалар аёл зотини ўзига зеб беришдан ҳеч қачон қайтара олган эмас. Пардоз-андоз аёллар турмушининг ажралмас бир кисмига айланган. Пардоз-андозсиз аёлларни тасаввур ҳам қилиб

бўлмайди. Айникса, хозирги кунда гўзал аёлларимиз пардозсиз кўчага чиқиш ўёқда турсин, ҳатто уйда ўтирганда ҳам усиз ўтиришолмайди. Бу эса уларни янада гўзал ва чиройли килиб кўрсатади.

Энг кенг тарқалган пардоз буюми бу одеколондир. Одеколон Россияда рус кўшинлари Францияга бостириб борганиларидан кейин тарқалган. Дарвоке, француз императори Наполеон одеколонни жуда яхши кўрган. У бопни ва елкаларини одеколон билан ювган. Русдаги дастлабки атири «Амур нафаси» деб номланган. Кейинрок бу ерда италиялик Меркурио Франжипуани ихтиро қилган «Франжипиан» атири пайдо бўлган. XVIII аср охирига қадар Русияда атири ўрнига турли хушбўй гиёхлар, жумладан, ялпиз солинган сувдан фойдаланишарди. Екатерина II даврида ҳар хил хушбўй гиёхлардан тайёрланган «курук атири» мода бўлганди. Бундай «атири» вабодан ва бошқа касалликлардан саклайди, деб ишонилган.

Екатерина II даврида танинз аёллар сўлиб бораётган чиройларини тиклаш учун сутли ванна кабул килишган. Бундан ташкари, гўзал хонимлар пардоз максадида оддий воситалардан ҳам фойдаланишган. Масалан, терини юмниок ва силлик қилиш учун танага янги сўйилган бузок гўшти боғлаб ётилган. Сепкилни йўқотиш учун эса зағизон тухуми чакиб суртилган. Бу уларга ёрдам берганми-йўкми, бу борада бирон-бир фикр билдириш мушкул. Аммо бунинг учун мутахассисларнинг ёрдами зарур бўлиши бор гап.

Инсоният тарихида зеб-зийнат буюмларига, тилла такинчокларга қизиқмаган ёки унга нописанд бўлган аёл зоти учрамаса керак. Русда зирак, балдок, узук тақиши қадимдан расм бўлган. Қизалок оёққа туриши биланок, онаси унинг кулогини тешиб, зирак ёхуд исирға таққан. Камбағал аёллар мисдан, бойвуччалар эса кумуш ва олтиндан ясалган зирак, узук тақишган. Қимматбаҳо майда тошлар билан безатилган «Искра» деб аталган олтин зиракларга орзу-манлар, айникса кўп бўлган.

Қимматбаҳо кийимлар кийиш Русда ўзига тўклик ва кадр-қиммат белгиси ҳисобланган. Барча табақага мансуб

одамлар бегим кунлари оддий ва камтарин кийинишган. Қадим Русда кизларнинг кокили жуда кадрланган. Бўлғуси куёв келинни сочига қараб танлаган. Сочи узун киз соғлом, меҳнатсевар, кўл-оёғи чакқон хисобланган. Турмуш курган аёллар соchlарини икки ўрим қилиб, бошларига чамбарак килиб тож шаклида ўраб юрганлар. Ўша замонларда аёл кишининг бошяланг юриши беадаблик санаалган.

Сочга муносабат бизнинг замонимиизга келиб эса бутунлай ўзгариб кетди. Замонавий қизлар бошяланг юриши ру сумга айланди.

УПА-ЭЛИК, ЛАБ БЎЁФИ...

Қадимги даврда ҳам аёллар упа-эликдан фойдаланишган. Перулик ер казувчилар ерни қавлаётганларида икки минг йиллик тарихга упа-эликни топишиди. У ерда ойна, упа-элик, киприк учун туш, кош бўяш қалами, тарок, тирноқлар аррачаси, мўйчинаклар бор эди. Шунингдек, польшалик ер казувчилар қадимги Ҳатшепсут подшосининг (милоддан аввал XVI аср) ибодатхонасини казишаётганда ҳакикий упа-элик хонасини топишган. Қидиув давомида яна сохта соч қолили, соч бўядиган бўёқ қолдиғи, котиб колган бўёқ, мой, тушлар ҳам бор экан.

Улар бой ва ранг-баранг бўлмаса-да, ҳар холда тарихий ахамиятга эга бўлган. Чунки бу маълумотлардан улар ҳам худди хозирги замонавий косметологлардек, упа-эликдан кенг фойдаланишгани аён бўлди. Қадимги мода ортидан кувувчилар ўзига оро бериги воситаларини тайёрлашда фақат табиий ўсимликларни ишлатишган. Шунинг учун ҳам улар юкори баҳоланганди фойдалари жиҳатларининг кўплиги хусусида тарихий манбаларда маълумотлар учрайди.

* * *

Биринчи бўлиб аёлларнинг лаб бўёғини ўйлаб топишган қадимги мисрликларга тасанно айтса бўлади. Ушбу косметик воситадан қадимги Гречия ва Рим гўзаллари фойдаланишган. Ўрта асрда лаб бўёғи деярли

ишилатилмаган. Аммо 1883 йилда Амстердамда ўтказилган Бутунжахон кўргазмасида унutilган бу янгилик кўп аёлларнинг эътиборини жалб киляди. Аммо анча вактгача у яна унutilди. Факат 1915 йилдагина лаб бўёғи биринчи марта кулай идишда пайдо бўлди. Ҳозирги кунда бундай идишни хар бир аёлнинг сумкасида учратиш мумкин.


ТОШГА ЁЗИЛГАН СЕВГИ МАКТУБИ

«Севги қадимийдир. Уни хар бир калб янгилайди» деган фикрнинг тўғрилигини бундан кўп йиллар олдин топилган қадимий севги мактуби ҳам исботлади. Аникланишича, бу топилма милоддан 2200 йил муқаддам ёзилган йигитнинг ўз маъшукасига севги изҳори экан. Момо Ҳаво пайдо бўлгандан бери инсон билан қадамбакадам одимлаб келаётган бу улуғ туйғу ўзининг изҳортилини турли воситалар билан ифода этиб келди. – Шеърият, Мусика, Кўшик, Ракс, Санъат ...

Шеърни изҳорга айлантириш учун севгидан яна бошка нимадир керак бўлади. 2200 йил берида туриб, шунча йил наридаги ошиқ йигитнинг изҳор воситасидан фойдаланиш натижасиз, хатто зааралидир. Чунки ўша ошиқ йигитнинг дил рози этиб бормагани аник. Негаки, содда ошиқ йигит дил изҳорини ўн олти килолик тошга ўйиб ёзган. «Қалби тош қотган қиздан кўра тош яхшироқ», деб йигитни оқлашингиз ҳам мумкинdir. Аммо бу восита севгингизни 2200 йил нарига элтса-да, кизнинг қалбига етказолмайди. Изҳордан мақсад абадийлик эмас, севғи эканлигини назарда тутсак, гарчанд тош бўлса-да, муҳаббатингизни инсон қалбига ёзиб кўйинг!!!



ТУРФА ОЛАМ



НОЁБ ХОТИРА СОҲИБЛАРИ

Ҳаётда ноёб хотирави инсонлар кам бўлса-да учраб туради. Аксарият инсонлар доим хотирасидан шикоят қилишидаям жон бор. Улар кўпинча ниманидир эслаб кололмаётганликларидан нолийдилар. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта,

Машхур математик ва кибернетика соҳаси олими фон Нейман ўтган асрнинг 80 йиллари бошида акл бовар килмас бир илмий янгиликни зълон қиласди. Маълум бўлишича, инсон хотирави миллионлаб китоблардаги маълумотларни ўзида саклаб колишга кодир экан! Сира кутилмаган бу хулосани бирданига ҳазм қилишнинг ўзи бўлмайди. Чунки биз авваламбор, «миллионлаб» деган сўзнинг маъносини тугал англаб етолмаймиз. Бунга олимларнинг ўз хулосалари бор. Масалан, миллион нафар одам ёнма-ён турса, нак Ойга етиб борар экан. Ёки милодий йил бошлангандан буён ҳали миллион кун хам ўтмабди. Шу иккита гина мисолнинг ўзиёқ кишини ўйлантириб қўяди.

Тарихий манбаларнинг шохидлик бернишича, Юлий Цезарь ва македониялик Александр ўз кўшинидаги барча – 30 минггача бўлган аскарнинг ҳар бирини таниган ва исмларини билган. Эрон шохи Кир хам ана шундай кобилиятга эга бўлган экан. Ана энди ўша аскарларнинг кувонч-шодлиги, фахр-ғурурини тасаввур қилишига бир уриниб кўринг-а! Шундай улуғ ҳукмдор 30 минг аскар орасида сени таниб, исмингни айтиб чакириши жуда катта гап эмасми? Бундай ҳукмдор учун ўзингни ўтга-чўққа урсанг, жон фидо килсанг арзимайдими, ахир!

Кадимги дунёнинг машхур кишиларидан Фемистокл Юнонистон пойтахтида яшовчи 20 минт нафар ахолининг хар бирини таниган ва исмини билган. Файласуф Сенека эса ўзи атиги бир марта эшитган, аммо бир-бiri билан мутлако алокаси бўлмаган 2000 та сўзни такрорлаб айтиш кобилиятига эга бўлган.

Математика дахоси Леонард Эйлернинг қувваи ҳофизаси сонларга нисбатан айникса кучли эди. Масалан, у юзгача бўлган барча сонларнинг олтида дастлабки даражаларини ёддан билган. Академик А. Иоффе логарифмлар жадвалидан ёддан фойдаланган. Академик С. Аплигиннинг хотирасига эса умуман акл бовар килмайди. У беш йил олдин тасодиф туфайли бир мартағина қўнғироқ килган телефон ракамини хатосиз айтиб бера олган. Бундан кучли хотира фақат буюк шахслардагина бўлар эканда деб ўйлашингиз мумкин. Йўқ, асло ундан эмас. Оддий одамлар ҳам улардан колишмайди. Зотан, уларнинг мияси ҳам умр мобайнида миллионлаб воеа-ходисалар, таассуротларни қайд этади. Хотираларнинг айнан шу тарзда жамлануви эса инсон ақлидрохи чегараларини янада кенгайтиради.

Бирок хотира каерда жойлашган ўзи – онгдами ёки ботиний онгдами? Кундалик ҳаётда онг одамга кучли таъсир кўрсатган нарсаларни эслаб қолади. Ботиний онг эса инсон ҳаётини бошдан-оёқ – туғилганидан боплаб бутун умри мобайнида кечган жамики воеа-ходисалар, гапсўз, хилма-хил таассуротлар – ҳамма-ҳаммасини эслаб қоладиганга ўхшайди. Бу айниқса, гипноз ҳолатида яққол намоён бўлади. Гипноз ёрдамида объектнинг онги гўёки ўчириб кўйилади. Чунки бунда одам уйқуга ўхшаш (аммо уйқу эмас) бир ҳолатда бўлади ва биргина гипнозчининг овозини эшитади, холос. Гипнозчи ўша одамнинг ботиний онгига мурожаат килиб, ҳар хил саволлар беради. Ботиний онг эса оддий онгга нисбатан чексиз билим ва хотираға эга. Бошқача айтганда, бирон кипининг ҳаётида нимаики рўй берган бўлса, ботиний онг уларнинг ҳаммасини – ҳатто, ўша одамнинг ўзи билмайдиган нарсаларни ҳам жуда яхши эслайди.

Э. Гаон исмли шахс умри мобайнида ўқиб чиккан 2500 та китобнинг ҳаммасини ёддан билган экан. Буниси ҳам майлику-я, улардан исталган парчани ёддан ўқиб бера олган. Яна айтишларича, Польшадаги «Гурник» футбол клубининг ғазначиси Леонольд Хелд ҳам шундай ноёб хотира сохиби бўлган. У клуб жамоаси ўйинларининг нафакат барча натижаларини, балки барча тафсилотларини ҳам жуда яхши эслаб колган экан.

Ўтган асрнинг 80-йиллари аввалида Иктидор Ҳусайн Қадрий исмли шахснинг ноёб хотираси ҳакида хабарлар тарқалади. У тарихий воеа-ходисалар, уларнинг санаси ҳамда шунга алоқадор шахслар тўғрисидаги ҳар қандай саволга дарҳол жавоб берган. Қадрий ўзининг чексиз хотирасида инсоният тарихидаги кўплаб буюк кишиларнинг туғилган ва вафот этган саналарини сақлай олган. Ростдан ҳам инсон хотираси шундай мўъжизаларга кодирми? Бу олимлар жавоб топиши зарур бўлган масалалардан бири. Бунга ечим топиладими ёки шундай, жумбоклигича колаверадими, колганини вакт кўрсатади.

КОН ГУРУХИ ФЕЪЛ-АТВОРГА БОҒЛИК

Олимларнинг фикрича, инсоннинг феъл-атвори унинг кон гурухига бевосита боғлик экан. Кон гурухи «А» (иккинчи) бўлган одамлар харакатчан, истараси иссик, ҳар қандай рухий изтироб ҳолатидан ҳам чиқа оларканлар. Улар жуда кобилиятли ва содик дўст бўлишаркан. «В» (учинчи) гурух конига эга бўлганлар таъсирчан, сусткашрок, хушмуомала, лекин ўзларига ва бошқаларга нисбатан жуда талабчан бўлишаркан.

«О» (биринчи) гурухи барчасидан аълодир. Булар доимо иши юришадиган ва йўлидан қайтмайдиган мард одамлардир. Улар ҳамма соҳаларда олдинда юришади. Спорт, санъат шайдоси бўлишади. Тўғри, қаҳри қаттиқ бўлиб, максадга зришиш йўлида хеч нарсадан қайтишмайди.

«АВ» (тўртинчи) кон гурухи сохиблари эса аксинча хисаяжонли, ишнинг кўзини билмайдиган одамлардир. Шу-

нинг учун бой-бадавлат бўлишмайди. Бунинг устига ўз билганиларидан қайтмайдиган кайсар ҳамдирлар.

Шуни айтиш керакки, юкорида келтирилганларнинг барчаси юз фоиз тўғри бўлмаса-да, бу фикрлар киши зътиборини ўзига тортадиган жиҳатларга эгалигини ҳам тан олиш жоиз.

РУХИЙ СОКИНЛИК

Инсон киммат, сифатли, экологик тоза озик-овқатларни истеъмол килаётганда, улар кимдандир нафратланаётган бўлса, таом одамнинг вужудида захри котилга айланар экан. Доимо ғазаб билан юрувчи инсонлар вужудида зарапли моддалар тўпланиб боради ва у моддаларни тери оркали чикариб ташлай бошлайди, оқибатда... жориаз (тангачали темиракки) касаллиги келиб чиқади. Тиббиёт соҳаси олимлари узок текширувлардан сўнг шундай хulosага келдилар. Бу тахмин жориаз билан оғриган бир бемор мисолида ўз тасдиғини топди. У тинмай дори иchar, аммо сира тузала олмас эди. Шунда олимлар беморга кимнидир ёмон кўрмайсизми, дея мурожаат килишади. У отасини ёктирмас экан! Бемор аввал худди душмандек, кейин бир баҳтсиз одамдек ва охири ўз отасини севгандек севишга ўз-ўзини мажбур килди. Шунда руҳий сокинлик ва хотиржамликтини ҳис килди ва касалликдан фориғ бўлди.

ТАШХИС ҚЎЙГАН РОМАН

Бу воқеа Лондонда содир бўлган эди. Катар шаҳридан ота-онаси билан келаётган бир ярим яшар кизчани Хитро аэропортида самолётдан ярим бехуш холда туширдилар. Кизча тирипип, кўп терлар ва ютина олмай қийналарди. Врачлар мумкин бўлган барча тиббий чораларни кўрдилар.

Бирок улар беш кун мобайнида ҳам бемор касаллигини аниклай олмадилар. Олтинчи куни ўлим тўшагида ётган бола олдида йигилиб, кенгаши ўтказишиди. Шундай қилиб врачлар ўзларини бу касаллик олдида ожизликларини сез-

дилар. Шунда энага Марша Майтленд уларнинг гапига ара-лашиб колди. Марша Майтленд касал бола ёнида навбатчилик килиб ўтириб, Агата Кристининг «Ок от вилласи» романини ўкиб ўтирганди. Китобда таллий металидан кучли заҳарланиш ва шунга доир бир катор текширув ишлари ҳакида ёзилган эди.

Марша Майтленд лондонлик врачларга боладаги бу қасалликнинг белгилари китобда баён этилган қасалликка жуда ҳам тўғри келишини айтади. Текширувлар ҳакикатан ҳам бола организмида бу металлдан катта миқдорда борлигини кўрсатди.

Врачлар кизчанинг ота-онаси билан гаплашганларидан сўнг у қаламушга карпи ишлатиладиган заҳарли дорини ютиб юборган, деган хulosага келдилар. Орадан уч хафта ўтгач, кизча қасалхонадан соғайиб чиқди. Шундай килиб машҳур ёзувчининг асардаги тавсияси бир кизчани ўлимдан саклаб колди.

МЕТАЛЛАР ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ФОЙДА

Ота-боболаримиз металл буюмларнинг шифобахш хусусиятлари ҳакида жуда яхши маълумотларга эга бўлишган. Тилла, кумуш, мисдан ясалган ҳар хил тақинчоқларни тўзал ва чиройли кўриниш учунгина эмас, балки соғликка фойдаси бўлгани сабабли ҳам тақиб юришган. Упбу металлардан ишланган идиш-товоқларда овкатланишган. Қадимги Хитой табиблари олтин инсонга соғлик ва ёшликни ато этишига астайдил ишонипган. Машҳур табиб Парацельс эса тилла буюмлар ёрдамида заҳм ва турли юқумли қасалликларни самарали даволаб келган. Француз алкимёгари Давид де Плани-Кампи олтиннинг соғлик учун фойдали жихатлари ҳакида катта бир китоб ёзид колдирган. Алкимётълимотига кўра, сайёрамизда етти хилдаги металл мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида сайёра сифатини белгилайди. Шу боис ҳам металларда самовий куч ва шифобахш хусусият ниҳоятда кўп экан. Шундан бўлса керак, олтин –

Күёшдан, кумуш – Ойдан, симоб – Меркурийдан, мис – Венерадан, темир – Марсдан, калай – Юпитердан, күрғонин – Сатурндан күвват оларкан.

Хинд йогларининг фикрича, коинотдан тараалаётган электромагнит нурлари инсон соғлигига хам ижобий, ҳам салбий таъсир килиши мумкин экан. Шунинг учун металдан фактак тақинчок сифатида фойдаланиш кўп хам ярайвермайди. Негаки, уларнинг бири сизни даволаса, иккичиси, дардингизни кучайтириб юбориши мумкин экан. Тиббиётда барча касалликлар икки гурухга, яъни салбий ва ижобийга бўлинади. Салбий турдаги касалликларни (сурункали хасталиклар ва хавфли ўсмалар) олтин ва кумуш ёрдамида, ижобий гурухдаги касалликларни эса мис билан даволаш кутилган натижани бераркан. Металл муолажасини ўтказиш кўпчилик ўйлаётгандек осон иш эмас. Бу ишда аввало, ташхисни тўғри ва аник қўйиш лозим. Шундан сўнггина металл буюмлар тананинг белгиланган нуктасига қўйилади. Металл буюм терига ёпишадими, демак, муолажани бошламаган маъкул. Мабодо, бунинг акси бўлса, унда муолажани бемалол бопласа бўлади. Муолажа муддати 3–4 кундан ошмаслиги керак. Орадан икки хафта ўтгач, ушбу муолажани яна такрорлаш мумкин. Дарюке, металл билан боғлиқ ҳар қандай муолажа мажбуран ўтказилмаслигини эса тутиш лозим.

Эрамиздан аввалги I асрларда шифокорлар металл куқуни, ундан ажралган тузлар асосида сил, жигар, буйрак ва бошка катор касалликларни даволашган. Қолаверса, хиндуларнинг кўхна «Аюверда» илми хам металл истеъмол килишни ўргатувчи ноёб манба хисобланади. «Аюверда» таълимоти барча оғир металларни илохий деб билади. Ана шу илмни пухта эгаллаган мутахассисларнинг таъкидлашларича, мис инсондаги ортикча ёғларни эритади. Жигар, талок ва лимфатик тизим фаолиятини сезиларли даражада яхшилайди. Шунингдек, мис камконликка хам барҳам беради. Тилла эса асаб ва юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Зехнни ўткир, ақлни расо килиш баробарида, организмнинг курашувчаник қобилиятини янада оширади. Темир суюк

остидаги мия ва тўқималар фаолиятини яхшилайди. Ушбу металл кизил қон таначаларини кўпайтириш, асаб ва мушак толаларини мустаҳкамлаш хусусиятларига ҳам эгадир. Кўрғошин асосан жинсий аъзо касалликларини даволашда кенг кўлланилади. Кумуш кўпроқ мадорсизлик, ичак хасталиклари ва жигилдон қайназида аскотади. Бундан ташқари, кумуш ўткир юрак хасталикларини даволашда ҳам кўл келади. Қалай эса инсонни ёшартириш хусусиятига эга. Шунингдек, қандли диабет, астма, нафас олиш йўлларидағи инфекцияларни даволашда унинг ўрни бекиёс.

Хозирги замонавий тиббиётда металлардан имкон қадар самарали фойдаланиб келинмоқда. Сир эмас, хозир поливитаминалар таркибида кимматбаҳо металлар сирасига киравчи мисни топиш мумкин. 2003 йил КХДР металл билан боғлик ўзининг шов-шувли янгилигини тарқатганди. Улар ғайриоддий зотилжам касаллигига қарши «Кимдан-2» дори воситасини ишлаб чикиб, ўша дори таркибида олтин борлиги ҳакида жар солишган эди. Бу эса кўпгина Африка давлатларида ОИТС ва босқа юқумли касалликлар металл кўшимчаларига бой дори-дармонлар ёрдамида даволаш амалиётига киритилган. Бирок металлардан тайёрланган дорилар тананинг бошқа аъзоларига зиён етказмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бундай дорилар танага тезда сўрилиб кетмагани боис, кон котиши, буйрак ва жигар фаолиятини ишдан чикарипни эҳтимолдан холи эмас. Шу боис бундай дориларни ичишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиб олиш максадга мувофик.

ҚЎЛДА ДИЛ ТАФТИ

Инсондаги энг яхни сифатлардан бири ўзаро руҳий ва жисмоний таъсирdir. Яхни сўзлар ва хушмуомалалик билан болани эркалаш унга яхши кайфият бахш этса, силабийпалаш ҳам гўдакнинг руҳий ва жисмоний ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатаркан.

Болани ёшлигига кўпроқ кўл теккизиб, меҳрибонлик билан силаб-суюб эркалаш, унинг мия тўқималарининг

соғлом, хотирасининг кучли бўлишига, катта бўлганда хаётда дуч келадиган турли муаммоларни тезлик билан хал килишига ёрдам берар экан.

Сезги хисси гўдакда туғилмасдан олдин она корни-далигига ёк пайдо бўларкан. Бу ҳисни билмаган мурғак яшашига кодир бўлолмайди. Олимлар сезги инсоннинг аклий кобилияти шаклланишига ва соғлигига таъсир кўрсатувчи энг асосий омил эканлигини аниклашди.

Афсуски, аксарият ёш оналар иложи борича боласини кўлига камроқ олишга ҳаракат килишади. Кўча-кўйда кўлларига кўтариб юрмасдан, аравачага солиб юришади. Уйда ҳам асосан овқатлантириш пайтидагина кўлга олишади. Ишончли маълумотларда таъкидланишича, американски чақалок бир кунда 2–3 соатгина онасининг кўлида бўлар экан. Ўз фарзандларига меҳру мурувват кўрсатишда Африкадаги баъзи кабила аёлларининг олдига тушадигани йўқ экан. Улар чакалокларини кун бўйи бағриларида олиб юришаркан. Олимларнинг ўтказган тадқикотлари хуносаларига кўра, гўдак канчалик кўп онасининг кўлида бўлса, шунчалик дуркун ўсар экан. Чунки она, фарзанди кучоғида бўлганида уни кўллари билан силаб-сийпалаб эркалатади. Она кўлларининг гўдакка тегиши таъсирида эса унинг танасининг функционал ҳолатида ўзгариш рўй бераркан. Натижада терида фаол биологик моддалар хосил бўлиб, конга тушаркан. Шунингдек, гўдак танасига она қўлининг тегиши тўқималарга фойдали таъсир кўрсатади. Чакалокнинг она бағрида кўпроқ бўлиши ундағи кон димланишини йўқотиб, модда алмашинувини яхшиларкан, ҳамда нафас олишни бир меъёрга тушираркан. Болани кўпроқ кўлда кўтариб юрити, унинг ҳаракатчанлигини яхшилаш билан бирга, аклий тафаккурининг ривожланишига ҳам ёрдам беради.

Чакалоқдаги саксон фоиз алока воситасини ҳам онаси унинг терисига кўл теккизиш билан юзага чиқаради. Айниқса, онанинг кўл таъсири боланинг хавфсиз ором олиши ва бошқа ҳолатлари учун жуда-жуда зарур. Гўдак она меҳрини сезгилари оркали хис киларкан. Болалар гўдаклигига шакилдок ва боптика ўйинчоқ, кўлига нима

илинса, оғзига солишга ҳаракат килади. Шунда оналар унинг ҳаракатини кузатиб «болам очикибди-да» ёки «шу гўдаккина ҳам нафсни билади» деб кўйишади. Аммо олимларнинг аниклашнича, чакалок бундай нарсаларни факат ейишга эмас, балки хиди ва тъмини хис килиш учун оғзига олиб борар экан. Чунки ёш гўдакда туйғу сезгиси оғизолди ва лаб шиллик пардасида жуда кучли бўлади. Улар дунёга келгандарининг илк даврида атроф-мухитни шу туйғулари билан идрок эта бошлайдилар. Кейинчалик бопка тана аъзолари орқали хис килиш, сезиш, кўриш қобилияtlари такомиллашиб бораркан.

Болалар боғча ёшида ҳаётнинг бопка барча давларига нисбатан ҳамма нарсага қизикувчанилиги ва тъсирчанилиги ортади. Бу даврда болаларни кўл теккизиб силаб-сийпалаш, уларнинг ҳарактерида меҳрибонлик ва хушмуомалалик сифатларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Дунёни бир оз англаб етган ўсмиirlарда эса қарамакарши жинсдагига кўл теккизишга мойиллик кучаяди. Бу хол уларда то никоҳдан ўтгунга қадар давом этади. Биз кўча-кўйларда ва бошқа жамоат жойларида севишган жуфтликларни кузатганимизда, кўпроқ йигитларнинг қизларга кўл теккизишга ёки бошқача бирорта интилишига (масалан, ўпигига, қўлидан ёки белидан ушланишига) гувоҳ бўламиз. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу хол тўйдан кейин кўпроқ аёлларда сезилар экан. Катталарнинг бир-бирига кўл теккизишини турлича талқин билан ифодалаш мумкин. Дўстона елкага қокиш, тирсакларидан ушлаб, меҳрибонлик кўрсатиш, қарамакарши жинсдагиларнинг бир-бирига турлича кўл теккизиши, «Мен каттаман, сен ҳали боласан» деган маънода бошни силаши ва ҳоказо... Кўлни теккизини нима максадда ва қандай бўлмасин инсонга руҳий таъсир кўрсатади. Оддийгина бош силкиб саломлашими билан кўл бериб кўришиш ўртасида ҳам катта тафовут бор. Кўл бериб кўришиш инсонни меҳрга чорлаши билан бирга, яхши кайфият бағишлишини ҳам олимлар аниклашган.

Кўл теккизини билан муомала қилиш орқали ўзгалар меҳрини қозониш ҳам мумкин. Инсон танасига кўл текки-

зинш, силаш-сийпашнинг таъсири ижобийдир. Касалхоналарда юрак ўйноғи ёки бош оғриғи билан ётган беморларни тиббиёт хамширалари ёки яқин қариндошлари томонидан яхшилаб силанса, беморнинг бош оғриғини тўхтатиш, юрагини тинчлантириши кузатилган.

Қолаверса, ҳалқ табобатида ҳам кўпгина касалликлар кўл теккизиш, укалаш-силаш билан даволанади. Кўл теккизиб даволаш усуслари жуда қадим замонлардаёқ маълум ва машхур бўлган. Умуман, инсоннинг асосий аъзоларидан ҳисобланган кўлда меҳру сехр, куч-кувват мужассам.

КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАРДИ?

Балъзак туни билан ёзиб чиқиб (бу пайтда у ўзига мақбул усуlda тайёрлаган кора қахвани тўхтовсиз ичарди), тонг ёришиши билан деразаларга кора пардани тортиб кўярди-да, шамларни ўчирмай, шитоб билан ёзишда давом этарди.

* * *

Флобер эрталаб соат тўккиз ёки ўндан бошлаб ишига ўтиради. У нонушта учун танаффус килиб олиб, яна дархол ишини давом эттиради. Кўпинча тушликдан сўнг бир-икки соат мизғиб оларди. Аммо шундан сўнг эрталаб соат тўртларгача ишдан бош кўтармасди.

* * *

Лев Толстой жуда эрга турган. Сўнгра бир яrim соат боғдалаларни айланган. Сайдан кайтгач, иш столига ўтирган. Дам олиш дакиқаларида тош кўтарган, бошқа жисмоний машқларни бажарган. Агар шерик топилса, бир-икки партия шоҳмот ўйнаган.

У тинимсиз ижод килганига қарамай, умрининг сўнгги кунларигача иш кобилиятини саклаб қолган. Бунинг боси, Лев Толстой катъий кун тартибига риоя қилган, кескин аклий меҳнатни фаол дам олиш билан алмаптириб турган.

* * *

Гёте бир куни хотинига шундай мурожаат килган экан:
«Якин бир хафта ичиди мени бутунлай тинч қўй, йўкса бу-
тун режаларим чиппакка чиқиб кетиши турган гап».

* * *

Михаил Достоевский кўпинча факат тунлари ёзган.
Кундуз кунлари уйнинг бошка юмушлари билан машғул
бўлган. Шу боис ҳам фақат кечалари қайнок ижод билан
шугуулланган.

* * *

Жорж Санд ҳар куни кеч соат ўн бирларгача ёзаркан.
Хотирланларича, мабодо у соат ўн яримда романига охир-
ги нуктани кўйган бўлса, шу захоти бошка бир романи-
ни ёзишга киришаверган. У хақда «Романларни тўё хо-
ним пайпок тўкигандек тўкиб ташлайверади» деб ҳазил
килишар экан.

* * *

Баъзи адиблар гохида асарларини айтиб ёздирган (дик-
товка усули)лар. Ҳенрих Ҳенре бетоблиги туфайли шундай
қилишга мажбур бўлган.

* * *

Гёте ҳам айтиб ёзиш усулини кўп кўллаган. Чунки у
ўтириб ёзишини учалик хуш кўрмаган.

* * *

Анатоль Франс илҳом келиб қолганда нима дуч келса,
шунга ёзиб кўяверган. Ҳеч качон коғоз ғамлаб қўймаган. У
эски хатжиллар, таклифномалар, хатларнинг, газета- жур-
налларнинг ок жойларига ёзгани маълум.

ДАХОЛАР ЁШЛИГИДА...

Ибн Сино тўрт ёшида Куръони каримни тўлик ёд олган.

* * *

Захириддин Муҳаммад Бобур ўн икки ёшида тахтга ўтирган.

* * *

Гёте тўққиз ёшида немис, лотин ва грек тилларида шеърлар ёзган.

* * *

Александр Толстой олти ёшида француз, немис, инглиз тилларини билган.

* * *

«Акклилик балоси» асари муаллифи Александр Грибоедов ўн бир ёшида университетта ўқишга кириб, олти йилда олий ўкув юртининг учта факультетини битирган.

* * *

Чингиз Айтматов беш ёшида таржимонлик килиб, қалам хақи олган.

БЎЙИНБОҒ ЭРКАКНИНГ КЎРКИ

Дунёда ҳар куни 700 миллионга яқин эркак кипи бўйинбоғ тақади. Лекин бўйинбоғ эркак усти-бопининг хашами сифатида нисбатан ёшdir. Уч юз йил илгари уни хеч ким билмаган. У илгари олифтагарчилик учун эмас, химоя воситаси сифатида пайдо бўлган. Бом кийим одамни офтоб нурларидан, ёмғирдан, кордан, совукдан асрагандай, бўйинбоғ ҳам инсонни об-ҳавонинг нохуш таъсиридан химоя килиш учун ўйлаб топилган.

Биринчи бўлиб шамоллапининг олдини олиш максадида бўйинбоғ тақиши римлик аскарлар бошлаган. Кейин 1660 йилда Францияга кўнган хорват кўпинлари аскарла-

ри бўйинларига рўмолча боғлаб олганлар. Юкори табака ҳарбийларининг рўмолчалари шоҳидан бўлган. Бу зийнат француздарга маъқул тушган, урф бўлиб кетган ва «хорват» деб атала бошлаган.

Бугунги кунда бўйинбог боғлаши усуслари жуда ҳам соддалашган, бу тугунларни боғлашни кариб ҳамма билади. Бўйинбог хусусида айрим хорижий давлатларда қўплаб кўлланмалар чоп этилади. Масалан, Италияда босилган китобда бўйинбог боғлашнинг 180 усули берилган.

Ҳозирги пайтларда бўйинбог расмий эркак либосининг зарурый безагидир. Гули, ранги, тугуни тўғри танланган эркак уст-бошига тугал, башанг тус беради.

Оч ранг костюмларга ранглари ёрқинрок бўйинбоглар маъқул келади. Масалан, кулранг костюм ва ок кўйлакни ёрқин кўк, сафсар ёки зангор бўйинбог очади. Жигарранг костюмга шу тусдаги очрок бўйинбоглар танлаган маъқул. Расмий маросимларга кийиладиган кора костюм ва ок кўйлакдан иборат уст-боп кулранг, мовий-кулранг бўйинбоглар билан савлатли кўринади.

Умуман бўйинбог танлами – бутун бир санъатdir, чунки бўйинбог – инсоннинг маданияти, фаросати, дид дараҷасининг кўрсаткичидир. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам бўйинбогда бўлиш шарт эмас. Масалан, бўйинбог мия или унумини кескин пасайтириши аниқланган. Демак, ақлий меҳнат килганда эркинрок уст-бош максадга мувофиқдир.

ҚЎЛҚОПЛАР ТАРИХИ

Кундалик ҳаётимизда асконгувчи қўлқоплар ҳам узок тарихга эга. 1922 йили кадимги Миср фирмавни Тутанхамон сағанасидан топилган бир жуфт қўлқоплар бунга далил бўла олади. Тарихчиларнинг ҳисоблантича, қопчиқни эслатувчи қўлқоплар фирмави кўлига Осиё мамлакатларига килинган хужумлар туфайли келиб колган. Кейинчалик эса кўл бармоқларига кийиладиган қўлқоплар пайдо бўла бошлаган. Бундай қўлқопларни кадимги римликлар, шунингдек, мисрликлар ҳам асосан овқатланиш пайтида кийишган

экан. Ўрта асрларда эса қўлкоплар рамзий маъно касб этди. Масалан, қўлкоп подшоларнинг адолатли карорини ифодаловчи воситага айланди. Бундан ташқари, қўлкоп ёрдамида турли маком ва мартабалар бериш кадимги шохларга хос одат эди. XI асрда аёллар оқ матодан тикилган қўлкопларни безак ўрнида кия бошлишади. Қўлкоп устидан тилла узук ва билакузуклар такиш ўша замон аёлларига хос бўлган. XVII ва XVIII асрларга келиб эркаклар орасида «борокко» ҳамда «рокко» услубидаги қўлкоплар кийиш урфга киради. Айни шу йиллари тирсакка етадиган қўлкоплар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда эса қўлкоплардан ҳамма фойдаланади. Айниқса, изғиринли совук кунларда у жонимизнинг хузуридир.

КАШФИЁТЛАР ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

Неча миллион-миллион кишилар орасидан онда-сонда бўлса-да буюк дахолар етишиб чиқади. Бунинг сабаблари борми? Кашфиётлар қандай яратилади? Аввало, буюк инсонларни жамият, халқ кашф этади. Буюк халқдангина кўплаб дахолар етишиб чиқади. Бунга эса тарихда мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Хўш, ўша дахолар қандай пайдо бўлади? Маълум гурухдаги тадқикотчилар узок йиллардан бўён бу муаммо устидаги изланиш олиб бормоқдалар. Улар ўз тадқикотлари давомида дахолар хаётига доир кимматли маълумотларни тўплашга мувваффак ҳам бўлишган.

Мутахассисларнинг фикрича, күёшнинг оҳанрабо бўрони дахолар пайдо бўлишига имкон туғдиаркан. Күёш бўрони кон босими ошишини ўйламасдан, яхши кайфият ва юксак илҳом билан ишлашга даъват этади. Бир неча кунлик таъсир хаттоки оддий фукароларни ҳам маънавий юксалтиради. Пушкин ўзининг шоҳ асарларини ана шундай кунларда ёзганлиги ҳакида маълумотлар бор.

Дахолар ҳакида гап кетадиган бўлса, аксарияти эркаклар бўлиб чиқади. Шундай экан, ўтмишда аёллардан нега биронта ҳам даҳо чикмаган деган фикрлар пайдо бўлинни мумкин. «Дахолар ўз асарларини яратишлари ва кашфиёт-

лари учун, аввало, шарт-шароит, мухит керак. Худди ана шу кулайликларни хозиргача аёлларга ҳеч ким яратиб бермagan», дега аёлларни химоя килганди бир файласуф. Статистик маълумотлар дахоларнинг катифиётларига рафикалари кўшган ҳиссаларини ҳам ҳеч качон унутмаслик лозим.

Пабло Неруда аёлларининг бўсасисиз китоб ёзолмаслигини айтган. Улуғ тоири Гёте замондошларининг ёзишича, хаётда улкан ютукларга эришиса-да, кўп вактгача ўзини баҳтсиз хисоблаган. У баҳтини оддий аёлдан топганда, энг якин дўстлари ҳам уни тупнуолмай колижган. Немис маданиятининг улуғ намояндаси Ҳенрих Ҳейне ўз шеърларининг бир каторини ҳам ўқимаган, саводсиз, ёш бир француз кизига уйланган. Бернард Шоу кирк ўнда бир кизни севиб колиб, унга уйланган. «Аёллар, деган эди у, – севгида танҳодирлар, улар барча нарсада ҳам мутлако тенги йўқдир».

СОҒАНИНГ ТАРИХИ

Инсонларнинг бир-бирларига ҳадя беришлари айнан гўдак туғилини биланок бошланган экан. Дастрлаб, аждодларимиз совға бериш учун алоҳида маросимлар уюнтиришган. Кейинчалик турли айёмларда ҳадялар оркали бир-бирларини йўқлашган, кўнгилларини қўтаришган. Мисол учун, риммикларда кўпроқ мансабдор, масъул шахсларга янги йилда совға бериш анъанаси бўлган. Аввал зарҳал копланган мевалар, хурмо коки ва узумлар, кейинчалик мис тангалар ва бошка кимматбаҳо буюмларни бадавлат кипишиларга ҳадя этишган. Агар юкори мансабдорларга арzon буюмларни тортиқ этишиша, уни ҳакорат килиш билан баробар бўлган.

Тухфа бериш одати бутун Рим худудига тарқалган. Бу одатга багишланган маросимлар ҳам ўз тарихига эга. Дастрлаб совға ишонич тимсоли бўлган. Гўёки совға берувчи ўзининг маълум бир меҳрини ҳам тухфа кабул килиб олаётган инсонга бераётгандек бўлган. Бунда совға берувчи ва олувчи билан кариндош тутинишга, ўзига нисбатан унинг илтифотли бўлишига ишонган.

Қадимгиларнинг хисоблашича, тухфа нафақат олувчи, балки берувчи учун ҳам зарур. Ёки бошқача айтганда, у бу билан ўз бойлиги, очиқкўнгиллиги ва маънавий сахийлигини кўрсатган. Айтиш жоизки, сахийлик рицарь ва зоҳидлар учун зарурий сифатлар саналган. «Совға совғани яхши кўради», «Тухфа тухфани кутади» деган наклларга қарамай, хеч качон ўзаро ҳадя бериш келишуви бўлмаган. Айрим мамлакатларда инъом алмашин мөхмонни кутиш анъанаси хисобланган.

Қизиғи шундаки, олдин фукароларга уларнинг совғаларини кайтариб бериш кўп учраган. Бу ўзгача ахамият касб этган. Нафакат фукароларнинг содиклиги, балки шоҳнинг олийхимматлиги рамзи бўлган. Агар подшога совға ёкиб колса, уни ўзида колдириган ва шу билан бир вактда ундан ҳам кимматрок тухфани фукаросига маъқул кўрган.

Бобил ва шумерларда айнан тилла ва кумуш тақинчоқлар тортиқ этиш одати бўлган. Шумер эртакларида ёзилишича, хафсаласиз ўкувчининг отаси унинг устозини хузурига чакиради ва тансик ноз-неъматлар билан сийлайди. Эҳтиром рамзи сифатида котиб-ўқитувчига тилла узук ҳадя этади. Унинг эвазига бирор нарса олмаган деб айтиш қийин. Бунинг эвазига ўқитувчидан дангаса болакайга кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилган. Бу одат ҳозир ҳам мавжуд. Фақат қимматбаҳо тақинчоқлар эмас, балки иш ҳақининг кўп миқдорда белгиланиши орқали турли мутахассисларга мурожаат этиш мумкин.

Қадимги Юнонистонда энг яхши совғалар қаторига тилла тақинчоқлар, кўлёзмалар, от ва бошқа нарсалар кирган. Юнонистон ва Римда куллар, гўзал кизлар, йигитлар, кучли эркак ва аёллар тортиқ қилинган.

Ўрта асрларда араб мамлакатларида отлар, канизаклар, қимматбаҳо матолар, хутбўй воситалар ва Дамашк пўлатидан ясалган қуролларни ҳадя этишган. Ўзини хурмат қиласидиган ҳар бир эркакнинг уйида бундай қуролнинг бўлиши талаб этилган. Аслида совға инсонларга қувонч улашиш, қадрдон якинларингизнинг юзида табассум пайдо

бўлиши имкониятидир. Айтиш мумкинки, бирор тухфа сизнинг дидингиздан келиб чикиб танланади. Шу сабабли ҳам уни танлаш осон кечмайди. Буни қарангки, уларнинг ҳажми ва баҳосига караб инсонлар туйғулари ифодаланар экан.

Агар кичик тухфа бўлса дўстликни, каттароги муҳаббатни англатади. Ўз-ўзига ҳадя этишини яхши кўрадиган инсонлар ҳам бор. Бу уларнинг атрофдагилар учун кадрсизлигини англатмайди, балки ўз кайфиятини кўтариш усули саналади. Бошқача айтганда, у ўз-ўзига кўтариинки рух бағишлади. Бугунги кунда ҳам тухфа бериш одати бор. Бўлганда қанақа денг. У турли байрамлар, саналар ва бошқа муносабатлар учун берилади. Бу борада ўзингизга нима раво кўрсангиз, бошқаларга ҳам шуни тортиқ этишингиз лозим. Инсонлар совға бериш борасида ҳам тоифаларга ажратилади. Айримлар борки, байрамларда тухфа беришса, ўзларини ўйлашади. Яъни ўзи учун совға олишини ўйлади. Баъзи инсонлар эса кадрдан кишиси учун зарур буюмни харид килса, бошқалар яқинларини қувонтиришини ўйлади. Совғанинг катта-кичиги бўлмайди. Муҳими у яқинларингизнинг меҳри, дилини ёритсин! Бу эса улуғ савобли ишлардан биридир.

ШОКОЛАД ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Шоколадни биринчи бўлиб татиб кўрган европалик Американи капиф этган Христофор Колумб бўлган. Тўғри, у какао дуккакларидан тайёрланган, табиатан аччиқ ичимлини ҳўплаб кўриб, узок вақт туфлаб ўтирган. Шунга қарамай, какао дуккакларини кирол Фердинандга олиб келган, аммо у буларга яхши эътибор бермаган. Факат юз йилдан кейин Европада шоколад эътироф этилди. Бир фунт (бир кадок) шоколад жуда киммат, 10–15 шиллинг турар ва олий табака ичимлиги хисобланарди. Какао дуккакларидан валюта сифатида фойланишган, 100 дона какаога кул сотиб олса бўларди. XIX аср ўртасида швейцариялик Даниэль Питер янчилган какао кукунига сут аралаштириди, шу тариқа сутли шоколад ҳосил бўлди.

Шоколад жуда түйимли маҳсулот бўлиб 100 граммда 400–550 килокалория мавжуд. Тибиёт ходимлари кон босими олганда шоколадни кам истеъмол қилишни тавсия этишади. Аммо бошкacha фикрлар йўқ эмас. Масалан, Калифорния университетининг олимлари юрак-кон томир тизими учун шоколад фойдали, деб хисоблашиди. Шоколад кон томирларининг торайиб, тўсилиб колишидан саклайди. Оз-оздан истеъмол қилинса, инфарктдан саклайди ва ҳатто, кариестан асрайди – тиш паастасига какао дукка克拉идан тайёрланган бактерияга қарши экстракт кўшмокчи бўлишмоқда. Бу ширинликнинг олимлар аниклаган яна бир шифобахиҳ хусусияти. Шоколад таркибида протеин, кальций ва бошқа жуда кўп фойдали моддалар бор. Шоколадни б ёнгача бўлган болаларга ейиш тавсия этилмайди. Бундан ташқари, хомиладор аёллар шоколад ейишдан тийилиб туришгани маъкул. Чунки унинг таркибидаги моддалар организмга кучлилик қилиши мумкин. Шу боис ҳам шоколадни меърида истеъмол қилган маъкул.

ДАРАХТДА ЎСАДИГАН «ТИЛЛА»

1516 йилда Испания Мексикани босиб олади. Бу ўлкада тилла кўп экан деган хаёлга борган фотихлар бозорларга кирипса, мексикаликлар савдо-сотиқда тилла пул эмас, балки қандайдир дарахтнинг куритилган мевасидан танга сифатида фойдаланишар экан. Ҳар кимнинг чўнтағида бир ховуч, икки ховуч ана шунака «мева танга»лар. Нимаики харид килинадиган бўлса, «уруғ пул»дан санаб бериб, олиб кетишаверар экан.

Кизик, бу уруғнинг қандай каромати бор? Уни ҳатто, тиллага ҳам алмаштиrsa бўлар экан. Синчилаб суриштиришса, бу ўзига хос «танга»лар Мексика чангальзорларида ўсуви шоколад дарахтининг меваси экан. Одам ўтиб бўлмайдиган куюқ ўрмонзорларда, колаверса, илон ва йирткич хайвонларнинг маконига бориб ўша дарахтнинг мевасини териб келиш ғоят мураккаб бўлганлигидан ҳам уни тиллага teng деб билишар экан.

Фотихлар суриштириб кўришса, мексикаликлар ҳалиги мевани туйишар, сўнг элаки килиб кайнок сувда чой каби дамлаб ичишар, унинг номини «чокоатл», яъни «аччиқ сув» деб атасиар экан. Агар шу «аччиқ сув»га асал, шакар, ваниль кўшилса, ҳозирги шоколаднинг мазасини эслатадиган фоят шифобахш ичимлик хосил бўларкан. Ана шу ичимликдан ичган кишининг юзига кон югуриб, уни бардам ва бакувват килган, бир зумда чарчокни ёзиб юборган, киши қанчалик оғир иш бажармасин, барибир ўзини тетик сезаверган. Испаниялик фотихлар учун бу нарса жуда кўл келади. Боскинчиларнинг бошлиғи Фернандо Кортес ўз киролига ёзган мактубида бундай дейди: «Жаноби Олийлари! Биз мамлакатда дараҳтда ўсадиган тилла топдик, мевасини ту́йиб, асал билан қайноқ сувга аралаштириб ичиб олган киши эртадан кечгача тўқ ва бардам юради. Биз жангга киришдан олдин аскарларингизга ана шундан ичиряпмиз. Бунда қандайдир илоҳий кувват борга ўхтайди. Бу ичимликнинг номи...!» Фернандо Кортес «чокоатл» сўзини испанча талаффузда «шоколаде» деб ёзиб юборган. Ана шундан буён бу дарахт «шоколад дараҳти» деб юритилади.

БОШОҚДАН НУСХА ОЛИБ

Машхур француз энтомологи Жон Анри Фабр аммофиль арисинингчувалчанг топиш фаолиятини батафсил кузатган. Биологлар яхши билишадики, аммофиль ариси ўзининг личинкаларини овкатлантириш учунчувалчанг излайди. У учиб юриб бир жойда тўхтайди ва тупрокни ковлай туриб ўша захотиёқчувалчангни топади. Олим арининг ер остидагичувалчангни топишга унинг боп қисмидагимўйловлари ёрдам беради, деган фикрни олға суради. Айрим мутахассислар ари мўйловчаларини ерга теккизиб, маҳсус сейсмик тўлқинларни тутади, деган фикрни билдиришади. Баъзилар эса ҳашарот маҳсус нур ёки инфракизил нурларни тутади дейишади.

Хуллас, сезиларсиз товуш тўлқинларини эпитети ёки нурларни тутиш учун ёрдам берадиган нозик техник ас-

боблар яратиш имкони туғилди. Дов-даражатлар, ўт-ўланлар хам турли касбдаги мутахассислар эътиборини жалб этиб келмоқда. Буни айникса, қурилишда яққол кўрим мумкин. Дунёга машхур Россиядаги Останкино телеминораси хозирги кўринишининг бунёд этилишига буғдой бошоғи сабаб бўлган экан.

БЎЁКЛАР ШОХИ

Инсоният фойдаланган илк бўёклардан бири нил (тўқ кўк ранг) дир. Бу бўёқ дастлаб индигофера деган тропик ўсимлик баргидан олинган. Нил бўёғи Хиндистонда кадимдан ишлатилган ва XIII асрда араб савдогарлари уни Европага олиб боришиган. Бора-бора Европа мамлакатларида унга бўлган талаб кучайди. Ҳатто, Франция хукуматининг 1563 йилги қонунида «бўёклар шохи» бўлмиш нил четдан харид килинадиган буюмлар ичида энг муҳими эканлиги таъкидланган эди.

1880 йили немис олими Адольф Байер сунъий нил бўёғи яратди. Бу Калкутта биржасидагиларни саросимага солиб кўйди. Инглизлар табиий нил бўёғининг харид нархини пасайтираслик учун шошилинч чоралар кўришди. Жумладан, нилни чет мамлакатларга олиб чикиш учун тўланадиган бож бекор қилинди.

XIX аср бошларида сунъий нил Германияда кенг кўламда чиқарилиб, четга ҳам сотила бошланди. Уни кашф қилишга бутун умрини бағишлаган Адольф Байерга эса халкаро Нобель мукофоти берилди.

ШОХМОТ ОЛАМИДА

«Гроссмейстер» сўзи биринчи маротаба 1838 йил, 18 февралда Лондонда чиқадиган «Белла Пайф» газетасида инглиз устаси Уильям Льюис томонидан эълон қилинган эди. Аммо 1920–1925 йилларда Европада бутун дунёга донғи кетган машхур шоҳмотчиларни «маэстро» деб атапган. Кейинчалик ФИДЕнинг ташаббуси билан «гроссмейс-

тер» сўзи конунга киритилди ва шоҳмотда энг олий даражадаги унвон деб эълон қилинди.

Собик совет Иттифоқида биринчи бўлиб бу унвонни 1935 йилда 24 ёшли Михаил Ботвинник кўлга киритган. Иккинчи бўлиб Григорий Лефенфиш (1889–1961) 1937 йилда ва учинчи бўлиб Александр Котов (1913–1981) 1940 йили бу номга сазовор бўлди. Кейинчалик аёллар орасида ҳам гроссмейстерлар етишиб чика бошлади. Уларнинг калдирғочлари Людмила Руденко, Ольга Рубцова ва Нона Гапринданвилилардир. Америкалик Роберт Фишер 15 ёшида, Гарри Каспаров эса 17 ёшида гроссмейстер унвонига эга бўлишган. Бу ҳам ўзига хос рекордга айланиб кетди. Унбу рўйхат яна кенгайтирилди. Ҳозирги кунда жаҳоннинг жуда кўп давлатларида гроссмейстерлар етишиб чиқди. Жумладан, республикамиздан ҳам Рустам Қосимжонов шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони бўлди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ИБОРАСИ

«Шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони» деган бу унвон расмий равишда тасдик этилишидан анча илгари 1859 йилда пайдо бўлган. XVIII асрда дунёга донғи кетган америкалик машҳур шоҳмотчи Пол Морфи Европага килган тантанали сафарини тугатади. Дунёнинг барча энг яхши шоҳмотчилари улуғ истеъоддоз эгасидан мағлуб бўладилар. Ана ўша йилларда Англияда Морфи шарафига уюштирилган хайрлатув зиёфатидан сўнг ватанига кайтиб келганида илк бор Нью-Йорк ва Бостондаги табрик маросимларида биринчи бор «Жаҳон шоҳмот чемпиони» деган ибора тилга олинади.

Кембрилж университетида ўтказилган ана шу тантанали маросимда «Гаявата ҳакида қўшик» муаллифи Генри Лонгфелло катнашади. Шуниси ажабланарлики, ёрқин истеъоди билан бошданок жамоатчилик хурматини козонган Морфи орадан кўп вакт ўтмай шоҳмотдан ҳафсаласи пир бўлади ва мутлако шоҳмот ўйнамай қўяди. Гўёки кандайдир ёвуз тақдир Америка шоҳмоти устидан хукмронлик киляётгандек туюлаверади. Негаки у ерда (Роберт Фишер)

икки буюк шоҳмотчи ётишиб чиқканди. Бирок ҳар иккаласи ҳам норасмий чемпионлар бўлишганди.

ФАҚАТ ШОҲМОТ ЎЙНАШ МУМКИН

Швейцариянинг Базель шаҳри кенгаши 1861 йилда нашр этган қўлланмаларидан бирида шундай дейилган. Унга маҳаллий ўт ўчирувчиларга бўш пайтларида шоҳмотдан ташқари биронта ҳам ўйин билан машғул бўлиш қатъян ман этилган деб ёзилганди. Ушбу коидани наимрга тайёрлаганлар шоҳмотта нега рухсат этилганини қўйидагича изоҳлаганлар: «Шоҳмот бошқа ўйинларга ўхшаб кишини чалғитмайди, бўшашибирмайди, аксинча, аклни пешлайди, киши характерини тоблайди, унда топқирлик ва ижодкорлик сингари бебаҳо ва ноёб хислатларнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади».

ШОҲМОТ ТУФАЙЛИ...

Целлулоидни (целлюзоздан ишланган фотоплёнка, кинотасма кабиларни тайёрланида фойдаланиладиган модда) кўпчилик яхши билади. Америкалик шоҳмот ишлаб чиқарувчи фабрика хўжайини Ш. Хайет доналарни ясанда қўлланиладиган арzon ва пишик материал тошишга харакат қилиб, уни 1868 йилда ихтиро килган эди. Эҳтимол, шоҳмот бўлмаганида целлулоид ҳали топилмаган бўлармиди.

МУЛЛИФИ НОМАЪЛУМ ДОСТОН

XIV асрда француз тилида исеми яшириб ёзилган ошикона шоҳмот достони жами 30060 сатрдан иборат эди. Унинг 580 мисраси бир қиз ва уни севиб колган мард йигит ўртасидаги шоҳмот ўйинига бағишланган. Ракиблар ўйин пайтида айтган гаплар, ҳазил-мутойибалар мажозий маъноларга эга. Шу жихати билан ҳам достон ўрта асрда Европада оммавийлашиб, бошқа тилларга ҳам таржима килинган.

КУЛГИ ДАРАХТИ

Якин шарқ мамлакатларида бир ўсимлиқ борки, ўзига хос ажойиб хислати учун уни маҳаллий халқ «кулги дарахти» деб атайди. Дарахт паст бўйли ва кўримсиз, меваси ловиядек келади. Мевасини истеъмол қилган киши кийкириб кула бошлиди. Кулги дарахти кишига бир соат чамаси кулги бахш этади. Омади келмаган киши, иши юришмаган савдогар, овдан ўлжасиз кайтган сайёх, тиш оғриғига дучор бўлган одам ёки оиласидан ранжиб чиккан киши «кулги дарахти» мевасидан истеъмол килиб, кўнглини ёзиши ҳам мумкин.

КАЙФНИ ОШИРУВЧИ ДАРАХТ

Африка жанубидаги хилват ўрмонлардан бирида Марула дарахти ўсади. Унинг меваси пишган пайтда ўта атрофда яшловчи барча ҳайвонлар ва паррандалар кайф-сафо маросими га йиғиладилар. Улар Марула дарахтининг мевасини еб, маст бўладилар. Меванинг шираси ҳайвон организмида спиртга айланади. Кайфи ошган ҳайвонлар дарахт атрофидага хушдан кетиб йиқилгунча ўйнайдилар. Фил бир оёғида туриб айланади, маймун эса шоҳдан-чиоҳга сакрайверади. Дарахт теварагида йиғилган ҳайвонлар бир-бирларидан ҳайикишмайди, кайси бири эканлигининг фаркига ҳам боришимайди.

МУЗАФФАР ҚОҲИРА

Миср пойтахти ҳозирги номига карға туфайли мушарраф бўлган экан. Ҳ асрда генерал Гавҳар янги шаҳар куришга қарор килгач, шаҳарни ўраб турувчи деворлар ўрнини козик кокиб, аркон билан ўраб чиқиб, кўнғироқлар илиб кўйиш ҳакида бўйрук берган. Мунажжимлар кўқдаги юлдузлар мақбул ҳолатга келган пайтда ишни боплашига ижозат беришлари керак эди. Бирок кутилмаганда кўнғироқчалар ўз-ўзидан жаранглаб кетди – арконлардан бирига карға кўнган экан. «Қоҳира (яъни Марс) кўкка кўтарилимоқда», – дедилар мунажжимлар ташвиш билан. Чунки кўнғироқларнинг бевакт жарангланиши уруши ва хунрезлик аломати деб

караларди. Лекин барибир шахарга асос солинди ва у «Қохира» яъни «Музaffer» деган ном олди.

«ОТ КУЧИ» НИМА ЎЗИ?

Ушбу атамани муомалага биринчи бўлиб инглиз ихтироиси Жеймс Ватт киритган. «От кучи» дегандада куч эмас, балки қувват (оралик вакт мобайнида бажарилган ишнинг физик ўлчами) тушунилган. Саватларда кўмир тортаётган отни кўргач, олим бажарилаётган иш хажмининг хисобини олишга киришади. Математик хисоб-китоблардан сўнг, от бир дақиқа ичидаги чуқурлиги 100 фут (30 м) келадиган ўрадан 330 фунт (150 кг) кўмири ташигани маълум бўлади. Ушбу қувват ўлчови шу кунга кадар «horsepower» ёки hp тарзида, яъни «от кучи» маъносида кўлланилади. 1960 йилнинг октяброда бу атама бутун дунё бўйлаб кенг таржалади. Бугун бир от кучи ягона қувват ўлчови бўлиб, 736 ваттни ташкил этади. Автомобиль двигателларининг қуввати ҳозир хам шу ўлчови асосида аникланади.

КИММАТ СОТИЛГАН КИТОБ

«Тиббиёт санъатининг ягона ва энг чукур сири» номли қалин муковали китоб 1738 йили машҳур голландиялик доктор Герман Бурховенинг ўлимидан кейин топилган бўлиб, у 10 минг АҚШ долларига сотилган.

Китобни очиб кўришса, унда хеч кандай нарса ёзилмаган экан. Китоб вараги топ-тоза эди. Фақат китобнинг биринчи варагида «Бошингни совуқда, оёғингни иссиқда тут, шунда энг яхши шифокорни хам камбағал киласан» деган ёзув бор эди, холос.

ҒАЛАТИ ҚАРОР

XVI–XVII асрда яшаган англиялик Жон Стov 45 йил архив ва кутубхонада фидокорона меҳнат килиб, кексайганда кашшоқ бўлиб колади. Буни сезган Англия ҳукумати 1604 йили шундай карор чиқаради: «Шу маълум килинсинки,

Стов 45 йил давомида Англия тарихи учун, Лондон ва Вестминстерни тасвирлаб ёзган 12 та иши ва бутун хәётини ватан хизматига бағишилаганлиги боис кироллик марҳаматимизни дариф тутмай, тиланчилик килиб, ундан тупған маблағни ўз эҳтиёжига ишлатишига рухсат берамиз».

НОТҮГРИ ХУКМ

Хаётда баъзан аклга сиғмайдиган ғаройиб воқеалар ҳам содир этилади. 1971 йили Англияда 94 нафар танга ясовчи ўлимидан кейин окланди. Улар саккиз ярим аср илгари хукм килинган эди. 1124 йилдаёк инглиз шохи Генрих I ўзининг танга ясовчи қасридаги ишчиларни қалбакичиликда айблаган эди. Кимdir унга кумуш тангаларни ясашда ишчилар металлга кўпроқ қалай кўшишаётганини айтганди.

Тез орада шохлик суди бўлди ва жиноятчиларнинг ўнг кўли кесиб ташлансин, деган шафқатсиз хукм чиқарилди. Сарой жалподлари хукмни ўтпа ондаёк ижро этишди. Нихоят, бизнинг замонамизга келиб оксфордлик олимлардан бири мусибат келтирган тангаларни рентген нурлари ёрдамида синчиклаб текшириб, катъий шундай хуносага келади: «Тангалардаги қалай миқдори жуда оз бўлиб, шохга нотўри маълумот етказилган. Танга ясовчиларга ноҳақ хукм чиқарилган».

СЎНГГИ ХАТО

Хаётда инсоннинг омади келмаса қийин экан. 1816 йили Авлиё Елена оролига умрбод сургун килинган Франциянинг собиқ императори Наполеон Бонапарт ўзининг энг яқин бир дўстидан совға олади. Бу фил суюги ва нефритдан ясалган шоҳмот эди. Наполеон ҳар куни бу ажойиб шоҳмот доналарини кўлига олиб томоша килар, сўнгра эса ўз-ўзи билан шоҳмот ўйнарди.

Собиқ императорнинг ўлимидан кейин бу шоҳмот бир неча бор аукционларда кимошди савдосида сотилди. Шоҳмотнинг энг кейинги эгаси тасодифан шоҳмот доналаридан бирининг буралиб очилишини сезиб колади. У ерда

оролдан қандай қилиб қочиши режаси яшириб күйилган экан. Наполеон шоҳмот доналарини бураб очишни етти ухлаб тушига ҳам келтирмаган бўлса керак. Шу боис ҳам тақлиф қилинган режадан фойдалана олмаган. Тақдир Наполеон Бонапартни яна бир марта мот килганди.

ҚАШПОҚ МИЛЛИОНЕР ХОНИМ

Испаниянинг Барселона шаҳрида истиқомат қилувчи баликфуруш Пресенсианинг 800 минг доллари бор эди. Лекин у пулларини сарфлапига кўзи киймай, бир умр мухтожликда хаёт кечирган. Пресенсианинг қўшниси унинг бир неча кундан бери уйидан чикмаётганидан хавотирланиб, ўт ўчирувчиларни чакирган. Улар Испанияда энг яхши куткарувчилар хисобланишарди. ⁴ Ўт ўчирувчилар уйга кириб, ҳайратдан ёка ушлапшади. Чунки бундай ҳароба, бетартиб жойни ҳеч качон кўришмаганди. Кампир йикилишдан боши ёрилиб, очликдан силласи куриб чўзилиб ётарди. У куткарувчиларга миннатдорчилик билдириш ўрнига шкафда сакланаётган пулларини омонат кассага олиб бориб кўйишларини илтимос киласди.

Махаллий судья рухсати билан шкафдаги пуллар санаб кўрилганда 500 минг песет тангалар (4,5 минг доллар), 10 миллион песет коғоз пул (90 минг доллар) солинган халтачада қадимги тангалар, олтин ва бриллиантлар, 800 минг доллар кўйилган омонат дафтарчалари топилди. Ит пичаи емас, отга ҳам бермас, деб шуни айтсалар керак-да.

МАШХУРЛИККА ЭРИШГАН ҲАЙКАЛТАРОШ

Коллекционерлар ҳамиша ҳакикий санъат асарларини кидириб юришади. Чинакам санъат асарларига доимо талаб катта. Айниска, санъат асарларига катта маблағ тўлай боплаганларидан кейин кўплаб фирибгарлар пайдо бўла бошлиди. Қадимги усталар услубида ишлаганча улар ўзларининг соҳиба асарларини нафакат коллекционерлар, балки дунёнинг йирик музейларига ҳам сотингга муваффак бўлишган.

1938 йилнинг ёзида бир дәхқон Сент-Этьен шаҳрига яқин бўлган жойда ер ағдараётib мармардан ясалган ҳайкалча топиб олади. Оёксиз, бир кўлсиз ва бурунсиз бўлган соҳибжамолга узқ вакт термулган дәхқон уни кўтарганча уйига олиб кетади. Ҳайкал топилган майдонда археолог ва ҳаваскорлар кўпайиб қолади. Бирок олиб борилган қазилма ишлари хеч қандай натижа бермайди. Тарихчилар, санъатшунослар тасодифан топилган ҳайкалчани ўрганиб чикишга бел боғлашади. Венеранинг ҳайкалчаси буюк ижодкор томонидан яратилганига шубҳа қилинмайди.

Комиссия аъзолари топилмани ўрганиб чикишганидан сўнг бу бебаҳо санъат дурдонасининг ёши 1700–2500 эканлиги ва у римликларнинг Галлияга қилган юриши пайтида яратилганилиги оммага маълум қилинади. Венера бурнининг йўклиги Франциянинг фахрига айланнишига ва давлат ҳимоясига ўтишига тўскинлик кила олмади. Аммо бутун Франция шундай нодир топилмага эга бўлганлиги муносабати билан ўтказилаётган байрам кунлари кутилмаганда Кремонц исмли италиялик ҳайкалтарош пайдо бўлиб, ўзининг Венера муаллифи эканлигини маълум килади...

Олдинига уни телба деб ўйлашди. Машхурликка эришиш илинжида ҳар нарсага тайёр кимсалар бу дунёда сонсаноқсиз-да. Лекин Кремонц исбот тарикасида столга ҳайкалнинг барча этишмаётган аъзоларини эҳтиёткорлик билан кўяди. Соҳибжамол Венера яна ўз бурнига эга бўлади. Аммо француздар мухаббатидан маҳрум бўлишади. Чунки у мамлакат олимларини шармандали ҳолатга солиб кўйганди. Кремонц йигилган оммага барда кўшички бўлиб ишлайдиган ва ҳайкални яратишлда модель ўрнида хизмат килган аёлни таништиради. Француздар давлат амалдорлари-ю, олимлар устидан кулиш учун ажойиб имкониятга эга бўлишади.

Кремонц Венерани яратиб, уни ерга кўмиб кўйишидан мақсад италиялик бу ҳайкалтарош санъатшунослар унинг иқтидорига кераклигича эътибор бермаётганидан қаттиқ ранжиган ва улардан ўч олмокчи бўлган экан. Бу билан у ўз максадига эришдими-йўкми, бу номаълум. Аммо у бутун дунёга машхур бўлишга муваффак бўлди.

МУНДАРИЖА

СИРЛИ ХИЛҚАТЛАР

Семирамиданинг самовий боғлари	4
Бобил ҳакида афсоналар.....	7
Тож маҳал – муҳаббат қасри	9
Изсиз йўқолган қиролликлар	12
Ранглар сехри	14
Рант даволайди	16
Тантаналар сабабчиси.....	17
Гулдан олинган эфир мойи.....	18
Гулдаста ясаш – санъат	19
Гул – муҳаббат тимсоли	21
Шифокор гуллар	21
Гуллар шохи атиргул.....	22
Тушга нописанд бўлманг	25
Тушнинг таъбирлари	30
Қандай ухлайсиз?	31
Тушда аён бўлган шаҳар	33
Сфинкс жумбоклари	35
Миср эҳромлари сири	38
Мисрдаги энг улкан кутубхона	40
Монте Кристонинг сирилариниң хазинаси	42
Сураймоннинг ганжинаси	45
Ҳайкалчалар сири	47
Венеранинг топилиш тарихи	49
Амазонкалар	51
Саргузаштларга бой орол	54
Хазиналар илинжида	56
«Титаник» кемасининг ҳалокати	58
Юкори амазонкалик афсунгар	61
Фламинго – қадимги күш	89
Каурилар – тарихнинг гувоҳлари	96

ТАРИХ АЖОЙИБОТЛАРИ

Тарихдаги мухим кашфиётлар	108
Детектив кироли.....	111
Америка эртагининг муаллифи	114
Ихтирочи олимми ёки фантаст?	117
Жаҳонгашта саёҳатчи	119
Кўзойнакнинг кашф этилиши	122
Оҳангларда мужассам сехр	124
Созлар хақида ривоятлар	128
Мўъжизакор кўшик	132
Дуру жавоҳирлар сири	133
Энг кимматбаҳо тошлар	137
Қиммат сотилган тақинчоқлар	139
Баҳт келтирувчи гавҳар	139
Калбаки пул ясовчиларга жазолар	140
Соҳта пулларнинг ясалиши	141
Кирол безагининг тақдири	142
Сехрли ракамми ёки...	145
Кўл рамзлари	147
Кўл эгасига ўхшайди	149
Сизга соғлик тилайман	153
Кимнинг қўли яхши	154
Сайёralар қафтимизда	155
Сайёralар куни	158
Пешонадаги ёзик	160
Кулок ақл тарозиси	161
Холда ҳикмат кўп	164
Юздаги ажинлар аломати	165
Оёклардаги чизиқлар	166
Мучал ва ой номлари маъноси	167
Дараҳтларда ҳам жон бор	169
Доривор ўсимликлар тарихи	171
Қаҳва – қадимий ичимлик	173
Минг дардга даво асал	175
Умрни узайтирувчи неъмат	178
Таниноз хонимлар	180
Упа-элик, лаб бўёги	183
Топига ёзилган сувги мактуби	184

ТУРФА ОЛАМ

Ноёб хотира соҳиблари.....	186
Қон гурухи феъл-авторга боғлиқ.....	188
Рухий сокинлик	189
Ташхис кўйган роман	189
Металлар инсон саломатлигига фойда	190
Кўлда дил тафти.....	192
Ким қандай ёзарди?	195
Даҳолар ёшлигига.....	197
Бўйинбоғ эркакнинг кўрки	197
Қўлқоплар тарихи	198
Кашфиётлар қандай яратилади?	199
Совғанинг тарихи.....	200
Шоколад ҳакида нима биласиз?.....	202
Дараҳтда ўсадиган «тилла».....	203
Бошоқдан нусха олиб.....	204
Бўёқлар шоҳи.....	205
Шоҳмот оламида	205
Жаҳон чемпиони ибораси	206
Факат шоҳмот ўйнаш мумкин.....	207
Шоҳмот туфайли.....	207
Муаллифи номаълум достон.....	207
Кулги дарахти	208
Кайфни оширувчи дарахт	208
Музaffer Коҳира	208
«От кучи» нима ўзи?	209
Қиммат сотилган китоб	209
Ғалати карор	209
Нотўғри хукм.....	210
Сўнгги хато	210
Қанишок миллионер хоним.....	211
Машҳурликка эришган ҳайкалтарон	211

Илмий-аммабон нашр

МОНТЕ КРИСТОНИНГ СИРЛИ ХАЗИНАСИ

Мухаррир *A. Саъдуллаев*

Рассом *B. Валиев*

Бадиий мухаррир *X. Кутлуков*

Техник мухаррирлар: *T. Харитонова, D. Габдрахманова*

Мусахих Ш. Орирова

Компьютерда тайёрловчى *Г. Кулназарова*

Нашриёт лицензияси А1 № 158. 14.08.09.

Босишига руҳсат этилди 13.11.2012. Офсет көғози.

Бичими 84×108^{1/2}. Таймс гарнитурада офсет усулида босилди.

Шартли б.т. 11.34. Нашр т. 11.69. Адади 2000 нусха.

Буюртма № 12-340.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тонкент, Ишвоний кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz